

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Ш.Ш.ТЎРАЕВ, И.Ю.УМАРОВ, Г.А.АЛИМОВА

МИКРО-МАКРОИҚТИСОДИЁТ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма сифатида
тавсия этилган.

(Ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ–2017

УЎК 330.101.54(075.8)

КБК 65.012я73

Т 97

Ш.Ш.Тўраев, И.Ю.Умаров, Г.А.Алимова. Микро-макро иқтисодиёт. Т.: «Aloqachi», 2017, 252 бет.

ISBN 978–9943–5144–2–3

Мазкур ўқув қўлланма бугунги ахборот коммуникация технологиялари ва алоқа тизими жадал ривожланаётган шароитдаги талаблардан келиб чиқиб тайёрланган. Ҳозирги кунда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида олий таълим соҳасида кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хориж адабиётларидан самарали фойдаланиш ҳисобига замонавий ўқув қўлланмаларни яратиш, ўқув жараёнларида янги педагогик технологияларни, услубларни қўллаш, айниқса, талабаларни мустақил фикрлаш кўникмаларига ўргатиш учун мўлжалланган ўқув адабиётлари яратиш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Янги жараён бошқа ўқув фанлари каби “Микро-макроиқтисодиёт” фанини ўқитиш, бинобарин, унинг мазмунини республикамизда амал қилаётган қонун, қарор ва фармонлар талабларидан келиб чиққан ҳолда тубдан янгилашни тақозо этмоқда. Бу янги ўзгаришларни назарда тутиб, муаллифлар томонидан олий ўқув юрғларида ўқитиладиган алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари таълим соҳасининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент таълим йўналишлари учун “Микро-макроиқтисодиёт” фани дастурига асосланиб, ушбу ўқув қўлланма яратилди.

Бундаги маълумотлар мавзулар бўйича берилган. Ҳар бир мавзуда даставвал асосий кўриладиган масалалар, тавсия этилган адабиётлар, таянч иборалар, формулалар, амалий машқлар ва уларни ечиш йўллари, тўғри ва нотўғри фикрлар, тестлар, назорат ҳамда муҳокама учун саволлар келтирилган. Талаба ҳар бир мавзунини ўрганганидан сўнг, мазкур мавзуга тегишли таянч ибораларга, такрорлаш учун берилган саволларга жавоб бериши ҳамда билимини мустаҳкамлаш учун берилган топшириқларни мустақил равишда ечиши лозим бўлади.

“Микро-макроиқтисодиёт” фанидан амалий машғулот бўйича ўқув қўлланма нафақат талабаларга, балки, ўқитувчиларга амалий машғулот дарс жараёнида фойдаланишлари учун ёрдам беради.

УЎК 330.101.54(075.8)

КБК 65.012я73

Т 97

Тақризчилар: и.ф.д., проф. О.К.Иминов;
и.ф.д., проф. Б.И.Исроилов.

ISBN 978–9943–5144–2–3

© «Aloqachi» нашриёти, 2017.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
1-Мавзу: Иктисодий базис тушунчалар.....	7
2-Мавзу: Талаб ва таклиф таҳлили асослари.....	15
3-Мавзу: Талаб ва таклиф эластиклиги.....	29
4-Мавзу: Истеъмолчи танлови назарияси.....	40
5-Мавзу: Ишлаб чиқариш харажатлари.....	51
6-Мавзу: Рақобатлашган бозорда, қисқа муддатли ораликда фирма фойдасини максималлаштириш ва унинг таклифи.....	62
7-Мавзу: Рақобат ва яккахокимлик.....	70
8-Мавзу: Меҳнат бозори ва корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш.....	79
9-Мавзу: Капитал қўйилмалар ва капитал бозори.....	88
10-Мавзу: Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш.....	99
11-Мавзу: Бозор иктисодиётининг даврий ривожланиши. Ишсизлик.....	110
12-Мавзу: Инфляция ва аксилинфляция сиёсати.....	120
13-Мавзу: Ялпи талаб – ялпи таклиф модели.....	129
14-Мавзу: Истеъмол, жамғариш ва инвестиция функциялари... ..	136
15-Мавзу: Кейнснинг товарлар ва хизматлар бозорида макроиктисодий мувозанат модели.....	144
16-Мавзу: Пулга талаб ва пул таклифи. Пул бозорида мувозанат.....	153
17-Мавзу: Давлат бюджети. Солиқлар.....	162
18-Мавзу: Бюджет-солиқ сиёсати.....	170
19-Мавзу: Банк тизими. Пул-кредит сиёсати.....	177
20-Мавзу: IS-LM модели.....	183
21-Мавзу: Иктисодий ўсишнинг умумий тавсифи ва неокейнсча моделлари.....	194
22-Мавзу: Иктисодий ўсишнинг неоклассик моделлари.....	200
23-Мавзу: Халқаро савдо назарияси.....	207
24-Мавзу: Ташқи савдо сиёсати.....	215
25-Мавзу: Тулов баланси.....	222
26-Мавзу: Валюта курси.....	231
27-Мавзу: Очик иктисодиётда макроиктисодий сиёсат.....	240
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	247

КИРИШ

Иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида рўй бераётган ўзгаришлар янги бошқариш услубларини талаб этмоқда. Шу сабабли “Микро-макроиқтисодий” фанининг ўзига хос хусусиятлари, микро ва макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва бошқа масалаларни кенгрок ёритиш талаб этилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда иқтисодий тартибга солиш ва ривожлантириш бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган «Ўзбек модели» тамойиллари асосида амалга оширилмоқда. Мазкур моделнинг асосий беш тамойили асосида амалга оширилиб келинаётган иқтисодий ислохотлар жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни қабул қилиш билан ҳамоҳанг равишда олиб борилмоқда.

Шу ўринда талаб ва таклиф мувозанати, истеъмолчининг бюджети, ишлаб чиқиш харажатлари, қисқа муддатли шароитда фойдани максималлаштириш шартлари, макроиқтисодий барқарорлик ва ялпи ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали аҳолининг турмуш фаровонлиги даражасини ўстириш давлат иқтисодий сиёсатида бош мақсад бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда қисқа давр ичида бу мақсадга эришиш борасида кенг қўламли, асрларга татигулик ишлар амалга оширилди ва ютуқлар қўлга киритилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида юзага келган мураккаб муаммоларнинг муваффақият билан ҳал этилиши, макроиқтисодий мувозанатни таъминланиши, дастлаб иқтисодий пасайишни бартараф этилиши ва сўнгра иқтисодий ўсишга эришиш чуқур ўйланган ва илмий асосланган иқтисодий сиёсат самарасидир.

Айниқса, иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлик касб этганлиги, мамлакатимизни ривожлантириш борасида кейинги йилларда қайд этилаётган натижалар бу хулосалар қанчалик асосли эканлигини кўрсатди.

Иқтисодийда солиқ юки изчил пасайтириб борилиши билан бирга давлат бюджети профицит билан ижро этилмоқда, жалб қилинаётган ва ўзлаштирилаётган инвестициялар ҳажми ўсмоқда,

иктисодиётнинг таркибий тузилиши такомиллашиб, рақобатбардошлиги даражаси ортиб, экспорт салоҳияти юксалмоқда.

Бу ютуқларга эришишда, бош ислохотчи ҳисобланган давлат томонидан ислохотлар стратегиясининг тўғри белгилангани ва оқилона макроиктисодий сиёсат олиб борилганлиги ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бугунги кунда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлари хизмати 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди¹.

Давлат иқтисодий сиёсатининг назарий асослари сифатида тан олинадиган фанлар қаторида “Микро-макроиктисодиёт” фани алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ушбу фан орқали ялпи ишлаб чиқаришининг барқарор ўсишини, ресурсларнинг тўлиқ бандчилигини, инфляциянинг паст суръатларини ва тўлов балансининг мувозанатини таъминлаш нуктаи-назаридан мамлакат иқтисодиётини бир бутун ҳолда тадқиқ қилиш ва уни макроиктисодий тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини ўрганилади.

Келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, “Микро-макроиктисодиёт” фани миллий иқтисодиётнинг ривожланиши билан боғлиқ барча жиҳатларни, жумладан, меҳнат ресурслари, товарлар, пул бозорларининг амал қилиши, монетар, фискал ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш ҳамда бошқа масалаларни қамраб олади. Ушбу ўқув қўлланма “Микро-макроиктисодиёт” фани предметига кирадиган барча масалаларни мантикий изчиллик ва узвийликни таъминлаган ҳолда ўрганишга хизмат қилувчи мавзуларни ўз ичига олган.

Ушбу ўқув қўлланма янги давлат стандарти талаблари бўйича тузилган ва Республика мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тавсия этилган янги намунавий ўқув дастури асосида ёзилди. Унда дастурдаги барча мавзулар қамраб олинган, лекин ҳажми чекланган

¹ Б.Хожиев ва бошқалар. Ислом Каримовнинг “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. - 2013. –86 б.

бўлганлиги учун кўпгина материаллар иложи борича қисқартириб берилди. Шунинг учун ўқув қўлланмада камчилик ва мунозарали жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин. Асосий иқтисодий тушунчаларни соддароқ қилиб, оддий тилда мисоллар, жадваллар, графиклар асосида тушунтиришга ҳаракат қилинди.

Ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашда ўқитишнинг янги педагогик ва инфорацион технологиялар талаблари ва хусусиятлари ҳисобга олиниб, ҳар бир мавзудан кейин асосий кўриладиган масалалар, тавсия этилган адабиётлар, таянч тушунчалар ва атамалар, мавзуга доир амалий машқлар, тўғри ва нотўғри фикрлар, тестлар, шунингдек, такрорлаш ва мунозара учун саволлар ҳам берилди.

“Микро-макроиқтисодиёт” фани бўйича мазкур ўқув қўлланма АКТ соҳасида иқтисодиёт бакалавриат таълим йўналишлари талабаларига мўлжалланган.

1-МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ БАЗИС ТУШУНЧАЛАР

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Иқтисодий ресурслар ва уларнинг турлари.
2. Ишлаб чиқариш имкониятлари ва унинг аҳамияти.
3. Ишлаб чиқариш имкониятлари чизиги.
4. Позитив ва норматив таҳлил.
5. Товарлар оқими модели.
6. Бозор иқтисодиёти.
7. Бозор ва унинг вазифаси.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гальперин В.М. и другие. Микроэкономика. В 2-х-т. – СПб.: Экономическая школа, 2013, – 395 с.
2. Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т. Микроиқтисодиёт. Олий ўқув юртлари учун дарслик.–Т.: Шарқ, 2001, – 320 б.
3. Н.И.Базылев, С.П.Гурко, М.Н.Базылева, А.К.Корольчук, М.Г.Муталимов, Л.Н.Новикова. Микроэкономика. Издательство: БГЭУ 2000 ISBN: 985-426-183-2.
4. Нуреев Р.М. Курс Микроэкономики: Учебник. – 3-е изд. изм. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2014. – 624 с.
5. Чеканский А.Н., Флорова Н.Л. Микроэкономика. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 745 с.
6. N.Gregory Mankiw, Microeconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4, 682 p.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Иқтисодий неъмат (economic good) – эҳтиёжни кондириш воситаси.

Ишлаб чиқариш имкониятлари чизиги – мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш орқали ишлаб чиқариладиган товарлар комбинациясини ифодаловчи чизик.

Эҳтиёж (needs) – инсонни, корхонани фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча нарсалар. Эҳтиёж – бу

инсонларни иқтисодий фаолият билан шуғулланишига ундайдиган ички куч.

Бозор – бу иқтисодий муносабатлар йиғиндиси бўлиб, товарларни олиш – сотиш билан боғлиқ бўлган жараёнлардир. Бозордаги асосий субъектлар ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар), истеъмолчилар (сотиб олувчилар) ва ўртада турувчилар (воситачилар) ҳисобланади.

Нафлик – иқтисодий неъматларни, шахс эҳтиёжини кондириш даражаси. Неъмат инсон эҳтиёжини қанча тўлароқ қондирса унинг нафлиги шунча юқори бўлади.

Бозор – бу иқтисодиётни ташкил қилишнинг махсус усулидир, у ерда одамлар пул орқали ўзларининг меҳнатлари натижаларини олди-сотди қиладилар. Иқтисодчилар Р.Липси, П.Стейнернинг образли айтиши бўйича “бозор – бу барча иқтисодиёт билан шуғуланувчиларнинг ўзаро алоқасини ифода этувчи сахнадир”.

Бозор бўлиши учун қуйидаги шартлар бўлиши лозим:

- а) катта ҳажмдаги ва доимий талаб;
- б) хўжалик фаолияти билан шуғулланадиганларнинг чекланмаган миқдорда бўлишлиги;
- в) ишлаб чиқариш омилларининг мутлоқ сафарбарлиги;
- г) сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги эркин рақобат;
- д) рақобатчиларнинг барчаси учун керакли ахборотнинг бўлиши.

Бозорнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Маҳсулотлар ва хизматлар бозори.
2. Ишлаб чиқариш омиллари (ресурслари) бозори.
3. Молиявий бозор.

Бозор иқтисодиётининг субъектлари бўлиб уй хўжалиги, фирмалар, давлат ҳисобланади.

Уй хўжалиги – бир ёки бир нечта кишидан иборат бўлган иқтисодий бирликдан иборат бўлиб, улар мустақил қарорлар қабул қилади: маълум ресурслар (омиллар) эгаси бўлиб ҳисобланади, ўзининг талабини максимал даражада қондиришга ҳаракат қилади.

Уй хўжалигига барча истеъмолчилар, ёлланган ишчилар, йирик ва майда капитал ишлаб чиқариш воситалари эгалари қиради.

Фирмаларга мустақил қарорлар қабул қилувчи корхоналар, фойда миқдорини юқори даражага (максимал) етказиш учун ҳаракат қилувчилар, ишлаб чиқариш ресурсларидан (омилларидан)

фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш, уни бошқа фирма, уй хўжаликларига ва давлатга сотувчи корхоналар киради.

Давлат корхоналари – деб хўжалик субъектлари ва бозор устидан назорат килиш учун юридик ва сиёсий ҳуқуққа эга бўлган барча ҳокимият ташкилотларига айтилади.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Фараз қилайлик, даромад 5500 доллардан кўп бўлганда солиқ миқдори 30% ни ташкил этади.

А) даромад миқдори қуйидагича бўлганда солиқнинг ўртача ва чегара нормасини аниқланг.

1) 3500 доллар 2) 9500 доллар 3) 12500 доллар 4) 20500 доллар

Б) бу қўлланилаётган солиқ прогрессивми ёки регрессивми?

2-машқ. Фараз қилайлик, бир пачка сигаретга кўйилган солиқ миқдори 7 сўм. Солиқни сотувчилар тўлайди. Солиқ киритилгунча сигарет таклифи қуйидагича бўлган:

Баҳо (бир пачка учун) 4500 6000 7000 8000

Таклиф ҳажми (млн дона) 90 100 120 150

А) бир пачка сигарет баҳоси 8000 сўм бўлган ҳолатда солиқ киритилса таклиф ҳажми қандай бўларди? 90 сўм бўлгандачи?

Б) Қуйида сигаретга бўлган талаб ҳақида маълумотлар келтирилган. Солиқ ўрнатилгунга қадар ва солиқ ўрнатилгандан кейин мувозанат баҳо қандай бўлишин аниқланг.

Баҳо (бир пачка учун): 4500 6000 7000 8000 9000

Талаб ҳажми (млн дона): 110 100 100 100 90

3-машқ. Нима учун янги ташкил қиланаётган фирмалар учун солиқ тўлаш ва бошқа тўловларини амалга оширишда баъзи бир имтиёзлар берилган.

(Айниқса, кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар учун)

4-машқ. Фирма пряник ва конфет ишлаб чиқаради. Бир кути пряник тайёрлаш учун 2 кг шакар ва 4 кг ун кетади, бир кути конфет учун 3 кг шакар ва 9 кг повидло сарфланади. Фирмада 90 кг шакар, 90 кг ун ва 216 кг повидло бор.

Аниқлансин:

а) Муқобил (альтернатив) харажатлар графиги чизилсин;

б) Пряник ишлаб чиқариш максимал бўлганда иккала маҳсулотнинг муқобил харажати топилсин;

в) Ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасида бўлса, пряник ишлаб чиқариш 5 қутидан 8 қутигача ошганда қанча конфет ишлаб чиқарилиши топилсин.

г) Ресурслар қачон тўлиқ сарфланади.

5-машқ. “Ширин” хусусий фирмаси конфет ва булочка маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бир дона булочка маҳсулотини тайёрлаш учун 0,5 кг ун кетади, бир қути конфет учун 2 кг шакар ва 6 кг повидло сарфланади. Хусусий фирмада 50 кг шакар, 50 кг ун ва 144 кг повидло бор. Аниқлансин:

1. Муқобил (альтернатив) харажатлар графиги чизилсин.

2. Булочка ишлаб чиқариш максимал бўлганда иккала маҳсулотнинг муқобил (альтернатив) харажати топилсин.

3. Ресурслар қачон тўлиқ сарфланади.

6-машқ. Талаба Тошкентда 4 йил ўқийди. У 2 хонали уйни ижарага олиб яшаса ҳар ойига 400000 сўмни тўлайди. Қолган пулларини банкда сақласа, йилига 25 фоиз даромад қилади. Квартира нархи 40 млн. сўм. Талаба ушбу уйни сотиб олгани маъқулми ёки ижарада тургани.

7-машқ. Андижондан Тошкентга 2 та талаба бормокчи. Агар улар энгил машинада борса 5 соатда боради, йўлқира нархи 50000 сўм. Агар поезда борса 10 соатда, чипта нархи 30000 сўм. Автобусда бориладиган бўлса 7 соатда борадилар, чипта нархи 25000 сўм. Биринчи талабанинг стипендияси 250000 сўм, иккинчи талабанинг стипендияси 350000 сўм. Топиш керак: қайси талаба қайси транспорт воситасида Тошкентга боришини аниқланг.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. “Ким учун ишлаб чиқариш керак” муаммосини давлат аралашувисиз ҳал этиб бўлмайди.
2. “Кўримас қўл механизми” ни асослаш билан Адам Смит, иқтисодиётни давлат бошқариши, лекин буни жамият сезмаслигини назарда тутган.
3. Аралаш иқтисодёт давлат ва хусусий мулкдорлар қарори асосида ривожланади.
4. Бензин куйиш шахобчаси – бу бозорнинг бир кўриниши.

5. График тасвирда ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги ҳолатини, ишлаб чиқариш имкониятлари чизигидан чап томондаги танловда ифодалаш мумкин.
6. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятлари чизигидаги нуқталардан бирида акс этган ҳолатини ўрганиб, “ишлаб чиқариш ниманинг ҳисобига ривожланмоқда ва кимнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинмоқда” саволларига жавоб топиш мумкин.
7. Иқтисодчи олимлар келажакда ишлаб чиқаришнинг ривожланиш заҳираларини таъминлаш учун ишсизликнинг ўсишини рағбатлантиришни тавсия қиладилар.
8. Ишлаб чиқариш имкониятлари модели чегарасидан ташқаридаги ҳолат мавжуд ресурслардан самарали фойдаланилмаётганлигини ифодалайди.
9. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги ноёблик, муқобил танлов ва альтернатив харажатларни ифодалайди.
10. Ишлаб чиқариш омилларининг баҳоси товар ишлаб чиқариш усулини аниқлайди.
11. Капитал заҳирасини ошириш учун жорий истеъмолни қисқартириш зарур.
12. Капиталистик иқтисодиётда “нима, қандай ва ким учун ишлаб чиқариш керак” саволларига баҳо механизми ёрдамида жавоб топилади.
13. Ресурслар ноёблиги муаммоси деганда кишиларнинг моддий неъматларга бўлган эҳтиёжларининг чексизлиги тушунилади.
14. Самарали иқтисодий тизимда ишлаб чиқариш омиллари унумдорлигининг камайиш қонуни амал қилади.
15. Товар (хизмат) лар ва ресурслар доиравий айланиши иқтисодий моделида уй хўжалигини ресурсларга бўлган эҳтиёжи ифодаланади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

♣ Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.

1. Қайси термин инсонларнинг сотиб олишга хоҳиш ва лаёқатини билдиради.

- а) Эҳтиёж;
- б) Талаб;

- в) Зарурлик;
- г) Даромад.

2. Бозор талабига таъсир этмайдиган жавобни топинг.

- а) Истеъмолчиларнинг даромади;
- б) Ўрнини тўлдирувчи товарлар баҳоси;
- в) Ресурслар баҳоси;
- г) Истеъмолчилар сони.

3. Агар бозор баҳоси мувозанат баҳосидан паст бўлса нима бўлади?

- а) Ортиқча таклиф;
- б) Тақчиллик;
- в) Истеъмолчилар бозори;
- г) Ресурслар баҳоси камаяди.

4. Чайқовчилар фаолияти нимани англатади?

- а) Қонуний тадбиркорлик хатарини кучайтиради;
- б) Баҳолар барқарорлигини кучайтиради;
- в) Иқтисодий нокулайликлар пайдо қилади;
- г) Доимо фойда келтиради.

5. Позитив таҳлилда нималар ўрганилади?

- а) воқеликларни қандай бўлса, шундайлигича;
- б) қандай бўлиши кераклигини;
- в) иқтисодий ривожланишдаги ижобий анъаналарни;
- г) иқтисодий ривожланишдаги салбий анъаналарни.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Иқтисодий эҳтиёж тушунчаси.
2. Иқтисодий неъматлар ва уларнинг хусусиятлари.
3. Ўрнини босувчи неъматлар.
4. Тўлдирувчи неъматлар.
5. Иқтисодий ресурслар ва уларнинг турлари.
6. Тадбиркорлик қобилияти тушунчаси.
7. Альтернатив харажатлар ва уларни аниқлаш.
8. Қайтарилмайдиган харажатларнинг вужудга келиши.
9. Ишлаб чиқариш имкониятлари ва унинг аҳамияти.
10. Ишлаб чиқариш имкониятлари чизиғи.
11. Неъматларни бир-бири билан алмаштириш (трансформация) коэффициентлари.
12. Позитив ва норматив таҳлил.
13. Товарлар оқими модели.
14. Буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт.
15. Бозор иқтисодиёти.
16. Бозор билан боғлиқ бўлмаган фаолият.
17. Бозор ва унинг вазифаси.

2-МАВЗУ: ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ТАҲЛИЛИ АСОСЛАРИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Талаб тўғрисида тушунча ва унга таъсир этувчи омиллар.
2. Таклиф тўғрисида тушунча ва унга таъсир этувчи омиллар.
3. Талаб ва таклиф қонуни.
4. Талаб ва таклифни ўзгариши.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Нуреев Р.М. Курс Микроэкономики: Учебник. – 3-е изд. изм. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2014. – 624 с.
2. Славин М.Б. Системный подход в микроэкономике. – М.: ТЕ-ИС, 2001.
3. Чеканский А.Н., Флорова Н.Л. Микроэкономика. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 745 с.
4. Эгамбердиев Э. Микроиқтисодиёт. Дарслик. – Т.: ТМИ, 2004, - 226 б.
5. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2015: статистик тўплам / Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2016.
6. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2015 год. – Ташкент, 2016, – С. 60.
7. N.Gregory Mankiw Микроэкономика, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4, 682 p.
8. Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т. Микроиқтисодиёт. Олий ўқув юртлиари учун дарслик.–Т.: Шарқ, 2001, – 320 б.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Таклиф (supply) – бу ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар томонидан берилган нархларда сотилиши мумкин бўлган товарлар миқдори.

Талаб (demand) – берилган нархларда харидорлар томонидан сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар миқдори.

Таклиф қонуни – тўғридан-тўғри нарх ўзгариши билан боғлиқ ҳолда таклиф хажмининг ўзгариши.

Талаб қонуни – нархдан бошқа омиллар ўзгармаганда талаб миқдори билан нарх ўртасидаги боғлиқлик.

Истеъмолчи ортиқчалиги (ютуғи) – истеъмолчи товарлар учун тўлаши мумкин бўлган нархлар билан товарларга бозорда ҳақиқий тўланган нархлар айирмаларининг йиғиндиси.

Ишлаб чиқарувчи ортиқчалиги (ютуғи) – товарларниг ҳақиқий нархларидан чекли (бир бирлик қўшимча товар ишлаб чиқаришга кетган) харажатларни айирмалари йиғиндисига тенг.

Шахс талаби (individual demand) – битта истеъмолчининг товарга талаби.

Мувозанат нарх (equilibrium price) – талаб билан таклифни тенглаштирувчи нарх. Мувозанат нархга тўғри келадиган товар миқдорига мувозанат маҳсулот миқдори дейилади.

Трансакцион харажатлар (transaction costs) – бозорда товарларни сотишда эгалик ҳуқуқини аниқлаш ва уни бериш билан боғлиқ харажатлар.

Бозор мувозанати – бозорда таклиф миқдорини талаб миқдорига тенг бўлган ҳол; таклиф чизиғи билан талаб чизиғи кесишган нуқтага мувозанат нуқта дейилади.

Талаб ва таклиф мавзусидаги барча масалалар талаб функцияси (Q^D) ни таклиф функцияси (Q^S)га тенглаштириш орқали ишланади, яъни $Q^D = Q^S$. Шундай қилиб, мувозанат баҳо (P_1) аниқланади. Топилган (P_1) қийматни функцияларидан исталган бирига (талаб функциясига ёки таклиф функциясига) қўйиш орқали мувозанат сотув ҳажми (Q_1) аниқланади.

Агар баҳо белгиланган бўлса (P), бу баҳони талаб функциясига қўйиш орқали талаб ҳажми, таклиф функциясига қўйиш орқали таклиф ҳажми аниқланади. Бу ерда кондирилмаган талаб ҳажми ёки ортиқча таклиф ҳажми Q^D ва Q^S ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Ишлаб чиқаришга солиқ (H) киритилганда, истеъмолчи баҳоси (P^+) ишлаб чиқарувчи баҳоси (P^-)дан киритилган солиқ миқдорига катта бўлади, яъни

$$P^+ = P^- + H$$

Ишлаб чиқаришга субсидия (C) киритилганда, истеъмолчи баҳоси (P^-) ишлаб чиқарувчи (P^+)дан киритилган субсидия миқдорига кичик бўлади, яъни

$$P^- = P^+ - C$$


Солиқ ёки субсидия процентларда (Π) ифодаланган бўлса, қуйидаги формулалар ўринлидир:

$$P^+ = P^- + \frac{\Pi * P^-}{100}, \quad P^- = P^+ + \frac{\Pi * P^+}{100}$$

Истеъмолчи ёки сотувчи рентасини (нафини) аниқлаш учун истеъмолчи тўлашга тайёр бўлган ёки сотувчи сотишга тайёр бўлган сумма ва ҳақиқатда тўланган ёки сотилган сумма ўртасидаги фарқ аниқланади.

Мувозанат – бу тизимнинг шундай бир ҳолатики, агар унга бирор бир ташқи куч таъсир қилмаса, у ўзининг ушбу ҳолатини сақлаб қолади.



Талаб ва таклиф моделида талаб D чизиғи билан таклиф S чизиғининг кесишган нуқтаси бозор мувозанатини билдиради. Мувозанат нарх P_e (2.1-расм) деб, шундай нархга айтиладики, агар у бозорда таклиф қилинадиган неъмат миқдори Q^S ни унга бўлган талаб миқдори унга бўлган талаб миқдори Q^D га тенглаштирса, яъни $Q^S = Q^D$. Талаб ва таклиф чизиғиқлари ягона мувозанат E нуқтада кесишади. P_e ва Q_e нуқталар, мувозанат нуқта E нинг координатлари ҳисобланади.



2.1-расм. Мувозанат нарх P_e ва мувозанат ишлаб чиқариш Q_e .

Бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгариши, бозор мувозанатини ўзгаришига олиб келади. Масалан, бозордаги талаб ошса, (талаб чизиғи ўнгга силжиганда) мувозанат нарх P_e ва мувозанат товар ҳажми Q_e ўсади. Агар бозор талаби камайса (талаб чизиғи чапга силжиса), P_e ва Q_e лар ҳам камаяди. Бозор таклифи ошса (таклиф чизиғи ўнгга силжиса), мувозанат нарх P_e камаяди, мувозанат товар ҳажми Q_e ўсади.

Агар бозор таклифи камайса (таклиф чизиғи S чапга силжиса), мувозанат нарх P_e ўсади, мувозанат товар ҳажми Q^s камайди (2.2, 2.3-расмлар).



2.2-расм. Талаб чизиғининг силжиши.

2.3-расм. Таклиф чизиғининг силжиши.

Агар таклиф ва талаб чизиклари бир вақтнинг ўзида силжишса, мувозанат нарх P_e ва мувозанат миқдор Q_e ларнинг ўзгариши ҳар хил бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган бозор модели статик бўлиб, у маълум вақт оралиғини олади (масалан, у бир ойга, бир йилга тенг бўлиши мумкин). Бундай бозор моделида ўзгарувчилар вақтга боғлиқ эмас.

Агар биз T вақт оралиғини қарасак, у ҳолда $t=1,2,\dots,T$ қийматларни қабул қилади. $P(1), P(2), \dots, P(T)$ – нарх траекториясини ёки динамик модел траекториясини беради.

Битта маҳсулот учун бозорнинг динамик моделини қараймиз.

Моделда талаб чизиғини D ва таклиф чизиғи S вақт ўзгариши билан ўзгармайди деб фараз қилайлик. Талаб функцияси $Q^D(t)$ ва таклиф функцияси $Q^S(t)$ нарх $P(t)$ га боғлиқ. Бу ерда $P(t)$ t – ораликдаги нарх, $P(t-1)$ – олдинги $P(t-1)$ – ораликдаги нарх. Талаб функцияси:

$$Q^D(t) = a_0 - a_1 \cdot P(t)$$

бу ерда a_0, a_1 – ўзгармас параметрлар.

Таклиф функцияси:

$$Q^S(t) = b_0 + b_1 \cdot P(t-1)$$

бу ерда b_0, b_1 – ўзгармас параметрлар.


Таклиф чизиғи (supply curve) – товар нархи билан таклиф қилинадиган ушбу товар миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи эгри чизик.

Таклиф чизиғи s (*supply*) қанча миқдорда ва қанақа ишлаб чиқариш нархида товарнинг бозорда сотилиши мумкинлигини кўрсатади. Таклиф чизиғи қанча юқорига кўтарилса, шунча нарх юқори бўлади ва шунга кўп фирмалар маҳсулот ишлаб чиқариб, сотиш имкониятига эга бўладилар.



2.4-расм. Талаб ва таклиф чизиқлари.

Бундай ҳолда, фирмаларда ишлаб чиқаришнинг кенгайиши қисқа вақт оралиғида интенсив бўлса, узоқ муддатда эса экстенсив амалга оширилади.



2.5-расм. Таклиф ўзгаргандаги янги мувозанат ҳолат.²

2.5-расмда таклиф чизиғи S дан S' га силжиган, мувозанат нуқта m_1 дан m_3 га тушган, умумий ишлаб чиқариш ҳажми Q_1 дан Q_3

² Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т. Микроиктисодиёт. Олий ўқув юртлари учун дарслик. -Т.: Шарқ, 2001, – 20 б.


гача ошган. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари қанча кам бўлса, у шунча маҳсулот нарҳини пасайтиришга ва маҳсулотни кўпроқ сотишга олиб келади.

Иккинчи томондан, истеъмолчининг реал даромади ошса, у Q_1 миқдордаги товарни юқорироқ нарҳда, масалан, P_2 нарҳда ҳам сотиб олади, яъни даромади ошмаганда Q_1 товарни P_1 нарҳда сотиб олса, реал даромади ошса, у шу миқдордаги (Q_1) товарни P_2 нарҳда сотиб олади. Бу ҳолатда ҳам талаб чизиғи ўннга силжийди.

Талаб чизиғи D (Demand) истеъмолчиларнинг берилган нарҳларда қанча миқдорда маҳсулот сотиб олиш мумкинлигини билдиради. Талаб чизиғининг пастга кетиши, истеъмолчиларнинг нарх қанча паст бўлса, улар шунча кўп маҳсулот сотиб олишини англатади. Паст нарҳлар, харидорларга янада кўпроқ миқдорда товарлар сотиб олишига ҳамда илгари сотиб олаолмаётган истеъмолчиларга эса ҳозир у товарни сотиб олишга имкон яратади.

Ўзгаришлар янги таклиф эгри чизиғининг талаб чизиғи билан мувозанатга келиши билан боғлиқдир (2.5-расм).

Умуман олганда, даромад ошганда нарх ҳам, сотиб олинadиган товар миқдори ҳам ўзгармай қолмайди. Янги нарх ва янги товар миқдори натижада талаб ва таклифнинг мувозанатлигига олиб келади (2.6-расм).



2.6-расм. Таклиф ўзгаргандаги янги мувозанат.

Расмдан кўриниб турибдики, истеъмолчилар юқори P_3 нарҳни тўлаши мумкин, фирмалар эса, даромади ошгани учун кўпроқ, яъни Q_3 миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришади.

Мувозанат нарх куйидаги қайтарилadиган босқичлар бўйича аниқланади:

1. Талаб ва таклиф чизиқлари графиги чизилади (горизонтал ўқ бўйича нарх P қўйилади, вертикал ўқ бўйича таклиф ва талаб килинган маҳсулот миқдори Q);

2. Бошланғич вақт оралиғи $t=1$ бўйича таклиф миқдори $Q^s(t)$, бошланғич нарх $P(1)$ га кўра аниқланади, (бошланғич нарх $P(1)$) олдиндан сотувчи томонидан берилади;

3. $t=2$ оралиқ учун нарх $P(2)$ мувозанатлик шартидан аниқланади.

$$Q^D(2) = Q^S(2) \quad a_0 - a_1 \cdot P(2) = b_0 + b_1 \cdot P(1)$$

Нарх $P(1)$ маълум бўлгани учун, юқоридаги тенгликдан $P(2)$ аниқланади; $t=2$ учун $P(2)$ аниқланганидан кейин юқоридаги иккинчи ва учинчи босқичлар такрорланиб, $P(3)$ аниқланади ва ҳоказо. Ҳисоб-китобларнинг тўхташ шarti $P(t) = P(t-1)$ бўлиб, бу шарт баржарилса, мувозанат нарх $P_e = P(t) = P(t-1)$ кўринишида аниқланади.


Тақрибий баҳолаш: Агар $\lim_{p \rightarrow \infty} |P(t) - P(t-1)| < \varepsilon$ бўлса, $P(t) = P_e$, деб қараш мумкин.

Умуман олганда бозорнинг динамик моделида **бозор нархи** $P(t)$ нинг ўзгариши уч хил вариантга олиб келиши мумкин:


1. Вақт ўтиши билан бозор нархи $P(t)$ нинг мувозанат нархдан четланиши камайиб боради;

2. Бозор нархи мувозанат нархдан узоклашиб боради;

3. Бозор нархи мувозанат нарх атрофида тебраниб туради ва бозор мувозанатига ҳеч вақт эришилмайди.



2.7-расм. $\beta > |\alpha|$ бўлган ҳол.



2.8-расм. $\beta < |\alpha|$ бўлган ҳол.

Агар таклиф чизиғи S талаб чизиғига нисабат тикроқ бўлса, биринчи ҳол юз беради. Агар таклиф чизиғининг ётиқлиги талаб чизиғининг ётиқлигига нисбатан тикроқ бўлса, $\beta > \alpha$ биринчи ҳол амалга ошади. Учинчи ҳолатда талаб ва таклиф чизиқлари ётиқлиги бир хил бўлади (2.7-расм).

Агар таклиф чизиғи S талаб чизиғи D га нисбатан ётиқроқ бўлса, иккинчи вариант юз беради (2.8-расм) ва учинчи вариантда таклиф ва талаб чизиқлари ётиқлиги бир хил бўлади. Тўғри чизиқли талаб ва таклиф функциялари:

$$D = a - A \cdot P(t)$$

$$S = b + B \cdot P(t-1)$$

учун $t \rightarrow \infty$ да $P(t) = P(t-1)$ бўлади, яъни мувозанат нархга бозор нархи яқинлашади агар қуйидаги шарт бажарилса, яъни $\left| \frac{\alpha}{\beta} \right| < 1$ бўлса.

Бозорнинг динамик моделида нархлар траекторияси $P(1), P(2), \dots$ ўргимчак уяси тўрига ўхшагани учун ҳам бу модел тўрсимон модел деб ном олган.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ **Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!**

1-машқ. Аҳолининг маълум бир товарга бўлган талаб функцияси қуйидагича:

$Q^D = 7 - P$. Ушбу товарнинг таклиф функцияси қуйидагича: $Q^S = -5 + 2P$. Мувозанат баҳони ва мувозанат сотув ҳажмини аниқланг.

Ечиш: Биз бу машкни ечишда юкорида берилган формуладан фойдаланамиз:

$$Q^D = Q^S$$

$$7 - P = -5 + 2P,$$

$$7 + 5 = 2P + P$$

$$12 = 3P, \quad P = 4$$

Демак, мувозанат баҳо 4 минг сўмга тенг.

Топилган ушбу қийматни талаб ва таклиф функцияларга қўйиш орқали мувозанат сотув ҳажми аниқланади:

$$Q^D = 7 - P$$

$$Q^D = 7 - 4 = 3 \text{ ёки}$$

$$Q^S = -5 + 2P$$

$$Q^S = -5 + 2 \cdot 4 = -5 + 8 = 3.$$

Демак, мувозанат сотув ҳажми 3 млн. донага тенг.

Изоҳ: бу ерда P – баҳо, минг сўмда. Q^D ва Q^S талаб ва таклиф ҳажми йилига млн дона.

2-машқ. Юкоридаги машқдаги товар бир бирлигининг баҳоси 3 минг сўм қилиб белгиланди. Қондирилмаган талаб ҳажмини (дефицитни) ва сотув ҳажмини аниқланг.

Ечиш: Берилган бу баҳони талаб функциясига қўямиз:

$$Q^D = 7 - P$$

$$Q^D = 7 - 3 = 4 \text{ демак, талаб ҳажми 4 млн. донага тенг.}$$

$$Q^S = -5 + 2P$$

$$Q^S = -5 + 2 \cdot 3 = -5 + 6 = 1 \text{ Таклиф ҳажми 1 млн. донага тенг.}$$

3-машқ. 1-машқдаги товарнинг ҳар бир бирлиги учун сотувчи томонидан тўланадиган 1,5 минг сўм миқдориди солиқ киритилди. Мувозанат сотув ҳажмини, сотувчи ва истеъмолчи мувозанат баҳоларини аниқланг.

Ечиш: Солиқни сотувчи тўлайди. Шунинг учун унинг баҳоси

$$P^- = P^+ - H$$

$$P^- = P^+ - 1,5$$

$$\text{Бундан, } Q^D = 7 - P^+$$

$$Q^S = -5 + 2P^- = -5 + 2(P^+ - 1,5)$$

$Q^D = Q^S$ дан фойдаланиб ушбуни ҳосил қиламиз:

$$7 - P^+ = -5 + 2(P^+ - 1,5), \quad 7 - P^+ = -5 + 2P^+ - 3,$$

$$7 + 8 = 2P^+ + P^+, \quad 15 = 3P^+$$

$P^+ = 15 : 3 = 5$ Демак, истеъмолчи мувозанат баҳоси 5 минг сўмга тенг.

$P^- = P^+ - H = 5 - 1,5 = 3,5$ Сотувчи мувозанат баҳоси эса 3,5 минг сўмга тенг.

$$Q^D = 7 - P = 7 - 5 = 2,0$$

$$Q^S = -5 + 2(5 - 1,5) = -5 + 10 - 3 = 10 - 8 = 2,0$$

Демак, мувозанат сотув ҳажми 2 миллион донага тенг.

4-машқ. Товарнинг талаб функцияси $Q^D = 8 - P$, таклиф функцияси $Q^S = -7 + 2P$.

А) Мувозанат баҳо ва мувозанат сотув ҳажмини аниқланг.

Б) Айтайлик, товар учун ҳаридор томонидан баҳонинг 30 фоизи миқдорида тўланадиган солиқ киритилди. Солиқни ҳисобга олган ҳолда истеъмолчи ва сотувчи мувозанат баҳоларини мувозанат баҳоларини мувозанат сотув ҳажмини аниқланг.

5-машқ. Талаб функцияси $Q^D = 7 - P$, таклиф таклиф функцияси $Q^S = -3 + P$. Айтайлик ҳар бир бирлик товар учун икки минг сўмдан бюджетдан субсидия ажратилса, мувозанат сотув ҳажмини, истеъмолчи ва сотувчи мувозанат баҳоларини топинг.

6-машқ. Макаронга талаб функцияси берилган

$$Q_D = 100 + 2 * R - P$$

Бу ерда: Q_D – макаронга талаб;

P – макарон нархи;

R – истеъмолчи даромади;

Макарон нархи 1500 сўм бўлса, макаронга талаб функцияси фақат истеъмолчи даромадига боғлиқ бўлади

$$Q_D = 50 + 2R$$

Агар даромад $R=10000$ сўм бўлса, талаб функцияси фақат макарон нархига боғлиқ бўлади

$$Q_D = 2100 - P$$

7-машқ. Бирор товарни таклиф функцияси берилган.

$$Q_S = 100 + 2P$$

Давлат ҳар бир сотиладиган товарга 5 сўм солиқ белгилади. Таклиф чизиғи қандай ўзгаради?

Ечиш. Таклиф чизиғини чизамиз. Давлат $t=5$ сўм солиқ белгиласа таклиф чизиғи қуйидагича ўзгаради.

$$Q_S^t = 100 + 2(P - t) = 100 + 2(P - 5)$$

$$Q_S^t = 90 + 2P$$

Демак, таклиф чизиғи чап томонга параллел силжийди. Агар товар нархи $P = 20$ сўм бўлса, солиққа торгунга қадар таклиф тенг.

$$Q_s = 100 + 20 * 2 = 140$$

Солиққа тортилгандан кейин

$$Q'_s = 90 + 20 * 2 = 130$$

8-машқ. Товарга бўлган талаб ва таклиф куйидаги функциялар орқали берилган.

$$Q_D = 200 - 3P \quad Q_S = -50 + 2P$$

Агар давлат хар бир товар учун 10 сўм субсидия берса бозор параметрлари қандай ўзгаради.

Ечиш.

$$200 - 3P = -50 + 2P$$

$$Q_D = Q_S \quad \text{дан} \quad P_e = 50; \quad Q_e = 50$$

$$Q'_s = -50 + 2(P + 10) = -30 + 2P$$

$$Q'_s = Q_D; \quad 200 - 3P = -30 + 2P; \quad P'_e = 46; \quad Q'_e = 62$$

Нарх 4 сўмга тушади, ишлаб чиқариш миқдори 12 бирликка ошади.

9-машқ. Бир давлатнинг ички бозорида бирор товарга бўлган талаб ва таклиф функциялари куйидагича

$$Q_D = 1000 - 2P$$

$$Q_S = -50 + P$$

Жаҳон бозорида ушбу товар нархи 50 доллар.

Аниқлансин:

Ички ва жаҳон бозори рақобатлашган бўлса, ички бозордаги ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ютуғи ҳамда йўқотишлари топилсин.

Жаҳон бозори нархида талаб

$$Q_D = 1000 - 2 * 50 = 900 \text{ донa}$$

$$\text{таклиф } Q_S = -50 + 50 = 0$$

Ички бозордаги барча талаб товарни импорт қилиш ҳисобидан қаноатлантирилади.

10-машқ. Бирор товарга бўлган ички бозор талаб функцияси $Q_D = 150 - P$, ички таклиф функцияси $Q_S = -50 + 4P$. Жаҳон бозорида ушбу товар нархи $P_{ж} = 20$ доллар.

Аниқлансин:

а) Давлатга қанча товар импорт қилинади?

б) Ҳар бир импорт қилинган товарга давлат 10 доллар божхона солиғи белгилади. Ички таклиф ва импорт миқдори қандай бўлади?

в) Давлат товар импортига 70 бирлик квота белгилади, товар нархи, ички таклиф ва талаб қандай ўзгаради?

11-машқ. Лимонга бўлган талаб ва таклиф функциялари куйидагича берилган

$$Q_D = 500 - 5P \qquad Q_S = -50 + 5P$$

Бозорнинг мувозанат параметрлари аниқлансин.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Талабнинг ўсиши, талаб чизиғи бўйлаб харид қилинадиган товарларнинг умумий миқдори ўсиши йўналишини ифодалайди.
2. Ишлаб чиқариш омиллари унумдорлигининг камайиш қонуни – товар баҳосининг камайиши, унга бўлган талаб ҳажмининг ортишини кўрсатади.
3. Агар Ҳукумат баҳонинг юқори чегарасини ўрнатса, у ҳолда мазкур товарга бўлган талаб ва таклиф тенглашади.
4. Истеъмолчи дидидаги ўзгаришлар талаб чизиғи бўйлаб, даромад ўзгариши эса талаб чизиғининг ўзига нисбатан параллел силжишига сабаб бўлади.
5. Талабнинг таклиф кенгайиши билан бир вақтда ўсиши мувозанат ишлаб чиқариш миқдорининг ўсиши, лекин мувозанат баҳо ўзгармаслигига сабаб бўлади.
6. Ишлаб чиқариш омиллари унумдорлигининг камайиш қонуни талаб чизиғи нима учун камаювчи эканлигини кўрсатади.
7. Ресурслар баҳосининг ҳар қандай ўзгариши талаб ва таклиф мувозанати нуқтасининг талаб чизиғи бўйича юқорига ёки пастга силжишига сабаб бўлади.
8. Бошқа тенг шароитларда картошка ҳосилдорлигининг пасайиши, чипс баҳоси ошишига сабаб бўлади.
9. Баҳонинг тақсимлаш функцияси товар ортиқчалиги ва тақчиллиги (дефицит) ни бартараф этиш вазифасини бажаради.
10. Агар урнатилган баҳо мувозанат баҳодан паст бўлса, у камайиб боради, бунда талаб камайиб, таклиф ортади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

♣ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Олмага бўлган талаб чизигининг чап томонга силжиши сабаби қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- а) Нок баҳосини камайиши;
- б) Олма баҳосини камайиши;
- в) Олма баҳосини кўтарилиши;
- г) Олмани етиштириш харажатларини ортиши.

2. Талаб ва таклиф қонунига мувофик, талабнинг кўпайиши қайси жавобда тўғри берилган?

- а) мувозанат баҳо ва мувозанат миқдорни камайишида;
- б) мувозанат баҳони ўсиши, мувозанат миқдорни камайиши;
- в) мувозанат баҳони камайиши;
- г) барча жавоблар тўғри.

3. Товарнинг мувозанат баҳоси қайси жавобда тўғри талқин этилган?

- а) Ортиқча талабни пайдо қиладиган баҳодан юқори баҳо;
- б) Ортиқча талаб ҳам, ортиқча таклиф ҳам бўлмайдиган баҳо;
- в) Тақчиллик ҳам, ортиқчалик ҳам бўладиган баҳо;
- г) Товарнинг нархи ортади.

4. Квартира ҳақини тўлаш бўйича ўрнатилган назорат оқибатлари қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) Таклиф қилинаётган уй-жойлар кўпайиши;
- б) Назорат ўрнатилган ҳудудларда берилган уй-жойларнинг сифати ёмонлашуви;
- в) Берилган уй-жойларнинг сифатининг кўтарилиши;
- г) Уй-жой танқислигини доимийликдан вақтинчаликка айлантериши.

5. Сотувдан олинадиган солиқ тўловчилар қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) Харидорлар томонидан тўланади;
- б) Ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланади;
- в) Харидорлар ва сотувчилар биргаликда тўлайди;
- г) Юқоридагиларнинг барчаси нотўғри.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРAT VA МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Бир омилли ва кўп омилли талаб функциялари.
2. Мувозанат баҳо мазмунини ёритиб беринг.
3. Таклиф тушунчасига таъриф беринг.
4. Таклиф функцияси.
5. Таклиф чизиғи.
6. Таклифга таъсир этувчи омилларни санаб ўтинг.
7. Талаб ва таклиф қонуни таърифини айтинг.
8. Талаб ва таклифни ўзгаришини қандай тушунасиз.
9. Талаб миқдорининг ўзгариши.
10. Талаб тушунчасига таъриф беринг.
11. Талаб функцияси.
12. Талаб чизиғи.
13. Талабга таъсир этувчи омилларни санаб ўтинг.
14. Талабнинг ўзгариши.

3-МАВЗУ: ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ЭЛАСТИКЛИГИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Талаб ва таклиф эластиклиги
2. Талабнинг баҳо бўйича эластиклиги.
3. Талабнинг даромад бўйича эластиклиги.
4. Кесишган талаб эластиклиги.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Нуреев Р.М. Курс Микроэкономики: Учебник. – 3-е изд. изм. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2014. – 624 с.
2. Чеканский А.Н., Флорова Н.Л. Микроэкономика. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2014. – 745 с.
3. N.Gregory Mankiw *Macroeconomics*, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4, 682 p.
4. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2015 год. – Ташкент, 2016. - С. 60.
5. Фуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т. Микроиктисодиёт. Олий ўқув юртлари учун дарслик .–Т.: Шарқ, 2001. – 320 б.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Таклиф функцияси (supply function) – таклифга таъсир қилувчи омиллар миқдори билан таклиф миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Талаб функцияси (demand function) – талабга таъсир қилувчи омиллар миқдори билан талаб миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Эластиклик (elasticity) – талаб ва таклифга таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариши натижасида уларни қанчага ўзгариши тушунилади (нархни, даромади, истеъмолчилар сони ва хоказо).

Талаб чизиғи (demand curve) – товар нархи билан сотиб олинadиган ушбу товар миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи эгри чизик.

Ўриндош товарлар (substitution goods) – истеъмол қилишда бир-бирини ўрнини босувчи товарлар ёки бир хил эҳтиёжни қондирувчи товарлар.

Тўлдирувчи товарлар (complementary goods) – биргаликда, комплекларда истеъмол қилинадиган товарлар.

Талаб ва таклиф қонунлари талаб ва таклифдаги ўзгаришлар натижасида маҳсулот нархи ва миқдорининг ўзгариш йўналишларини ақс эттиради. Лекин бу ўзгаришларнинг қандай қатталиқда бўлишини билиш ҳам муҳимдир.

Маҳсулот нархи ошиши ёки камайиши билан сотиладиган маҳсулот ҳажми қанчага ўзгариши мумкин. Даромадлари камайса, тадбиркорлар нима қилиши керак. Баъзилар нархларни оширади, баъзилар эса пасайтиради. Масалан, томошабинларни жалб қилиш учун театр чипталари нархи камайтирилиши, метрода юриш нархи эса оширилиши мумкин. Бу ҳолларда бозор субъектлари хатти-ҳаракатини аниқлашга талаб эластиклиги ва таклиф эластиклиги тушунчалари ёрдам беради.

Эластиклик – талаб ва таклифга таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариши натижасида уларни қанчага ўзгариши тушунилади.

Талаб эластиклигининг қуйидаги турлари фарқланади:

- а) талабнинг нарх бўйича эластиклиги
- б) талабнинг даромад бўйича эластиклиги

Талабнинг нарх бўйича эластиклиги нархлар ўзгаришининг талаб билдириладиган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига кўрсатадиган таъсир даражасини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда талабнинг нарх бўйича эластиклиги нархнинг 1% га ўзгариши маҳсулотга бўлган талабни неча фоизга ўзгаришини келтириб чиқаришини кўрсатади уни аниқлаш учун талаб билдирилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига фоизига нисбатан олинади.

$$K_{\text{эл.талаб}} = \frac{\Delta Q_{\text{талаб}}}{\Delta P}, \quad \text{бунда } \Delta Q_{\text{талаб}} - \text{талаб билдирилган маҳсулот}$$

ҳажмининг ўзгариш фоизи; ΔP – маҳсулот нархининг ўзгариш фоизи.

Талабнинг нарх бўйича эластиклигини ҳисоблаш услубияти куйидагидан иборат; маълумки талаб ҳажми ва нарх орасида тескари боғлиқлик мавжуд, яъни нарх тушса, талаб ҳажми ошади ва аксинча. Демак, эластиклик коэффиценти доим манфий катталики бўлади, чунки маҳсулот ҳажми ва нархнинг абсолют ўзгариши ишоралари турличадир. Лекин иқтисодчилар шартли равишда эластикликни мусбат катталики, деб ҳисоблайдилар.

Нархнинг ўзгариш фоизи куйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta P = \frac{P_2 - P_1}{P_1} * 100\%,$$

бунда P_1 – дастлабки нарх, P_2 – кейинги нарх.

Талаб ҳажмининг ўзгариш фоизини аниқлаш учун куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Q_{\text{маж}} = \frac{Q_2 - Q_1}{Q_1} * 100\%,$$

бунда Q_1 – талабнинг дастлабки ҳажми,

Q_2 – талабнинг кейинги ҳажми.

Агар эластиклик коэффиценти 1 дан катта бўлса талаб ҳажмининг ўзгариши нархнинг ўзгаришига нисбатан юқори даражада бўлганини англаш мумкин.

Агар нархнинг оз миқдордаги ўзгаришига талаб ҳажми кўп миқдорда ўзгарса, яъни, $E_{\text{эл.маж}} > 1$ бўлса, шундай маҳсулотга бўлган талаб эластик бўлади.

Агар талаб билдирилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариш фоизи нархнинг ўзгариш фоизидан кичик бўлса, яъни $E_{\text{эл.маж}} < 1$ бўлса, бу маҳсулотга бўлган талаб ноэластик ҳисобланади.

Талабнинг нарх бўйича эластиклигига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- ўринбосар товарлар ёки рақобатдошларнинг мавжудлиги;
- нархларнинг истеъмолчиларга сезиларсиз тарзда ўзгариши;
- истеъмолчилар дидларининг турғунлиги.

Талабнинг даромад бўйича эластиклиги қуйидагича аниқланади:

$$K_{Эл.тал} = \frac{\Delta Q_c}{\Delta D},$$

бунда ΔD - даромаднинг ўзгариш фоизи,

$\Delta Q_{тал}$ - талабнинг ўзгариш фоизи.

$$\Delta D = \frac{D_2 - D_1}{D_1} * 100\%,$$

бунда D_1 ва D_2 - мос равишда дастлабки ва кейинги даромад.

Талабнинг даромад бўйича эластиклигига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- а) у ёки бу товарнинг оила бюджети учун аҳамиятлилиги;
- б) маълум товарнинг зеб-зийнат ёки биринчи эҳтиёж буюмларига таъалукли эканлиги (биринчи гуруҳ учун эластиклик юқори, иккинчи гуруҳ учун эса паст бўлади);
- в) талабнинг турғунлиги.

Бундан ташқари шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, бирор товарга бўлган талабнинг эластиклиги бошқа товарлар нархининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. (Масалан бензининг нархи ошиши билан юқори қувватли кўп ёнилғи истеъмол қилувчи автомобилларга бўлган талабни қисқартиради).

Хтоварга бўлган талаб ўзгаришининг Y товар нархининг ўзгаришига боғлиқлигини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$E_{Эл.тал} = \frac{X}{Y}$$

Таклифнинг нарх бўйича эластиклиги кўрсаткичи мавжуд бўлиб, у қуйидагича аниқланади:

$$E_{Эл.так} = \frac{\Delta Q_c}{\Delta T},$$

бунда $\Delta Q_{так}$ - таклиф ҳажмининг ўзгариш фоизи,

ΔP - маҳсулот нархининг ўзгариш фоизи.

$$\Delta Q_{так} = \frac{Q_{2так} - Q_{1так}}{Q_{1так}} * 100\%,$$

бунда $Q_{1\max}$ ва $Q_{2\max}$ – мос равишда дастлабки ва кейинги таклиф.³

$$\Delta P = \frac{P_2 - P_1}{P_1} * 100\%,$$

бунда P_1 ва P_2 – мос равишда дастлабки ва кейинги нарх.

Битта товарга бўлган талабга бошқа бир товарнинг нархи таъсир кўрсатади. Масалан, пиво билан вино маълум маънода бир бирини ўрнини босади, агар винонинг нархи ошса пивога бўлган талаб ошади. Бундай боғлиқликдаги талаб ўзгаришига нархга боғлиқ кесишган талаб эластиклиги дейилади. Кесишган талаб эластиклиги – бу бошқа товарлар нархи бир фоизга ўзгарганда, талаб қилинадиган товарга талабнинг неча фоизга ўзгаришини билдиради:

$$E_{Q_1/Q_2} = \frac{\Delta Q_1 / Q_1}{\Delta P_2 / P_2} = \frac{P_2}{Q_1} \cdot \frac{\Delta Q_1}{\Delta P_2},$$

бу ерда Q_1 – биринчи товар миқдори;

P_2 – иккинчи товар нархи.

Пивонинг вино нархи P_6 бўйича кесишган эластиклиги E_{Q_n/P_6} куйидагича:

$$E_{Q_n/P_6} = \frac{\Delta Q_n / Q_n}{\Delta P_6 / P_6} = \frac{P_6}{Q_n} \cdot \frac{\Delta Q_n}{\Delta P_6}$$

Q_n – пиво миқдори; (вино нархи ошганда пивога талаб ошади, демак пивонинг талаб чизиги ўнгга силжийди).

Таклифнинг нарх бўйича эластиклигига куйидаги омиллар таъсир этади:

- маҳсулотнинг узоқ вақт сақлаш имконияти ва сақлаш харажатлари. Агар товарни узоқ вақт сақлаб бўлмаса ёки сақлаш харажатлари катта бўлса, шу маҳсулот таклифнинг нарх бўйича эластиклиги паст бўлади.

- ишлаб чиқариш жараёнини хусусиятлари. Агар ишлаб чиқарувчи маҳсулот нархининг ошиши билан уни ишлаб чиқариш ҳажмини ошира олса, ёки нархнинг пасайиши билан бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ўта олса, таклиф эластик бўлади.

³ Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т. Микроэкономия. Олий ўқув юртлири учун дарслик. -Т.: Шарқ, 2001, – 32 б.

- вақт омили. Ишлаб чиқарувчилар нархининг ўзгаришига жуда тез жавоб бера олмайдилар. Чунки ишлаб чиқариш қўлламани ошириш талаб этилса, қўшимча иш кучи, капитал жалб қилиш учун вақт керак. Худди шунингдек маҳсулот ҳажмини камайтириш талаб этилганда, ходимларни бўшатиш, кредитлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва бошқалар учун ҳам вақт талаб этилади.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Пиёзнинг дастлабки нархи 2500 сўм/кг бўлиб, бу нархда 56 тонна пиёз сотилган. Пиёзнинг нархи тушиб, 4000 сўм/кгни етгач, ундан 60 тонна сотилди. Пиёзга бўлган талабнинг нархи бўйича эластиклигини топинг.

Нархнинг ўзгариш фоизини топамиз.

$$\Delta P = \frac{2000 - 2500}{2500} * 100\% = 20\%$$

Энди талаб ҳажмининг ўзгариш фоизини ҳисоблаймиз.

$$\Delta Q_{\text{маз}} = \frac{60 - 56}{56} * 100\% \approx 7,14\%$$

Пиёзга бўлган талабнинг нарх бўйича эластиклиги аниқлаймиз.

$$E_{\text{эл.маз}} = \frac{\Delta Q}{\Delta P} = \frac{7,14\%}{20} \approx 0,36\%$$

Демак, пиёзнинг нархи 1%га тушиш унга бўлган талабни 0,36%га оширар экан. Пиёз нархи 10%га тушса унга бўлган талаб 36%га ошади. Агар талаб билдирилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариш фоизи нархининг ўзгариш фоизидан кичик бўлса, яни $E_{\text{эл.маз}} < 1$ бўлса, бу маҳсулотга бўлган талаб ноэластик ҳисобланади.

2-машқ. Аҳолининг маълум бир товарга баҳо бўйича талаб эластиклиги 0,25 даромад бўйича талаб эластиклиги эса 0,6га тенг. Келгуси даврда аҳоли даромадлари 5%га ўсади, баҳоларнинг умумий даражаси эса ўзгаришсиз қолади. Агар бу товарнинг баҳоси 8%га камайса товарга бўлган талаб ҳажми неча фоизга ўзгаради.

3-машқ. “х” товарга бўлган талаб функцияси қуйидагича: $Q_{dx} = 2 - P_x + 0,8P_y$. Агар $P_x = 1000$ сўм ва $P_y = 2000$ сўм бўлса “х” товарга бўлган талабнинг тўғри эластиклик коэффицентини аниқланг.

4-машқ. Агар “X” товарнинг баҳоси 4000 сўм бўлганда “Y” товарга бўлган талаб ҳажми 10000 дона, “X” товарнинг баҳоси 5000 сўм бўлганда “Y” товарга бўлган талаб 8000 дона бўлса баҳо бўйича кесишган талаб эластиклигини аниқланг.

5-машқ. Енгил автомобилларга талабнинг нархга кўра эластиклиги – 4. Автомобил сотишдан тушган даромад 20 фоизга ортиши учун сотиладиган автомобиллар сони ва уларни нархи қандай ўзгариши керак.

Ечиш:

$$E = \frac{\Delta Q}{\Delta P} = 4 \quad \Delta Q = -4\Delta P$$

$$\Delta P = -\frac{1}{4}\Delta Q$$

Талаб эластик бўлгани учун нархни пасайтириш керак. Демак, сотиш ΔQ га ошади, нарх $-\frac{1}{4}\Delta Q$ га камаяди. Даромадни ёзамиз.

$$TR = (1 + \Delta Q) * (1 - 0,25 * \Delta Q) TR_0 = 1,2TR_0$$

$$\text{ёки } (1 + \Delta Q) * (1 - 0,25\Delta Q) = 1,2$$

ΔQ га нисбатан квадрат тенглама ҳосил бўлади. Уни ечсак

$$\Delta Q = 1,3Q_0 \text{ ва } \Delta P = 0,925P_0$$

Яъни сотиш ҳажми 30 фоизга ошади, нарх 7,5 фоизга тушади

$$TR = 1,3Q_0 * 0,925P_0 = 1,2TR_0$$

6-машқ. Бирор товарнинг талаб функцияси $Q_D = 600 - 8P$, таклиф функцияси $Q_S = -50 + 2P$. Бозор мувозанат ҳолатда бўлганда талаб ва таклифни нархга эластиклиги аниқлансин.

7-машқ. А товарга талаб функцияси берилган

$$Q_{DA} = -20P_A + 6P_B + 400$$

Бу ерда: P_A – А товар нархи, P_B – В товар нархи.

Агар $P_A = 1000$ сўм ва $P_B = 5000$ сўм бўлса. А товарга бўлган талабни В товар нархига кўра кесишган талаб эластиклиги аниқлансин.

8-машқ. X товарга талаб функцияси берилган

$$Q_{XD} = 100 - 2P_X + 5P_Y$$

P_X , P_Y – X ва Y товарлар нархи.

Агар $P_X = 6$ ва $P_Y = 10$ бўлса X товарга бўлган талаб эластиклиги ва кесишган талаб эластиклиги аниқлансин.

9-машқ. Товарга бўлган талаб функцияси берилган.
 $Q_D = 16 - 2P$.

Аниқлансин:

- а) Сотувчининг нархдан боғлиқ даромад формуласи;
- б) Сотувчининг максимал даромади;
- в) 6 бирлик маҳсулот сотганда сотувчи даромади;
- г) қайси нархда сотувчи даромади 14 га тенг.

Ечиш:

а) Сотувчининг нархдан боғлиқ даромади формуласи

$$TR = PQ = P[16 - 2P] = 16P - 2P^2$$

б) $Q = \frac{16}{2} = 8$ $TR = 4 * 8 = 32$

в) $6 = 16 - 2P$; $P = 5$

в) $TR = 5 * 6 = 30$

$TR = P * Q = 14$

г) $P = 7$ $Q = 2$

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Бирлик эластикликни ифодаловчи нуқта талаб чизиғининг ўртасида жойлашган.
2. Баҳо 1% га ошганда, талаб ҳажми 5% га ўзгарса, бундай талаб талаб ноэластик.
3. Истеъмолчи бирор товар учун бюджетини қанча кам сарфласа, бу товарга талаб шунча ноэластик.
4. Кесишган талаб эластиклиги ўзаро ўринбосар товарлар баҳоси ва талаби ўзгаришини акс эттиради.
5. Агар харидорлар даромади ошса, нон истеъмоли ортади.
6. Трансакцион харажатлар тушунчасини фанга А. Маршалл киритган.
7. Йўлтўсар ўткинчига “ҳамён керакми, ёки жонинг” сўрови орқали субститут товарлардан оқилона танловни таклиф этган.
8. Карам сомса таклифининг камайиши карам баҳосининг ортиши ҳисобига вужудга келади.
9. Бозор баҳоси шаклланишига Давлат қатъий баҳо сиёсати билан аралашашиши натижасида товар тақчиллиги (дефицит) ортади.
10. Таклиф чизиғи 45^0 ли бурчак ётиқлигида таклиф эластиклиги энг юқори бўлади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

¶ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Баҳо бўйича талабнинг умумий эластиклиги, уни ташкил этувчи индивидуал талаб эластиклигидан қандай фарқ қилади?

- а) юқори;
- б) кам;
- в) бир хил;
- г) мутаносиблиги йўқ.

2. Баҳо бўйича таклиф мутлоқ ноэластик бўлган ҳолда, сотувчидан сотилган ҳар бир бирлик маҳсулот учун белгиланган солиқ олинса нима бўлади?

- а) Мувозанат сотув ҳажми камаяди;
- б) Мувозанат баҳоси кўтарилади;
- в) Истеъмолчилар ортиқчалиги камаяди;
- г) Сотувчилар ортиқчалиги камаяди.

3. Талабнинг баҳо бўйича эластиклиги қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- а) Зеб-зийнат буюмларига қараганда кундалик эҳтиёж молларига нисбатан юқори бўлади;
- б) Истеъмолчилар ўзлари учун энг юқори фойдаланганда юқори бўлади;
- в) Товар ишлаб чиқариш муқобил харажатлари юқори бўлганда юқори бўлади;
- г) Товар истеъмолчига камроқ зарур бўлса юқори бўлади.

4. Товар таклифининг қисқариши қайси ҳолларда пасайишига олиб келади?

- а) Бир-бирини ўрнини тўлдирувчи товарларга бўлган талабнинг кўпайиши;
- б) Агар баҳо бўйича талаб эластик бўлса, сотувчининг умумий даромадини кўпайиши;
- в) Агар даромад бўйича талаб эластик бўлса, сотувчининг умумий даромадининг кўпайиши;
- г) Ўрнини босувчи товарларга бўлган талабни кўпайиши.

5. Қуйидаги фикрлардан қайси бири талаб эластиклигига тегишли эмас?

- а) Баҳо эластиклиги коэффиценти бирдан кичик;
- б) Агар баҳо ўсадиган бўлса, сотувчининг умумий даромади камаяди;
- в) Истеъмолчилар баҳо ўзгаришига нисбатан секинроқ ўзгаради;
- г) Агар баҳо пасайса сотувчининг умумий даромади ортади.

6. Агар товар таклифи ноэластик бўлиб, унга бўлган талаб камайса, сотувчининг даромади нима бўлади?

- а) Ўсади;
- б) Камаяди;
- в) Агар талаб эластик бўлса камаяди;
- г) Агар талаб ноэластик бўлса камаяди.

7. Агар товарнинг миқдори бир хил баҳода сотилса, у холда бу товарга бўлган талаб нима деб ҳисобланади?

- а) Мутлоқ ноэластик;
- б) Мутлоқ эластик;
- в) Ноэластик;
- г) Эластик.

8. Талабнинг эластиклиги қайси жавобда тўғри аниқланган?

- а) Талаб қилинаётган миқдор ўзгаришнинг баҳо ўзгаришига нисбати орқали;
- б) Баҳо ўзгаришнинг, талаб қилинаётган миқдор ўзгаришига нисбати орқали;
- в) Миқдорнинг фоиз ўзгаришини баҳонинг фоиз ўзгаришига нисбати орқали;
- г) Талаб эгри чизиғи орқали.

9. Товарнинг баҳо бўйича талаб эластиклиги ўсишга қайси хол мойил бўлади?

- а) Бу товар қанчалик зарур бўлса;
- б) Унинг ўрнини босувчи товарлар қанча кўп бўлса;
- в) Жуда қисқа вақт оралиғида;
- г) Унинг баҳоси қанча паст бўлса.

10. Товарнинг баҳо бўйича талаб эластиклиги 0,5 га тенг бўлса, у нимани ифода этади?

- а) Баҳонинг ҳар қандай ўзгариши талабни 50% га ўзгаришини;
- б) Талаб қиланаётган миқдорнинг 1% ўсишига, баҳонинг 0,5% камайишига олиб келишини;

в) Талаб қилинаётган миқдорнинг 1%, баҳонинг 2% ўсишига олиб келиши;

г) Баҳонинг 0,5% ўзгариши, талабни ҳам худди шу миқдорга ўзгаришига.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Таклиф эластиклиги деганда нимани тушунаси.
2. Талабнинг баҳо бўйича эластиклигини мазмунини тушунтириб беринг.
3. Таклиф эластиклиги (эластиклиги)га таъсир қилувчи омилларни санаб ўтинг.
4. Талаб функцияси учун эластиклик коэффициентини ҳисоблаш усуллари.
5. Ёйсимон эластиклик. Эластик ва эластик бўлмаган талаб.
6. Абсолют эластик ва абсолют эластик бўлмаган талаб.
7. Талабнинг истеъмолчи даромадига кўра эластиклиги.
8. Кесишган талаб эластиклиги коэффициентини ҳисоблаш.
9. Сотувчи даромадини талаб эластиклигига кўра таҳлил қилиш.

4-Мавзу: Истеъмолчи танлови назарияси

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Истеъмолчини хуш кўриши.
2. Бюджет чекланиши чегараси.
3. Нафлилик концепцияси.
4. Чекли алмаштириш нормаси.
5. Бюджет чизиғи.
6. Бефарқлик эгри чизиғи.
7. Чекли нафлилик тўғрисида тушунча.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Нуреев Р.М. Курс Микроэкономики: Учебник. – 3-е изд. изм. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2014. – 624 с.
2. Мэнкью Н.Г. Принципы микроэкономики: Учебник для вузов. 4-е изд. / Пер. с англ. –Спб.: Питер. 2007. –592 с.
3. N.Gregory Mankiw Mikroekonomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4, 682 p.
4. Фуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т. Микроиктисодиёт. Олий ўқув юртлари учун дарслик .-Т.: Шарқ, 2001, – 320 б.
5. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2015 год. – Ташкент, 2016, -С. 60.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Нафлик функцияси. Истеъмолчи ҳаракатини аниқроқ таҳлил қилиш учун нафлик функциясидан фойдаланамиз. Нафлик функцияси - истеъмолчининг истеъмол қиладиган неъматлар ҳажми билан, у ушбу неъматларни истеъмол қилиш натижасида оладиган нафлик даражасини ифодалайди. Демак, нафлик функцияси, нафлик даражасини истеъмол қилинган неъматлар ҳажмига боғлиқлигини ифодалайди:

$$U = f(x_1, x_2, \dots, x_n),$$

бу ерда U - нафлик даражаси;


x_1, x_2, \dots, x_n - 1, 2, ..., n - неъматлар ҳажми.

Функционал талаб – товарни сифатидан келиб чикиб унга бўлган талаб.

Нофункционал талаб – товарни сифати билан боғлиқ бўлмаган омилларга асосланган талаб.

Норационал талаб – бу режалаштирилмаган талаб бўлиб, шахснинг ҳозирги хоҳишини, кайфиятини, инжиқлигини ўзгариши билан вужудга келадиган вақтинчалик талаб.

Умумий нафлик (total utility) – истеъмол қилинган неъматлардан олинган жами нафлик. Умумий нафлик билан чекли нафликнинг ўзгариши қуйидаги расмда келтирилган (4.1-расм).



4.1-расм. Умумий нафлик ва чекли нафликнинг ўзгариши.

Чекли нафлик – бу нафлик функциясидан бирор бир неъмат ўзгарувчиси бўйича олинган хусусий ҳосиладир.


$$MU_i = \frac{\partial U}{\partial X_i},$$

бу ерда X_i – i -неъмат миқдори;

MU_i – i -неъмат бўйича чекли нафлик.

Бефарқлик чизиги – бир хил даражадаги нафлик берувчи неъматлар миқдорлари комбинацияларини ифодаловчи эгри чизиқ.

Нафлик функциясининг U_1 ва U_2 қийматларига мос келувчи бефарқ чизиклар қуйидаги кўринишга эга.




4.2-расм. Бефарқлик эгри чизиклари.

Бюджет – истеъмолчининг маълум вақт оралиғида оладиган барча даромадлари йиғиндиси.

Чекли алмаштириш нормаси. Бефарқлик эгри чизигининг пастга томон ётиқлиги X_2 неъматни X_1 неъмат билан чекли алмаштириш нормасини ифодалайди. Чекли алмаштириш нормаси одатда MRS_{X_1, X_2} билан белгиланади.

Чекли алмаштириш нормаси MRS_{X_1, X_2} нинг миқдори горизонтал ўқ бўйича ифодаланган X_1 неъматнинг бир бирлиги учун, вертикал ўқ бўйича ифодаланган X_2 неъматнинг қанча миқдоридан воз кечиш мумкинлигини кўрсатади.



4.3-расм. Чекли алмаштириш нормаси.

Бефарқлик эгри чизиги координата бошига нисбатан ботиқ бўлгани учун, MRS бир неъмат билан бошқа неъматни алмаштириш ошиб борган сари камайиб боради. 4.3-расмда X_2 ўқи бўйича ажратилган ΔX_2 ни X_1 ўқи бўйича ажратилган ΔX_1 га нисбатан чекли алмаштириш нормасини беради:


$$MRS_{X_1, X_2} = \frac{-\Delta X_2}{\Delta X_1};$$

MRS_{X_1, X_2} – X_1 билан X_2 ни чекли алмаштириш нормаси.

Бюджет чизиги. Бюджет чегарасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$P_1 X_1 + P_2 X_2 \leq R,$$

Бу тенгсизлик товарларга сарфланадиган харажатлар йиғиндиси, истеъмолчи даромадидан ошмаслигини билдиради. X_1 ва X_2 ларнинг манфий бўлмаслик ($X_1 \geq 0$ ва $X_2 \geq 0$) шартини киритсак, у ҳолда биз истеъмолчининг товарларни сотиб олиши мумкин:



4.4-расм. Истеъмолчининг танлов соҳаси.

Бюджет чегараси тенгламаси $P_1X_1 + P_2X_2 = R$ графикда AB чизиғини беради, бу чизиқга *бюджет чизиғи* дейилади.

Бюджет чизиғи қуйидаги тартибда аниқланади ва тенгламасини қуйидагича ёзамиз:


$$X_2 = \frac{R}{P_2} - \frac{P_1}{P_2} \cdot X_1,$$

бу ерда $-\frac{P_1}{P_2}$ - бюджет чизиғининг бурчак коэффициенти, у бюджет чизиғининг X_1 ўқиға нисбатан ётиқлигини ифодаловчи катталиқ (графикда $\text{tg}\alpha = -\frac{P_1}{P_2}$). Бюджет чегараси тенгламасида $X_1 = 0$ бўлганда,

$X_2 = \frac{R}{P_2}$ бўлади ва бу ҳолда барча даромад X_2 неъматга сарфланади

(графикда A нукта бўлиб, унинг координаталари $(X_1 = 0; X_2 = \frac{R}{P_2})$ ва у

$\frac{R}{P_2}$ миқдорда сотиб олинади).



4.5-расм. Истеъмолчининг танлови.

Истеъмолчининг танлов масаласини қуйидаги график орқали кўриш мумкин.

Нафлик функцияси:

$$U(X_1, X_2) = X_1 \cdot X_2 \rightarrow \max \quad P_1 X_1 + P_2 X_2 = R, \quad X_1 \geq 0, \quad X_2 \geq 0.$$

Оптималлик шартидан

$$\frac{\partial U}{\partial X_1} = MU_1 = X_2; \quad \frac{\partial U}{\partial X_2} = MU_2 = X_1;$$

$$\frac{X_2}{X_1} = \frac{P_1}{P_2}.$$


Кўпчиликка қўшилиш самараси — бу истеъмол талабни ўсиш самараси бўлиб, кўпчилик сотиб оладиган товарни умумий қабул қилинган меъёрларга кўра сотиб олиш.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

❖ **Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!**

1-машқ. Расмда қандайдир истеъмолчининг бюджет чизиғи берилган.



- а) Агар Y товар бир донасининг баҳоси 500 сўм бўлса, истеъмолчининг даромади қанча.
- б) X товарнинг баҳоси қанча.
- в) Бюджет чизиғининг тенгламасини тузинг.

Ечиш: Масалани ҳал қилиш учун бюджет чизиғи формуласидан фойдаланамиз:

$$I = P_x * X + P_y * Y$$

Агар истеъмолчининг бутун даромади Y товарни сотиб олишга сарфланса унинг даромади куйидагича аниқланади:

а) $I = P_x * X + P_y * Y = P_x * 0 + 500 * 20 = 10000$ сўм:


Ҳамма даромад X товарга сарфланса, 25 бирлик маҳсулот учун баҳо (P_x) куйидагича аниқланади:

б) $P_x = \frac{10000}{25} = 400$ сўм

Бюджет чизиғининг тенгламаси куйидагича бўлади:

в) $Y = \frac{10000}{500} - \frac{400}{500} * X = 20 - 0,8X$

2-машқ. Расмда қандайдир истеъмолчининг бюджет чизиғи берилган.



а) агар X товарнинг баҳоси 500 сўм бўлса истеъмолчининг даромади қанча.

б) Агар товар баҳоси 1000 сўмга ўзгарса, бюджет чизиги қандай ўзгаради.

в) бюджет чизигининг тенгламасини тузинг.

3-машқ. Ахмаднинг фойдалилик функция қуйидагича: $U = X + Y$ бу ерда X ва Y , икки хил товарлар миқдори. Шунингдек, яна қуйидагилар маълум:

Ахмаднинг даромади $I = 600$ минг сўм, товарлар баҳоси $P_x = 2500$ сўм, $P_y = 3000$ сўм. Қуйидагиларни аниқланг:

а) Ахмад максимал фойдалиликка эришиш учун ўз даромадини қандай сарфлашиши керак.

Б) Баҳо $P_y = 4000$ сўм бўлгандачи.

В) Баҳонинг ортиши даромад ва ўрин алмаштириш самарадорлигига қандай таъсир қилишини таҳлил қилинг.

4-машқ. Талаба Аҳмедов икки хил товарнинг қуйидаги комбинациясини ўзи учун бир хил фойдалиликка эга деб ҳисоблайди:

А товар миқдори (дона)	Б товар миқдори (дона)
16	6
12	8
8	12
4	24

Агар A товар баҳоси 1,5 сўм ва B товар баҳоси 1 сўм бўлса, талаба ўзининг 24 сўм пулига қандай қилиб максимал фойдалиликка эришади.

5-машқ. Талаба ўзи учун уч хил товарнинг фойдалилик жадвалини тузди:

Порция номери	Нон (дона)	Сут (литр)	Дон (кг)
1	15	12	10
2	10	11	8
3	8	10	6
4	7	7	3
5	5	6	1

Талабада 2600 сўм бор эди. У ўзининг бу маблағига 30та нон (донаси 20 сўм), 40 литр сут (литри 20 сўм), 2 кг дон (килоси 40 сўм) сотиб олди.

А) талаба ўз бюджети билан максимал фойдага эришмаганини исботланг.

Б) Талабага қайси товарлар тўплами максимал фойда беришини аниқланг.

6-машқ. Жадвалда футболка ва олманинг умумий фойдалилиги тўғрисида маълумотлар берилган:

Футболкалар микдори	Умумий фойдалилик	Чегара фойдалилик	Олма микдори	Умумий фойдалилик	Чегара фойдалилик
0	0		0	0	
1	100		1	50	
2	190		2	95	
3	270		3	135	
4	340		4	170	
5	400		5	200	
6	450		6	225	
7	490		7	245	
8	520		8	260	
9	540		9	270	
10	550		10	275	

Футболка баҳоси 2 сўм, олма баҳоси 1 сўм даромад 12 сўм бўлса:

а) Юқоридаги товарларнинг чегара фойдалилигини аниқланг ва жадвалга ёзинг.

б) Олинган маълумотлар асосида пасайиб боровчи фойдалилик қонунини тушунтиринг.

7– машқ. Сиз қандай ҳисоблайсиз, фойдаланилаётган моддий нёъматнинг энг охириги қисми энг юқори фойдалиликни берадими. Масалан, талаба шундай ўйлаяпти: “Космосда космик кема бортида авария юз бериб, кислород чиқиб кетса энг охириги ютум кислород космонавтга энг юқори фойдалиликни берадику.” Сиз талабага қандай жавоб берасиз?

8– машқ. Тажрибаларда аниқланишича, юқори даромадга эга бўлган оилаларда болалар сони кам даромадли оилаларга қараганда доимо кам бўлади. Бу тўғрисида 1992 йилги Нобель мукофоти лауреати Г.Беккер (АҚШ) қизиқарли маълумотлар берди. У бу нарсани истеъмолчи танлови билан боғлади. Сиз бу ҳолатни ўз тажрибангизга асосланган ҳолда “ўрнини босиш самараси” ва «даромад самараси» тушунчалардан фойдаланган ҳолда

тушунтириб бера оласизми? Болаларни паст тоифадаги товарлар каторига киритиш мумкинми?

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



♣ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Умумий нафлилик чекли нафлиликка пропорционал.
2. Ишлаб чиқариш имкониятлари чизигидан пастдаги нуқта ундаги нуқтага нисбатан истеъмолчига кўпроқ наф келтириши мумкин.
3. Рационал истеъмолчи турли товарлар баҳоси ва нафлилиги тенглашгунича даромадини қайта тақсимлайди.
4. Бюджет чизиги ётиқлиги бурчаги қанча ўткир бўлса, истеъмолчи бюджети шунча чекланган.
5. Даромад самараси баҳо пасайиши натижасида истеъмолчининг нисбатан бойишини акс эттиради.
6. Маргарин паст сифатли товар бўлса, у Гиффен товари ҳисобланади.
7. Иккита товар бефарқлик эгри чизиги истеъмолчи мувозанати ҳолатида кесишади.
8. Агар картошка – Гиффен товари бўлса, у ҳолда алмашиш самараси даромад самарасида катта.
9. Сотувчи томонидан тўланадиган солиқнинг киритилиши истеъмолчи дидига таъсир этмайди.
10. Агар $tu_a/ru_a = tu_b/ru_b$ тенглик амал қилса, бефарқлик ва бюджет чизиклари устма-уст тушади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

♣ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Истеъмолчининг даромади ортишини график ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

- а) бюджет чизигининг ўзгариши орқали;
- б) бюджет чизигининг параллел равишда ўнгга силжиши орқали;
- в) бюджет чизигининг параллел равишда чапга силжиши орқали;
- г) аниқлаш мумкин эмас;

2. Алоҳида олинган истеъмолчи бефарқлик эгри чизигининг жойлашуви ва эгрилиги қуйидаги термин орқали тушунтирилади:

- а) истеъмолчи даромади ва унинг афзал кўриши орқали;
- б) сотиб олинмаган товарлар баҳоси орқали;
- в) истеъмолчининг афзал кўриши орқали;
- г) истеъмолчи даромади ва сотиб олинаётган товарлар баҳоси орқали.

3. Умумий нафлилик ортганда, чекли нафлилиги:

- а) камайганда;
- б) ортганда;
- в) аста-секин ортганда;
- г) ортганда ёки камайганда, лекин мусбат қийматга эга бўлса.

4. Бефарқликлар картасидаги истеъмолчи мувозанати – бу:

- а) бюджет чизиги ва бефарқлик эгри чизикларининг ҳар қандай кесишмасидир;
- б) бефарқлик эгри чизигининг энг юқори нуктаси;
- в) бюджет чизиги ва бефарқлик эгри чизикларининг бир нуктадаги уринмаси;
- г) бюджет чизигидаги ҳар қандай нукта.

5. Истеъмолчи хатти-ҳаракати назарияси бўйича истеъмолчи қуйидагини максималлаштиришга интилади:

- а) умумий ва чекли нафлилик ўртасидаги фаркни;
- б) умумий нафлиликни;
- в) ўртача нафлиликни;
- г) чекли нафлиликни.

6. Қуйидаги умумий нафлилик қийматларининг қайси бири камайиб борувчи чекли нафлилик қонунини ифодалайди:

- а) 200,300,400,500;
- б) 200,450,750,1100;
- в) 200,400,1600,9600;
- г) 200,250,270,280.

7. Қуйидаги чекли нафлилик қийматларининг қайси бири камайиб борувчи чекли нафлилик қонунини ифодалайди:

- а) 200,30,400,500;
- б) 200,200,200,200;
- в) 200,250,270,280;

г) 200,150,150,150.

8. Агар истеъмолчи бюджет чизиғи билан чегараланган жой ичидаги ҳар қандай нуктадаги товарлар комбинациясини танласа, у ҳолда у:

- а) фойдалиликни максималлаштиради;
- б) ўз бюджети миқдоридан кўра кўпроқ товарлар сотиб олишни хоҳлайди;
- в) ўз бюджетидан тўла фойдаланмайди;
- г) мувозанатда бўлади.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Бефарқлик чизиқлари картаси ва унинг хусусиятларини тушунтириб беринг.
2. Бефарқлик эгри чизиғи.
3. Бюджет чегараси ва унинг ўзгариши.
4. Бюджет чегараси деганда нимани тушунаси?
5. Бюджет чизиғи тушунчасига таъриф беринг.
6. Истеъмол назариясида неъмат тушунчаси.
7. Истеъмолчи танлов тўғрисида тушунчангиз.
8. Истеъмолчи танлови масаласи ечилишини график усулда таҳлил қилиш.
9. Истеъмолчи танловига таъсир қилувчи омиллар?
10. Истеъмолчи эҳтиёжини қондириш даражаси.
11. Нафлик функцияси қандай аниқланади?
12. Нафликни максималлаштириш.
13. Умумий нафлик, чекли нафлик, чекли нафликнинг камайиши қонуни тўғрисида нима дейсиз?
14. Чекли алмаштириш нормасини графигини тушунтириб беринг.

5-МАВЗУ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Харажатлар тўғрисида тушунча.
2. Ишлаб чиқариш харажатларни туркумланиши.
3. Ички ва ташқи харажатлар.
4. Иқтисодий фойда ва нормал фойда.
5. Ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар.
6. Қисқа ва узоқ муддатдаги харажатларнинг ўзаро боғлиқлиги.
7. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Нуреев Р.М. Курс Микроэкономики: Учебник. – 3-е изд. изм. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2014. – 624 с.
2. Роберт Пиндайк, Даниель Рубинфельд. Микроиктисод. Инглизчадан таржима. –Т.: Шарқ, 2002. – 325 б.
3. Мэнкью Н.Г. Принципы микроэкономики: Учебник для вузов. 4-е изд. / Пер. с англ. – Спб.: Питер. 2007. –592 с.
4. N.Gregory Mankiw Microeconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4, – 682 p.
5. Фуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т. Микроиктисодиёт. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: Шарқ, 2001, – 320 б.
6. Чеканский А.Н., Флорова Н.Л. Микроэкономика. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 745 с.
7. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2015 год. – Ташкент, 2016, – С. 60.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Фирманинг қисқа ва узоқ муддатли оралиқдаги фаолияти. Фирманинг ишлаб чиқариши ва харажатлари тўғрисида гапирганда уларни икки хил вақт оралиғида қараш лозим, қисқа муддатли ва узоқ муддатли.

Қисқа муддатли оралиқ – бу шундай вақт оралиғи, фирма бу оралиқда фаолият кўрсатганда, у ишлаб чиқариш омилларида

камида биттасининг ҳажмини ўзгартира олмайди. Бундай омилга ўзгармас ишлаб чиқариш омили дейилади.

Узоқ муддатли оралиқ - бу оралиқда фирма ишлаб чиқаришда фойдаланаётган барча ишлаб чиқариш омиллари ҳажмини (ишлаб чиқариш қувватини ҳам) ўзгартиради. Узоқ муддатли оралиқда барча ишлаб чиқариш ресурслари ўзгаради ва бундай ресурсларга ўзгарувчан ресурслар дейилади.

Умумий ҳолда фойда ялпи даромаддан умумий харажатларни айтириш орқали топилади.

$$\pi = TR - TC,$$

бу ерда π - фойда; TR - умумий даромад; TC - умумий харажат.

Ўзгармас харажат (FC - fixed cost) - бу қисқа муддатли оралиқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатдир (маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошганда ҳам, камайганда ҳам ўзгармайдиган харажат). Ўзгармас харажатларга бинодан, техникадан, иншоотлардан, ишлаб чиқариш ускуналаридан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар, ижара ҳақи, капитал таъмирлаш, маъмурий харажатлар киради.

Ўртача ўзгармас харажат (AFC - Average Fixed Cost) - бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгармас харажат бўлиб, у қуйидагича аниқланади:

$$AFC(Q) = \frac{FC}{Q}.$$

Ўзгарувчан харажат (VC - Variable Cost) - маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлган харажат, яъни маҳсулот ҳажми ошганда ёки камайганда ўзгарадиган харажат. Ўзгарувчан харажат Q га боғлиқ функция бўлиб, $VC(Q)$ кўринишида ёзилиши мумкин. Ўзгарувчан харажатларга хом ашёга, электроэнергияга, газга, ёрдамчи материалларга бўлган харажатлар ҳамда ишбай иш ҳақи киради.

Ўртача ўзгарувчан харажатлар (AVC - Average Variable Cost) - бир бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажат бўлиб, у ўзгарувчан харажат миқдорини ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига нисбати билан аниқланади.

Умумий харажатлар (TC - Total Cost) - қисқа муддатли оралиқда маълум миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ўзгармас ва ўзгарувчан харажатларнинг йиғиндисига тенг:

$$TC = FC + VC(Q),$$

бу ерда FC – ўзгармас харажат, $VC(Q)$ – ўзгарувчан харажат.

Ўртача умумий харажатларни умумий харажатни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$ATC = \frac{TC}{Q},$$

ёки ўртача ўзгармас (AFC) ва ўртача ўзгарувчан (AVC) харажатларни қўшиш йўли билан аниқланади:

$$ATC = AFC + AVC = \frac{FC + VC}{Q}.$$

Ўртача умумий харажатлар фирма фаолиятини таҳлил қилишда асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ўртача умумий харажат билан нарх ўртасидаги фарқ орқали фирманинг олаётган фойдаси ёки зарари аниқланади.

Чекли харажат (MC - *Marginal Cost*) – ишлаб чиқариш ҳажмини кичик миқдорга (одатда бир бирликка) ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча умумий харажатдир:

$$MC = \frac{\Delta TC}{\Delta Q} = \frac{\Delta(FC + VC)}{\Delta Q} = \frac{\Delta FC}{\Delta Q} + \frac{\Delta VC}{\Delta Q} = \frac{\Delta VC}{\Delta Q} = MVC.$$

Бу ерда чекли ўзгармас харажат $\frac{\Delta(FC)}{\Delta Q} = 0$ бўлгани учун, чекли харажат чекли ўзгарувчан харажат MVC га тенг ($MC = MVC$).

MVC – чекли ўзгарувчан харажат бўлиб, маҳсулотни қўшимча бир бирликка (ΔQ) оширгандаги ўзгарувчан харажатнинг ўсган қисми ΔVC га тенг.

Юқоридаги формуладан кўришиб турибдики, ўзгармас харажат чекли харажат миқдорига таъсир қилмайди. Чекли харажат ўзгарувчан харажат функциясидан олинган ҳосилага тенг:

$$MC = \frac{d(VC)}{dQ}.$$

Маржинал фойда = Сотилган маҳсулот таннари – Жами ўзгарувчан харажатлар

$$K = Dx - Cb - \check{z}b$$

K – зарарсизлик нуқтаси, Dx – доимий харажатлар, Cb – сотув баҳоси, $\check{z}b$ – бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажат.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

❖ *Муammo ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-Машқ. Фирманинг умумий харажат функцияси берилган: $TC = 80 + 5Q + 2Q^2$, фирманинг ўзгармас харажати, ўзгарувчан, ўртача ўзгармас, ўртача ўзгарувчан, чекли харажат функциялари аниқлансин.

2-Машқ. Жадвалда ишлаб чиқариш ҳажмидан боғлиқ умумий харажатлари берилган жадвалдаги қолган харажатлар топилин.

Q	TC	FC	VC	AFC	AVC	AC	MC
0	60						
1	100						
2	130						
3	155						
4	190						
5	210						

3-Машқ. Фирманинг умумий харажат функцияси берилган: $TC = 80 + 5Q + 2Q^2$, фирманинг ўзгармас харажати, ўзгарувчан, ўртача ўзгармас, ўртача ўзгарувчан, чекли харажат функциялари аниқлансин.

4-Машқ. Фирма раҳбари Х.Х.Хамраев харажатлар ҳисоботини йўқотиб қўйди. Қуйидаги жадвалда фирманинг баъзи бир харажатлари берилган. Бўш катаклар тўлдирилсин.

Q	TC	VC	AC	MC	AVC	AFC
1		8				12
2			12			
3					7	
4	25					
5				11		
6		30				

5-Машқ. Фирманинг қуйидаги маълумотлари берилган:

Ялпи даромади – 10 млн. сўм,

Ташқи харажат – 4 млн. сўм,

Нормал фойда – 2,5 млн. сўм.

Фирманинг бухгалтерия ва иқтисодий фойдаси топилсин.

Ечиш.

Бухгалтерия фойдаси = Ялпи даромад – бухгалтерия харажати = $10 - 4 = 6$ млн.сўм.

Иқтисодий фойда = ялпи даромад – иқтисодий харажат = $10 - (4 + 2,5) = 3,5$ млн.сўм

6-Машқ. Фирманинг бухгалтери фирманинг харажатлари ҳисоботини йўқотиб қўйди. У баъзи бир харажатларни эслаб жадвалга туширди. Қолган харажатлар топилсин.

Q	AFC	VC	AC	MC	TC
0					100
10			20		
20	5				
30				11	390
40		420			
50	2		14		

7-Машқ. «Сарвиноз» ишлаб чиқариш фирмасининг маълумотлари қуйидаги тартибда берилган:

А) Стандарт усулдан фойдаланган ҳолда бир дона маҳсулот таннархи ҳамда қуйидаги харажатларни ҳисоблаб топинг:

- 1) Асосий харажатлар;
- 2) Ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари;
- 3) Тўғри харажатлар йиғиндиси;
- 4) Умумий харажатлар йиғиндиси.

Б) Маҳсулотдан 20% фойда олиш учун қанча нархда сотиш керак.

Маълумотлар:

1 дона маҳсулот ишлаб чиқариш учун қуйидаги маҳсулотлар талаб қилинади:

I. Асосий материаллар: 60 кв.м. ҳар бир кв.м.га 795 сўмдан

II. Асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақи:

Йиғув цехи: 55 соат, ҳар бир соатига 250 сўмдан,

Қайта ишлаш цехи: 42 соат, ҳар бир соатига 180 сўмдан

III. Йиллик режалаштирилган харажатлар ва ишланган вақт бўйича:

	Сўм	Соат
1) Ўзгарувчан харажатлар:		
Йиғув цехи:	56250000	750000
Қайта ишлаш цехи:	27500000	450000
3) Доимий харажатлар:		
Амортизация харажатлар:	5880000	
Сотиш харажатлари:	29400000	
Маъмурий харажатлар	14700000	
Йиллик ишлаб чиқариш режаси	14700	дона маҳсулот.

Ечиш:

1) Асосий харажатлар:

Материаллар: $60 * 795 = 47700$ сўм

Асосий ишчиларнинг иш ҳақи:

Йиғув цехи: $55 * 250 = 13750$ сўм

Қайта ишлаш цех: $42 * 180 = 7560$ сўм

Асосий харажатлар = $47700 + 13750 + 7560 = 69010$ сўм

2) Ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари:

Йиғув цехи: $(56250000 : 750000) = 75$ сўм * 55 соат = 4125 сўм

Қайта ишлаш цехи: $(27500000 : 450000) = 61$ сўм * 42 соат = 2562 сўм

Жами: $4125 + 2562 = 6687$ сўм

3) Тўғри харажатлар йиғиндиси = $69010 + 6687 = 75697$ сўм

4) Умумий харажатлар йиғиндиси

Доимий ишлаб чиқариш харажатлари:

Амортизация харажатлари $5880000 : 14700 = 400$ сўм

Сотиш харажатлари $29400000 : 14700 = 2000$ сўм

Маъмурий харажатлар $14700000 : 14700 = 1000$ сўм

Жами: $400 + 2000 + 1000 = 3400$ сўм

Умумий харажатлар йиғиндиси = $75697 + 3400 = 79097$ сўм

Б) Маҳсулотдан 20% фойда олиш учун қанча нархда сотиш керак.

79097 сўм 80%

X - 100%

$X = 79097 * 100 / 80 = 98871,3$ сўм, Сотиш баҳоси- $98871,3$ сўм

8-Машқ. Ишлаб чиқариш корхонаси янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Бу маҳсулот турига жуда катта талаб бўлиши кутилмоқда. Шунинг учун қуйидагича харажатлар сарфланди.

Ўзгарувчан харажатлар:

Тўғри моддий харажатлар-	2120 сўм
Тўғри меҳнат харажатлар	– 450 сўм
Ёрдамчи материаллар	– 115 сўм
Тижорат харажатлари	– 225 сўм
Бошқа харажатлар	– 155 сўм
Жами:	3065 сўм
Доимий харажатлар:	82080 сўм
Амортизация ажратмаси	– 32110 сўм
Ижара харажатлар	– 41500 сўм
Бошқа доимий харажатлар	– 8470 сўм

Янги ишлаб чиқарилган маҳсулотни 5225 сўмдан сотмоқчи.

Талаб қилинади:

1. Маржинал усулдан фойдаланиб, корхона учун:
 - а) критик нуқта;
 - б) 84240 сўм фойда суммасини олиш учун қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариши лозимлигини топинг.
2. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш корхонаси 150200сўм фойда олиш учун қанча маҳсулот ишлаб чиқариши лозимлигини топинг. Фараз қилингки реклама харажати яна 31250сўм ўсган.
3. Фараз қилайлик, 12000 дона маҳсулот ишлаб чиқилган. Шу ҳолатда ишлаб чиқариш корхона 133920сўм фойда олиши учун маҳсулотни қайси баҳода сотиши лозим?

Ечиш:

1. А) Критик нуқта $= 82080 : (5225 - 3065) = 82080 : 2160 = 38$ бирлик маҳсулот
- б) Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми $= (82080 + 84240) : 2160 = 77$ бирлик маҳсулот
2. $(82080 + 31250 + 150200) : 2160 = 263520 : 2160 = 122$ маҳсулот бирлиги
3. Бунда маҳсулот бирлигининг келажакда сотилиш баҳоси «Х» деб белгилаб олинмиши лозим.
 $12000 = (82080 + 133920) : (X - 3065)$
 $12000 * (X - 3065) = 216000$
 $12000X = 216000 + 36780000 = 36996000$
 $X = 36996000 : 12000 = 3083$ сўм (баҳоси)

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



📌 Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Фақат меҳнат ва капитал қарор қабул қилишда ҳисобга олинадиган зарур омилдир.
2. Ихтисослаштириш (меҳнат тақисмоти) кўлма самарасининг ўсишини таъминлашга ёрдам беради.
3. Кичик фирмалар йирик корхоналарга нисбатан доимо кам самаралидир.
4. $LMC < LAC$ да LAC камаювчи, $LAC = LMC$ бўлган ишлаб чиқариш даражасида LAC минималдир.
5. Фирманинг ишлаб чиқариш ҳажми қанча ўсса, унинг доимий харажатлари миқдори шунча камаяди.
6. Агар фирма ишлаб чиқариш ресурсларининг салмоғини 30% га ошириб, ишлаб чиқариш ҳажми 20% ўсишига эришса, масштаб самараси ўсувчидир.
7. Агар ўзгарувчан омил нархи ошса, ATC , AVC ва MC эгри чизиклари юқорига силжиб, AFC чизиги ўзгаришсиз қолади.
8. Чекли маҳсулот камаювчи бўлганда умумий ишлаб чиқариш ҳажми қисқарувчи.
9. Чекли харажатлар минимал бўлганда чекли маҳсулот максимумга эришади.
10. Маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажми ўсганда, ўртача доимий харажатлар ўсади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

📌 *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Ишлаб чиқариш корхонаси учун қуйидагиларнинг қайси бири давр харажатлари гуруҳига киритилади?

- А) корхонанинг ижара учун тўлови
- Б) бошқа ёрдамчи материал учун харажат
- В) реклама учун харажатлар
- Г) машина ва асбоб ускуналарни ременти учун харажатлар

2. Ишлаб чиқариш корхонаси учун қуйидагиларнинг қайси бири ўзгарувчан харажатлари гуруҳига киритилади?

- А) корхонанинг ижара учун тўлови

- Б) бошқа ёрдамчи метериал учун харажат;
- В) реклама учун харажатлар;
- Г) машина ва асбоб ускуналарни ремонти учун харажатлар.

3. Ишлаб чиқариш корхонаси учун қуйидагиларнинг қайси бири яримдоимий харажатлари гуруҳига киритилади?

- А) корхонанинг ижара учун тўлови;
- Б) бошқа ёрдамчи метериал учун харажат;
- В) реклама учун харажатлар;
- Г) машина ва асбоб ускуналарни ремонти учун харажатлар.

4. Ишлаб чиқариш корхонаси учун қуйидагиларнинг қайси бири яримўзгарувчан харажатлари гуруҳига киритилади?

- А) корхонанинг ижара учун тўлови;
- Б) бошқа ёрдамчи метериал учун харажат;
- В) реклама учун харажатлар;
- Г) машина ва асбоб ускуналарни ремонти учун харажатлар.

5. Ишлаб чиқариш харажатларига қуйидагилардан қайсилари киради?

- А) харажатларнинг таркиби ва умумий кўринишлари;
- Б) харажатларни туркумлаш;
- В) харажатларни режалаштириш;
- Г) Барчаси.

6. Корхонанинг ҳисобот йили бошида қуйидаги қолдиғи борлиги аниқланди:

Захиралар	Йил бошида	Йил охирида
Материаллар	50000	60000
Тугулланмаган ишлаб чиқариш	93000	82000
Тайёр маҳсулот	51350	95345

Йил давомида корхона қуйидаги харажатларни амалга оширган:

- Материаллар сотиб олган - 400000 сўм
- Тўғри меҳнат харажатлари - 250000 сўм
- Умумий ишлаб чиқариш харажатлари - 335000 сўм

Шу мисолда ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи қанча?

- А) 986000
- Б) 956000
- В) 942005
- Г) 979000

7. Олдинги мисолдаги (6-тест) материалларидан фойдаланиб топингчи, ҳисобот йилида реализация қилинган маҳсулотнинг таннархи қанча?

- А) 986000
- Б) 956000
- В) 942005
- Г) 979000

8. Корхона ўзининг иқтисодий кўрсаткичларини қуйидагича акс эттирган:

Сотиш ҳажми - 200000 сўм
Ишлаб чиқариш харажатлари - 80000 (32% и доимий харажатлар)
Тижорат ва маъмурий харажатлар - 95000 (39% и доимий харажатлар)
Материаллар захирасини ҳисобга олмасдан маржинал фойдани ҳисобланг.

- А) 87650
- Б) 108000
- В) 120000
- Г) 135000

9. Корхона ўзгарувчан харажатларни ҳисоблаш усулидан фойдаланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд: (ўлчов бирлиги минг сўм)

Ишлаб чиқариш учун материаллар -	4,4
Меҳнат харажатлари -	1,6
Ўзгарувчан умум ишлаб чиқариш харажатлари -	2,3
Доимий умум ишлаб чиқариш харажатлари -	1,9
Ўзгарувчан тижорат харажатлари -	3,1
Доимий тижорат харажатлари -	1,1

Агарда тайёр маҳсулотлар қолдиғи 1240 бирликни ташкил қилган бўлса, унинг ишлаб чиқариш таннархи қанча бўлган?

- А) 10292
- Б) 12648
- В) 14136
- Г) 17856

10. Юқоридаги мисолдан (9-тест) фойдаланиб, 21300 бирлик маҳсулот сотилган бўлса (ҳар бир маҳсулот 22 сўмдан), маржинал фойда миқдори қанча бўлишини кўрсатинг.

- A) 225780
- B) 108000
- B) 120000
- Г) 135000



**МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА
УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Бой берилган имкониятлар ва альтернатив харажатлар.
2. Иқтисодий фойда ва нормал фойда.
3. Иқтисодий харажатлар, бухгалтерия харажатлари.
4. Ички ва ташқи харажатлар.
5. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш.
6. Корхонанинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли оралиқдаги фаолияти.
7. Қайтарилмайдиган харажатлар.
8. Қисқа ва узоқ муддатдаги харажатларнинг ўзаро боғлиқлиги.
9. Ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар.
10. Узоқ ва қисқа муддатлардаги харажатлар графиклари.
11. Ўртача ишлаб чиқариш харажатлари графикларининг ўзаро жойлашуви.
12. Ўртача харажатлар.
13. Чекли харажатлар.
14. Ялпи харажатлар.

6-MAVЗУ: РАҚОБАТЛАШГАН БОЗОРДА ҚИСКА МУДДАТЛИ ДАВРДА ФИРМА ФОЙДАСИНИ МАКСИМАЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ТАКЛИФИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Фойдани максималлаштириш тушунчаси.
2. Ялпи, ўртача ва чекли даромад.
3. Қиска муддатли даврда ишлаб чиқариш ҳажмини танлаш.
4. Узоқ муддатли даврда ишлаб чиқариш ҳажмини танлаш.
5. Ишлаб чиқариш омиллари баҳоси ўзгаришига фирманинг реакцияси.
6. Рақбатдаги фирма ўз фойдасини максималлаштириш учун товар ва хизматлар таклиф ҳақида қандай қарор қилади.
7. Нима учун фирмалар айрим вақтларда маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтатадилар.
8. Фойдани миқдорини кўпайтириш тўғрисида шахсий фикрингиз.

MAVЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Нуреев Р.М. Курс Микроэкономики: Учебник. – 3-е изд. изм. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2014. – 624 с.
2. Роберт Пиндайк, Даниель Рубинфельд. Микроиктисод. Инглизчадан таржима. –Т.: Шарқ, 2002. – 345 б.
3. Мэнкью Н.Г. Принципы микроэкономики: Учебник для вузов. 4-е изд. / Пер. с англ. – СПб.: Питер. 2007. –592 с.
4. Чеканский А.Н., Флорова Н.Л. Микроэкономика. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 745 с.
5. N.Gregory Mankiw Mikroekonomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
6. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2015 год. – Ташкент, 2016. – С. 60.

MAVЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Мукамал рақобатлашган бозор – агар бозор куйидаги хусусиятларга эга бўлса:

- 1) бозор субъектлар товар нархига таъсир қила олмайди;

- 2) фирмаларни бозорга кириш ва чиқиши эркин;
- 3) сотувчилар биргаликда ҳаракат қилмайди;
- 4) бозор тўғрисидаги барча ахборотлар билан бозор субъектлари таниш.

Даромад (revenue, ялпи даромад, TR) – сотилган товар миқдорини нархга кўпайтирилганига тенг, маҳсулотларни сотишдан тушган тушум.

Ўртача даромад (average revenue) – бир бирлик товарни сотишдан тушган даромад: $AR = \frac{TR}{Q}$

Чекли даромад (marginal revenue) – бир бирлик кўшимча товар сотишдан тушган кўшимча даромад $MR = \frac{\Delta TR}{\Delta Q}$

Фойда (бухгалтерия) – маҳсулотни сотишдан тушган тушумдан ушбу маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун кетган ялпи харажатни (ташқи харажатни) айрилганига тенг.

Максимал фойда олиш шarti $MR = MC$

Рақобатлашган бозорда максимал фойда олиш шarti $MC = P$

Рақобатлашувчи фирманинг зарарсиз ишлаш нуқтасини ифодаловчи шарт $P = AC(Q)$.

$MC = (TC)^1$ – умумий харажатдан олинган ҳосила чекли харажатга тенг.

$MR = (TC)^1$ – умумий даромаддан олинган ҳосила чекли даромадга тенг.

Фойда деганда умумий ҳолда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожлантириш учун ишлатиладиган кўшимча ва зарур маҳсулотнинг пулдаги ифодаси тушунилади.

Корхона миқёсида фойданинг куйидаги кўрсаткичлари мавжуд:

1. Маҳсулот сотишдан олинадиган фойда.
2. Баланс (умумий) фойда.
3. Соф фойда.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

¶ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-Машқ. Фермер хўжалиги қизил лавлаги ишлаб чиқаради. Фирманинг харажат функцияси $TC = 900 + 0,01Q^2$; Q – лавлаги ҳажми, кг. Фирманинг мувозанат маҳсулоти қанча.

Ечиш.

1) $MC = 0,02Q$ бўлса максимал маҳсулот ишлаб чиқариш шартидан ёзамиз, $0,02Q = 100$; $Q = 5000$ кг.

2) $Q = 5000$ бўлса,

фирма даромади $TR = 500000$ сўм,

ялпи харажати $TC = 250000$ сўм,

фойдаси $\Pi = 250000$ сўм.

2-Машқ. Рақобатлашувчи фирма печение ишлаб чиқаради. 1 кг печение нархи 800 сўм. Фирманинг харажати $70 + q^2$ га тенг.

а) маҳсулот ҳажми қанча бўлганда фирма зарар кўра бошлайди.

б) максимал фойдани таъминловчи ишлаб чиқариш ҳажми топилсин.

в) ишлаб чиқариш ҳажми қанча бўлганда фирма безарар ишлайди.

3-Машқ. Рақобатлашувчи фирманинг маҳсулоти нархи 34 сўм. Ўртача харажати $2 + 4Q$

а) ишлаб чиқариш ҳажми қанча бўлганда фирма зарар билан ишлайди.

б) ишлаб чиқариш ҳажми қанча бўлганда фирма максимал фойда олади.

Ечиш:

а) фирманинг зарарсиз ишлаш нуқтасига тўғри келувчи маҳсулот миқдорини топамиз.

$$34 = 2 + 4Q; \quad Q = 8$$

Демак, ишлаб чиқариш ҳажми 8 дан катта бўлса, фирма зарар билан ишлайди. Масалан, $Q = 9$ бўлса, $R = 306$; $TC = 342$

Фойда $\Pi = -36$ га тенг.

Демак, фирма 36 сўм зарар кўради.

б) оптималлик шартидан фойдаланиб, максимал фойдани таъминловчи маҳсулот ҳажмини топамиз.

$$Q = 4, R = 34 * 4 = 136, TC = 72$$

$$\Pi = 136 - 72 = 64$$

4-Машқ. Фирманинг ишлаб чиқариш функцияси берилган: $Q = K * L$. Қисқа муддатли оралиқда $K = 100 = \text{const}$ капитал нархи – 5 , иш ҳақи – 10.

TC, AC, ва AVC функциялари аниқлансин.

Ечиш: $K = 100$ бўлса, ишлаб чиқариш функцияси $Q = 100 * h$ бўлади, бундан $L = \frac{Q}{100}$; омилар нархидан фойдаланиб ёзамиз.

$$TC = rK + wL = 5 * 100 + 10 * \frac{Q}{100} = 500 + \frac{Q}{10}$$

$$\text{Ўртача харажат } AC = \frac{500}{Q} = \frac{1}{10} ;$$

$$\text{Ўртача ўзгарувчан харажат } AVC = \frac{1}{10} ;$$

5-Машқ. Сиз монополистсиз. Агар баҳони 50 сўм белгиласангиз 1 бирлик маҳсулот сотасиз, баҳони 45 сўмга тушурсангиз 2 бирлик маҳсулот сотасиз. Ва ҳақозо баҳони 5 сўмдан пасайтириб борсангиз, қўшимча бир бирлик маҳсулот сотишингиз мумкин. Бунда сизнинг чегара даромадингиз (TR) қанча бўлади. Буларнинг жадвалини ва графигини тузинг.

P, баҳо	Q, маҳсулот микдори	TR	AR
50	1		
45	2		
40	3		

6-Машқ. Рақобатлашувчи бозорда ҳаракат қилувчи типик фирманинг харажат функцияси берилган: $TC = 6Q^2 + 4Q$

Маҳсулотнинг бозор нархи 16 сўм бўлса:

а) фирма иқтисодий фойда оладими ёки зарар кўриб ишлайдими.

б) товарнинг бозор нархи қанча бўлганд фирма узоқ муддатли оралиқда нормал фойда олади.

7-Машқ. Рақобатлашувчи бозорда ҳаракат қилувчи фирманинг ўртача ўзгарувчан харажати $AVC = 0,5 * Q_1 + 4$

Ўзгармас харажати 100 сўм

а) фирманинг таклиф чизиғи аниқлансин.

б) агар тармоқда 20 та фирма фаолият кўрсатаётган бўлса, тармоқнинг талиф чизиғи аниқлансин.

Ечиш:

Фирманинг ялпи харажати $TC = 100 + 0,5Q_1^2 + 4Q$

Чекли харажати $MC_i = Q_i + 4$; $Q_i = P - 4$

МС ва AVC чизиқларининг кесишиш нуқтасини топамиз:

$$Q_i + 4 = 0,5 * Q_i + 4; \quad Q_i = 0$$

МС чизиғи AVC чизиғидан юқорида жойлашгани учун фирманинг таклиф чизиғи МС ($Q > 0$) бўлган қисми билан устма-уст тушади.

Тармоқнинг таклиф чизиғи $Q_s = 20P - 80$ бу ерда $Q_i = \frac{1}{20}Q_s$.

8-Машқ. Тармоқнинг талаби қуйидаги функция орқали ифодаланади:

$$Q_D = 820 - 20P$$

Тармоқда 60 та фирма фаолият кўрсатади. Типик фирманинг харажат функцияси қуйидагича:

$$TC_i = 32 + 6Q_i + Q_i^2$$

а) тармоқнинг таклиф функцияси аниқлансин.

б) тармоқнинг мувозанат параметрлари аниқлансин.

в) хар бир фирма қанча маҳсулот ишлаб чиқаради.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. AFC эгри чизиғи ҳеч қачон U симон шаклга эга бўлмайди.
2. Агар баҳо ўртача ўзгарувчан харажатларга тенг бўлса, қисқа муддатли оралиқда фирма ўз фаолиятини тўхтатиши зарур.
3. Аралаш иқтисодий тизимда рақобатнинг икки кўриниши такомиллашган ва такомиллашмаган рақобат бўлади.
4. Барча ҳайдаладиган ерлар унумдорлиги юқори бўлганида эди, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш омиллари унумдорлигининг камайиш қонуни амал қилмасди.
5. Иқтисодий фойда бухгалтерия фойдасидан юқори бўлиши мумкин эмас.
6. Қисқа муддатли оралиқдаги ўртача харажатлар узоқ муддатли ўртача харажатлардан доимо катта ёки тенг бўлади.
7. Рақобатлашувчи тармоқ вакили узоқ муддатли даврда иқтисодий фойдага эга бўлмаслиги мумкин.

8. Рақобатли иқтисодиётда сотувчи товар ишлаб чиқариш ва сотишни қисқартириш билан баҳо даражасига таъсир эта олмайди.
9. Такомиллашмаган рақобатчи ўзи сотадиган ёки харид қиладиган товарнинг баҳосига таъсир эта олмайди.
10. Фирма эгаси ушбу фирмада менежер сифатида фаолият юритса, унинг ушбу фаолиятдан олган иш ҳақи ташқи харажат элементи сифатида кўрилади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

✦ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Қисқа муддатли ораликда фойдани максималлаштиришга ҳаракат қилаётган рақобатлашувчи фирма, қандай ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширмайди?

- А) маҳсулотнинг нархи ўртача харажатлар минимумидан паст бўлганда;
- Б) ўртача доимий харажатлар маҳсулот нархидан юқори бўлганда;
- В) маҳсулотнинг нархи ўртача ўзгарувчан харажатлар минимумидан паст бўлганда;
- Г) умумий даромад умумий харажатларни қоплай олмаса.

2. Қуйидаги бозорлардан қайси бири мукамал рақобатлашган бозорга яқин туради?

- А) пўлат бозори;
- Б) сартарошлик хизмати бозори;
- В) қимматбаҳо қоғозлар бозори;
- Г) бензин бозори.

3. Қандай ҳолларда ўртача умумий харажатлар миқдори минимал қийматга эришади?

- А) $AVC = FC$;
- Б) Фойда максимал бўлганда
- В) $MC = AVC$;
- Г) $MC = ATC$.

4. Максимал фойдани кўзлаб ҳаракат қилаётган фирма кўшимча ишчиларни ёллайди, агар:

- А) умумий тушум умумий харажатдан паст бўлса;
- Б) қиймат кўринишидаги чекли маҳсулотнинг миқдори пасайганда;

В) қиймат кўринишидаги чекли маҳсулотнинг миқдори кўтарилганда;

Г) пул кўринишидаги меҳнатнинг чекли маҳсулоти иш ҳақидан юқори бўлса.

5. Айтайлик, иккита ишчи кунига 46 доллар ҳақ олишади. Рақобатлашувчи фирма учунчи ишчини ёллаганда умумий ҳақ миқдори кунига 60 долларни ташкил этади. Шунини қайд этиш лозимки:

А) олдинги ҳар икки ишчининг чекли маҳсулоти 23 га тенг;

Б) олдинги ҳар икки ишчининг қиймат кўринишидаги чекли маҳсулоти 23 га тенг;

В) ёлланган учунчи ишчининг қиймат кўринишидаги чекли маҳсулоти 14 га тенгдир;

Г) фирма учунчи ишчини ёлламаслиги керак.

6. Тармоқда 1000та фирма фаолият кўрсатади. Ҳар бир фирма ойда 5 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарганда, чекли харажати 2 долларни ташкил этади. 6 бирлик учун 3 доллар, 7 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарганда 5 доллар тўғри келади. Агар маҳсулотнинг бозор нархи 3 долларни ташкил этса, у ҳолда, тармоқнинг бир ойлик ишлаб чиқариш ҳажми қанчани ташкил этади?

А) 5000бирликдан кўп эмас;

Б) 5000 бирликни;

В) 6000 бирликни;

Г) 7000 бирликни.

7. Маҳсулот бозорда муваффақият қозонса унинг ҳар бирлигидан олинган даромад 30 минг сўми, аммо муваффақият қозона олмаса ҳар бирлигидан 5 минг сўм даромад олинади. Маҳсулотнинг бозорда муваффақиятга эришиш эҳтимоли 0.8 га тенг. Кутиладиган даромад миқдори қайси бандда тўғри келтирилган?

А) 25 минг;

Б) 30 минг;

В) 26 минг;

Г) 28 минг.

8. Мукамал рақобатлашган бозорда фирманинг талаб эгри чизиғи:

А) чекли ва ўртача тушум эгри чизиқлари билан мос тушади;

Б) ўртача ва умумий тушум эгри чизиқлари билан мос тушади;

- В) чекли ва умумий тушум эгри чизиклари билан мос тушади;
Г) умумий тушум эгри чизиги билан мос тушади.

9. Фойдасини максималлаштираётган фирма қандай ҳолларда ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаришсиз қолдириши мумкин.

- А) $MR > MC$ va $TR > TC$;
Б) $MR = MC$ va $TR > TC$;
В) $MR > MC$ va $TR = TC$;
Г) $MR - MC$ максимал ҳолатда.

10. Агар $AC(20) = 500$; $MC(21) = 11000$ бўлса $AC(21) = ?$

- А) 1000;
Б) 10500;
В) 21000;
Г) 11500.

11. Агар $TC(3) = 10000$; $MC(4) = 2200$; $MC(5) = 2100$ ва $MC(6) = 1900$ бўлса, $AC(6) = ?$

- А) 2700;
Б) 1900;
В) 1800;
Г) 2000.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРAT ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Корхона фойдаси.
2. Корхона фойдасини максималлаштиришни назарий жиҳатдан асослаш ва уни график усулда таҳлил қилиш.
3. Рақобатлашган бозор ва унинг шартлари.
4. Фирма таклифи.
5. Фирма фойдасини максималлаштиришнинг умумий шarti ва мукамал рақобатлашган бозор учун шarti.
6. Фирма харажатларини минималлаштирадиган ҳолат.
7. Фирманинг безарар ишлаш нуқтаси.
8. Фирманинг ёпилиш нуқтаси.
9. Фирманинг чекли маҳсулот ишлаб чиқариш қoидасига амал қилиши.
10. Фирманинг, ялпи, ўртача ва чекли даромадлари.

7-МАВЗУ: РАҚОБАТ ВА ЯККАҲОКИМЛИК

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Рақобат тўғрисида тушунча.
2. Рақобатлашган монопол бозор самарадорлиги.
3. Рақобатлашган монопол бозорда товар нархи ва ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш.
4. Рақобатлашмаган бозор турлари.
5. Бозор ҳуқумронлигига эга бўлган бир неча фирмалар ҳаракати.
6. Монополистик талаб ва таклиф.
7. Монополияга қарши қонун.
8. Соф монополия.
9. Олигополия тўғрисида тушунча.
10. Курно модели. Монопсония.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Нуреев Р.М. Курс Микроэкономики: Учебник. – 3-е изд. изм. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2014. – 624 с.
2. Роберт Пиндайк, Даниель Рубинфельд. Микроиктисод. Инглизчадан таржима. – Т.: Шарқ, – 2002.
3. Мэнкью Н.Г. Принципы микроэкономики: Учебник для вузов. 4-е изд. / Пер. с англ. –Спб.: Питер. 2007. –592 с.
4. Чеканский А.Н., Флорова Н.Л. Микроэкономика. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 745 с.
5. N.Gregory Mankiw Mikroekonomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
6. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2015 год. – Ташкент, 2016. – С. 60.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Номукамал бозор структураларига якка ҳокимлик, монопол рақобат ва олигополия киради ва уларда сотувчилар товарлар нархига маълум маънода таъсир кўрсата олади.

Монопол рақобат деганда, бозордаги шундай ҳолат тушуниладики, унда нисбатан кўп (ўнлаб, соф рақобатдаги юзлаб ва минглаб эмас) фирмалар истеъмолчиларга ўхшаш, лекин айнан бир хил бўлмаган маҳсулотни таклиф қиладилар, соҳага кириш учун тўсиқлар деярли йўқ бўлади.

Монополия – бу шундай бозорки, унда фақат битта маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирма фаолият олиб боради ва маҳсулот ишлаб чиқаришни, сотишни тўлиқ назорат қилади.

Жамиятнинг соф йўқотиши – монополист бўлмагандаги маҳсулот ишлаб чиқриш ҳажмидан монополист ишлаб чиқарган маҳсулотни айирмасига тенг.

Ўйин – олдиндан белгиланган қоидалар асосида иқтисодий суубъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар (қарорлар қабул қилиш)

Нол сўм ютуққа эга бўлган ўйин (zero sum game) – ўйинда бир кишининг ютуғи бошқа ўйинчиларнинг ютказган суммалари йиғиндисига тенг.

Нолга тенг бўлмаган сўмга эга бўлган ўйин (non zero sum game) – бу ўйинда бир гуруҳ ўйинчилар ё ютади ёки бой беради.

Кооператив ўйин (cooperative game) – ўйинда бир нечта ўйинчилар ўзаро келишиб, биргаликда ўйнайди (иқтисодиётда кооператив ўйинга мисол сифатида “Картел”ни қараш мумкин).

Нокооператив ўйин – бу ўйинда қатнашчилар мустақил равишда қарор қабул қилади (Иқтисодиётда мисол сифатида олигополик бозорда ҳаракат қилувчи фирмалар ўртасидаги «нархлар жангини» келтириш мумкин).

Тўлов функцияси – ўйин натижаси бўлиб ўйинчининг ютуғини ёки йўқотишини билдиради.

Фирманинг бозордаги стратегик ҳаракати – бунда фирма ўзининг ҳаракатини рақобатлашувчи фирманинг ҳаракатига кўра ишлаб чиқади.

Ўйинлар назарияси – фан йўналиши бўлиб у ўйин қатнашувчиларининг вазият бўйича ҳаракат қилиш ва қарор қабул қилишни математик усуллар ёрдамида ўрганади.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!

1-машқ. Монополист А товар ишлаб чиқаради. товар нархи 300 сўм бўлганда монополистнинг даромади 6000 сўи, товар нархи 500 бўлганда даромад 4000 сўмга тенг. Товар нархи 350 сўм бўлганда монополист даромади топилсин. Талаб функцияси чизиқли.

Ечиш:

Товар нархи 300 сўм бўлганда монополист 20 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Нарх 500 сўм бўлганда эса 8 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаради. ушбу маълумотларга кўра талаб функциясини аниқлаймиз.

$$Q_D = 38 - 0,06P$$

Бундан, $Q(P=350)=17$

$$TR=350*17=5950$$

2-машқ. Монополистга маълумки, унинг маҳсулотига бўлган максимал нарх 600 сўм. Талаб функцияси чизиқли.

а) максимал даромадни таъминловчи товар нархи.

б) агар товар нархи 200 бўлса, 1000 бирлик товар сотиб олинадиган бўлса монополистнинг максимал даромади топилсин.

3-машқ. Монополист маҳсулотига талаб функцияси берилган $Q=60-P$. Монополистнинг харажатлар функцияси $TC=40+5Q^2$. Монополистнинг максимал фойда олишини таъминловчи монопол ишлаб чиқариш ҳажми топилсин. Монопол нарх ва фойда топилсин.

Ечиш:

1) $TR=60*Q-Q^2$, бундан $MR=60-2Q$

2) Чекли харажатни топамиз

$MC=TC'=10Q$ ва фойдани максималлаштириш шартига кўра ёзамиз.

$10Q=60-2Q$ бундан ишлаб чиқариш ҳажми $Q=5$. Товар нархи $P=60-5=55$

3) Максимал фойдани аниқлаймиз.

$$TR(5) = 275; \quad TC(5) = 165$$

$$\text{Фойда } \pi(5) = 110$$

4-машқ. Туман марказида ягона кинотеатр бор. Кинотеатрда чипта нархлари болалар ва катталар учун хар хил. Болалар чиптасига талаб $Q_1 = 1200 - 6P_1$ ва катталар чиптасига талаб $Q_2 = 600 - 2P_2$. (P_1 – болалар чиптаси нархи, Q_1 – болалар чиптасига талаб, P_2 ва Q_2 мос ҳолда катталар учун).

Кинотеатрнинг харажат функцияси $TC = 100 + 60 * Q$ (Q - томошабинлар сони).

а) болалар ва катталар чипталари нархи топилсин.

б) Кинотеатрга қанча томошабин киради, уларни қанчаси болалар ва қанчаси катталар.

Ечиш.

1) Кинотеатрни катталарга билет сотишдан тушган даромадни ва чекли даромадни топамиз.

$R_2 = 300 * Q_2 - 0,5Q_2^2$ бундан $MR_2 = 300 - Q_2$. Худди шундай болалар учун аниқлаймиз. $R_1 = 200 * Q_1 - \frac{1}{6}Q_1^2$ бундан $MR_1 = 200 - \frac{1}{3}Q_1$.

2) Кинотеатрнинг чекли харажати $MC = 60$ бўлгани учун мувозанатлик шартидан фойдаланиб томошабинлар сонини ва чипталар нархини топамиз.

$200 - \frac{1}{3}Q_1 = 60$; $Q_1 = 420$; $P_1 = 130$ Болалар чиптаси нархи 130 сўм ва томошабинларнинг 420 таси болалар.

$300 - Q_2 = 60$; $Q_2 = 240$; $P_2 = 180$. Катталар учун чипта нархи 180 сўм, кинотеатрга томошабин бўлиб 240 та катталар киради. Жами томошабинлар сони $Q = 660$.

5-машқ. Туман марказида ғишт заводи монополист ҳисобланади. ғишт заводининг умумий даромад функцияси қуйидагича берилган. $TR = 8000 * Q - 2Q^2$. Харажат функцияси $TC = 80 + Q^2$ бу ерда Q – ғишт миқдори минг дона.

а) Фирма қанча ғишт ишлаб чиқаради.

б) 1000 дона ғишт нархи қанча.

в) фирма монополист истеъмолчилар ютуғини қанчага қамайтиради.

г) фирманинг монопол ҳокимияти аниқлансин.

6-машқ. Монополист фирманинг харажатлар функцияси

$$TC = 2Q^2 + 100 * Q$$

Бир бирлик маҳсулот нархи 500 сўм бўлганда монополист маҳсулотига талаб 1500 донага тенг. Талабни нархга кўра эластиклик коэффиценти – 4 бўлса:

а) монополист маҳсулотига талаб функцияси аниқлансин;

б) монополист фойдасини максималлаштирувчи маҳсулот миқдори ва товар нархи топилсин.

7-машқ. Шаҳардаги маҳаллий кинотеатрга мактаб ўқувчилари ва катта ёшдагилар киради. Кинотеатр раҳбарияти нарх дискреминациясини кўлламоқчи. Мактаб ўқувчиларнинг кино чипталарига талаб қуйидаги функция орқали берилган $P_y = 100 - \frac{1}{20}Q_y$,

Бу ерда: P_y – ўқувчилар учун билет нархи;

Q_y – ўқувчилар томонидан сотиб олинadиган чипталар сони.

Катта ёшдагиларнинг талаб функцияси $P_k = 80 - \frac{1}{20}Q_k$.

Кинотеатрда ўтириш жойлари жами бўлиб 1000 та. Кинотеатр раҳбарияти кинозални тўлдириш ва максимал фойда олиши учун ўқувчилар ва катталар чипталари нархини қанчадан белгилайди.

8-машқ. Монопол фирманинг маҳсулотига талаб функцияси қуйидагича берилган $Q_D = 1800 - P$. Унинг харажатлари қуйидаги функция кўринишида берилган $TC = 2Q^2 + 50 \cdot Q$. Давлат ҳар бир товар учун 150 сўм солиқ белгилади.

а) Бюджетга тушадиган даромад аниқлансин;

б) Солиққа тортилгандан кейин монополистнинг фойдасини максималлаштирувчи маҳсулот ҳажми ва нархи топилсин.

Ечиш.

$$MC_M = 4Q + 50; \quad MR_M = 1800 - 2Q$$

$$P_{MM} = 1508,3; \quad Q_{MM} = 291,7$$

Солиққа тортилиши монополистнинг таклифини қисқартиради:

$$MC_M = 4Q + 200; \quad MR_M = 1800 - 2Q$$

$$P_{MM} = 266,7; \quad Q_{MM} = 1533,3$$

Бюджетга 40005 сўм тушади.

9-машқ. Монопол фирманинг ўртача ишлаб чиқариш харажати ўзгармас бўлиб у 300 сўмга тенг. Максимал фойда олиш учун у ўз маҳсулотига нархни 500 сўм қилиб белгилади:

а) Монополист маҳсулотига талабни нархга кўра эластиклиги аниқлансин;

б) Агар монополист товар нархини 100 сўмга туширса уни даромади қанчага ўзгаради.

10-машқ. Монополист фирма телефон аппарати ишлаб чиқаради. Унинг ялпи харажати қуйидаги функция орқали берилган:

$$TC = 2Q^2 + 100 * Q; \quad Q - \text{минг дона.}$$

Унинг маҳсулотига бўлган талаб функцияси қуйидагича:

$$P = 3300 - 6Q; \quad P - \text{сўм.}$$

Давлат ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот учун 200 сўм солиқ белгилади.

Аниқлансин:

- а) Солиқдан бюджетга тушадиган тушум;
- б) Солиққа тортилгандан кейинги монопол маҳсулот ҳажми, маҳсулот нархи;
- в) Солиқ истеъмолчилар ютуғини қанчага қисқартиради.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг кадрли!

1. Агар фирманинг умумий даромад чизиғи харажатлар чизиғидан пастда жойлашган бўлса, ишлаб чиқаришнинг барча даражасида фирма фойда кўради.
2. Рақобатли бозордаги фирма “Олтин қоида” си: шундай ишлаб чиқариш ҳажмини танлангки, бунда чекли харажат маҳсулотнинг бозор баҳосига тенг бўлсин.
3. Реал иқтисодиётда мукамал рақобатли бозорнинг ҳамма шартларига тўла жавоб берадиган бозор йўқ ва бўлиши мумкин эмас.
4. Узоқ муддатли мувозанат ҳолатида рақобатлашувчи фирма нормал фойдага эга.
5. Рақобатли бозорда узоқ муддатли даврдаги нормал фойда 0 га тенг.
6. Монополист товарга чекли харажатга тенг баҳо ўрнатади.
7. Агар рақобатли бозор монополистик бозор тусига кирса, у ҳолда истеъмолчиларнинг аҳволи ёмонлашади.
8. Монополистнинг ҳукмронлик даражаси талаб эластиклигига боғлиқ.
9. Баҳо дискриминацияси бозорга кириш ва чиқиш эркинлиги бўлмаган ҳолат белгиси.
10. Курно мувозанати ҳолатида фирмалар тенг бозор улушига эга.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

✦ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Олигополия – бу бозорнинг шундай тузилмасики, бунда:

- А) бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи катта миқдордаги рақобатли фирмалар фаолият кўрсатади;
- Б) Табақаланган ишлаб чиқарувчи катта миқдордаги рақобатли фирмалар фаолият кўрсатади;
- В) Рақобатли фирмалар сони озроқ бўлади;
- Г) Фақат битта йирик фирма.

2. Монополистик рақобатни мукамал рақобатдан ажратиб турадиган асосий белги:

- А) рақобатлашувчи фирма бир хил маҳсулотни эмас, балки табақалашган маҳсулотни ишлаб чиқаради;
- Б) монополистик рақобат шароитида фирманинг талаб эгри чизиғи бозор талаби эгри чизиғи билан мос тушади;
- В) узоқ муддатли монополистик рақобат шароитида фирмалар иктисодий фойда оладилар, мукамал рақобат шароитида эса бундай бўлмайди;
- Г) монополистик рақобат бозорига кириш учун жиддий тўсиқлар мавжуд.

3. Мукамал рақобат шароитида ишлаб чиқаришнинг доимий омилига солинадиган солиқ ставкаси кўтарилганда, фирма ишлаб чиқариш ҳажминини:

- А) кўпайтиради;
- Б) қисқартиради;
- В) ўзгартирмайди;
- Г) аниқ қарор қабул қилмайди.

4. Рақобатли фирмадан фарқли равишда монополист:

- А) маҳсулотга ҳар қандай нархни кўйиши мумкин;
- Б) $MR=MC$ да фойдасини максималтиради;
- В) маҳсулотнинг ҳар қандай ҳажмини ишлаб чиқариши ва уни хоҳлаган нарҳда сотиши мумкин;
- Г) маълум бир бозор талабида максимал фойда берадиган нарх ва ишлаб чиқариш ҳажми комбинациясини танлайди.

5. Табиий монополия, бу –

- А) ОПЕК - халқаро нефт картели;
- Б) IBM - компанияси;
- В) Ҳамкорбанк;
- Г) Шаҳар метроси.

6. Нарх дискерминацияси – бу:

- А) юқори сифатли товарга юқори нарх белгилаш;
- Б) янги моделдаги товарга юқори нарх белгилаш;
- В) ишчиларнинг малакасига қараб иш ҳақи бериш;
- Г) бир хил маҳсулотни ҳар хил ҳаридорларга турли нархда сотиш.

7. Рақобатлашувчи фирмдан фаркли равишда монополист:

- А) фойдани максималлаштиришга интилади;
- Б) нархни юқори ўрнатиб кўпроқ фойда олишга интилади;
- В) маҳсулотни кўпроқ миқдорда ишлаб чиқариб, юқори нархда сотишга интилади;
- Г) $MR = P$ бўлган ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқаришга интилади.

8. Олигополия назариясини яратган биринчи иқтисодчи олимни кўрсатинг:

- А) Едвард Чемберлин;
- Б) Огюстен Курно;
- В) Джон Робинсон;
- Г) Карл Маркс.

9. Олигополия бу:

- А) бир хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи катта ҳажмдаги рақобатлашувчи фирмалар йиғиндисидир;
- Б) унчалик кўп бўлмаган рақобатлашувчи фирмалардир;
- В) фақат битта йирик фирма;
- Г) фақат битта йирик ҳоридордир.

10. Монополистнинг умумий харажатлар функцияси: $TC = 100 + 3Q$, бу ерда, Q – бир ойда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми; монополист ишлаб чиқараётган маҳсулотига бўлган талаб: $P = 200 - Q$, бу ерда, P -маҳсулотнинг нархи. Агар монополист ойида 20 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлса, умумий даромад миқдорини аниқланг.

- А) 4000 доллар;
- Б) 3600 доллар;
- В) 400 доллар;
- Г) 180 доллар.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРAT VA МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Монопол нарх белгилаш талаб эластиклигининг таъсири.
2. Монопол нарх ва жамият фаровонлиги.
3. Монопол нархга солиқларнинг таъсири.
4. Монополистик бозорга киришдаги тўсиқлар.
5. Монополистик талаб ва таклиф.
6. Монополияга қарши қонун.
7. Монополия.
8. Олигополия. Курно модели.
9. Рақобат тушунчаси.
10. Рақобатлашган монопол бозор самарадорлиги.
11. Рақобатлашган монопол бозор.
12. Рақобатлашган монопол бозорда товар нархи ва ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш.
13. Рақобатлашмаган бозор турлари.
14. Рақобатлашувчи фирмалар.
15. Соф монополияда монопол нарх ва монопол маҳсулотни аниқлаш.
16. Табiiй монополиялар.

8-МАВЗУ: МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА КОРХОНАЛАРДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Монополия шаклидаги меҳнат бозори.
2. Меҳнат бозорида монополия бўлган ҳол.
3. Рақобатлашган меҳнат бозори.
4. Меҳнат унумдорлигининг камайиш қонуни.
5. Меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклифи.
6. Корхонада меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакллари.
7. Минимал иш ҳақи ва мувозанат иш ҳақи ўртасидаги фарқлар ва уларнинг оқибатлари.
8. Иш ҳақи ўсишининг дам олиш вақти билан ишлаш вақти ўртасидаги нисбатга таъсири.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Mankiw N.Gregory *Microeconomics*, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
2. Мэнкью Н.Г. Принципы микроэкономики: Учебник для вузов. 4-е изд. / Пер. с англ. – СПб.: Питер. 2007. – 592 с.
3. Нуреев Р.М. Курс Микроэкономики: Учебник. – 3-е изд. изм. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2014. – 624 с.
4. Роберт Пиндайк, Даниель Рубинфельд. Микроиктисод. Инглизчадан таржима. –Т.: Шарқ, – 2002.
5. Чеканский А.Н., Флорова Н.Л. Микроэкономика. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 745 с.
6. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2015 год. – Ташкент, 2016. – С. 60.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Иш ҳақи (wage rate) – фойдаланилган меҳнат учун берилган пул миқдори ёки нарх.

Номинал иш ҳақи (nominal wage rate) – ёлланма ишчи томонидан олинган пул миқдори.

Реал иш ҳақи (real wage rate) – олинган пул маблағи ҳисобидан сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдорини ифодаловчи иш ҳақининг сотиб олиш имконияти.

Иқтисодий рента – ресурсни сотилиши мумкин бўлган нарх билан мувозанат нарх айирмасига тенг. Ноёб, чекланган ресур ва ишчининг юқори малакаси учун тўланадиган қўшимча тўлов.

Бефарқлик чизиғи (indifference curve) – шахс учун бир хил наф берадиган бўш вақт, иш вақти ва иш ҳақи (даромад) комбинацияларини ифодаловчи эгри чизик (бу ерда бўш вақт ва иш вақти 0 дан 24 соатгача қиймат қабул қилади ва ҳар бир иш вақти маълум даромадни, иш ҳақини ифодалайди).

Бюджет чегараси (budget constraint) – «умумий вақт - даромад» координаталарига эга бўлган тўғри чизик бўлиб, унинг ётиқлик бурчаги иш ҳақини ифодалайди (даромад 0 бўлганда вақт 24 соатга тенг, яъни (24,0)).

Ишчининг нафлилигини максималлаштириш шарти (utility maximization rule) – бўш вақтни даромад билан чекли алмаштириш нормасини иш ҳақиға тенглиги $MRS_{HK} = W$.

Ресурсларға чекли харажат – қўшимча бир бирлик ресурс сотиб олиш учун сарфланган қўшимча харажат.

Меҳнатни чекли маҳсулоти – бошқа ишлаб омиллари сарфи ўзгармаганда бир бирлик қўшимча меҳнат сарфи ҳисобидан ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот.

Ресурснинг чекли даромадлилиги ёки ресурснинг пулда ифодаланган чекли маҳсулоти – ресурсдан қўшимча бир бирлик фойдаланиш натижасида олинган қўшимча маҳсулотни сотишдан тушган қўшимча даромад.

Меҳнат бозорида моносония – бу мукаммаллашган рақобатдаги меҳнат бозорининг алоҳида бир четки кўриниши бўлиб, бунда бирор кичик шаҳардаги ягона фирма маҳаллий аҳолининг кўп қисмини иш билан таъминлайди.

Касаба уюшмаси – бу ишчилар уюшмаси бўлиб, у ўзининг аъзолари номидан ва кўрсатмасига кўра тадбиркорлар билан музокара олиб бориш ҳуқуқиға эга ташкилот.

Лоренц чизиғи – бирор бир кўрсаткични тақсимланиш даражасини ифодаловчи эгри чизик. Бу америкалик олим Макс Отто Лоренц (1876-1944) томонидан аҳоли даромадларининг тақсимланишини баҳолаш учун ишлаб чиқилган. Аҳолидан даромад солиғи

олиниб, уларга трансферт берилгандан кейин Лоренц чизигининг ботиқлиги камаяди.

Инсон капитали назарияси (human capital theory) – инсон капиталига инвестиция қўйиш натижасида иш ҳақининг ҳар хил даражада бўлиши сабабларини тушунтириб берувчи назария.

Инсон капиталига инвестиция (human capital investment) – инсоннинг қобилиятини, малакасини, ишчининг меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келадиган ҳар қандай ҳаракат (шу билан бирга билим олишига, соғлиғини тиклашга сарфлар).



МАНЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!

1-машқ. Меҳнатга бўлган талаб ва таклиф қуйидаги функциялар орқали берилган $L_D = 640 - 20\omega$; $L_S = -200 + 120\omega$.

Меҳнат бозоридаги мувозанат иш ҳақи ва иш билан банд бўлганлар сони, ишчилар оладиган умумий рента аниқлансин. Агар давлат томонидан бир соатли иш ҳақи 10 пул бирлиги қилиб белгиланса ишсизлар сони қанча бўлади ва ишчиларнинг умумий даромади қандай ўзгаради.

Ечиш:

Бозор мувозанатлиги шартидан

$$640 - 20\omega = -200 + 120\omega$$

$$\omega_e = 6 \quad \text{ва} \quad L_e = 520$$

$$\text{Умумий даромад} \quad R_1 = 6 * 520 = 3120$$

$$\text{Умумий рента} = \frac{1}{2} (6 - 1,67) * 520 = 1125,8$$

$$\text{Иш ҳақи 10 бўлса} \quad L_D = 440 \quad \text{ва} \quad L_S = 1000$$

Ишсизлар сони 560 кишини ташкил қилади.

$$\text{Умумий даромад} \quad R_1 = 4400$$

$$\text{Даромадни ўзгариши} = 3120 - 4400 = -1280$$

2-машқ. Меҳнат бозори рақобатлашган бозор. Меҳнат таклифи функцияси $L_S = -2000 + 1500\omega$; меҳнатга талаб функцияси $L_D = 10000 - 625\omega$

L_D – иш вақти, соатлар миқдори;

ω – соатбай иш ҳақи.

Фирманинг ишлаб чиқариш функцияси $Q = 80 * L - 0,6 * L^2$

Q – бир соат ичида ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори;

L – ишда банд бўлган ишчилар сони.

Бир бирлик маҳсулот нархи 10 доллар.

Аниқлаш керак:

а) Ушбу меҳнат бозорида банд бўлганлар сони ва мувозанат иш ҳақи;

б) Ишчилар томонидан олинadиган умумий рента;

в) Фирма мувозанат иш ҳақида қанча ишчини ишга ёллайди;

г) Фирма қанча маҳсулот ишлаб чиқаради ($MP_L * P = MRP_L = \omega$)

3-машқ. Малакали меҳнат бозорида меҳнатга бўлган талаб ва таклиф функциялари берилган.

$$L_D = 24000 - 500\omega$$

$$L_S = -6000 + 800\omega$$

L_D, L_S – иш вақти соатлари;

ω - соатбай иш ҳақи долларда.

Фирма меҳнат бозорида монополист ҳисобланади маҳсулотини рақобатлашган бозорда сотади.

Аниқлансин:

а) фирмага ёлланган ишчилар сони (соатбай) ва иш ҳақи ставкаси;

б) ишчилар томонидан олинadиган рента;

в) ишчилар касаба уюшмасига бирлашиб ҳаракат қилса, касаба уюшмаси меҳнат бозорида монополист сифатида ҳаракат қилади.

Касаба уюшмаси монополист бўлганда фирма томонидан қанча ишчи ёлланади, иш ҳақи ставкаси ва ишчилар томонидан олинadиган рента.

Ечиш: Монополистик фирма куйидаги қоидага амал қилиб ишчиларни ёллайди.

$$MRC_L = MRP_L$$

MRC_L – фирманинг ҳар бир қўшимча олинган ишчига чекли харажати;

MRP_L – ҳар бир олинган қўшимча ишчининг чекли даромадлиги.

Демак, $\omega = 48 - 0,002 L_D$ ёки $MRP_L = \omega$ бўлгани учун $MRP_L = 48 - 0,002 L_D$.

Таклиф функциясидан тескари функцияни топамиз $\omega = 7,5 + 0,00125 L_S$.


Фирманинг ёлланма ишчиларга харажати $C = \omega * L_S = (7,5 + 0,00125 L_S) L_S$.

У ҳолда чекли харажат $MRC_L = 7,5 + 0,0025 L_S$. Оптималлик шартидан фойдаланиб ёзамиз $48 - 0,002 * L = 7,5 + 0,0025 * L$ $0,0045 L = 40,5$ ва $L = 9000$.

Фирма 9000 ишчи ёллайди. Иш ҳақи тенг бўлади.
 $\omega = 7,5 + 0,00125L_s = 7,5 + 0,00125 * 9000 = 18,75$ \$

б) Рентани аниқлаймиз:


Бунинг учун юқоридаги вазиятни графикда тасвирлаймиз.



$$Рента = \frac{1}{2} (18,75 - 7,5) * 9000 = 50625 \text{ \$}$$

$$MRP_L = 48 - 0,002L_D, \quad \omega = 7,5 + 0,00125L_s$$

в) Монополистнинг чекли даромад чизиғини топамиз. Меҳнат-га талаб функциясидан $R = \omega * L$ бўлгани учун $MR = 48 - 0,004L$. Меҳнат таклифи чизиғи меҳнатнинг чекли харажат чизиғини беради. $MC = \omega = 7,5 + 0,00125L$ бўлса $48 - 0,004L = 7,5 + 0,00125L \Rightarrow L = 7714,28$. Фирма 7714 ишчини ёллайди. $\omega = 48 - 0,002 * 7714,28 = 32,6$ \$. Рентани ҳисоблашда қуйидаги графикдан фойдаланамиз.



$$Рента = S_{ABEF}$$

$$\omega_0 = 7,5 + 0,00125 * 7714 = 17,1 \text{ \$}$$

$$A = 48 - 0,002 * 7714 = 32,6$$

$$Рента = \frac{1}{2} (17,1 - 7,5) * 7714 + (32,6 - 17,1) * 7714 = 37027,2 + 119567 = 156594,2 \text{ \$}$$

4-машқ. Қисқа муддатли ораликда рақобатлашган тайёр маҳсулот бозорида ҳаракат қилувчи фирманинг ишлаб чиқариш функцияси берилган $Q = 16L - L^2$.

L – бир кунда фойдаланилган ишчилар сони *одам/кун*;

Q – бир кунда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.

Маҳсулот нархи 2 доллар ва бир кунлик иш ҳақи 6 доллар.

Фирма қанча ишчи ёллайди ва фирманинг ишчи кучига талаб функциясини ёзинг ва графигини чизинг.

5-машқ. Ишчининг нафлик функцияси куйидаги кўринишга эга:

$$U = C^{0.5} * L^{0.5};$$

C – истеъмол неъматлари миқдори;

L – ишчининг бўш вақти.

Номинал иш ҳақи ставкаси 40 сўм/соат. Иш ҳақидан ташқари 100 сўм/кун даромад олади. Истеъмол товарлар нархи 4 доллар. Ишчининг бир кунда қанча меҳнат таклифи топилсин. Бу ерда $P * C = 40(24 - L) + 80$ тенгламадан ва чекли алмаштириш нормасидан фойдаланилади.

$$MRS_{LC} = \frac{MU_L}{MU_C} = \frac{w}{P}$$


6-машқ. Рақобатлашган меҳнат бозорида меҳнатга талаб функцияси куйидагича берилган $L_D = 200 - 10w$. Талаб функцияси

$$w_s = 4 + \frac{1}{500} L^2$$

бу ерда: w_s – соатбай иш ҳақи

L – одам соатларда меҳнат миқдори.

Ишчининг иқтисодий рентаси топилсин.



7-машқ. Меҳнат бозорида касаба уюшмаси ўзининг аъзолари даромадларини максималлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Меҳнат таклифи куйидаги функция орқали берилган:

$$w = -60 + 12L$$

Меҳнатга талаб $L_D = 200 - 5\omega$

Монопол ва рақобатлашган меҳнат бозорлари учун иш ҳақи ва иш билан бандлар миқдори аниқлансин. Бу ерда касаба уюшмаси иш ҳақини ва бандлар сонини $MR = ARC_L$ шарти бўйича аниқлайди, рақобатлашган меҳнат бозори мувозанати шарти $MRP_L = ARC_L$ ва $ARC_L = \omega$ (таклиф функцияси), MRP_L – талаб функцияси.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



☞ **Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Даромадларга прогрессив солиқларнинг пасайиши Джини коэффициентининг ўсишига олиб келади.
2. Джини коэффициентининг ўсиши даромадлар тенгсизлигининг камайганини кўрсатади.
3. Иш ҳақи энг кам даражасининг қонун томонидан белгиланиши бандликнинг ўсишига имкон яратади.
4. Касаба уюшмалар фаолиятининг мақсади касаба уюшмаси аъзоларининг даромадларини максималлаштиришдир.
5. Касаба уюшмаларининг актив фаолияти меҳнатга талабнинг ўсишига олиб келади.
6. Классик назарияга асосан, давлат томонидан энг кам иш ҳақининг оширилиши ишсизлик ўсишига олиб келади.
7. Меҳнат баҳоси тайёр маҳсулот баҳосига боғлиқ эмас.
8. Монопсония шароитида меҳнатнинг чекли харажати меҳнатнинг бозор баҳосидан паст.
9. Технология ўзгариши натижасида омил чекли маҳсулоти ортиши мазкур омил тала эгрилигининг чапга силжишига олиб келади.
10. Фирма харажатларида ресурслар харажатларининг улуши қанчалик юқори бўлса, ушбу ресурсга баҳо бўйича талаб шунча эластик.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

☞ **Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.**

1. Қуйидаги тенгликлардан қайси бири бажарилгунга қадар монополист фирма қўшимча ишчиларни ёллайверади:

А) $P * MP_L = W$

- Б) $P/W = MP_L$;
- В) $MR * MP_L = W$;
- Г) $MR/MP_L = W$.

2. Рақобатлашувчи фирмага нисбатан монополист иш ҳақини қандай тўлайди?

- А) ишчи кучини кам ёллаган ҳолда, иш ҳақи ставкасини юқори тўлайди;
- Б) ишчи кучини кўп ёллаган ҳолда, иш ҳақини кам тўлайди;
- В) ишчи кучини кам ёллаган ҳолда, иш ҳақини ҳам кам тўлайди;
- Г) ишчи кучини кўп ёллаган ҳолда, иш ҳақини ҳам кўп тўлайди.

3. Иш ҳақи ставкаси кўтарилганда:

- А) бандлик қисқаради, агар меҳнатга бўлган талаб эластик бўлса;
- Б) бандлик қисқаради, агар меҳнатга бўлган талаб мутлок ноэластик бўлса;
- В) бандлик миқдори ошади, агар меҳнатга бўлган талаб эластик бўлса;
- Г) бандлик миқдори ошади, агар меҳнатга бўлган талаб ноэластик бўлса.

4. Максимал фойда олишни кўзлаётган фирманинг иш ҳақи ставкаси қиймат кўринишидаги меҳнатнинг чекли маҳсулотига тенг бўлмайди, агар:

- А) фирма маҳсулотлар бозорида монополистик мавқега эга бўлса;
- Б) меҳнат бозорида фирма монополистик мавқега эга бўлса;
- В) ишчилар касаба уюшмага бирлашган бўлса;
- Г) ишчилар касаба уюшмага бирлашмаган бўлса.

5. Меҳнат ва капитал маълум комбинацияда уларнинг чегара унумдорлиги нисбати 2:1 га тенг бўлса, харажатларни минималлаштириш учун:

- А) икки бирлик меҳнат бир бирлик капитал билан бирлашиши керак;
- Б) улар нархининг нисбати 2:1 бўлиши керак;
- В) уларнинг нархи нисбати 1:2 бўлиши керак;
- Г) меҳнатга кўра капитал ишлатилиши керак.

6. Кўлам самарадорлиги ўсганда:

- А) меҳнат капиталга алмашади;
- Б) фойдаланилаётган омиллар ҳажмларининг нисбати ўзгармайди;
- В) капитал меҳнатга алмашади;
- Г) фойдаланилаётган омиллар ўртасида боғлиқлик йўқ.

7. Ишчи кучи нархи 10 минг сўм, капитал нархи эса 30 минг сўмга, ишлаб чиқариш функцияси $Q = 2K^2$ тенг. Фирманинг маблагги 130 минг бўлса, максимал ишлаб чиқариш ҳажми аниқлансин.

- А) 32;
- Б) 36;
- В) 34;
- Г) 38.

8. Тасаввур қилайликки, маҳсулотни ишлаб чиқариш учун меҳнат (L) ва капитал (K) ресурси сарфланади. Меҳнатнинг чекли маҳсулоти $MP_L = 2000$; капиталнинг чекли маҳсулоти $MP_K = 5000$; меҳнатнинг нархи $P_L = 1000$ доллар; капитал нархи $P_K = 20000$ доллар; Чекли даромад $MR = 3000$ долларни ташкил этади. Максимал фойда олиши учун фирма ресурслардан қандай фойдаланиши керак.

- А) меҳнат ва капиталдан бир хил ҳажмда кўпроқ фойдаланиши;
- Б) меҳнат ва капиталдан бир хил ҳажмда камроқ фойдаланиши;
- В) меҳнатдан кўп, капиталдан эса камроқ фойдаланиши;
- Г) капиталдан кўп, меҳнатдан эса кам фойдаланиши.

МАВЗУГА ДОИР НАЗОРAT ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Иш ҳақи ўсишининг дам олиш вақти билан ишлаш вақти ўртасидаги нисбатга таъсири.
2. Корхонада меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакллари.
3. Меҳнат бозорида моносония бўлган ҳолни тушунтириб беринг.
4. Меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклифини тушунтиринг.
5. Меҳнат сиғими. Меҳнат самарадорлиги деганда нимани тушунаси?
6. Меҳнат унумдорлигининг камайиш қонуни.
7. Меҳнатнинг чекли маҳсулоти.
8. Минимал иш ҳақи ва мувозанат иш ҳақи ўртасидаги фарқлар ва уларнинг оқибатлари?
9. Монополия шаклидаги меҳнат бозори деганда нимани тушунаси?
10. Рақобатлашган меҳнат бозори қандай бозор?

9-MAVZU: КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ВА КАПИТАЛ БОЗОРИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Асосий ва айланма капитал маблағлар.
2. Инвестиция ва инвестициялаш.
3. Инвестиция тушунчаси ва унинг турлари.
4. Чекли қоплаш нормаси коэффицентини.
5. Инвестицияни ҳисоблашдаги дисконтирланган қиймат.
6. Инвестицияга инфляциянинг таъсири.
7. Ер бозори, ер таклифи, ер рентаси. Абсолют рента.
8. Дифференциал рента. Ер нархи.

MAVZUGA DOIR TAVSIYA ETILADIGAN ADABIYOTLAR:

1. Mankiw N.Gregory Mikroekonomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
2. Мэнкью Н.Г. Принципы микроэкономики: Учебник для вузов. 4-е изд. / Пер. с англ. – СПб.: Питер. 2007. –592 с.
3. Нуреев Р.М. Курс Микроэкономики: Учебник. – 3-е изд. изм. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2014. – 624 с.
4. Роберт Пиндайк, Даниель Рубинфельд. Микроиктисод. Инглизчадан таржима. – Т.: Шарқ, 2002.
5. Чеканский А.Н., Флорова Н.Л. Микроэкономика. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 745 с.
6. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2015 год. – Ташкент, 2016. – С. 60.

MAVZUGA DOIR TAYNCH IBORALAR:

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Капитал – узок муддатли ораликда маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ресурс.

Суда фоизи – капитал эгасига уни капиталидан фойдалангани учун иқтисодий субъект томонидан тўланадиган нарх.

Фоиз ставкаси (interest rate) – номинал фоиз ставкаси инфляцияни ҳисобга олмагандаги жорий курсдаги фоиз ставкаси.

Реал фоиз ставкаси – инфляциядан тозаланган фоиз ставкаси. Номинал, реал фоиз ставкалари ва нарх ўсиши (инфляция) ўртасидаги микдорий боғлиқликни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$(1+i) \cdot (1+\Delta P) = 1+R$$

бу ерда: i – реал фоиз ставкаси;
 ΔP - инфляция даражаси;
 R – номинал фоиз ставкаси.

Депозит фоизи – маблағ кўювчининг пулидан фойдалангани учун унга банк томонидан тўланадиган тўлов, яъни нарх.

Инвестициялаш – асосий капитални тўлдириш ва ўстириш учун вапитал қўйиш жараёни.

Ялпи инвестиция (gross investment) – бу амортизация қиймати билан соф инвестиция (капиталнинг ўсган қисми) нинг йиғиндиси.

Дисконтирлаш – қийматларни (даромадни, харажатни, капитални) бошланғич йилга ёки охириги йилга келтириш.

$$PDV = \frac{R_t}{(1+i)^t}$$

PDV – бугунги қиймат, t – йил, i – дисконтирлаш ставкаси (банк фоиз ставкаси бўлиши ҳам мумкин.)

Соф дисконтирланган (келтирилган) қиймат (NPV) – бу келажакда олинadиган соф даромаднинг дисконтирланган қийматидан дисконтирланган инвестиция айирмаси:

$$NPV = -I + \frac{R_1 - C_1}{1+i} + \frac{R_2 - C_2}{(1+i)^2} + \dots + \frac{R_T - C_T}{(1+i)^T}$$

Бу ерда: I – инвестиция; R – даромад; C – харажат; $\Pi = (R - C)$ - фойда; T – проектни амалга ошириш муддати.

Инвестицияни ички оқлаш нормаси (IRR – internal rate of return) – инвестицион лойиха самарадорлиги кўрсаткичи. Инвестицияни (минус билан олинган) қиймати билан келажакда олинadиган соф фойданинг дисконтирланган қиймати йиғиндисини нолга айлантирувчи ички қайтим нормаси:

$$NPV = -I + \frac{R_1 - C_1}{1+IRR} + \frac{R_2 - C_2}{(1+IRR)^2} + \dots + \frac{R_T - C_T}{(1+IRR)^T} = 0$$

Инвестицион лойихани оқлаш муддати – жорий фойдалар йиғиндисини инвестиция қийматига тенг бўлишини таъминловчи минимал вақт оралиғи.

Вақт бўйича устун кўриш – жорий истеъмолга сарфлаш билан келажакда истеъмол қилиш учун сарфлашдан қайси бирини бефарқлик чизиғи асосида танлаш.

Вақт бўйича устун кўришни чеклаш нормаси – умумий турмуш даражаси ўзгармаганда жорий истеъмолдан бир бирлик кечишни тўлиқ қоплайдиган келажакдаги кўшимча истеъмол қиймати.

Вақтлараро мувозанатлик – жорий ва келажакда истеъмол қилиш ўртасида танлаётган шахс учун максимал нафлик келтирувчи ҳолат

Вақтлараро бюджет чегараси – шахснинг даромади ва ссуда фоизи ставкаси билан аниқланадиган вақтларо устун кўриш картасидаги чизиқнинг ҳолати.

Рента – таклифи қатъий чекланган ресурс эгаси томонидан олинадиган даромад.

Соф иқтисодий рента (pure economic rent) – нарх бўйича абсолют эластик бўлмаган таклифга эга бўлган ресурс эгаси томонидан олинадиган даромад.

Дифференциал рента – бошқа ресурсларга нисбатан юқори унумдорликка эга бўлган ресурс эгаси томонидан олинадиган рента.

Ижара ҳақи (тўлови) – ердан фойдаланувчи томонидан бир йилда ер эгасига тўланадиган пул миқдори.

Ижара тулови = Рента + куйилган капиталга (амортизация) фоиз

Ер нархи – чекланмаган вақт давомида ердан олинган барча даромадлар йиғиндисининг келтирилган (бошланғич йилга) қиймати.

$$C = \frac{R}{i}; \quad R - \text{йиллик рента}; i - \text{фоиз ставкаси.}$$



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ **Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!**

1-Машқ. Магистрантни 100 доллар пули бор. Агар у ушбу пулини банкка қўйча бир йилдан кейин 116 доллар олади. Инфляция даражаси бир йилда 18 фоиз.

Аниқлансин:

- а) Номинал ставка фоизи қанча?
- б) Реал ставка фоизи қанча?
- в) Магистрантга қандай маслаҳат берасиз?

2-Машқ. Корхонадаги станок 3 йил ишлайди ва хар йили 400 доллар даромад келтиради. Станокнинг 3-йилдан кейинги қолдиқ қиймати 8000 доллар бўлса станок харажати қоплайдиган нархи қуйидаги фоиз ставкаларда топилсин.

Аниқлансин:

- а) Фоиз ставкаси 8%;
- б) Фоиз ставкаси 10%;
- в) Фоиз ставкаси 8% ва инфляция даражаси 7% бўлиши кутилмоқда.

	1 йил	2 йил	3 йил
Йиллик даромад	400	4000	4000
қолдиқ қиймат	-	-	8000
Жорий дисконтирланган қиймат			
а) $i=8\%$	3703,7	3429,35	9526
б) $i=10\%$			
в) $i=8\%$	3960,4		
Инфляция 7%			

$$1\text{-йил. } \frac{4000}{1,08} = 3703,7 \quad 2\text{-йил. } \frac{4000}{(1,08)^2} = 3429,35$$

$$3\text{-йил. } \frac{12000}{(1,08)^3} = 9526,0$$

Станок нархи = $3703,7 + 3429,35 + 9526 = 16659,05$ \$
қолган фоиз ставкалар учун ҳисобланг.

в) ҳолда 1-йил қиймати $\frac{4000}{1,08 - 0,07} = 3960,4$

3-Машқ. Қуйидаги шартларда жорий дисконтирланган қийматларни ҳисобланг:

- а) $i = 10\%$; $R_1 = 400$
- б) $i = 5\%$; $R_1 = 400$; $R_2 = 600$
- в) $i = 24\%$; $R_1 = 400$; $R_2 = 600$; $R_3 = 800$
- г) $i = 10\%$; $R_1 = 200$; $R_2 = 300$; $R_3 = 400$; $R_4 = 500$
- д) $i = 100\%$; $R_1 = 80$; $R_2 = 180$; $R_3 = 260$; $R_4 = 340$

R_t – йиллик даромад; i – фоиз ставкаси.

$$R_t = \sum_{t=1}^T \frac{R_t}{(1+i)^t}$$

4-Машқ. Фирма ишлаш муддати 5 йилга тенг бўлган машинани сотиб олишга инвестиция қимлоқчи. 5 йилдан кейин бу машина 4000 доллар қолдиқ қиймат бўйича сотилади. Фирма ушбу машинани сотиб олиш учун банкдан ссуда олмақчи. Машина нархи 160000 доллар ушбу пулни бирдан тўлаш керак. Машинадан фойдаланиш фирманинг харажатларини ҳар йили 4000 долларга қисқартиради. Ҳар бир иқтисод қилинган харажат йил охирида ҳисобга олинади. Ссуда капиталига талаб ва таклиф функциялари қуйидагича берилган:

$$L_D = 30000000 - 120000000 * i$$

$$L_S = 4000000 + 60000000 * i$$

L_D, L_S – капиталга талаб ва таклиф

i – фоиз ставкаси (L - доллар).

Аниқлансин:

а) Фирма машина сотиб олишга инвестиция қўйса бўладими?

б) Фараз қилайлик, ссуда капитали таклифи (ҳар бир фоиз ставкасида) 6000000 доллар ошди. Бу бозор фоиз ставкасига қандай таъсир қилади? Фирма машинани сотиб олиш бўйича қандай қарорга келади?

Ечиш. Биринчи капитал бозридаги фоиз ставкани аниқлаймиз (ўлчов бирлигини млн. доллар қилсак).

$$L_D = 30 - 120 * i \quad \text{ва} \quad L_S = L_D \quad \text{дан} \quad \begin{cases} 30 - 120 * i = 4 + 60 * i \\ i = 0,14 \end{cases}$$

$$L_S = 4 + 60 * i$$

Бошланғич йилга дисконтирланган қиймат PDVни ҳисоблаймиз.

$$PDV = \sum_{t=1}^T \frac{R}{(1+i)^t};$$

$$PDV = \frac{4000}{1,14} + \frac{4000}{1,14^2} + \dots + \frac{4000}{1,14^5} = 3508,77 + 3077,87 + 2699,97 + 2368,32 + 2077,47 = 13732,4$$

Соф дисконтирланган қиймат (NPV) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади

$$NPV = -C + PDV = -160000 + 13732,4 = -146267,6$$

Демак, фирма инвестиция қўйса зарар кўради, нима учун деганда $NPV < 0$.

в) Капитал бозоридаги янги фоиз ставкасини аниқлаймиз

$$30 - 120 * i = (4 + 60i) + 6$$

$$i = 0,11$$

$$PDV = 5405,41 + 4869,73 + 4387,25 + 3952,31 + 3560,62 = 22175,32$$

$$NPV = -160000 + 22175,32 = 137824,68$$

Бу ерда $NPV > 0$. Фирма машина олиши учун қўядиган инвестицияси иқтисодий нуқтаи назардан фойдали.

5-Машқ. Жаноб Умар 5 йил олдин 6000000 сўмга расмлар коллекциясини сотиб олди. У билдики коллекция нархи ҳар йили 12 фоизга ошиб келмоқда. Ссуда капитали бозорида ссуда капиталига талаб ва таклиф функциялари қуйидагича $L_D = 20 - 110 * i$
 $L_S = -6 + 180 * i$

L – млн. сўм

Аниқлансин:

а) Коллекциянинг бугунги нархи аниқлансин;

б) Жаноб Умарга экспертлар хабар қилдики расмлар бозорида талаб ва таклиф бўлажак 2 йил ичида ўзгармайди. Умар коллекцияни сотгани маъқулми ёки сотмагани?

Ечишда коллекциянинг бошланғич нархини келтириш формуласи орқали охириги 5-йилга келтирамиз.

$$V_t = V_0 (1 + g)^t$$

V_0 – бошланғич нарх; g – нархни ҳар йили ўсиш нормаси, $t=5$ йил. Фоиз ставкаси i , 12 дан кичик бўлса Умар коллекцияни сотиб олган пулини банкка қўйса йилига олган даромади кам бўлгани учун у зарар кўради.

6-Машқ. Вақтлараро танлов моделида истеъмолчининг нафлик функцияси $V = C_1 * C_2$.

Жорий йилдаги даромад 400 сўмга тенг. Келажак йилдаги даромад 440 сўм. Фоиз ставкаси 10%. Истеъмолчининг жорий ва келажак йилдаги жамғармалари топилсин.

Ечиш. Бюджет чизиғи C_2 ўқни $440 + 400 * (1 + 0,1) = 880$ нуқтада кесиб ўтади. C_1 ўқни $\frac{440}{(1 + 0,1)^2} + 400 = 800$ нуқтада

Мувозанат истеъмол :

$$C_1 = \frac{1}{1+1} * 800 = 400 ;$$

$$C_2 = \frac{1}{1+1} * 880 = 440 ;$$

Жорий ва келажак жамғарма нолга тенг.

7-Машқ. Жорий даромд 200 сўмга тенг. Келажак даромд 40 сўм. Нафлик функцияси

$$V = C_1 * C_2$$

Жорий ва келажак жамғарма таклифлари функциялари аниқлансин.

Ечиш.

$$\text{Жорий истеъмор } C_1 = \frac{1}{1+1} * \left(200 + \frac{400}{1+R} \right) = 100 + \frac{200}{1+R} ;$$

$$\text{Келажак истеъмор } C_2 = \frac{1}{1+1} (200(1+R) + 400) = 100(1+R) + 200 ;$$

$$\text{жорий жамғарма таклифи } S_1 = 200 - C_1 = 100 - \frac{200}{1+R}$$

келажакда жамғарма таклифи функцияси

$$S_2 = 400 - C_2 = 200 - 100(1+R) = 100 - 100R$$

8-Машқ. Ер таклифи: $Q_s = 400$ га қишлоқ хўжалиги томонидан ерга талаб $Q_{e/d} = 400 - P$

Ноқишлоқ хўжалик талаб: $Q = 200 - P$

P – ер нархи, 1 га 1000 сўм

Аниқлансин:

1. Ер нархи, агар ер эгаси ерни сотмоқчи бўлса;
2. Ер ижарага берилса, йиллик ижара ҳақи. Агар банк фоиз ставкаси йилига 20% бўлса;
3. Ер рентаси, амортизация хар бир йил учун 0,8 минг сўм. Ерга қўйилган капитал – 50 минг сўм.

Ечиш.

1. Агар ер нархи 400 минг сўмдан юқори бўлса, ерга талаб 0 га тенг. Ерга талаб $Q_{e/d} = 400 - P$ бўлганда, ер нархи 400 минг сўмдан 200 минг сўмгача. Ер нархи 200 минг сўмдан паст бўлса, талаб $Q = 600 - 2P$ бўлади.

$$Q = 400 \text{ га тенг бўлса, } 400 = 600 - 2P$$

Ер нархи 100 минг сўм бўлади.

2. Ижара ҳақи $= 100 * 0,2 = 20$ минг сўм бир йилга;

3. Ер рентаси ижара ҳақидан амортизация ва қўйилган капитал фоизи айирмасига тенг:

$$20 - 0,8 - 0,2 * 50 = 9,2$$

9-Машқ. Ер майдони $Q = 200$ темир йўл компаниясининг ерга талаб функцияси $Q_D = 400 - P$ фермерларнинг ерга талаби $Q_o = 250 - P$.

Бу ерда фермерларни ва темир йўл компанияларининг талаби бир-бирини инкор этади.

Аниқлансин:

1. Ер нархи;
2. Банк фоиз ставкаси 12% бўлса, бир йиллик ижара тўлови;
3. Ер рентаси, йиллик амортизация 1,3 минг сўм, қўйилган капитал қиймати 16 минг сўм.

10-Машқ. Ер таклифи $Q=100$ акр. Фермерларни ерга талаби $Q=400$ -Р. қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб ошганлиги сабабли ерга талаб ошди ва у $Q=700$ -Р га тенг бўлди.

Агар банкнинг йиллик фоиз ставкаси 12% дан 6% га тушса, амортизация ва қўйилган капиталга тўлов ўзгармаса, ер рентаси қанчага ошади?

11-Машқ. Биринчи ер майдони эгаси ўз майдонини 40000 сўмга сотмоқчи. Иккинчи ер майдони эгаси ерини 20000 сўмга сотмоқчи. Агар банк фоиз ставкаси 10% га тенг бўлса ва қўйилган капиталга тўлов ҳамда амортизация ўзгармаса, йиллик дифференциал рента топилсин.

12-Машқ. Фоиз ставкаси 15%. Умрбод йилига 12 млн.сўм даромад олиш учун дисконтирланган қиймат қанча бўлиши керак?

Ечиш. $PV = \frac{12}{0,15} = 80$ млн.сўм.

13-Машқ. Коллежда ўқиш 106 минг сўм. Коллеж дипломи бир йиллик иш ҳақига 20 минг сўм қўшимча даромад келтиради. Фоиз ставкаси 10%. Коллежни тугатгандан кейин мутахассислик бўйича неча йил ишлагандан кейин маълумот олишга сарфланган инвестиция (106 минг сўм) ўзини қоплайди.

Ечиш. Минимал иш стажи муддатини t десак,

$$VP = \frac{20}{0.1} \left[1 - \left(\frac{1}{1.1} \right)^t \right], \quad VP = 106 = \frac{20}{0.1} \left[1 - \left(\frac{1}{1.1} \right)^t \right], \quad 0,91^t = 0.47 \text{ бундан,}$$

$$t = \log_{0,91} 0.47 = 8 \text{ йил}$$

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг кадрли!

1. Агар фоиз ставкаси ўсса, уй хўжалиқларининг жамғармалари доимо ўсади.
2. Асосий капиталнинг фойдаланиш даври қанчалик узоқ бўлса, бошқа тенг шароитларда амортизация нормаси шунчалик паст.

3. Бошқа тенг шароитларда реал фоиз ставкасининг пасайиши ер баҳосининг ошишига олиб келади.
4. Дисконтлаш ставкаси сифатида номинал эмас, реал фоиз ставкасидан фойдаланилади.
5. Ерга талаб абсолют ноэластик.
6. Жорий фоиз ставкаси қанчалик паст бўлса, Давлат облигацияларининг бозор баҳоси шунча юқори.
7. Келгусидаги даромадларнинг бугунги қадри банк фоиз ставкасига тескари пропорционал.
8. Реал фоиз ставкаси номинал фоиз ставкасидан ортиши мумкин эмас.
9. Соф инвестициялар ялпи инвестиция ва амортизация ажратмалари суммаси фарқига тенг.
10. Узоқ муддатли мувозанат қарор топган, рақобатлашган бозор шароитида ер нархи бараварлашиб, дифференциал рента нолга тенг бўлади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

♣ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Ер мулкдорлари умуман рентага эга бўлмасликлари мумкин, агар:

- a) ер солиғи мавжуд бўлса;
- b) ер участкасига бўлган талаб ва таклиф ўзаро бир-бири билан кесишса;
- c) ер ресурслари таклифи мутлоқ ноэластик ;
- d) эгри таклиф чизиғи эгри талаб чизиғидан ўнгда жойлашса.

2. Бошқа шароитлар ўзгармас бўлган шароитда ер рентаси ўсиб боради, агар:

- a) ер нархи арзонлашса;
- b) ерга бўлган талаб ошса;
- c) ер таклифи кўпайса;
- d) ерга бўлган талаб қисқарса.

3. Агар номинал фоиз ставкаси 10 фоизни, инфляция даражаси йилига 4 фоизни ташкил этса, у ҳолда реал фоиз ставкаси:

- a) 14% ;
- b) 6% ;

- c) 2,5%;
- d) –6%ни ташкил этади.

4. Фирма янги корхона қурилиши учун банкдан ссуда олишни режалаштирмоқда. Банк ссудасининг йиллик фоиз ставкаси 18% ни ташкил этади. Қутилиши мўлжалланаётган фойда нормаси 20% ни ташкил этади, деб аниқланди. Ушбу шароитда фирма:

- a) янги корхона қурилишини бошламайди;
- b) янги корхона қурилишини бошлаб юборади;
- c) зарар кўришини билгани ҳолда, корхонани қуришга жазм этади;
- d) юқоридаги ахборотларга асосланиб қарор қабул қила олмайди.

5. Субъект ўз пул маблағини давлат қимматли қоғозларини сотиб олишга сарфлайди, агар:

- a) фоиз ставка ҳозиргига қараганда етарли даражада кўтариладиган бўлса;
- b) фоиз ставка ҳозиргига қараганда анча тушадиган бўлса;
- c) фоиз ставка дастлабиде кўтарилиб, сўнгра тушадиган бўлса;
- d) фоиз ставка ўзгармайдиган бўлса.

6. Агар иқтисодий фойда 2 минг доллар, умумий даромад ҳажми 3 минг доллар бўлса, ишлаб чиқариш омиллари харажатлари қайси бандда тўғри келтирилган.

- a) 5 минг \$;
- b) 3.5 минг \$;
- c) 4 минг \$;
- d) 5.5 минг \$.

7. Ерга талаб қуйидаги функция орқали берилган: $Q = 2400 - 8 * R$

Бу ерда Q-фойдаланиладиган ер майдони; R-рента фоизи (бир гектарига минг сўм).

Агар ер ҳажми 400 гектар бўлса ва банк фоиз ставкаси 125% ва давлат максимал рентани бир гектарига 200 000 сўм қилиб белгиласа, ушбу сиёсат натижасида ер эгасининг соф иқтисодий йўқотиши қанчага тенг.

- a) 20 млн сўм;
- b) 25 млн сўм;
- c) 30 млн сўм;
- d) 40 млн сўм.

8. Агар рента 40 минг сўм, ссуданинг бозор фоиз ставкаси 8 фоиз бўлса, ернинг нархи қайси бандда тўғри келтирилган.

- a) 800 минг сўм;
- b) 900 минг сўм;
- c) 700 минг сўм;
- d) 500 минг сўм.

9. Сиз 2 йилдан кейин 10 млн сўм пул олишингиз учун банкга 10% ли ставкада қанча пул қўйишингиз керак.

- a) 8.52 млн;
- b) 8.44 млн;
- c) 8.26 млн;
- d) 8.16 млн.

10. Номинал фоиз ставкаси 50% ни инфляция даражаси 36,1% ни ташкил этса, реал фоиз ставкаси аниқлансин.

- a) 10.2%;
- b) 11.0%;
- c) 25.4%;
- d) 11.8%.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Асосий ва айланма капитал маблағлар.
2. Асосий фондларнинг жорий харажатларини ва истикболдаги даромадни баҳолаш.
3. Ер бозори, ер таклифи, ер рентаси. Абсолют рента.
4. Жамғарма ва вақт бўйича чекли танлаш нормаси.
5. Инвестиция ва инвестициялаш.
6. Инвестицияга инфляциянинг таъсири.
7. Инвестицияни ҳисоблашдаги дисконтирланган қиймат.
8. Ички ва ташқи инвестиция.
9. Корхонанинг инвестиция соҳасидаги қарор қабул қилиш мезони.
10. Облигация қиймати ва ундан келадиган даромад. Муддатсиз облигация.
11. Узоқ муддатли ораликдаги инвестиция.
12. Чекли қоплаш нормаси коэффиценти.

10-МАВЗУ: АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Миллий иқтисодиётни таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими.
2. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичининг моҳияти.
3. ЯИМни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули.
4. Қўшилган қиймат, бир қийматни икки бор ҳисобга олишни истисно этиш.
5. ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблаш. Шахсий истеъмол харажатлари.
6. ЯИМни даромадлар бўйича ҳисоблаш.
7. Ялпи миллий даромад. Соф ички маҳсулот. Соф миллий даромад. Шахсий даромад. Шахсий тасарруфдаги даромад. Истеъмол. Жамғариш. Ялпи миллий тасарруфдаги даромад.
8. ЯИМ дефлятори.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абель Э., Бернаке Б. Макроэкономика. 5-е изд.– СПб.: Питер, 2009-544 с.
2. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. – М.: «Дело и Сервис», 2005. – 464 стр.
3. Ахмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиқтисодиёт. – Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004. – 240 бет.
4. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2009. – 350 стр.
5. Джумаев З.А. “Макроиқтисодиёт” фанидан Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010 й. – 598 бет.
6. N.Gregory Mankiw Macroeconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

❖ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

❖ *Эсда тутинг!*

Ялпи ички маҳсулот – маълум вақт давомида мазкур мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган якуний маҳсулотларнинг бозор баҳолари йиғиндиси.

ЯИМ уч хил усул билан ҳисобланади:

- 1) ишлаб чиқариш усули;
- 2) харажатлар усули;
- 3) даромадлар усули.

ЯИМни харажатлар орқали ҳисоблаш формуласини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$ЯИМ = C + I + G + X_n$$

ЯИМни даромадлар кўринишида ялпи қўшилган қийматни кўрсатилган уч гуруҳга бўлиб топиш мумкин:

$$ЯИМ = T_n + W + P$$

Баҳолар индексини ёки инфляция даражасини ҳисоблаш учун:

- дефлятор (Пааше индекси);
- истеъмол нархлари индекси (Ласпейрес индекси);
- саноат ишлаб чиқариш баҳолари индекслари ҳисобланиши

лозим.

$$\text{Дефлятор} = \frac{\sum Q_1^i P_1^i}{\sum Q_1^i P_0^i} * 100$$

Бу ерда: i – дефляторни ҳисоблаш учун бозор саватига киритилган товарлар сони;

Q_1^i – жорий йилда бозор саватига киритилган i – товар ёки хизматлар ҳажми миқдори (Масалан 2 кг шакар, 2 дона кўйлак ва ҳ.к);

P_1^i – жорий йилда бозор саватига киритилган i – маҳсулотнинг шу йилга баҳоси;

P_0^i – жорий йилда бозор саватига киритилган i – маҳсулотнинг базис йилдаги баҳоси.

Истеъмол нархлари индекси қуйидагича аниқланади:

$$\text{ИНИ} = \frac{\sum Q_0^i P_1^i}{\sum Q_0^i P_0^i} * 100$$

Бу ерда:

Q_0^i – базис йилда бозор саватига киритилган i – товар ва хизматлар ҳажми;

$P_1^i - i$ – товарнинг жорий йилдаги баҳоси;

$P_0^i - i$ – товарнинг базис йилдаги ҳажми.

Доимий инфляция жараёнининг мавжудлиги иктисодиётни таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишни қийинлаштиради. Бу эса макроиктисодий кўрсаткичларни, шу жумладан ЯИМ кўрсаткичини таққослама баҳоларда ҳисоблашни зарур этиб қўяди.

$$РеалЯИМ = \frac{НоминалЯИМ}{Дефлятор} * 100$$

Ялпи миллий даромад – Мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқаришда иштирок этиш натижасида ҳамда мулкларидан олган бошланғич даромадлари йиғиндиси.

ЯИМ даражаларидаги фарқлар (GNP gap) – потенциал ва реал ЯИМнинг даражалари орасидаги фарқлар.

Соф ички маҳсулот (СИМ) ва Соф миллий даромад (СМД) кўрсаткичлари ЯИМ ва ЯМД кўрсаткичларидан амортизация (истеъмол қилинган асосий капитал) суммаси миқдорига фарқ қилади.

$$СИМ = ЯИМ - А$$

$$СМД = ЯМД - А$$

Макроиктисодий айният – Турли макроиктисодий кўрсаткичлар, ёки кўрсаткичлар гуруҳлари ўртасидаги мавжуд бўладиган, ёки мавжуд бўлиши иктисодий қонуният ҳисоблаган ўзаро тенглик.

Харажатлар ва даромадлар кўринишида ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичларининг ўзаро тенглиги асосий макроиктисодий айният ҳисобланади.

$$Y = C + I + G + X_n$$

миллий иктисодиёт ташқи дунё билан ҳеч қандай алоқага эга эмас ($X_n = 0$) ва давлатнинг иктисодиётга аралашуви нолга тенг ($G = 0$), деб фараз қилинса, унда ЯИМ орқали ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажми ШТД га тенг бўлади. Яъни:

$$ЯИМ = ШТД = C + S, \text{ айти пайтда: } ЯИМ = C + I$$

Бу ерда макроиктисодий айният қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C + I = C + S \text{ ёки } I = S$$

Номинал ЯИМ якуний товарлар ва хизматлар ҳажмини жорий нархларда баҳолайди.

Реал ЯИМ якуний товарлар ва хизматлар ҳажмини эса доимий нархларда баҳолайди.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

❖ Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!

1-машқ. ЯИМ 6000 пул бирлигига, истеъмол харажатлари 4200 пул бирлигига, давлат харажатлари 900 пул бирлигига, соф экспорт эса 120 пул бирлигига тенг.

Қуйидагиларни ҳисобланг:

- ялпи ва соф инвестициялар ҳажми;
- экспорт 450 пул бирлигига тенг бўлса импорт ҳажмини;
- амортизация 200 пул бирлигига тенг бўлса СИМни.

Ечиш:

а) Харажатларга кўра ЯИМни ҳисоблаш формуласидан фойдаланиб ялпи инвестицияларни топамиз:

$$I = \text{ЯИМ} - C - G - X_n = 6000 - 4200 - 900 - 120 = 780 \text{ пул бирлиги.}$$

Соф инвестициялар = Ялпи инвестициялар – амортизация = 780 пул бирл. – 200 пул бирл. = 580 пул бирлиги.

б) $X_n = X(\text{экспорт}) - M(\text{импорт})$. Бундан: Импорт = экспорт – соф экспорт = 450 – 120 = 330 пул бирлиги.

в) СИМ = ЯИМ – амортизация = 6000 – 200 = 5800 пул бирлиги.

2-машқ. Таклиф этилган жадвални таҳлил қилинг (маълумотлар тахминий):

Йил	Номинал ЯИМ (млрд. пул бирл.)	Дефлятор (% да)	Реал ЯИМ (млрд. пул бирл.)
1	1800	50	
2	2400	70	
3	3500	100	
4	4200	105	
5	6000	120	

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Номинал ЯИМ қандай кўраткич ҳисобланади.
- Реал ЯИМ номинал ЯИМдан қандай фарқ қилади.
- Дефлятор нима, уни қандай ҳисоблаш мумкин.

4. Жадвалнинг сўнгги устунини тўлдилинг.

Ечиш:

Ялпи ички маҳсулот – Маълум муддат давомида мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматлар бозор баҳоларининг йиғиндиси.

Номинал ЯИМ – жорий йил нархларида ифодаланган ЯИМ. Унинг динамикасига маҳсулотнинг физик ҳажми ҳамда нархлар даражасининг ўзгариши таъсир этади. Инфляция шароитида у иқтисодий фаолият натижаларини бузиб кўрсатгани учун тузатишни талаб этади.

Реал ЯИМ – қиёсий баҳоларда (баъзис йтил баҳоларида) ҳисобланган ялпи ички маҳсулот.

Дефлятор базис йилига нисбатан жорий йилда мамлакатдаги барча товарлар ва хизматларнинг умумий баҳоси даражаси ўзгаришини ифодалайдиган баҳо индекси.

$$ЯИМ_{дефлятори} = \frac{номинал ЯИМ}{реал ЯИМ} = \frac{\sum_{i=1}^n P_1^i \times Q_1^i}{\sum_{i=1}^n P_0^i \times Q_1^i}$$

бу ерда: P_0^i ва P_1^i – мос равишда, базис ва жорий йилдаги i турдаги маҳсулот бирлигининг нархи;

Q_1^i – жорий йилда сотилган i турдаги товар миқдори.

Бинобарин,

$$Реал ЯИМ = \frac{номинал ЯИМ}{дефлятор}$$

1.	1-йили 1800 млрд. пул бирл. : 0,5 = 3600 млрд. пул бирл.
2.	2-йили 2400 млрд. пул бирл. : 0,7 = 4000 млрд. пул бирл..
3.	3-йили 3500 млрд. пул бирл. : 1 = 3500 млрд. пул бирл.
4.	4-йили 4200 млрд. пул бирл. : 1,05 = 4000 млрд. пул бирл.
5.	5-йили 6000 млрд. пул бирл. : 1,2 = 5000 млрд. пул бирл.

3-машқ. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар орқали ифодаланган:

Кўрсаткичлар	Пул бирликлари
ЯИМ	600
Уй хўжаликлари истеъмоли	320

Соф инвестициялар ҳажми	110
Давлат харажатлари	90
Экспорт	120
Импорт	90
Бюджетга тушувчи бевосита солиқлар ҳажми	40
Билвосита солиқлар ҳажми	30
Тадбиркорларга субсидиялар	25

Қуйидагиларни ҳисобланг:

- а) амортизация маблағлари ҳажми;
- б) миллий даромад (МХТнинг эски талқинига кўра);
- в) давлат бюджети ҳолати.

Ечиш:

а) харажатларга кўра ЯИМни ҳисоблаш формуласига асосланиб ялпи инвестициялар ҳажмини топамиз:

$$I = \text{ЯИМ} - C - G - N_x.$$

Бунда, $T = 600 - 320 - 90 - 30 = 160$.

$$A = I - I_{\text{соф}} = 160 - 110 = 50.$$

б) миллий даромад қуйидагича аниқланади:

$$\text{МД} = \text{ЯИМ} - A - T_n,$$

Бу ерда, T_n – бизнесга билвосита солиқлар.

Бунда

$$\text{МД} = 600 - 50 - 30 = 520.$$

в) давлат бюджети ҳолатини аниқлаш учун давлат даромад ва харажатларини киёслаш зарур.

$$T = 40 + 30 = 70.$$

Бунда $T - G = 70 - 90 = -20$, яъни бюджет дефицити мавжуд.

4-машқ. Иқтисодиёт қуйидаги кўрсаткичлар билан ёритилган:

1. Истеъмол харажатлари (C) = 2300;
2. Ялпи инвестициялар (I) = 700;
3. Давлат харажатлари (G) = 800;
4. Трансферт тўловлари (TR) = 100;
5. Давлат қарзи бўйича фоиз тўлаш (N) = 100;
6. Солиқлар (T) = 800.

$\text{ЯИМ} = \text{ЯИММ}$ деб тахмин қилинсин.

Ҳисобланг:

- а) шахсий жамғармалар;

б) давлат жамғармалари;

в) агар дефицит облигациялар чиқариш билан 80%га молиялаштирилиши маълум бўлса, давлат бюджети дефицитини қоплаш учун чиқарилган давлат облигациялари қиймати ва қўшимча пул миқдори.

Ечиш:

а) шахсий жамғармалар куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$C_p = (Y + TR + N - T) - C$$

$$Y = C + I + G$$

$$Y = 2300 + 700 + 800 = 3800$$

$$C_g = (3800 + 100 + 100 - 800) - 2300 = 900$$

б) давлат жамғармалари куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$C_r = T - TR - N - G$$

$$C_g = 800 - 100 - 100 - 800 = -200$$

в) давлат жамғармаларининг салбий белгиси давлат бюджети дефицити мавжудлигини англатади:

$$BD = -C_g = -200$$

Дефицит 80% облигациялар чиқариш билан молиялаштирилади, яъни:

$$\Delta B = 0,8 * BD$$

$$\Delta B = 0,8 * 200 = 160$$

Дефицитнинг қолган қисми қўшимча пул чиқариш орқали молиялаштирилади:

$$\Delta M = 200 - 160 = 40$$

5-машқ Иқтисодиёт куйидаги кўрсаткичлар орқали ёритилди:

1. Истеъмол харажатлари (C) = 1200;
2. Ялпи инвестициялар (I) = 500;
3. Давлат харажатлари (G) = 300;
4. Трансферт тўловлари (TR) = 200;
5. Давлат қарзи бўйича фоиз тўлаш (N) = 100;
6. Солиқлар (T) = 400;
7. Соф экспорт (X_n) = -100;

Қуйидагилар нимага тенг:

а) хусусий жамғармалар;

б) давлат жамғармалари;

в) ташки дунё жамғармалари.

6-машқ Ёпиқ иқтисодиётда **ЯИМ 4800** млрд. сўм. Истеъмол харажатлари 2900 млрд. сўмга, давлатнинг товарлар ва хизматлар хариди 1200 млрд. сўмга, истеъмол қилинган капитал қиймати 350 млрд. сўмга тенг.

Иқтисодиётдаги соф инвестициялар ҳажмини топинг.

7-машқ Иқтисодиётда ялпи инвестициялар ҳажми 220 млрд. сўмга, бюджет профицити эса 15 млрд. сўмга тенг. Экспорт ҳажми 75 млрд. сўмга, импорт ҳажми эса 90 млрд. сўмга тенг бўлса хусусий жамғармалар миқдорини аниқланг.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Бугунги кунга келиб Миллий ҳисобчилик тизимини кўллайдиган деярли барча давлатларда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи асосий макроиктисодий кўрсаткич сифатида тан олинди.
2. ЯИМ уч хил усул билан ҳиобланади.
3. Ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ЯИМ товар ва хизматларнинг сотиш баҳоси билан уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган хом ашё ва материалларни сотиб олишга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади.
4. Уй хўжалиқларининг истеъмол харажатлари (С):
 - а) асбоб-ускуналар, машиналарни яқуний сотиб олишга;
 - б) корхоналар, иншоотлар, тураржой биноларини қуришга сарфланган;
 - в) товар захиралари ўртасидаги фарқлар ёки захираларнинг ўзгариши.
5. Соф экспорт (X_n): мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ.
6. ЯИМни харажатлар орқали ҳисоблаш формуласини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$\text{ЯИМ} = C + I + G + X_n$$

7. Турли макроиктисодий кўрсаткичлар, ёки кўрсаткичлар гуруҳлари ўртасидаги мавжуд бўладиган, ёки мавжуд бўлиши иқти-

содий қонуният ҳисоблаган ўзаро тенгликка макроиқтисодий таҳлил дейилади.

8. Иқтисодиётда мавжуд бўлган инфляция жараёнлари ЯИМни ҳисоблашни осонлаштиради.

9. Инфляция иқтисодиётнинг реал ҳолатини кўрсатади.

10. ЯИМ дефлятори эса бозор саватиға жорий йида киритилмай қолган товарлар баҳоларининг ошишини ҳисобға олиш имконини бермаслиги туфайли баҳолар даражасини бироз пасайтириб кўрса-тади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

¶ Таклиф этилаётган фикрларни нархлашға шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.

1. Қуйидагиларнинг қайси бири ялпи ички маҳсулот таркибига киради.

- а) уй бекасининг хизматлари;
- б) кўшнидан сотиб олинган эски машина баҳоси;
- в) брокердан сотиб олинган янги акция қиймати;
- г) дўкондаги янги китобларнинг нархи.

2. Ялпи Миллий даромад, бу:

а) инвестиция минус жамғарма;

б) ЯИМ +мамлакат юридик ва жисмоний шахслари томонидан чет элларда олинган ва мамлакатға олиб кирилган даромад – чет эл юридик ва жисмоний шахслари томонидан мамлакатда олинган ва олиб чиқиб кетилган даромадлар;

в) шахсий даромад плюс индивидуал солиқ, минус давлат ташкилотларғаи соф субсидиялар;

г) рента, иш ҳақи, капиталға процент, мулкчилик даромади ва корпорация фойдаси йиғиндиси.

3. Келтирилган маълумотларға асосланиб ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини аниқланг:

- 1. Соф инвестициялар - 51,2;
- 2.Экспорт ҳажми-15,3;
- 3. Амортизация - 12,7;
- 4.Давлат хариди- 57,4;
- 5. Бизнесға эгри солиқлар- 13,3;
- 6.Транферт тўловлари-14,8;
- 7.Импорт ҳажми- 12,4;
- 8.Фойда солиғи-40,8;
- 9.Шахсий истьеьмол харажатлари- 223,1;
- 10. Иш ҳақи-250.

Корпорация фойдасига солиқ-12.

- а) 347;
- б) 357,6 ;
- в) 347,3;
- г) 388,1.

4.Қуйдаги кўрсаткичлардан қайси бири харажатлар йиғиндиси кўринишида ҳисобланган ЯИМ таркибига кирмайди.

- а) ялпи инвестициялар;
- б) маҳсулот ва хизматлар соф экспорти;
- в) давлатнинг товар ва хизматлар сотиб олишга харажатлари;
- г) иш ҳақи ва қўшимча тўловлар.

5. Агар истеъмол баҳолари индекси ўтган даврга нисбатан ўсган бўлса, унда ЯИМ дефлятори:

- а) ўсади;
- б) камаяди;
- в) ўзгармайди;
- г) кўпайиши, камайиши ёки ўзгармаслиги мумкин.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРAT ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Миллий иқтисодий таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлардан қайсилари макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади?
2. Қўшилган қиймат, якуний маҳсулот, оралик маҳсулот кўрсаткичларини тавсифлаб беринг.
3. Нима учун ЯИМ кўрсаткичини қайта ҳисоблашдан эҳтиёт бўлиш зарур ва бунга қандай эришилади?
4. ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблашда қўлланиладиган компонентлар таркибини санаб ўтинг.
5. Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг ишлаб чиқариш структурасига таҳлилий шарҳ беринг.
6. ЯИМни тақсимот усулида аниқлашда МҲТнинг янги талқинида келтирилган ҳамда иқтисодий адабиётларда қўллаб келинаётган услублардаги фарқларни тушунтириб беринг.
7. ЯМД кўрсаткичи қандай ҳисобланади ва ЯИМ кўрсаткичидан нимаси билан фарқ қилади.

8. ШД, ШТД, ЯМТД кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик ва фарқлар нимада?
9. Баҳолар индексларини ва реал ЯИМ ни ҳисоблаш заруратини асослаб беринг.
10. ЯИМ дефлятори ва истеъмол нархлари индекси кўрсаткичларининг фарқларини изоҳланг.

11-МАВЗУ: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ДАВРИЙ РИВОЖЛАНИШИ, ИШСИЗЛИК

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Иқтисодий даврларнинг моҳияти.
2. Иқтисодий даврларнинг сабаблари.
3. Иқтисодий даврларнинг босқичлари ва уларнинг тавсифи.
4. Ишсизлик тушунчаси ва унинг моҳияти.
5. Ишсизликнинг неоклассик ва кейнсча концепциялари.
6. Ишсизлик турлари ва иш билан тўла бандлик.
7. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. Оукен қонуни.
8. Ишсизликнинг ижтимоий оқибатлари.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2010. – 78-92, 125-137 с.с.
2. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие – М.: КНОРУС, 2010. – 93-121 с.с.
3. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./ Пер.с англ.– СПб.:Питер, 2009. – 250-281 с.с.
4. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009. – 405-442 с.с.
5. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд. – СПб.: Питер, 2008. – 97-154, 553-594 с.с.
6. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2008. – 117-143, 195-239 с.с.
7. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп. – М.: КНОРУС, 2008. – 107-160 с.с..
8. N.Gregory Mankiw Macroeconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
9. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник. - 6-е изд., испр. и доп. – М.: Высшее образование», 2006. – 193-215, 293-340 с.с.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Иқтисодий давр (цикл)лар - Ишлаб чиқариш, бандлилик ва инфляция даражасининг даврий тебраниши


Иқтисодий даврларнинг фазалари: чўкки, пасайиш, энг паст нуқтаси (туб), жонланиш (кўтарилиш).

Иқтисодий даврда асосий макрокўрсаткичларнинг ўзгариши

Чўкки	Пасайиш	Энг паст нуқтаси (туб)	Жонланиш (кўтарилиш)
Тўла бандлик	Бандлик даражаси пасаяди	Бандлик даражаси энг паст нуқтагача етади	Бандлик даражаси ўсади (тўла бандлик даражасигача)
Ишлаб чиқаришдаги қувватлар тўлиқ ишлатилади	Ишлаб чиқариш даражаси пасаяди	Ишлаб чиқариш даражаси энг паст нуқтагача етади	Ишлаб чиқариш тўлиқ қувватлар даражасига етади
Нархлар ўсиши мумкин	Нархлар ўзгармайди ва фақатгина ишлаб чиқаришнинг кучли пасайишида нархлар ҳам пасайиши мумкин	Нархлар пасайиши мумкин (лекин стагфляция шароитида улар ўсиши мумкин)	Нархлар бир оз ўсиши мумкин
Иқтисодий фаолликнинг ўсиши тўхтаилади	Иқтисодий фаоллик пасаяди	Иқтисодий фаолликнинг даражаси энг паст нуқтагача етади	Иқтисодий фаолликнинг даражаси ўсади

Ишсизлик – иқтисодиётда меҳнатга бўлган таклифининг унинг талабидан ортиқлиги.

Ишчи кучи – Ишлаётган ва фаол иш қидираётган меҳнатга лаёқатли аҳолидир.



Ишсизликнинг турлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Фрикцион ишсизлик - бу ишсизлик иш қидириш ёки кутиш билан болиқ. Бу ишсизлик тури меҳнат бозорининг самарасизлиги билан боғлиқ.

Структуравий ишсизлик - бу ишсизлик квалификацияни ўзгариши ёки ишчи кучининг миграцияси билан болиқ. Бу ишсизлик тури технология ёки талабнинг структуравий ўзгаришлари билан боғлиқ.

Фрикцион ва структуравий ишсизлик биргаликда ишсизликнинг табиий даражаси (ЯММнинг потенциал даражасига мувофиқ) ўзгаришига таъсир кўрсатади. Шунингдек, ЯММнинг потенциал даражасини ўзгаришига олиб келади.

Даврий ишсизлик - бу ишсизлик жами талабнинг камайиши ва шунга мувофиқ иқтисодий фаолликнинг пасайиши билан боғлиқ. Даврий ишсизлик иқтисодий ва бошқа сарф харажатларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган ишсизлик ҳисобланади.

Республикамызда мавжуд ишсизлик ва унинг салбий оқибатлари қуйидаги 11.1-расмда ўз ифодасини топган.



11.1-расм. Ишсизликнинг сабаб ва оқибатлари.

Ишсизликнинг турли шакллари қуйидагича аниқланади.

А) Яширин ишсизлик:

$$I_{\text{яш}}(t) = R_{\text{хк}}(t) - R_{\text{ни}}(t), \quad (1.)$$

Бу ерда: $R_{\text{хк}}(t)$ – ҳақиқий банд бўлган ишловчилар сони (хк), минг киши; $R_{\text{ни}}(t)$ – иш билан банд бўлиши зарур бўлган норматив ишловчилар сони(ни), минг киши.

Б) Мавсумий ишсизлик:

$$I_{\text{мав}}(t) = R(t) + R_{\text{мав}}(t), \quad (2.)$$

Бу ерда: $R_{\text{мав}}(t)$ – кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг қизғин даврида мавсумий иш билан банд, меҳнатга лаёқатли шахслар сони, минг киши.

В) Технологик ишсизлик:

$$I_{\text{тех}}(t) = R_{\text{олд}}(t) - R_{\text{кей}}(t) \quad (3.)$$

Бу ерда: $R_{\text{олд}}(t) - R_{\text{кей}}(t)$ – янги техника ва интенсив технологияни қўллашдан олдин (олди) ва кейин (кей) иш билан банд бўлган ишловчилар сони, минг киши;

Г) Таркибий ишсизлик:

$$I_{\text{тар}}(t) = (R_{\text{иж.олд}}(t) - R_{\text{иж.кей}}(t)) + (R_{\text{хх.олд}}(t) - R_{\text{хх.кей}}(t)) + (R_{\text{кк.олд}}(t) - R_{\text{кк.кей}}(t)) \quad (4.)$$

Бу ерда: $R_{\text{иж.олд}}(t) - R_{\text{иж.кей}}(t)$ – мулкчиликнинг ижара шаклини қўллашдан олдин ва кейин иш билан банд бўлган ишловчилар сони, минг киши;

$R_{\text{хх.олд}}(t) - R_{\text{хх.кей}}(t)$ – хусусий хўжаликлар пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши;

$R_{\text{кк.олд}}(t) - R_{\text{кк.кей}}(t)$ – ҳиссадорлик корхоналари пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши;

$R_{\text{кк.олд}}(t) - R_{\text{кк.кей}}(t)$ - қўшма корхоналар пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши.

Ишсизлик даражасини ишсизлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига бўлиш орқали аниқлаш лозим:

$$\text{Ишсизлик даражаси} = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{иқтисодий фаол аҳоли сони}} * 100\% \quad (8)$$



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Қуйидаги маълумотлар асосида ишсизлик даражасини аниқланг:

Жами аҳоли – 450 минг киши, жумладан:

16 ёшгача болалар – 80 минг киши;

– пенсионерлар – 60 минг киши, шундан 10 минг киши ҳали ишлайди;

– ишсизлар – 13 минг киши;

– муддатли ҳарбий хизматда – 5 минг киши;

– лицей ва коллеж талабалари – 20 минг киши;

– уй бекалари – 5 минг киши;

Ечиш:

Ишсизлик даражаси расман рўйхатга олинган ишсизлар сонини ишчи кучи сонига бўлиш йўли билан аниқланади, яъни:

$$\text{Ишсизлик даражаси} = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{ишчи кучи сони}} \times 100$$

ишчи кучи сони = 450-80-50-5-20-5=290

қўшимча ишловчи пенсионер ишчи кучи таркибига кирадилар

Ишсизлик даражаси = (13/290)*100% = 4,5%

2-машқ. Иқтисодиётда табиий ишсизлик даражаси – 6%, ҳақиқий ишсизлик 10%ни ташкил этади. Ишлаб чиқариш ҳажми - 600 млн. сўм. ЯИМнинг ишсизлик даражасининг ўзгаришига таъсирчанлиги коэффиценти 3 га тенг. ЯИМ узилишини аниқланг.

Ечиш:

Оукен қонунига кўра:

$$(Y - Y^*): Y^* = -\beta (y - y^*)$$

$$(Y - Y^*): Y^* = -3(0,1 - 0,06) = -0,12 \text{ ёки } 12\%.$$

$$(600 - Y^*): Y^* = 0,12 \implies Y^* = 682 \text{ млн. сўм.}$$

Демак, ЯИМнинг узилиши даврий ишсизлик билан боғлиқ, у куйидагини ташкил этади: $Y - Y^* = 600 - 682 = -82$ млн. сўм.

3-машқ. 2015 йилда шартли мамлакатда куйидаги ишсизлик кўрсаткичлари мавжуд эди:

- фрикциион - 3%; таркибий - 3%; даврий - 10%.

Номинал ЯИМ 27600 пул бирлигини ташкил этди, Оукен коэффиценти эса 2,5% га тенг.

ЯИМнинг узилиши миқдорини аниқланг.

Ечиш:

Ҳақиқий ишсизлик даражаси куйидагича топилади:

фрикциион (3%) + таркибий (3%) ва даврий (10%) = 16%

Табиий ишсизлик даражаси куйидагича топилади:

фрикциион (3%) + таркибий (3%) = 6%

Потенциал ЯИМни Оукен қонунининг математик кўринишидан фойдаланган ҳолда топамиз:

$$\text{Ҳақиқий ЯИМ} = \text{потенциал ЯИМ} * \left[1 - \frac{(U_1 - U_2) \times k}{100\%} \right],$$

бу ерда, U_1 – ҳақиқий ишсизлик даражаси; U_2 – табиий ишсизлик даражаси; k – Оукена коэффитценти. Маълумотларни формулага кўйиб, потенциал ЯИМни топамиз.

$$27600 = \text{Потенциал ЯИМ} * \left[1 - \frac{(16-10)2,5}{100} \right];$$

$$27600 = \text{Потенциал ЯИМ} * 0,85$$

$$\text{Потенциал ЯИМ} = 27600 : 0,85 = 32470 \text{ (пул бирл.)}$$

Агар ҳақиқий ишсизлик табиий даражадан ошмаса, ЯИМ 32470 пул бирлигини ташкил этар эди. Даврий ишсизлик мавжудлиги сабабли иқтисодиёт 4870 пул бирлиги (32470-27600) қийматидаги ЯИМга эга бўла олмаган.

4-машқ 2015 йилда шартли иқтисодий тизимда аҳоли сони таркиби тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар мавжуд эди:

- ишчи кучи сони – 350 млн. киши,
- ишсизлар – 30 млн. киши, жумладан:
- 15 млн. киши корхона банкротлиги натижасида ишсиз бўлиб колди,
- 3 млн. киши янги касбни ўрганади;
- 3 млн. киши ишлаб чиқариш қисқартирилгани натижасида ишдан бўшатирилган;
- 5 млн. киши корхона янги фаолият турига ўтганлиги туфайли ишдан бўшатирилди;
- 4 млн. киши ишламайди, чунки ёш болалари ва қари ота-оналари мавжуд.

Табиий ва ҳақиқий ишсизлик даражасини ҳисобланг. Оукен қонунидан фойдаланиб, агар потенциал ЯИМ 4 млрд. пул бирлигини ташкил этган бўлса, ЯИМнинг узилишини аниқланг.

5-машқ. Ишсизликнинг табиий даражаси 5%, потенциал ЯИМ 40 млрд. сўм, ишсизлар сони 1 млн. киши, иш билан бандлар 14 млн. киши. Топилсин:

- а) ишсизликнинг ҳақиқий даражаси;
- б) ЯИМнинг нисбий ва мутлақ узилиши;
- в) Ҳақиқий ЯИМ ҳажми.

6-машқ. Ишсизлик даражаси 8%, ишчи кучи сони 10 млн. киши, аҳоли сони 19 млн. киши, ишсизликнинг табиий даражаси 5%.

Топилсин:

- а) ишсизлар сони;
- б) ЯИМнинг нисбий ва мутлақ узилиши.

7-машк. Иқтисодиёт куйидаги маълумотлар билан ифодаланган: аҳолининг умумий сони 650 киши, меҳнатга лаёқатли бўлмаган ёшдаги аҳоли сони 140, ишсизлар сони 19, ишчи билан банд аҳоли сони 380 бўлса ишсизлик даражасини топинг.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Иқтисодий даврлар бешта босқични ўз ичига олади.
2. Пасайиш (рецессия) босқичида ишлаб чиқариш ва бандлик даражаси аста-секин ошиб, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ва тўлиқ бандлик даражасига эришилади.
3. Биринчи гуруҳ олимлар иқтисодий тебранишларнинг асосий сабаби техника ва технологияларда рўй берадиган ўзгаришлар деб ҳисоблайдилар.
4. Ялпи харажатлар миқдори қанчалик кўп бўлса, ишлаб чиқаришнинг ўсиши катта фойда олиб келади.
5. Иқтисодиётнинг беқарор ривожланиши оқибатида, иқтисодий пасайиш даврида ишлаб чиқариш ресурслари тўлиқ фойдаланилади.
6. Меҳнат бозорида бошқа ресурслар бозори сингари талаб ва таклиф қонуни амал қилади.
7. Агарда даврий ишсизлик бўлмаса, у ҳолда тўла иш билан бандлиликка эришилмайди.
8. Мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциали потенциал ЯИМ кўрсаткичи билан ўлчанади.
9. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан қанчалик юқори бўлса, ЯИМ узилиши шунча кам бўлади.
10. Оукен қонуни ишсизликнинг турли даражаларидаги маҳсулот йўқотишлари ҳажмини аниқлаш имконини беради.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

♣ *Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Яқин орада яна иш олишга умид қилаётган одам:

- а) бандлар гуруҳига киради;
- б) ишсизлар гуруҳига киради;
- в) ишчи кучи таркибига кирмайди;
- г) тўлиқ бўлмаган банд ҳисобланади.

2. Иқтисодиётнинг пасайиши туфайли ишини йўқотганлар қайси тоифага киради?

- а) фрикциион ишсизлар;
- б) структуравий ишсизлар;
- в) даврий ишсизлар;
- г) яширин ишсизлар.

3. Тўлиқ бандлик шароитида фрикциион ишсизлик бўлиши керак:

- а) «0»га тенг;
- б) 1%дан кам;
- в) циклик формадаги ишсизликдан кам;
- г) ҳамма жавоблар нотўғри.

4. Оукен қонунига биноан ҳақиқий ишсизлик даражасининг табиий ишсизликдан 2% ошиши ЯИМ реал (ҳақиқий) ҳажмини% ҳисобида унинг потенциал миқдоридан орқада қолишига олиб келади:

- а) 2% га;
- б) 3% га;
- в) 4% га;
- г) 5% га.

5. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган: аҳолининг умумий сони 65 млн. киши; меҳнат ресурслари сони 44 млн.киши. Ишсизлар сони 4 млн. киши. Иш билан бандлар сони 36 млн. киши. Бу ҳолатда ишсизлик даражаси тенг бўлади:

- а) 9.09%;
- б) 10% ;
- в) 11.1% ;
- г) 6.15%.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Иқтисодий тебранишларнинг сабабларини қандай изоҳлайсиз?
2. Ишсизликнинг қандай турлари мавжуд. Ишсизлик даражаси қандай аниқланади?
3. Ишсизликнинг табиий даражаси, иш билан тўлиқ бандлилик тушунчаларига тавсиф беринг.
4. Потенциал ЯИМ кўрсаткичини изоҳлаб беринг.
5. Макродаражада ишсизликнинг иқтисодий оқибатларини қандай ўлчаш мумкин?
6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқишига қайси ҳолатлар сабаб бўлди?
7. Молиявий инқирознинг ишсизлик даражасига таъсири қай тариқа рўй беради?

12-МАВЗУ: ИНФЛЯЦИЯ ВА АНТИИНФЛЯЦИЯ СИЁСАТИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Инфляциянинг моҳияти, шакллари ва омиллари.
2. Инфляциянинг турлари. Талаб ва таклиф инфляцияси.
3. Инфляциянинг келиб чиқиш сабаблари ва асосий оқибатлари.
4. Инфляцияни ҳисоблаш усуллари.
5. Макроийктисодий кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденциялари ва уларга инфляция омилнинг таъсири.
6. Антиинфляция сиёсати ва Ўзбекистон Республикасида уни амалга ошириш хусусиятлари.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.
2. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 93-121 с.с.
3. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов, 3-е изд., дополненное. – СПб.: Питер, 2009. – 213-245 с.с.
4. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./ Пер.с англ.– СПб.:Питер, 2009. – 307-339 с.с.
5. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ.,-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009. – 443-478 с.с.
6. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд. – СПб.: Питер, 2008. – 553-594 с.с.
7. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2008 – 195-239 с.с.
8. N.Gregory Mankiw Macroeconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР


❖ Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради

❖ Эсда тутинг!

Инфляция – бу коғоз пул бирлигининг қадрсизланиши ва шунга мос равишда товар нархларининг ўсишидир.

Инфляция турлари келиб чиқиш сабабларига қараб, қуйидагиларга бўлинади:


Талаб инфляцияси. Ишлаб чиқариш соҳаси аҳолининг талабини тўла қондира олмайди, тақлифга нисбатан талаб ошиб кетади. Натижада товарлар баҳоси ўсади. Кам миқдордаги товарларга кўп пул массаси тўғри келади. (12.1-расм).



12.1-расм. Талаб инфляцияси⁴.

Тақлиф инфляцияси, бунда баҳоларнинг ўсишига сабаб сифатида гарчи ресурслардан тўлалигича фойдаланилмаган бўлсада ишлаб чиқариш харажатларини ошишини келтириш мумкин (12.2-расм).

⁴ Шодмонов Ш.Ш., Набиев Э.Ғ., Гафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси / Ўқув қўлланма –Т., 2007 йил, - 122 б.



Административ инфляция «административ» бошқариладиган баҳолар туфайли пайдо бўлади

Харажатлар инфляцияси, бунда ишлаб, чиқариш омиллари баҳоси ошганда ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ошади ва натижада ишлаб чиқаришган маҳсулот нархи ҳам ошади

Импорт инфляцияси, бунда ташқи омиллар таъсир қилиб, мамлакатга чет эл валютасининг ҳаддан ташқари оқиб келиши ва импорт товарларининг баҳоси ошиши туфайли юзага келади

Кредит инфляцияси, ортиқча кредит экспансияси туфайли юзага келади

Кўриниши жиҳатидан:

Очиқ инфляция, яъни товар ва хизматларнинг эркин бозордаги инфляцияси;

Яширинч (босилган) инфляция, бунда давлатнинг баҳоларни бир даражада мажбурий ушлаб туришида пайдо бўлади. Товар дефицити бўлганда товарлар «қора бозор»га ўтиб, у ерда уларнинг баҳолари доимий равишда ўсиб боради.


Кўламига кўра:

Маҳаллий инфляция, айрим мамлакатларда юз берадиган инфляция;

Жаҳон инфляцияси бунда жаҳон бозоридаги нархларнинг ўзгариши ва жаҳондаги турли ўзгаришлар асосида келиб чиққадиган нархлар ўзгариши асосида вужудга келади.


Инфляция турлари асосан қуйидаги учта турга бўлинади. Булар қуйида келтирилган 12.3-расмда тўлиқ ҳамда батафсил

⁵ Шодмонов Ш.Ш., Набиев Э.Ф., Фафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси / Ўқув қўлланма –Т., 2007 йил, - 122 б.



12.3-расм. Инфляция турлари⁶


Бугунги кунда инфляцияни ҳисоблаш методикасига бир қатор ўзгаришлар киритилган (12.4.-расм)



12.4.-расм. Инфляцияни ҳисоблаш усуллари

⁶ Тарасевича Л.С., Гребенникова П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник. – 6-е изд., испр. и доп. – М.: Высшее образование, 2006. –164 с.

Филлипе эгриси:



12.5-расм. Инфляция билан ишсизликни ўзаро боғлиқлиги⁷

бу ерда: π – инфляция, π^e – инфляцион кутишлар, $(u - u^e)$ – даврий ишсизлик, ε – таклифнинг кескин ўзгариши.

Инфляцияни ҳисоблаш:

Инфляцияга миқдорий баҳо бериш учун иккита тушунчадан фойдаланилади:

- Инфляция даражаси
- Инфляция индекси

Ўрганилаётган давр ичида нархлар қанча фоизга ўзгарганлигини билдиради, яъни баҳонинг ўсиш суръатини кўрсатади

$$R = \frac{\Delta S}{S} \cdot 100\% \quad (12.1)$$

Бу ерда:

- R – инфляция даражаси;
- S – сумма (товарнинг давр бошидаги баҳоси);
- ҳозирги нарх билан олдинги нарх орасидаги фарқ.

Инфляция индекси.

Ўрганилаётган давр ичида нархлар нечта мартага ошганлигини кўрсатади

$$I = r + 1 \quad \text{ёки} \quad I = \frac{\text{ҳозирги нарх}}{\text{олдинги нарх}} \quad (12.2)$$

Агар ўрганилаётган муддат бир нечта даврга (n та давр) бўлиниб, ҳар бир даврдаги инфляция даражаси маълум бўлса

⁷ Тарасевича Л.С., Гребенникова П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник. – 6-е изд., испр. и доп. – М.: Высшее образование, 2006. – 211 с.

$$I = (1 + r_1) * (1 + r_2) * (1 + r_3) * \dots * (1 + r_n) \quad (12.3)$$

Агар ўрганилаётган муддат бир хил даврга (n та давр) бўлиниб, ҳар бир даврдаги инфляция даражаси бир хил бўлса

$$I = (1 + r_n)^n$$



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Битта давлатда ойлик инфляция даражаси 3% ни ташкил қилган бўлса, йиллик инфляция даражаси қандай бўлади.

Ечими:

Йиллик инфляция индексини топамиз

$$i = (1 + r_n)^n = (1 + 0.03)^{12} = 1.47$$

Демак йиллик инфляция даражаси

$$\text{га тенг} \quad r = i - 1 = 1.47 - 1 = 0.47 = 47\%$$

Бундан келиб чиқиб, инфляциянинг умумий даражаси

$$r = i - 1$$

2-машқ. Иқтисодиёт куйидаги кўрсаткичлар воситасида тасвирланган:

Йиллар	Инфляция даражаси	Номинал фоиз ставкаси
1	3%	8%
2	8%	3%

Иккинчи йилда биринчи йилга нисбатан реал фоиз ставкаси қанча миқдорга кўпайганлигини топинг.

3-машқ. 2015 йилда истеъмол нархлари 2014 йилга нисбатан 130%ни, 2016 йилда эса 2014 йилга нисбатан 145 фоизни ташкил қилди.

Топилсин:

а) 2016 йилда 2015 йилга нисбатан инфляция даражасини;

б) инфляция суръатини барқарор деб ҳисобласак неча йилда баҳолар икки мартага ортади.

4-машқ. Айтайлик истеъмол саватига фақат шакар ва гўшт кирсин. Жадвалда бу товарларни ишлаб чиқариш ҳажми ва нархи келтирилган. 2015 йил базис йили бўлса 2016 йил учун ЯИМ дефлятори ва истеъмол нархлари индексини аниқланг

Йиллар	Ишлаб чиқариш (ш.б.)		Бир ш.б. маҳсулот баҳоси (пул. бирл.)	
	Шакар	гўшт	шакар	Гўшт
2015	730	930	500	2700
2016	700	990	650	3200

5-машқ. Айтайлик истеъмол нархлари индекси 2015 йили 301га, 2016 йили эса 311 га тенг бўлган бўлсин. Базис йили ҳисобланган 2013 йилда инфляция даражаси 4% ни ташкил этган. Зарур ҳисоб-китоблар ёрдамида 2016 йилда ҳақиқий инфляция даражаси 4%дан кам бўлганлигини, баҳолар эса 2013 йилга нисбатан 211%га юқори бўлганини исботланг.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Инфляция баҳо индекслари - дефлятор ва истеъмол нархлар индекси ёрдамида аниқланади.
2. Ортиқча талаб эса реал товарлар баҳосининг камайишига иқтисодий босим беради ва талаб инфляцияси келиб чиқади.
3. Иқтисод пасайиш ҳолатида бўлганда мамлакатда жами талаб ошса, ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди, ишсизлик камаяди, баҳо даражаси эса деярли ўзгармайди ёки кам миқдорда ўзгаради.
4. Таклиф инфляцияси ўз-ўзини чекламайди.
5. Инфляцияни реал даромадлар даражасига таъсири у кутилаётган ёки кутилмаётганига ҳам боғлиқ.
6. Гиперинфляция шароитида пул ўзининг қиймат ўлчови ва алмашинув воситаси сингари функцияларини бажара олади.
7. Ишсизликни пасайтириш иш жойларини яратиш учун қўшимча маблағлар ажратилишини англалади.

8. Аксилинфляция сиёсати инфляцияни юзага келтирган сабабларни тугатишга қаратилган фаол ва инфляция шароитларига мослашишга қаратилган актив кўринишда бўлиши мумкин.
9. Монетаристлар томонидан таклиф қилинаётган аксилинфляция сиёсатининг яна бир кўриниши – инфляция суръатларини аста секинлик билан пасайтириб бориш (градуаллаш) усулидир.
10. Аксилинфляция сиёсатининг у ёки бу турини танлаш инфляция жараёнларининг хусусиятига боғлиқ эмас.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

¶ *Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Инфляция суръати йилига 4% тенг бўлса, нархлар даражаси неча йилдан кейин икки бараварга ўсади.

- а) 25 йилдан кейин;
- б) 20 йилдан кейин;
- в) 17,5 йилдан кейин;
- г) 28 йилдан кейин.

2. Қуйидаги кўрсаткичлар воситасида иккинчи йилда биринчи йилга нисбатан реал фоиз ставкаси қанча миқдорга ўзгарганини топинг.

Йиллар	Инфляция даражаси	Номинал фоиз ставкаси
1	3%	8%
2	8%	3%

- а) реал фоиз ставкаси ўзгармади;
- б) 5% га кўпайди;
- в) 5% га камайди;
- г) 10 фоизга камайди.

3. Филлипс эгри чизиғининг замонавий талқинига кўра, инфляция даражаси қуйидаги билан мусбат боғлиқликка эга:

- а) кутилаётган инфляция билан;
- б) ишсизликнинг табиий даражаси билан;
- в) таклиф шоклари билан;
- г) юқорида келтирилган барча жавоблар тўғри.

4. 2015 йилда 2010 йилга нисбатан истеъмол нархлар индекси 500% ни, 2014йилда эса 2010 йилга нисбатан 400% ни ташкил этди. 2015 йилдаги инфляция суръатини аниқланг.

- а) 25%;
- б) 400%;
- в) 20%;
- г) 100%.

5. Номинал фоиз ставка 20% га тенг, инфляция даражаси йилига 15% га тенг бўлганда, реал фоиз ставка нимага тенг бўлади?

- а) 5%;
- б) 75%;
- в) 35%;
- г) 10%.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Инфляциянинг моҳияти ва унинг ўрни деганда нимани тушунаси?
2. Инфляциянинг турлари тўғрисида фикрларингиз.
3. Талаб ва таклиф инфляцияси деганда нимани тушунаси?
4. Инфляциянинг келиб чиқиш сабабларини санаб ўтинг.
5. Инфляциянинг асосий оқибатлари нималарга олиб келади?
6. Инфляцияни ҳисоблаш усулларини санаб ўтинг ва бир усулда инфляцияни ҳисоблаб чиқинг.
7. Иқтисодиётда инфляция даражасини ўзгариш тенденциялари юзасидан фикрларингиз?
8. Аксинфляция сиёсати нима?
9. Аксинфляция сиёсатини Ўзбекистон Республикасида уни амалга ошириш хусусиятлари?
10. Инфляцияни таргетлаш стратегияси асосида нархлар даражаси барқарорлигини таъминлаш масалалари юзасидан таклифларингиз.

13-MAVЗУ: ЯЛПИ ТАЛАБ – ЯЛПИ ТАКЛИФ МОДЕЛИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Ялпи талаб тушунчаси. AD эгри чизиғи.
2. Бойлик самараси ва импорт харидлари самараси. AD эгри чизиғи траекторияси.
3. Ялпи таклиф тушунчаси ва эгри чизиғи.
4. AS эгри чизиғининг вертикаллиги.
5. Умумий мувозанат тушунчаси.
6. AD-AS моделида мувозанатнинг таъминланиши механизми.
7. Барқарорлаштириш сиёсати.

MAVЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2010. – 27-52 с.с.
2. N.Gregory Mankiw *Macroeconomics*, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
3. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие – М.: КНОРУС, 2010. – 75-92 с.с.
4. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов, 3-е изд., дополненное. – СПб.: Питер, 2009. – 85-124 с.с.
5. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./Пер.с англ.– СПб.: Питер, 2009. – 394-439 с.с.

MAVЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

AD-AS модели умумий макроиктисодий мувозанат модели бўлиб миллий бозорни қисқа ва узоқ муддатга таҳлил қилиш имконини беради. AD-AS модели иктисодий тебранишларни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун асос яратади.

Ялпи талаб – уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва хорижликлар томонидан мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни баҳоларнинг турли


даражасида сотиб олишга қилинган харажатларнинг умумий йиғиндиси.

Формула кўринишида ялпи талабни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$AD = C + I + G + X_n$$

Баҳолар даражаси ва талаб қилинган миллий маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифода этувчи чизиқ ялпи талаб эгри чизиғи деб аталади. Буни чизма кўринишида тасвирлаш мумкин (5.1-чизма).

13.1-расмдан кўришиб турибдики, ялпи талаб эгри чизиғи доимо пастга ва ўнгга сурилади




13.1-расм. Ялпи талаб эгри чизиғи

Баҳолар даражаси ва талаб қилинган миллий маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифода этувчи чизиқ ялпи талаб эгри чизиғи деб аталади AD эгри чизиғи траекториясини пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси билан ҳамда баҳо омиллари бўлган фоиз ставкаси самараси, бойлик самараси ва импорт харидлари самараси билан изохлаш мумкин. Баҳодан бошқа омиллар таъсирида AD эгри чизиғи ўнгга ёки чапга силжийди.

Ялпи таклиф – мамлакатда, маълум вақт давомида, тадиркорлик сектори ва давлат томонидан ишлаб чиқарилган, ва баҳоларнинг турли даражасида таклиф қилинадиган товар ва хизматларнинг умумий ҳажми.

Ялпи талаб эгри чизиғини AS эгри чизиғининг вертикал кесмасида ўзгарса бу ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатмайди ва фақат баҳолар даражаси ўзгаради, холос. Яъни, бу кесмада талабнинг ошиши талаб инфляциясини келтириб чиқаради. Ялпи таклифнинг бу кесмасида талабнинг ҳар қандай ўзгариши фақат

баҳолар даражаси ўзгаришга олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳажми эса тўлиқ бандлик шароитида ўзгармай қолади.



13.2-расм. Ялпи таклиф ўзгаришининг AD-AS моделидаги мувозанатга таъсири.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

☞ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Ўтган йили AD эгри чизиги тенгламаси: $Y = 3300 - 3P$ кўринишига эга эди. Жорий йилда бу тенглама: $Y = 3270 - 3P$ кўринишига эга. Потенциал ЯИМ аввалги даражаси 3000 да қолган. Инфляция даражасини ва қисқа муддатдаги мувозанатли ЯИМ ҳажмини аниқланг.

Ечиш:

Биринчи йилда: $3000 = 3300 - 3P$ $P = 100$,

Иккинчи йилда: $3000 = 3270 - 3P$ $P = 90$,

яъни бу даврда нархлар даражаси 10%га пасайган.

Икки йилдаги AD эгри чизик тенгламаларига кўра, қисқа муддатда эгри чизик чапга силжиган, шунинг учун:

$Y = 3270 - 300 = 2970$, яъни ялпи талабнинг қисқариши иккинчи - йилда ишлаб чиқариш ҳажми камайишига олиб келган.

2-машқ. Узоқ муддатли AS эгри чизиғи $Y=3000$ тенглиги, қисқа муддатли AS эгри чизиғи

$P=1,0$ даражасида берилган. AD эгри чизиғи тенгламаси: $Y=3,0M/P$. Пул таклифи (M) 1000 га тенг. Нарх шоки натижасида қисқа муддатли AS эгри чизиғи $P = 1,5$ даражасига силжган, узоқ муддатли AS эгри чизиғи – $Y=2500$. AD эгри чизиғи эса ўзгармаган. Қисқа ва узоқ муддатдаги янги Y ва P ни аниқланг.

Ечиш:

Қисқа муддатда:

$$AD=3M/P, M=1000$$


$Y=3*1000:1,5=2000$, яъни қисқа муддатда Y ва P мувофиқ тарзда куйидагиларга тенг:

$$Y=2000, P=1,5.$$

Узоқ муддатда:

AD: $2500=3*1000/P, R=1,2$, яъни узоқ муддатда Y ва P мос равишда куйидагиларга тенг:

$$Y=2500, P=1,2 \text{ (чизма).}$$



3-машқ. Ялпи талаб эгри чизиғи тенгламаси (AD): $Y=4(M/P)$. Дастлабки ҳолатда пул массаси (M) 1200 млрд. долларга тенг. Пул массаси 5% га ўсганидан сўнг қисқа муддатли мувозанатли нархлар даражасини ва даромадлар даражасини аниқланг.

4-машқ. Узоқ муддатли AS эгри чизиғи $Y=2000$, қисқа муддатли AS- эгри чизиғи $P=1.0$ даражасида горизонтал. AD эгри чизиғи тенгламаси $Y=2.0*M/P$. Пул таклифи (M) 1000 га тенг. Баҳо шоки натижасида ялпи таклиф эгри чизиғи $P=1.25$ даражасигача кўтарилди.

а) шокдан сўнг иқтисодиётда ўрнатилган қисқа муддатли мувозанат нуқтасининг координатлари қандай?

б) иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг дастлабки даражасини тиклаш учун Марказий банк пул таклифини қанчага ошириши керак.

5-машқ. Иқтисодиёт дастлаб тўлиқ бандлилик шароитида турган эди. Ялпи талабнинг узоқ муддатли тенгламаси (LRAS): $Y = 4000$ млрд. доллар. Ялпи талабнинг қисқа муддатли тенгламаси (SRAS): $P = 1.2$, Ялпи талаб эгри чизиги (AD) тенгламаси: $Y = 4(M/P)$. Дастлабки ҳолатда пул массаси (M) 1200 млрд. долларга тенг. Пул массаси 5%га ўсганидан сўнг узоқ муддатли ва қисқа муддатли мувозанат нуқталари координатларини аниқланг.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Ҳар қандай бозорда вазият талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга боғлиқ бўлиб, улар ҳажмларининг ўзгариши баҳоларнинг ўзгаришини келтириб чиқаради.
2. Ялпи таклиф иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматларни сотиб олишга қилинган умумий харажатлар йиғиндисидир.
3. Айрим товарларнинг баҳоси пасайганда, истеъмолчиларнинг пул даромадлари кўпроқ маҳсулот сотиб олиш имконини беради (даромад самараси).
4. товарларнинг миқдор даражалари ошса, истеъмолчиларга харид қилиш учун катта миқдорда нақд пул керак бўлади.
5. Фоиз ставкалари юқори бўлган шароитда ишбилармонларнинг инвестиция товарларига бўлган талаби ошади.
6. Ялпи таклиф тушунчаси кўпинча ялпи ички маҳсулот синоними сифатида қўлланилади.
7. Баҳоларнинг ҳар қандай ошиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келмайди.
8. Иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомалага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилиниши лозим.
9. Баҳога боғлиқ омилларнинг хусусияти шундаки, улар маҳсулот бирлигига кетган харажатларга бевосита таъсир қилади ва шу орқали жами таклиф эгри чизигининг силжишига сабаб бўлади.

10. Ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўсиши нархлар даражасининг ўсишига мос равишда пасайиб боради.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

♪ *Тақлиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. AD эгри чизигининг чап ва ўнг томонга силжиши баҳолар даражасига таъсир этмайди, агар:

а) бу силжиш AS эгри чизигининг горизонтал кесимида булса;

б) бу силжиш AS эгри чизигининг вертикал кесимида бўлса;

в) бу силжиш AS эгри чизигининг оралиқ кесимида бўлса;

г) иқтисодиёт тўлиқ бандлик шароитида бўлса.

2. Агар баҳо даражаси ошса, ишлаб чиқариш пасаяди, бу ҳолат AD –AS моделида изоҳланади:

а) AD эгри чизигининг ўнгга силжигани билан;

б) AD эгри чизигининг чапга силжигани билан;

в) AS эгри чизигининг чапга силжигани билан;

г) AS эгри чизигининг ўнгга силжигани билан.

3. AS эгри чизиги Кейнс кесимида:

а) ижобий эгилишга эга;

б) салбий эгилишга эга;

в) вертикал кўринишга эга;

г) горизонтал кўринишга эга.

4. Иқтисодиёт ASнинг классик кесимида бўлганда, ADнинг ўсиши қуйидагига олиб келади:

а) баҳоларнинг ўсишига, лекин реал ЯИМ (даражаси) динамикага таъсир қилмайди;

б) ЯИМнинг ўсишига олиб келади, лекин баҳолар даражасига таъсир қилмайди;

в) баҳолар даражаси ва реал ЯИМнинг ўсишига;

г) баҳолар даражасининг пасайишига ва реал ЯИМ ўсишига.

5. Ялпи талаб AD эгри чизик бўйлаб юқорига сурилади, агар:

а) баҳолар даражаси пасайса;

б) баҳолар даражаси ошса;

в) ишлаб чиқариш қувватлари пасайса;

г) миллий валютанинг курси кўтарилса.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Ялпи талабга ва унинг компонентларини таъриф беринг.
2. Ялпи талаб эгри чизиғи қуйига эгилган траекторияга эга бўлиши сабаби нимада?
3. Ялпи талабнинг бошқа омилларига ва уларнинг AD эгри чизиғига таъсирига изоҳ беринг.
4. Ялпи таклиф эгри чизиғи шакли қайси сабабларга кўра мураккаб кўринишга эга?
5. AD-AS моделидаги макроиқтисодий мувозанат ҳолатини ва унинг шартларини тушунтиринг.
6. Ялпи талаб ўзгариши моделдаги мувозанат ҳолатига қандай таъсир кўрсатади.
7. Ялпи таклиф ўзгариши моделдаги мувозанат ҳолатига қандай таъсир кўрсатади.

14-МАВЗУ: ИСТЕЪМОЛ, ЖАМҒАРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ФУНКЦИЯЛАРИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Ялпи талаб компонентлари орасида истеъмолнинг ўрни.
2. Автоном истеъмол.
3. Жамғариш функцияси ва графиги.
4. Фоиз ставкаси ва жамғари.
5. Истеъмолга (АРС) ва жамғаришга ўртача мойиллик (АРС).
6. Автоном инвестициялар.
7. Акселератор модели.
8. Инвестициялашга чегаравий мойиллик.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. – 56 б.
2. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 35-49 б.б.
3. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд. – СПб.:Питер, 2010. – 30-40 с.с.
4. N.Gregory Mankiw Макроеconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное. – СПб.: Питер, 2009. – 85-111 с.с.


МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*


♣ *Эсда тутинг!*

Истеъмол (consumption) – кишиларнинг иқтисодий талабларини қондириш жараёнида ижтимоий маҳсулотдан

фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охириги босқичи.



14.1-расм. Истеъмол графиги



14.2-расм. Жамғариш графиги

Истеъмол харажатлари – товарлар ва хизматларни якуний истеъмол қилиш мақсадида харид қилиш учун қилинган харажатлар. Уй хўжаликлари ва давлатнинг истеъмол харажатларига бўлинади. ЯИМнинг харажатларига кўра таркибида энг катта ва барқарор компонент.

Истеъмол нархлар индекси (consumer price index) – ўртача оила томонидан, одатда, истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархининг базис даврига нисбатан ўзгариши ўртача даражасини акс эттирадиган кўрсаткич, инфляция кўрсаткичи сифатида ишлатилади.

Истеъмолга ўртача мойиллик – истеъмол харажатларининг даромаддаги (ёки шахсий тасарруфдаги даромад ҳажмидаги) ҳиссаси.

$$APC = \frac{C}{Y_d} * 100$$

бунда: APC – (average propensity to consume) истеъмолга ўртача мойиллик.

Истеъмолга чегараланган мойиллик – истеъмол харажатларидаги ўзгаришнинг бу ўзгаришни келтириб чиқарган даромадларнинг (ШТДдаги) ўзгариш миқдоридаги улуши.

$$MPC = \frac{\Delta C}{\Delta Yd} * 100$$

Бу ерда: MPC (marginal propensity to consume) – истеъмолга чегараланган мойиллик.

Жамғаришдаги ўзгаришнинг ихтиёрдаги даромад ўзгаришдаги улуши **жамғаришга чегараланган мойиллик** дейилади.

$$MPC = \frac{\Delta S}{\Delta Yd} * 100$$

Бу ерда: MPS (marginal propensity to saving) жамғаришга ўртача мойиллик.

Истеъмол ва жамғариш ҳажми, шунингдек истеъмолчилар бойликлари даражасига, нарх ва солиқ ўзгаришлари, истеъмолчиларнинг қарзи даражасига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Инвестициялар ҳажмининг ЯММ ёки даромадлар даражасига боғлиқлигини акселератор модели акс эттиради:

$I = f(Y)$, яъни инвестициялар (I) ЯММ (Y)нинг функцияси экан.

Акселератор моделининг тўлиқроқ кўриниши қуйидагича бўлади:

$$I = I_{режа} + \Gamma Y$$

бу ерда:

$$\Gamma = \frac{\Delta I}{\Delta Y} = \frac{I_t - I_{t-1}}{Y_t - Y_{t-1}}$$

$I_{режа}$ – режалаштирилган инвестициялар; Y – ЯИМ (даромад) ҳажми.

Акселетатор моделини ҳисобга олиб, инвестиция функцияси-ни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$I = e - dR + \Gamma Y$$



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

❖ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Жамғаришга чегараланган мойиллик кўрсаткичи 0,2 га, автоном истеъмол ҳажми 700 га, чегараланган солиқ ставкаси 0,25 га, даромадлар даражаси 7000га тенг бўлса, топилсин:

а) истеъмол ва жамғармалар ҳажми;

б) истеъмолга ва жамғаришга чегараланган мойиллик кўрсаткичлари.

Ечиш:

Дастлаб истеъмолга чегараланган мойиллик кўрсаткичини ҳисоблаб топамиз

$$\text{Маълумки } MPC + MPS = 100 \quad MPC = 100 - MPS = 100 - 20 = 80\%, \text{ ёки } 0,8$$

Истеъмол функциясига кўра истеъмол харажатлари миқдорини аниқлаймиз

$$C = a + b(Y - t * Y) = 700 + 0,8(7000 - 0,25 * 7000) = 4900 \text{ ш.б.}$$

Жамғариш миқдорини тасаруфдаги даромаддан истеъмол харажатларини айириб топамиз

$$S = Y_d - C = (Y - t * Y) - C = (7000 - 0,25 * 7000) - 4900 = 5250 - 4900 = 350 \text{ ш.б.}$$

Истеъмолга ва жамғаришга ўртача мойилликни топамиз

$$APC = C/Y_d = 4900/5250 = 0,93 \quad APS = S/Y_d = 350/5250 = 0,07$$

2-машқ. Инвестициялар (I) 50 ш.б.ни, давлат харажатлари (G)-200, соф экспорт (X_n)-70, автоном истеъмол харажатлари (a)-100 ш.б.ни, жамғармага чегараланган мойиллик (MPS)-0,25 ни ташкил этса, ЯИМнинг мувозантли даржасини аниқланг.

Ечиш:

$$MPC = 1 - MPS = 1 - 0,25 = 0,75;$$

Истеъмол харажатлари функцияси:

$$C = 100 + 0,75Y$$

$$Y = C + I + G + X_n$$

Мавжуд маълумотларни асосий макроиктисодий айтиётга қўйган ҳолда ЯИМнинг изланаётган мувозантли миқдорини топамиз.

$$Y = 100 + 0,75Y + 50 + 200 + 70$$

$$0,25Y = 420 \text{ пул бирл.}$$

$Y = 420 : 0,25$, бундан $Y = 1680$ пул бирл. эканлигини аниқлаймиз.

3-машқ. Агарда ихтиёридаги даромад (Y) = 200 га истеъмол (C) = 180 га тенг бўлса, унда истеъмолга бўлган ўртача мойиллик (APC) ва жамғаришга бўлган ўртача мойиллик (APS) нимага тенг бўлади.

4-машқ. Ўтган йили уй хўжалиklarининг истеъмол харажатлари 800 шартли бирликни (ш.б.) тасарруфдаги даромад миқдори эса 1000 ш.б.ни ташкил этди.

Жорий йилда жамғармалар ҳажми 120 ш.б.ни, истеъмолга чегараланган мойиллик эса 82% ни ташкил қилди.

Топилсин:

а) ўтган йилдаги йилдаги жамғармалар, истеъмолга ва жамғаришга ўртача мойиллик кўрсаткичлари;

б) жорий йилдаги истеъмол, тасарруфдаги даромад, истеъмолга ва жамғаришга ўртача мойиллик кўрсаткичлари;

в) жамғаришга ва истеъмога чегараланган мойиллик кўрсаткичлари

5-машқ. Автоном солиқлар миқдори 200 ш.б., даромадларнинг 1 миқдога ўзгариши солиқларнинг 0,2 миқдорга ўзгаришини ва жамғармаларнинг 0,25 миқдорга ўзгаришини келтириб чиқаради. Автоном истеъмол ҳажми даромадларга нисбатан 15%. Даромадлар ҳажми 4000.

Топилсин:

а) истеъмол ва жамғармалар ҳажми;

в) истеъмолга ва жамғаришга ўртача, ҳамда чегараланган мойиллик кўрсаткичлари.

6-машқ. Истеъмол функцияси куйидаги кўринишда берилган:

$$C = 150 + 0,85(Y - T)$$

$$\text{Солиқ функцияси } T = t_0 + t_1 * Y$$

Ишлаб чиқариш ҳажми 5000. Агар солиқ ставкаси t_1 0,3 дан 0,2 га қадар пасайса истеъмол ҳажми қанчага ўзгаради.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Уй хўжаликлари тасарруфидаги даромаднинг истеъмол қилинмасдан қолган қисми уларнинг жамғармаларини ташкил этади.
2. Уй хўжалиги тасарруфидаги даромад фақат истеъмол учун ишлатилади.
3. Жамғариш графиги даромад билан жамғариш ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.
4. Истеъмолга ўртача мойиллик деганда тасарруфидаги даромаддаги истеъмол харажатларининг улуши тушунилади.
5. Жамғаришдаги ўзгаришнинг ихтиёрдаги даромад ўзгаришдаги улуши истеъмолга чегараланган мойиллик дейилади.
6. Инвестициялар таркибига уй-жой қурилишига кетган харажатлар ҳам киритилади.
7. Агарда кутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдасиз.
8. Инвестиция харажатлари фойда келтиришини аниқлашда номинал фоиз ставкаси эмас, балки реал фоиз ставкаси ҳисобга олинади.
9. ЯИМ ҳажми пасайиб кетганда эса, яъни иқтисодий фаоллик пасайиши шароитида бўш турган қувватлар мавжудлиги туфайли, инвестиция харажатлари пасайиб кетади.
10. ЯИМ ҳажми ошиши корхоналар фойдасининг камайишига олиб келади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

¶ *Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Ўтган йили ЯИМ 2000 ни, давлат харажатлари эса 500 ни ташкил қилди. Харажатларни 50 га ошириб ҳукумат ЯИМни 200 га оширишга эришди. MPC (истеъмолга бўлган чегараланган мойиллик) нечага тенг:

- а) 0,75 га;
- б) 0,25 га;
- в) 0,85 га;
- г) 0,5 га.

2. Истеъмол функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$C = 400 + 0,8Y_d$ Автоном харажатлар мультипликатори тенг:

- а) 4га
- б) 8 га
- в) 3 га
- г) 5 га

3. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган: мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми $Y = 5000$; истеъмол функцияси $C = 500 + 0,6(Y - T)$; Солиқлар $T = 600$; давлат харажатлари – 1000; инвестиция функцияси: $I = 2160 - 10000R$. Бу ҳолатда мувозанатнинг реал фоиз ставкаси тенг бўлади:

- а) 5%;
- б) 8% ;
- в) 10% ;
- г) 13%.

4. Истеъмол ва жамғарма ҳажмларининг йиғиндиси:

- а) тасарруфдаги даромад ҳажмига тенг;
- б) иқтисодий ўсиш шароитида даромаддан кўпроқ;
- в) ҳар доим даромаддан камроқ;
- г) барча жавоблар нотўғри.

5. Истеъмолга меъёрий мойиллик - бу:

- а) истеъмол қўшимча ўсишининг жамғарманинг қўшимча ўсишига нисбати;
- б) истеъмол ва даромад ҳажмлари ўртасидаги нисбати;
- в) даромаднинг бир бирлик қўшимча ўсишига тўғри келадиган истеъмолнинг ўсиши;
- г) барча жавоблар нотўғри.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Даромад, истеъмол ва жамғармалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликка изоҳ беринг.
2. Автоном истеъмол категориясининг моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Истеъмол ва жамғариш графикларини изоҳланг.
4. Истеъмол ва жамғармага ўртача ва чегаравий мойиллик кўрсаткичларини изоҳлаб беринг.
5. Қайси маблағларни инвестиция таркибига киритамиз?
6. Акселератор моделини тушунтириб беринг.
7. Кутилаётган соф фойда нормаси ўзгариши қайси сабабларга кўра рўй беради ва у инвестиция ҳажмига қандай таъсир кўрсатади?

15-МАВЗУ: КЕЙНСНИНГ ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДА МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТ МОДЕЛИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Классик макроиқтисодий мувозанат назарияси танқиди.
2. Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат назарияси.
3. “Инвестиция-жамғариш” модели.
4. “Даромадлар - харажатлар” модели – Кейнс хочи.
5. Соф экспорт функцияси.
6. Мультипликатор самараси .
7. Импортга чегаравий мойиллик.
8. Рецессион ва инфляцион узилиш.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абель Э., Бернаке Б. Макроэкономика. 5-е изд. – СПб.:Питер, 2009 – 544 с.
2. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. – М.: «Дело и Сервис», 2005. – 464 стр.
3. Ахмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиқтисодиёт. – Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004. – 240 бет.
4. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов. СПб.: Питер, 2009. -350 стр.
5. Джумаев З.А. “Макроиқтисодиёт” фанидан Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010 й. – 598 бет.
6. Ишмухаммедов А.Е, Джумаев З.А, Жумаев Қ.Х. Макроиқтисодиёт ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. – 192 бет.
7. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики. – СПб.: Питер, 2009. – 544 стр.
8. N.Gregory Mankiw Macroeconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
9. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009. – 592 стр.


МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

✦ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

✦ *Эсда тутинг!*

Классик иқтисодчилар **макроиқтисодий мувозанат** фақат тўлиқ бандлик шароитида рўй беради, қисқа мумдатли бузилишлар эса бозор механизлари томонидан, яъни баҳо, иш ҳақи каби дастакларнинг ишга тушиши билан бартараф этилади деб ҳисоблашади.


Классик иқтисодчилар таъкидлашларича, капитализмнинг ўзига хос пул бозори мавжуд ва бу бозор жамғарма ва инвестицияларнинг тенглигини таъминлайди. Бунда тенглаштирувчи омил ролини фоиз ставкаси ўтайди (15.1-расм).



15.1-расм. Жамғариш-инвестиция графиги.

Классик иқтисодчилар назариясидан фарқли ўлароқ инглиз иқтисодчиси Ж. Кейнс ўзининг тўлиқ бандлик мавжуд бўлмаган шароитда ҳам **макроиқтисодий мувозанат** рўй беради, тартибга солинмаган иқтисодиётда тўлиқ бандлилик фақатгина тасодифий рўй беради деб ҳисоблайди.

Кейнс моделида макроиқтисодий мувозанат ишлаб чиқаришни таъминловчи иккита омил ялпи харажатлар ва ялпи даромадларнинг кесишув нуқтасида рўй беради. Бу моделда товар заҳираларининг ўзгариши макроиқтисодий мувозанатни таъминловчи омил деб қаралади.




15.2-расм. Кейнс хочи (Кейнснинг макроиктисодий мувозанат модели)

Ҳақиқий инвестициялар режалаштирилган ва режалаштирилмаган инвестициялар миқдорини ўз ичига олади.


Ялли даромадларнинг автоном харажатлар миқдоридagi дастлабки ўсишдан (камайиши)дан неча марта ортиқ ўсиши (камайиши) **мультипликатор самараси** дейилади. Мультипликатор иктисодий тебранишлар даражасини кучайтирувчи омил ҳисобланади.

Автоном харажатлар мультипликатори миқдори истеъмолга чегараланган мойиллик даражаси билан белгиланади ва у билан тўғри боғлиқликка эга.

Макроиктисодий мувозанат потенциал ЯИМ ҳажмидан камроқ бўлган ҳақиқий ЯИМ ҳажмида ўрнатилса **рецессион узилиш**, аксинча бўлса **инфляцион узилиш** рўй беради.



15.3-расм. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ва потенциал ҳажми ўртасидаги рецессион узилиш



15.4-расм. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ва потенциал ҳажми ўртасидаги инфляцион узилиш



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

¶ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Истеъмол харажатлари 350 ш.б.ни, режалаштирилган инвестициялар 100 ш.б.ни, давлат харажатлари 150 ш.б.ни ташкил этади. Инвестициялар 10 ш.б.ка кўпайди. Даромаднинг янги мувозанатли даражаси 640ни ташкил қилди. Истеъмолга ва жамғаришга ўртacha мойилликни топинг.

Ечиш:

Дастлаб даромадларнинг бошланғич миқдорини топамиз

$$Y = C + G + I + X_n = 350 + 100 + 150 = 600 \text{ ш.б.}$$

Автоном харажатлар мультипликаторини аниқлаймиз

$$m = \Delta Y / \Delta E (\Delta I) = (640 - 600) / 10 = 4, \text{ бундан } MPC = 1 - 1/M = 1 - 1/4 = 0,75$$

$$m = 1 / (1 - MPC)$$

2-машқ. Дастлабки автоном инвестициялар натижасида ялпи ички маҳсулот 10 млрд. пул бирлигига ошди (ΔY). Жамғаришга чегараланган мойиллик (MPS) 0,2 га тенг бўлса, бу инвестициялар миқдорини топинг.

Ечиш:

Инвестициялар миқдорини автоном харажатлар мультипликатори (m) ёрдамида топиш мумкин, у жамғармага чегараланган мойиллик асосида ҳисобланади.

$$m = \frac{1}{MPS} = \frac{1}{0,2} = 5$$

ЯИМнинг ортиши $(\Delta Y) = \Delta I * m$, бунда инвестициялар ўзгаришини Аниқлаш мумкин: $10 = \Delta I * 5, \Delta I = 2$.

Бинобарин, дастлабки инвестицияларнинг 2 млрд. пул бирлигига ортиши ЯИМнинг 10 млрд. пул бирлигига ортишига сабаб бўлди.

3-машқ. Ўтган йили ЯММ 1000 ташкил қилди, давлат харажатлари 100 ташкил қилди. Харажатларни 50 га ошириб ҳукумат ЯММни 200 га оширишга эришди. Бу ҳолатда, давлат бюджети тақчиллиги 2 йил давомида 0 га тенг бўлди. MPC (истеъмолга бўлган чегараланган мойиллик) нечага тенг.

4-машқ. Истеъмолга чегараланган мойиллик 0,75 га тенг. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми 2000. Иқтисодиётни барқарорлаштириш учун ҳукумат давлат харажатларини 50 га камайтирди ва солиқларни 20 га оширди. Потенциал ЯИМ ҳажмини топинг.

5-машқ. Агар солиқлар 100 бирликка кўтарилса, фоиз ставкаси ўзгармасдан қолса, истеъмолга чегаравий мойиллик 0,6 га тенг бўлса кейинс хочини қўллаган ҳолда ҳисобланган ишлаб чиқариш ҳажмини аниқланг.

6-машқ. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан тасвирланган:

$$Y = C + I + G + X_n$$

$$C = 400 + 0,9 Y_d$$

$$X_n = 200 - 0,1Y$$

$$I = 200 + 0,25Y$$

$$G = 200$$

$$t = 0,333$$

Даромаднинг мувозанатли даражаси ва автоном харажатлар мультипликаторини топинг.

7-машқ. Жорий йилда мувозанатли ЯИМ ҳажми 1500 ш.б.ни, истеъмол ҳажми эса 1200 ш.б.ни ташкил этди. Жорий йилда истеъмол ўтган йилга нисбатан 20%га кўпайган. Ўтган йилги шахсий тасарруфдаги даромад ҳажми 1100 ш.б. Жамғаришга чегараланган мойиллик 20%.

Топилсин:

- а) ўтган йилги истеъмол ва жамғариш ҳажмларини;
- б) жорий йилдаги шахсий тасарруфдаги даромад ҳамда жамғариш ҳажмларини;
- в) истеъмолга чегараланган мойиллик ҳажмини.
- г) автоном харажатлар мультипликаторини;
- д) истеъмол харажатлари 10 ш.б.ка кўпайган ҳолатдаги мувозанатли ЯИМнинг янги ҳажмини.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Макроиқтисодий мувозанатнинг классик модели ишлаб чиқариш ҳажми ресурсларнинг бандлиги ва ишлаб чиқариш технологияларининг функцияси ҳисобланади.
2. Классик дихотомия концепциясида – икки параллел бозор, реал ва пул бозори алоҳида-алоҳида амал қилади, улар ўртасидаги

мувозанат автоматик барқарорлаштиргичлар орқали таъминлаб туради деб ҳисобланади.

3. Агарда, тадбиркорлар уй хўжаликларининг жамғармалари миқдорида инвестиция қилишса, ишлаб чиқариш ҳамда бандлик даражалари ўзгарувчан бўлиб қолади.
4. 1936 йили инглиз иқтисодчиси Жон Мейнард Кейнс капитализм иқтисодиётига янги, иш билан бандлик назариясини киритади.
5. Кейнс макроиқтисодий мувозанатга тўлиқ бўлмаган бандлик шароитида ҳам эришиш мумкин эмаслигини, тўла иш билан бандлик қонуний ҳолат эмаслигини, балки тартибга солинмаган иқтисодиётда тасодифий рўй беришигина мумкинлигини исботлаб берди.
6. Кишилар қиймати ўзининг иш ҳақи миқдоридан ортиқ бўлган маҳсулотларни сотиб олиш учун, масалан автомобиль ёки телевизор харид қилиш учун жамғаришади.
7. Инвесторларни инвестиция қилишга ундовчи сабаблар эса фоииз ставкаси билан бирга кутилаётган соф фойда нормаси ҳамдир.
8. Классиклар назарияси фоииз ставкаси эмас, балки аҳолининг ихтиёридаги даромади истеъмол ва жамғариш динамикасини белгилаб беради.
9. Режалаштирилган харажатларга уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунёнинг маҳсулот ва хизматларни сотиб олишга мўлжаллаган харажатлари киради.
10. Классиклар нинг макроиқтисодий мувозанат модели ялпи талаб- ялпи таклиф моделини қисқа муддатли макроиқтисодий сиёсат мақсадларида аниқлаштирган бўлиб, унинг хусусий ҳоли ҳисобланади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

♣ *Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Кейнс моделига кўра:

- а) иқтисодиётда таклиф ўзига мос талабни туғдиради;
- б) баҳолар ва номинал иш ҳақлари ўзгарувчан;
- в) ишлаб чиқариш ҳажмини иқтисодиётдаги капитал заҳираси белгилаб беради;

г) киска муддатди даврга баҳолар ва номинал иш ҳақи қайд этилган.

2. Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат моделида ЯИМнинг мувозанатли даражаси, бу:

а) жамғармалар ва режалаштирилган соф инвестицияларнинг тенглигидаги ЯИМ даражаси;

б) даромадлар ва режали харажатлар тенглигидаги ЯИМ даражаси;

в) ҳақиқий харажатлар ва режали харажатлар тенглигидаги ЯИМ даражаси;

г) келтирилган барча жавоблар тўғри.

3. Агар даромадлар режалаштирилган харажатлардан юқори бўлса, у ҳолда фирма ишлаб чиқаришини қисқартиради, чунки режадан ташқари маҳсулотлар миқдори (уларнинг захираси) :

а) кўпаяди;

б) камаяди;

в) «0»га тенг бўлади;

г) ўзгармайди.

4. Агар солиқлар 100 бирликка кўтарилса, фоиз ставкаси ўзгармасдан қолса, истеъмолга чегаравий мойиллик 0,6 га тенг бўлса кейнс хочини қўллаган ҳолда ҳисобланган ишлаб чиқариш ҳажми.

а) 150 га кўпаяди;

б) 150 га камаяди;

в) 250 га кўпаяди;

г) 250 га камаяди.

5. Кейнс назарияси бўйича активлар томонидан пулга бўлган талаб:

а) номинал даромад ҳажмига нисбатан тўғри боғлиқликка эга;

б) номинал даромад ҳажмига нисбатан тесқари боғлиқликка эга;

в) фоиз ставкасига нисбатан тесқари боғлиқликка эга;

г) фоиз ставкаси даражасига боғлиқ эмас.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Макроиктисодий мувозанат тўғрисида классик назариянинг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Кейнснинг макроиктисодий мувозанат назарияси моҳияти нимада ва классиклар назариясидан принципиал фарклари нимада?
3. Автоном харажатлар деганда нимани тушунаси?
4. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатларга таъриф беринг.
5. Кейнс хочи номли моделда макроиктисодий мувозанатни таъминловчи механизмга изоҳ беринг.
6. Мультипликатив самара нима сабабдан рўй беради?
7. Рецессион узилиш қандай вазиятларда рўй беради ва у қай тарика бартараф қилинади?
8. Инфляцион узилиш қандай вазиятларда рўй беради ва у қай тарика бартараф қилинади?
9. Кейнснинг макроиктисодий мувозанат модели ва AD-AS моделини таққосланг.

16-МАВЗУ: ПУЛГА ТАЛАБ ВА ПУЛ ТАКЛИФИ. ПУЛ БОЗОРИДА МУВОЗАНАТ.

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Пул тушунчаси ва функциялари.
2. Пул агрегатлари.
3. Фишер ва Кембриж тенгламалари.
4. Фишер самараси.
5. Пулга талабга портфелли ёндошув.
6. Пул таклифи.
7. Нақд пуллар ва депозитлар.
8. Пул таклифининг қисқартирилган модели.
9. Пул мультипликатори.
10. Пулнинг ликвидлилиги эгри чизиғи (LM)- Хансен модели.
11. Пул бозорида узоқ муддатли мувозанат.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2010. – 53-68 с.с.
2. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие – М.: КНОРУС, 2010. – 66-71, 181-189 с.с.
3. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов, 3-е изд., дополненное. – СПб.: Питер, 2009. – 129-141 с.с.
4. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./Пер.с англ.– СПб.: Питер, 2009. – 282-288 с.с.
5. N.Gregory Mankiw Макроеconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
6. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ., – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009. – 183-226 с.с.
7. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд. – СПб.: Питер, 2008. – 323-339 с.с.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

❖ Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.

♣ Эсда тутинг!

Пул тўлов, жамғариш ва қиймат ўлчови функцияларини бажарувчи, юкори ликвидли товардир. Пул тушунчаси вақатгина нақд пуллар билан чекланиб қолмасдан, унинг таркибий элементлари ликвидлилик даражаси тушиб боришига қараб агрегатларга ажратилган. Макроиқтисодий таҳлилда эътибор кўпроқ М1 ва М2 агрегатларига қаратилади.

Пулга бўлган умумий талаб битимлар учун пулга талаб, эҳтиёткорлик важдан пулга талаб ва молиявий активлар учун пулга талаб йиғиндисидн иборат.


Пулнинг миқдорий назарияси пулга бўлган талабни алмашинув тенгламаси ёрдамида аниқлайди:

$$M \cdot V = P \cdot Y$$

Бу ерда: M – муомаладаги пул миқдори; V – пулнинг айланиш тезлиги;

P – баҳолар даражаси (баҳо индекси); Y – реал ЯИМ.

Пулга бўлган талаб ҳажми ЯИМ (даромад) ҳажми, баҳолар даражаси, пулнинг айланиш тезлиги ва фоиз ставкасига боғлиқ.



16.1-расм. Пулга талаб графиги

Пулнинг айланиш тезлигини ҳисобга олмаганда, реал пул колдиғига талаб формуласи қуйидагича бўлади:

$$(M/P)^D = f(R, Y);$$

Бу ерда: R – фоиз ставкаси; Y – реал даромад.

Чизикли боғлиқликни эътиборга олсак, қуйидагича формула ҳосил бўлади:

$$(M/P)^D = kY - hR$$

Бу ерда: k ва h – пулга талабнинг даромадлар ва фоиз ставкасига таъсирчанлигини ифодаловчи коэффициентлар; k – фоиз ставкаси (реал фоиз ставкаси).

Пул активлари – маълум соҳада корхонанинг ҳисоб рақами, кассасида бўлган пул маблағлари.

Пул базаси – банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар ва Марказий банкдаги тижорат банкларининг захиралари.

Пулнинг миқдорий назарияси – пул таклифи ва иқтисодийётдаги баҳоларнинг умумий даражаси ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни ўрнатовчи назария. Биринчи бор инглиз файласуфи ва иқтисодчиси Д.Юм томонидан XVIII асрда илгари сурилди, америкалик иқтисодчи И. Фишер томонидан 1911 йилда ривожлантирилди ва кейинчалик Кебриж университети иқтисодчилари томонидан такомиллаштирилди.

Пулнинг харид қобилияти – аниқ пул бирлигининг бозордаги тариф ва нархлар даражаси шароитида маълум миқдордаги товар ва хизматларга алмашинув қобилияти.

Пул таклифи (M_s) ўз ичига банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар (C) ва зарур бўлганда (D) иқтисодий агентлар битимлар учун ишлатиши мумкин бўлган депозитларни олади:

$$M_s = C + D$$

Пул базасини MB ва банк резервларини R деб белгиласак,

$$MB = C + R$$

Пул таклифининг кенгайтирилган моделини ыуйидагича ёзиш мумкин:

$$M_s = \frac{Cr + 1}{Cr + rr} * MB \quad \text{ёки} \quad M_s = m * MB$$

$(Cr + 1) / (Cr + rr)$ нисбат пул мультипликатори деб юритилиб бир сўмлик пул базаси ҳисобига неча сўмлик пул таклифи юзага келишини кўрсатади. **Пул мультипликаторини** – пул таклифининг пул базасига нисбати кўринишида ёзиш мумкин:

$$m = \frac{M_s}{MB} = \frac{C + D}{C + R} = \frac{C/D + D/D}{C/D + R/D} = \frac{Cr + 1}{Cr + rr}$$

C_r миқдори – аҳолининг ўз маблағларини нақд пуллар ва депозитлар ўртасида қандай пропорцияда сақлашни танлашга боғлиқ.

$rr = R/D$ миқдори эса – аҳолининг нафақат Марказий Банк белгилаб берган мажбурий резерв нормасига, балки тижорат


банклари сақлаб туришни мўлжалланаётган ортиқча резерв миқдорига ҳам боғлиқ.

Агарда M - пул таклифини, P -нархлар даражасини билдирса, M^*/P^* пул воситаларининг реал захираси миқдорини кўрсатади.

$$(M/P)_s = M^*/P^*$$


Бу ерда: M – пул таклифи даражасини билдиради;

P – баҳолар даражаси (ушбу моделда экзоген ўзгарувчи)ни кўрсатади.



M/P

16.2-расм. Даромадлар даражасининг ошиши натижасида мувозанатнинг ўзгариши.



16.3-расм. Пул таклифининг камайиши натижасида пул бозорида талабнинг ўзгариши.

Фоиз ставкаси ва пул массаси мувозанатли даражасининг ўзгариб туриши пул бозорининг экзоген ўзгарувчилари – даромадлар даражаси ва пул таклифининг ўзгариши натижасида ҳам рўй беради.

График кўринишда, бу, пул талаби ва пул таклифи эгри чизиқларининг силжиши сифатида намоён бўлади (16.2, 16.3 расмлар).



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Тижорат банкининг пул захиралари 250 млн. пул бирлигини ташкил этади. Депозитлар 980 млн. пул бирлигига тенг. Мажбурий захиралар меъёри 20%ни ташкил этади. Агар банк ссуда бериш учун ортиқча захиралардан фойдаланишга қарор қилса, пул таклифи қандай ўзгариши мумкин.

Ечиш:

Мажбурий захиралар меъёри – 20% да мажбурий захиралар суммаси қуйидагини ташкил этади: $980 \times 0,2 = 196$ (млн. пул бирлиги).

Ортиқча захиралар: $250 - 196 = 54$ (млн. пул бирлиги).

Агар улардан ссуда бериш учун фойдаланилса, у ҳолда, қўшимча пул таклифи қуйидагини ташкил этади:

$$\Delta M = N \times m,$$

бу ерда, ΔM – қўшимча пул таклифи;

N – тижорат банкининг ортиқча захиралари;

m – банк мультипликатори, у қуйидаги формула бўйича топилади: $m = \frac{1}{R} \times 100\%$,

бу ерда, R – мажбурий захиралар меъёри. Бундан:

$$\Delta M = 54 \times \frac{1}{20} \times 100 = 270 \text{ (млн. пул бирлиги).}$$

2-машқ. Мажбурий захиралар меъёри 20%га тенг. Тижорат банки ортиқча захира сифатида депозитлар суммасидан яна 5%га эга. Депозитлар миқдори 20 000 ни ташкил этади. Банк ссуда бериш учун қандай максимал суммадан фойдаланиши мумкин.

Ечиш:

Мажбурий захиралар миқдори: $20\,000 \times 0,2 = 4\,000$ ни ташкил этади.

Ортиқча захиралар: $20\,000 \times 0,05 = 1\,000$ га тенг.

Пул захиралари: $4\,000 + 1\,000 = 5\,000$ га тенг.

Агар захиралар 5 000 ни ташкил этса, у ҳолда банк қолган маблағлардан ссуда бериш учун фойдаланиши мумкин: $20\,000 - 5\,000 = 15\,000$.

3-машқ. Иқтисодиётдаги пул базаси 300, мажбурий захиралар 130, пул массаси 960, депозитлар 790 ни ташкил этади. Бу маълумотлар асосида пул мультипликаторини топинг.

Ечиш:

Пул мультипликатори куйидагича аниқланади:

$$m_m = \frac{cr + 1}{cr + rr}$$

бу ерда, cr (депонентлаш коэффициентини) ва rr (захиралаш меъёри) номаълум.

$$rr = \frac{R}{D} \quad cr = \frac{C}{D}$$

Масала шартига кўра, $R = 130$, $D = 790$, $MB = 300$, $M = 960$.

Бунда:

$$rr = 130 : 790 = 0,16$$

$$M_s = C + D \implies C = 960 - 790 = 170$$

$$Cr = C : D = 170 : 790 = 0,215$$

$$m_m = (0,215 + 1) : (0,215 + 0,16) = 3,2.$$

4-машқ. Иқтисодиётда пул базаси 200 млн. сўмга тенг. Дефонентлаш коэффициентини 0,8. Мажбурий захира меъёри 20%. Реал пул қолдиғига талаб куйидаги тенглама орқали ифодаланеди: $M_d = 0,4Y + 50r$, даромад ҳажми $Y = 800$. нархлар даражаси $P = 4$. Мувозанатли фоиз ставкасини топинг.

5-машқ. Банк мультипликатори 2,5 га тенг. Пул таклифининг ошиши 60 млн. сўмни ташкил этди. Захиралаш меъёрини ва пул таклифи ошишига сабаб бўлган ортиқча захиралар ҳажминини аниқланг.

6-машқ. Марказий банк, «арзон пуллар» сиёсатини амалга ошириш орқали 10 млрд. сўм миқдоридидаги қимматли қоғозлар, жумладан, тижорат банкларидан 5 млрд. сўм ва аҳолидан 5 млрд. сўм сотиб олди. Аҳоли олинган пулларнинг бир қисмини банк тизимидан ташқарида нақд пулда сақлайди. Мажбурий захиралар меъёри 20%ни ташкил этади. Агар банк тизими ўз «арзон пуллар» имкониятларидан тўлиқ фойдаланса, пул таклифи қандай ўзгаради?

7-машк. Тижорат банкларининг жами резервлари 220 млн. сўм. Депозитлар 950 млн. сўмга тенг. Депозитларни мажбурий захира лаш меъёри 20%. Банк ўзининг барча ортиқча резервларини ссуда бериш учун ишлатишга қарор қилса пул таклифи қандай ўзгаради?

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Умумий эквивалентлилик, юқори ликвидлилик хусусиятлари пулни идеал тўлов воситасига айлантиради.
2. Ўз товари учун олган пулини сотувчи доим бирданига ишлатади.
3. Ривожланган иқтисодиёт шароитида пулнинг тўлов воситаси сифатидаги вазифаси жамғариш воситаси вазифасига нисбатан муҳимроқ аўҳамият касб этади.
4. Пулнинг айланиш тезлиги, иқтисодиётда битимлар таркиби нисбатан барқарор бўлганлиги учун ҳам доимий катталиқ деб қабул қилинмайди.
5. Монетаристлар қоидасига кўра ҳукумат пул массасининг ўсиш суръатини, реал ЯММнинг ўртача ўсиш суръати даражасида таъминлаб турсалар иқтисодиётда баҳолар даражаси барқарор бўлмайди.
6. Пулга талабнинг Кейнс назарияси, ликвидлиликнинг афзаллиги назарияси, пулни нақд кўринишда сақлашга кишиларни ундовчи тўрт сабабни ажратиб кўрсатади.
7. Пул ликвидлилик хусусиятига эга бўлганлиги учун ҳам аҳоли уни сақлашни афзал билади.
8. Агар классик назария пулга талабни асосан, реал даромад ҳажми билан боғласа, кейнсчиларда эса пулга талаб асосан, фоиз ставкасига боғлиқ деб ҳисобланади.
9. Ликвидлиликнинг афзаллиги назарияси кўрсатадики пулга бўлган талаб миқдори фоиз ставкасига боғлиқ эмас.
10. Пул агрегатларининг таркиби ва миқдори турли мамлакатларда ўзаро фарқ қилмайди.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

♪ *Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Агар (нақд пул/депозит) коэффиценти пасайса, бошқа шароитлар ўзгармаган ҳолда:

- а) пул мултипликатори камаяди;
- б) пул таклифи камаяди;
- в) пул таклифи кўпаяди;
- г) банк мултипликатори камаяди.

2. Агар пул базаси (МВ) 300 млрд сўмга, депозитларни мажбурий захиралаш нормаси 0,1 га, депонентлаш коэффиценти эса 0,2 га тенг бўлса, пул таклифи миқдорини аниқланг.

- а) 3000млрд сўм;
- б) 1200 млрд сўм;
- в) 650млрд сўм;
- г) 900 млрд сўм.

3. Пулга тансакцион талаб ўсади, агар:

- а) номинал ЯИМ камайса;
- б) баҳолар даражаси пасайганда;
- в) фоиз ставкаси кўтарилса;
- г) номинал ЯИМ кўпайса.

4. Айталиқ, нақд пулга талаб депозитларнинг 10%ига тенг бўлсин. Депозитларни мажбурий захиралаш нормаси 0,15 га тенг. Агар Марказий Банк пул таклифини 880 млрд. сўмга оширмоқчи бўлса, пул базасини.

- а) 200 млрд. сўмга кўпайтириши керак;
- б) 133 млрд сўмга кўпайтириши керак;
- в) 88 млрд.сўмга кўпайтириши керак;
- г) 250 млрд. сўмга кўпайтириши керак.

5. Агар пулга бўлган талаб $M/P = 0,2Y$ тенглама билан белгиланса, унда:

- а) пул айланиш тезлиги ўзгармайди;
- б) пул айланиш тезлиги 5га тенг;
- в) пул айланиш тезлиги 0,2га тенг;
- г) пул айланиш тезлиги 4га тенг.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Пулнинг моҳиятини тушунтиринг ва функцияларига изоҳ беринг.
2. Пул агрегатлари деганда нимани тушунасиз ва уни белгилашда қайси тамойилга амал қилинган?
3. Пулга талабнинг классик назарияси қандай асосларга таянади?
4. Пулга талабнинг кейнсча назариясининг моҳияти нимада ва классик назариядан нимаси билан фарқ қилади?

17-МАНВУ: ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ, СОЛИҚЛАР

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Давлат бюджетининг моҳияти, таркиби ва функциялари.
2. Ижтимоий сиёсатни молиявий таъминлаш.
3. Давлат бюджети даромади.
4. Консолидациялашган бюджет.
5. Солиқлар.
6. Солиқ сиёсати.
7. Солиққа тортиш мезонлари.
8. Лаффер эгри чизиғи.

МАНВУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 26-66, 83-95 б.б..
2. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие – М.: КНОРУС, 2010, 155-171 с.с.
3. N.Gregory Mankiw Macroeconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4, 682 p.

МАНВУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар манву моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Бюджет тақчиллиги – Молиявий йил натижаларига кўра давлат бюджетига харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши.

Солиқ ислоҳоти – солиқ тизимини қайта кўриш ва уни янгилаш, молиявий муносабатларнинг ўзгариши туфайли юзага келади.

Солиқ объекти – солиқ солинадиган даромад ёки мол-мулк.

Солиқ тизими – давлат фойдасига ундириладиган солиқлар тури мужмуи.

Солиқ юки – миллий иқтисодиёт даражасида давлат бюджетига солиқ тушумларининг (ЯИМнинг давлат бюджети орқали қайта тақсимланадиган қисмининг) ЯИМ даги улуши. Корхона даражасида корхона йил давомида тўлаган жами солиқлар ҳажмининг шу даврда олинган даромадларидаги улуши.

Фискал сиёсат (бюджет-солиқ сиёсати) мақсади иқтисодий ўсиш, баҳоларнинг барқарор даражаси, тўлиқ бандлик ва тўлов баланси барқарорлигини таъминлашдан иборат. Бу мақсадларга эришиш учун давлат харажатлари ва солиқлар билан манипуляция қилинади.


Фискал сиёсат чекловчи ёки рағбатлантирувчи турларга бўлинади. Рағбатлантирувчи фискал сиёсат иқтисодиётнинг пасайиш даврида олиб борилса, чекловчи фискал сиёсат иқтисодиётда ҳаддан зиёд талаб туфайли инфляция пайдо бўлган шароитда олиб борилади.

Фискал сиёсат тадбирлари қисқа ва узоқ муддатда мультипликатор самараси таъсири остида бўлади.

Давлат бюджетининг даромадлари ва солиқ ставкаси ўсиши ўртасидаги боғлиқликнинг графикда тасвирланиши “Лаффер эгри чизиғи” номини олди 17.1-расм). График тик ўқида солиқ ставкаси (R), ётиқ ўқида - давлат бюджетига тушумлар (V) акс этган. Солиқ ставкасининг оптимал миқдори (R1) давлат бюджетига энг юқори тушум (V1) ни таъминлайди. Солиқлар янада оширилганда ишлашга ва тадбиркорликка қизиқиш сусаяди, 100 фоизли солиқ олишда давлат даромади нолга тенг бўлади, чунки ҳеч ким текинга ишлашни хоҳламайди. Бошқача айтганда, узоқ муддатли истиқболда ҳаддан ташқари юқори ўрнатилаган солиқларни пасайтириш жамғармалар, инвестициялар, бандликнинг ортиши орқали солиқ ундириладиган ялпи даромад ҳажмининг ўсишини таъминлайди. Натижада солиқ тушумлари суммаси кўпаяди, давлат даромадлари ҳажми ўсади, тақчиллик камаяди ва инфляциянинг сусайиши рўй беради. Лекин ўз-ўзидан тушунарлики, Лаффер самараси фақат эркин бозор механизми меъёрида амал қилган ҳолдагина намоён бўлади.

Давлат харажатлари мультипликатори истеъмолга чегараланган мойиллик даражаси билан тўғри боғлиқликка,

чегаравий солиқ ставкаси ҳамда истеъмолга чегараланган мойиллик даражаси билан тескари боғлиқликка эга.



17.1-расм. Лаффер эгри чизиғи.

Давлат харажатлари ва солиқлар миқдорини бир хил миқдорга оширилиши дармадлар ҳажмини ҳам шунча миқдорга оширилишига олиб келади. Бу ҳолат баланслашган бюджет мультипликатори билан изоҳланади.

Иқтисодий пасайиш пайтида бюджетнинг даврий тақчиллиги, дискрет фискал сиёсат натижасида эса таркибий тақчиллиги юзага келади. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг мақбул йўли давлат қимматли қоғозларни чиқариш ва уларни сотиш ҳисобига қарз олишдир.

Республикамизда ўтказилаётган бюджет-солиқ сиёсати иқтисодиётга солиқ юқини камайтириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, барқарор иқтисодий ўсишга шарт-шароит яратиш, ялпи талабни ошириш каби мақсадларга қаратилган.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

¶ Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!

1-машқ. А ва В мамлакатларнинг иқтисодиёти куйидаги маълумотлар билан ёритиб берилган:

Кўрсаткичлар	А мамла- кат	В мамла- кат
1. Молиявий йил бошида давлат қарзи қиймати (млн. дол.да)	2000	2000
2. Молиявий йил давомидаги номинал давлат харажатлари(млн.дол.да)	200	200
3. Нарх даражаси (йил бошида)	1,0	1,0
4. Инфляциянинг йиллик суръати	0,0	0,1
5. Давлат қарзи бўйича номинал фоиз ставкаси	0,03	0,13
6. Давлат бюджетига номинал солиқ ту- шумлари (млн.дол.да)	260	260

Ҳисобланг:

а) Мамлакатда давлат қарзларига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловларининг номинал миқдори қандай?

б) Ҳар бир мамлакатда бюджет дефицитининг расмий баҳоси қандай?

в) Ҳар қайси мамлакатда давлат қарзининг номинал ва реал қиймати қандай (йил охирида)?

Ечиш:

а) А мамлакат учун статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда, номинал фоиз ставкаси ва давлат қарзи миқдорини кўпайтириш орқали давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловларининг номинал миқдорига эга бўламиз:

$$0,03 \cdot 2000 = 60 \text{ (млн.дол.)}$$

б) мамлакат учун ҳам худди шу тарзда ҳисоблаб чиқамиз:
 $0,13 \cdot 2000 = 260 \text{ (млн.дол.)}$

б) Ҳар қайси мамлакатда давлат бюджети дефицитини расмий (яъни номинал) баҳоси миллий давлат харажатлари ҳамда қарзга

хизмат кўрсатиш бўйича номинал фоиз тўловлари билан бирга бюджетга номинал солиқ тушумлари ўртасидаги фарқ сифатида юзага келади:

А мамлакат учун қуйидагига эгамиз:

$$200 + (0,03 \times 2000) - 260 = 260 - 260 = 0 (\text{млн.дол.}).$$

В мамлакат учун бунга:

$$200 + (0,13 \times 2000) - 260 = 460 - 260 = 200 (\text{млн.дол.}).$$

в) Йил охирида давлат қарзининг номинал қиймати йил бошидаги қарз миқдори ҳамда йил давомида ҳосил бўлган давлат бюджетининг номинал дефицитига тенг.

А мамлакат учун қуйидагига эгамиз:

$$2000 + 0 = 2000 (\text{млн.дол.})$$

Б мамлакат учун шунга ўхшаш:

$$2000 + 200 = 2200 (\text{млн.дол.})$$

Икки мамлакатда давлат қарзининг реал қийматини баҳолаш учун уларнинг ҳар қайсисида йил охиридаги нарх даражасини ҳисоблаб чиқиш зарур. Дастлабки икки мамлакатда нарх даражаси бир хил ва 1,0 тенг, лекин йиллик инфляция суръати бошқача: А мамлакатда 0,0 ва Б мамлакатда 0,10.

Бинобарин, йил охирида нарх даражаси А ва Б мамлакатлар учун 1,0 ва 1,1 ташкил этди (мувофиқ тарзда).

Йил охирида давлат қарзининг реал қиймати йил охиридаги нархлар даражасига бўлинган унинг йил охиридаги номинал қийматига тенг. Мувофиқ тарзда қуйидагига эгамиз:

А мамлакат учун: $2000 : 1,0 = 2000 (\text{млн.дол.})$

Б мамлакат учун: $2200 : 1,1 = 2000 (\text{млн.дол.})$

яъни иккала мамлакатда реал қарздорлик бир хил.

2-машқ. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

Истеъмол функцияси $C = 800 + 0,9(Y - T)$, давлат харажатлари $G = 500$, инвестициялар ҳажми $I = 360$, солиқлар ҳажми $T = 400$. Қуйидагиларни аниқланг:

а) мувозанатли ЯИМ;

б) солиқлар ва давлат харажатлари мультипликаторлари;

в) агар потенциал ЯИМ 15000 тенг бўлса, унга эришиш учун давлат харажатларини қай тарзда ўзгартириш зарур.

3-машқ. Иқтисодий тизим қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланади: Истеъмол функцияси $C = 60 + 0,8 Y_d$.

Режалаштирилган инвестициялар даромадга боғлиқ эмас ва $i = 40$, бирлик. Давлат харажатлари $G = 20$ бирлик. Топилсин:

А) Иқтисодиётдаги мувозанатли даромад даражасини;

Б) харажатлар мультипликатори миқдорини;

В) давлат харажатлари 10 бирликка кўпайганда мувозанатли даромад даражасини.

4-машқ. Ресурслар тўлиқ банд бўлган иқтисодиётда ҳукумат давлат харажатларини 15 млрд. сўмга оширишга қарор қилди. Даромадларнинг мувозанатли даражаси 500 млрд. сўм, истеъмолга чегаравий мойиллик 0,75, давлат бюджетига соф солиқ тушумлари автоном, яъни даромадлар даражасига боғлиқ эмас. Ортиқча ялпи таклифни юзага келтирмаслик ва баҳолар даражасининг барқарорлигини сақлаб туриш учун бюджетга солиқ тушумларини қанчага кўпайтириш лозим.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Давлат бюджети молиявий баланс сифатида икки қисмдан иборат бўлиб, бу қисмларни содда қилиб даромадлар ва харажатлар деб аташ мумкин.
2. Давлат бюджети харажатлари таркибида иқтисодиётга харажатлар, марказлашганг инвестицияларни молиялаштириш, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий соҳа, давлат бошқарув ва суд идораларини молиялаштириш моддалари мавжуд.
3. Аҳоли давлат бюджетига ҳар ойда олган даромадларига қараб даромад солиғи тўлайди.
4. Солиқлар ихтиёрий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради.
5. Солиқлар мажбурий тўлов бўлиб фискал, қайта тақсимлаш, рағбатлантириш ва назорат функцияларини бажаради.
6. Давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг шахсан ўзига тўлиқ қайтиб келади.
7. Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб уч гуруҳга бўлинади.
8. Қушилган қиймат солиғи оборотдан олинандиган солиқ ҳисобланади.
9. Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар уч гуруҳга бўлинади.

10. Солиқларнинг умумдавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

♪ *Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан инфодаланган: истеъмол харажатлари $C = -100 + 0.8Y_d$; Инвестициялар $I = 200$; давлат харажатлари $G = 800$; Солиқ ставкаси $t = 0.2$. Агар ҳукумат солиқ ставкаларини ошириш ва давлат харажатларини камайтириш орқали давлат бюджетини баланслаштириш тўғрисида қарор қабул қилса, унда:

- а) ЯИМ 2500 дан ошиб кетади;
- б) ЯИМ 2500дан кам бўлади;
- в) ЯИМ 2500га тенг бўлади;
- г) ЯИМ динамикасини прогноз қилиш учун маълумотлар етарли эмас.

2. Ресурслар тўлиқ банд бўлган иқтисодиётда ҳукумат давлат харажатларини 15 млрд. сўмга оширишга қарор қилди. Даромадларнинг мувозанатли даражаси 500 млрд. сўм, истеъмолга чегаравий мойиллик 0,75, давлат бюджетига соф солиқ тушумлари автоном, яъни даромадлар даражасига боғлиқ эмас. Ортиқча ялпи таклифни юзага келтирмаслик ва баҳолар даражасининг барқарорлигини сақлаб туриш учун бюджетга солиқ тушумларини қанчага кўпайтириш лозим?

- а) 25 млрд сўмга;
- б) 20 млрд. сўмга;
- в) 30 млрд. сўмга;
- г) 35 млрд. сўмга.

3. Агар иқтисодиёт мувозанат ҳолатида турган бўлса, таъкидлаш мумкинки:

- а) истеъмол харажатлари инвестицияларга тенг бўлиши лозим;
- б) давлат бюджети баланслашган;
- в) истеъмол харажатларини ҳар қандай ошириш инфляциян узилишга олиб келади;

г) барча келтирилган жавоблар нотўғри.

4. Қуйида келтирилган фикрларнинг қайси бири нотўғри.

а) давлат қарзининг тўлаш харажатларининг ортиши солиқ ставкаларини пасайтириш имкониятини камайтиради;

б) солиқ ставкаларининг пасайтирилиши инфляция суръати кўтарилиши эҳтимолини тўлиқ бартараф қилади;

в) солиқ ислохотлари солиқ ставкаларини пасайтириш, солиқ базасини кенгайтириш, ва турли категориядаги солиқ тўловчилар орасида солиқ юкини тенг тақсимлаш мақсадларини кўзда туттади;

г) солиқ ставкаларини пасайтириш бюджетнинг солиқ тушуми кўринишидаги даромадлари паайишига олиб келиши мумкин.

5. Давлат харажатларининг ўсиши реал ЯИМни кўпайишига олиб келади, қачонки:

а) давлат харажатлари ва пул таклифи бир вақтда ўсса;

б) давлат харажатларининг ортиши нодавлат сеторининг шунга тенг миқдордаги харажатлари камайишига олиб келмаса;

в) бу харажатлари давлат хизматчилари иш ҳақи оширилишига эмас, балки товарлар ва хизматлар сотиб олишга сарфланса;

г) бу харажатлари давлат облигациялари чиқарилиши ҳисобига молиялаштирилса.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Давлат бюджетига таъриф беринг ва унинг харажатлари таркибини санаб ўтинг.
2. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда?
3. Солиқларнинг функцияларига изоҳ беринг.
4. Ўзбекистон Республикаси бюджетига солиқ тушумларинг таркиби ва миқдоридаги тенденцияларни изоҳлаб беринг.
5. Мамлакатимизда солиқ сиёсати қайси мақсадларга қаратилган?
6. Солиқ ислохотларининг асосий йўналишларини тушунтириб беринг.

18-МАВЗУ: БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Бюджет-солиқ (фискал) сиёсати.
2. Солиқ мультипликацияси механизми.
3. Прогрессив солиқ тизими.
4. Даврий тақчиллик ва даврий профицит.
5. Тақчилликни молиялаш услулари.
6. Тақчилликни монетлаштириш ва Оливер-Танзи самараси.
7. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсатининг

ўзига хос хусусиятлари.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси Т Адолат 2015й
2. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 26-66, 83-95 б.б..
3. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие – М.: КНОРУС, 2010, 155-171 с.с.
4. N.Gregory Mankiw Makroeconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4, 682 p.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Бюджет-солиқ сиёсати деганда ноинфляцион ЯИМ ишлаб чиқариш шароитида иқтисодиётда тўлиқ бандликни, тўлов балансининг мувозанатини ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган давлат харажатлари ва солиқларини ўзгартиришни ўзичига олган чора тадбирлар тушунилади.

Қисқа муддатли даврда бюджет-солиқ сиёсати давлат харажатлари, солиқ ва баланслашган бюджет мультипликаторлари самараси таъсири остида бўлади.


$$\Delta G \uparrow \rightarrow \Delta E \uparrow (\Delta E = \Delta C) \rightarrow \Delta Y (\Delta Y = \Delta C * m_g)$$

Давлат харажатларининг ΔG миқдорга ўсиши **режалаштирган** харажатларининг ΔE миқдорда ўсишига ва умумий харажатларнинг эгри чизиқ бўйича юқорига сурилишига олиб келади. Бу вазиятда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми (ΔY) миқдорда ўсади.

Фискал сиёсат чекловчи ёки рағбатлантирувчи турларга бўлинади. Рағбатлантирувчи фискал сиёсат иқтисодийнинг пасайиш даврида олиб борилса, чекловчи фискал сиёсат иқтисодийда ҳаддан зиёд талаб туфайли инфляция пайдо бўлган шароитда олиб борилади.

Фискал сиёсат тадбирлари қисқа ва узоқ муддатда мультипликатор самараси таъсири остида бўлади.

Давлат харажатлари мультипликатори истеъмолга чегараланган мойиллик даражаси билан тўғри боғлиқликка, чегаравий солиқ ставкаси ҳамда истеъмолга чегараланган мойиллик даражаси билан тесқари боғлиқликка эга.



18.1-расм. Давлат харажатлари ўзгаришининг мультипликатив самараси

Солиқ мультипликация самараси давлат харажатлари сингари солиқларнинг бир марта ўзгариши оқибатида истеъмолнинг бир неча бор ўзгаришига боқлиқ.

Солиқ мультипликаторини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$m_t = \frac{\Delta Y}{\Delta T} = \frac{-b}{1-b}$$

Агар давлат бюджетига барча солиқ тушумлари жорий даромад – Y динамикасига боғлиқ деб ҳисобласак солиқ функцияси $T = tY$ – қўринишни олади. Бу ҳолатда истеъмол функцияси қуйидаги қўринишга эга бўлади:


$$C = a + b(Y - tY) = a + b(1-t)Y,$$

Солиқ мультипликатори эса қуйидаги қўринишни олади:

$$m_t = \frac{-b}{1-b(1-t)}$$

Очик иқтисодиётда давлат харажатлари мультипликатори ва солиқ мультипликаторини ҳисобга олганда мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми модели қуйидагича бўлади:

$$Y = \frac{-b}{1-b(1-t)+m} (a + I + G + g) - \frac{b}{1-b(1-t)+m} T_a$$



18.2- расм. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчаллиги



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

¶ Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!

1-машқ. Айтилик, давлат хариди 500га тенг бўлсин, солиқ функцияси $T=0,4Y$, трансфертлар функцияси $TR=0,2Y$, баҳолар даражаси $P=1$. Фоиз ставкаси $R=0,1$ бўлганда давлат қарзи $D=1000$. Реал ишлаб чиқариш ҳажми 2000. Потенциал ишлаб чиқариш ҳажми 2500. Давлат бюджети қолдиғини топинг.

2-машқ. 2015 йилда яим-2300, хусусий инвестициялар – 200 ни ташкил этган. 2016 йилда бу кўрсаткичлар мувофиқ тарзда 2550 ва 250 ташкил этди. Автоном солиқлар 120, давлат харажатлари – 100 га тенг. Иқтисодиётда ҳақиқий ишсизлик табиий ишсизлик даражасидан 2% юқори, ЯИМнинг даврий ишсизликка таъсирчанлик коэффициенти 3 га тенг. Автоном харажатлар, мувозанатли ва потенциал ЯИМ, инфляция (рецессион) фарқ, шунингдек фарқни баргараф этиш учун давлат харажатларини қанчалик ўзгартириш кераклигини аниқланг.

3-машқ. Иқтисодиёт куйидаги кўрсаткичлар билан ифодаданган

$$C=20+0,8(Y-T+F) \text{ (истеъмол)}$$

$$I=60 \text{ (инвестициялар)}$$

$$T=40 \text{ (солиқлар)}$$

$$TR=10 \text{ (трансфертлар)}$$

$$G=30 \text{ (давлат харажатлари)}$$

а) Даромаднинг мувозанатли даражасини ҳисоблаб топинг.

б) Ҳукумат иқтисодиётни рағбатлантириш учун харажатларни 40 бирликка оширди.:

– режалаштирилган харажатлар эгри чизиғида қандай ўзгариш рўй беради.

– даромаднинг мувозанатли даражаси қандай ўзгаради.

– давлат харажатлари мультипликатори нимага тенг.

– давлат бюджети қолдиғи қандай ўзгаради.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Фискал сиёсат шунингдек, бюджет-солиқ сиёсати, деб ҳам айтилади.
2. Узоқ муддатда давлат харажатларининг юқори бўлиши ва солиқларни камайтириш ишлаб чиқариш омилларининг ўсишига ва натижада, иқтисодий салоҳиятнинг кўтарилишига олиб келиши мумкин.
3. Узоқ муддатли даврда бюджет-солиқ сиёсати давлат харажатлари, солиқ ва баланслашган бюджет мультипликаторлари самараси таъсири остида бўлади.
4. Солиққа тортиш ҳисобга олинган ҳолдаги харажатлар мультипликатори солиққа тортиш ҳисобга олинмаган ҳолдаги солиқ мультипликаторидан анча кичикроқ миқдорга эга.
5. Солиқ мультипликация самараси давлат харажатлари сингари солиқларнинг бир марта ўзгариши оқибатида истеъмолнинг бир неча бор ўзгаришига боқлиқ эмас.
6. Давлат харажатлари ўзгаришидан юзага келадиган мультипликатив самара солиқлар пасайишидан олинадиган мультипликатив самарадан кичикроқ бўлади.
7. Дискрет фискаль сиёсат юритилганда иқтисодий пасайиш даврида жами талабни рағбатлантириш учун давлат харажатларини оширилиши ва солиқларни камайтилиши натижасида давлат бюджети камомади юзага келтирилади.
8. Нодискрет фискаль сиёсат ўрнатилган барқарорлаштиригичларга асосланади.
9. Иқтисодий юксалиш даврида ортиқча талаб иқтисодиётга инфляцион таъсир кўрсатаётган шароитда даромадлар даражаси ошиши билан солиқлар ставкалари пасаяди ва бу жами талабга чекловчи таъсир кўрсатади.
10. Давлат харажатлари ўзгарувчан бўлган шароитда бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги мавжуд бўлиши мумкин.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

¶ Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.

1. Қуйидагилардан қайси бири фискал сиёсатнинг чораларига киради:

- а) давлат харажатларини ўзгартириш;
- б) солиқ солишни ўзгартириш;
- в) давлат бюджетини тартибга солиш;
- г) барча жавоблар тўғри.

2. Фискал сиёсат қуйидагича бўлиши мумкин:

- а) рағбатлантирувчи (экспансион);
- б) чеклантирувчи (рестрикцион);
- в) автоматик;
- г) барча жавоблар тўғри.

3. Рағбатлантирувчи барқарорлаштириш сиёсати рестрикцион сиёсатдан фарқли ўлароқ нимага қаратилган:

- а) иқтисодийтдаги ишлаб чиқариш ҳажмини ва бандлик даражасини оширишга;
- б) инфляция суръатларини пасайтиришга;
- в) иқтисодийтнинг сиклик кўтарилишини чеклашга;
- г) давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар баланслигини ушлаб туришга.

4. Бошқа тенг шартлар бажарилганда давлат харажатлари мултипликаторининг самараси:

- а) солиқ мултипликаторининг самарасидан камроқ;
- б) солиқ мултипликаторининг самарасига тенг;
- в) солиқ мултипликаторининг самарасидан ошиқроқ;
- г) бир маъноли жавоб йўқ.

5. Давлат бюджетининг камомади қандай вазиятларда пайдо бўлади.

- а) давлат активларининг йиғиндиси унунг мажбуриятлар йиғиндисидан ошганда;
- б) давлат харажатларнинг йиғиндиси солиқ тушумлар йиғиндисидан ошганда;
- в) давлат харажатлари камайса;
- г) солиқ тушумлари камайса.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Рағбатлантирувчи ва чекловчи фискал сиёсатнинг қисқа ва узок муддатдаги натижаларини тушунтириб беринг.
2. Давлат харажатларининг мультипликатори катталиги қайси кўрсаткичларга боғлиқ?
3. Очиқ иқтисодиётда давлат харажатлари мультипликатори катталиги фискал сиёсат самарадорлигига қандай таъсир кўрсатади?
4. Солиқ мультипликатори миқдори қайси омилларга боғлиқ?
5. Баланслашган бюджет мультипликаторининг моҳияти нимада?
6. Дискрет фискал сиёсатининг камчиликларини тушунтириб беринг.
7. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги қандай пайдо бўлади, улар қай йўсинда тугатилади?
8. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсатининг асосий хусусиятларини изоҳлаб беринг.

19-МАВЗУ: БАНК ТИЗИМИ, ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Банк тизимининг таркиби.
2. Пул-кредит сиёсатининг моҳияти.
3. Мажбурий заҳира нормаси.
4. Қатъий ва эластик пул кредит сиёсати.
5. ЯИМнинг ўсиши ва пул-кредит сиёсати.
6. Пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатини мувофиқлаштириш муаммолари.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010, 68-69, 93, 125, 133- б. б.
2. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 26-66, 83-95 б.б.
3. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд. – СПб.:Питер, 2010. – 156-167 с.с.
4. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие – М.: КНОРУС, 2010. – 152-180 с.с.
5. N.Gregory Mankiw Макроеconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
6. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное. – СПб.: Питер, 2009. – 293-306 с.с.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

❖ Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.

♣ Эса тутинг!

Банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир.

Банкнота – Мамлакат Марказий банки томонидан чиқариладиган нақд қоғоз пуллар бўлиб, иқтисодиётдаги пул таклифининг бир қисмини ташкил этади.

Банк захиралари – банкда сақланаётган нақд пуллар, Марказий банкда тижорат банклари томонидан сақланаётган фойсиз депозитлар.

Банк тизими – тижорат банклари мажмуи. Банк тизими жисмоний ва юридик шахсларининг омонатларини (депозитларини) қабул қилади, пул ўтказмаларини амалга оширади, қарз ва кредитлар беради, давлат ва акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларига инвестиция қилади.

Пул-кредит сиёсати деганда, тўлиқ бандлик шароитида ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар тушунилади.

Пул-кредит сиёсатини амалга оширишда фойс ставкаси, мажбурий захиралаш нормаси ва очик бозордаги операциялар каби воқиталардан фойдаланилади.

Очик бозордаги операциялар пул-кредит сиёсатининг энг прогрессив усули бўлиб, уни қўллаш кўлами ортиб боради.

Ўзбекистон Республикасида мажбурий захиралаш нормаси ва қайта молиялаш ставкалари камайтириб борилаётганлиги, пул-кредит сиёсатининг нисбатан юмшатилаётганлигидан далолат беради. Бу инфляция суръатларининг жиловланганлиги туфайли мумкин бўлди ва инвестициялар, ялпи талаб ҳажмига ижобий таъсир кўрсатади.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Потенциал ЯИМ(γ)-3000, қисқа муддатли эгри AS горизонтал бўлиб, $P=1,0$ даражада берилган. AD эгри чизиғи

$Y = 2000 + M/P$ тенглама шаклида берилган. Пул таклифи 1000 га тенг. Нарх шоки натижасида қисқа муддатли AS эгри чизиғи $P = 1,5$ даражагача силжиди. Марказий банк ишлаб чиқаришни потенциал даражада ($Y = 3000$) сақлаб қолиш учун пул таклифини қанчалик ошириши лозим.

Ечиш:

Потенциал ишлаб чиқариш ҳажмини AD эгри тенгламага кўямиз:

$$3000 = 2000 + M / 1,5$$

$M = 1500$, яъни ишлаб чиқаришни потенциал даражада ($Y = 3000$) сақлаб қолиш учун, пул таклифи 1500 га тенлаштирилиши лозим. Демак Марказий банк пул таклифини 500 га ошириши лозим.

2 -машқ. Марказий банк томонидан ўрнатилган депозитларни мажбурий заҳиралаш меъёри 20% га тенг бўлсин. Банк тизимидаги депозитлар банкдан ташқаридаги нақд пуллардан 4 мартага кўп. Мажбурий заҳираларнинг умумий миқдори 800 млрд. сўм. Тижорат банкларининг ортиқча резервлари 200 млрд. сўм. Иқтисодиётдаги пл таклифи ҳажмини аниқланг.

3-машқ. Марказий банк иккиламчи бозорда олдинроқ давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун чиқарилган давлат қисқа муддатли облигацияларининг 1/6 қисмини сотиб олди. Пул таклифи 210 млрд. сўмга ошди. Марказий банк томонидан ўрнатилган депозитларни мажбурий заҳиралаш нормаси 20% га тенг. Банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар депозитлардан 5 мартага кам. Марказий банк қанча миқдордаги облигацияларни сотиб олган. Эмиссия қилинган облигацияларнинг умумий миқдори қанча.

4-машқ. Тижорат банкларининг ресурс базасини кенгайтириш учун Марказий банк улардан 16 млрд. сўмлик давлат облигацияларини сотиб олишга қарор қилди. Тижорат банклари облигацияларни сотишдан олинган маблағларнинг 10% ини ортиқча резерв сифатида сақлаб туришга қарор қилди. Натижада, мультипликатор самараси тасирида, пул массаси 90 млрд. сўмга кўпайди. Марказий банк томонидан ўрнатилган депозитларни мажбурий заҳиралаш нормасини аниқланг.

5-машқ. Агар Марказий банк очиқ бозорда тижорат банкларига 20 млн. сўмлик давлат облигацияларини сотса,

мажбурий заҳиралаш нормаси 12,5% бўлганда пул таклифи максимал қанчага қисқариши мумкин.

6-машқ. Марказий банк сиёсати пул таклифини 5%га қисқаришига олиб келди.

а) Бу сиёсат AD эгрида қандай акс этади?

б) Қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврларда ишлаб чиқариш ҳажми ва нарх даражаси қандай ўзгаради?

7-машқ. Агар пул базаси (МВ) 300 млрд. сўмга, депозитларни мажбурий заҳиралаш нормаси-10% га, депонентлаш коэффиценти (cr)-0,3 га тенг бўлса пул таклифи ҳажмини аниқланг.

8-машқ. Тижорат банкининг умумий (суммар) заҳиралари 220 млн.руб.ни ташкил этади. Депозитлар 950 млн.руб.га тенг. Депозитларнинг умумий заҳиралаш меъёри 20%ни ташкил этади. Агар банк ссуда бериш учун жами шахсий ортиқча заҳираларидан фойдаланишга қарор қилса, пул таклифи қандай ўзгариши мумкин?

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Банклар пул оламини ҳаракатга келтирувчи мотор – юрак, пул билан бўладиган ҳисоб-китобларни амалга оширади.
2. Пул кредит сиёсати Марказий Банк томонидан белгиланади ва уни Марказий Банк амалга оширади.
3. Пул кредит сиёсати воситалари албатта алоҳида-алоҳида ишлатилиши шарт эмас.
4. Пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситалардан бири – бу, ҳисоб ставкаси сиёсатидир.
5. Пул-кредит сиёсати асосида иқтисодиётга пул-кредит сиёсатининг таъсир этиши жараёнларини ўрганувчи пул назарияси ётади.
6. Кейнсчилар пул миқдорининг ўзгариши билан ЯММ ўзгариши ўртасида яқинроқ алоқа мавжуд; яъни, пул миқдорининг ўзгариши бевосита ЯММ ўзгаришига олиб келади, деб ҳисоблашади.
7. Монетаристлар пулнинг айланиш тезлигини барқарор, деб ҳисоблайдилар, кейнсчилар эса, аксинча, беқарор дейдилар.
8. Агар пулга талаб инфляция тасирида кўпайса қаттиқ пул кредит сиёсатини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

9. Пул-кредит сиёсати фискал ва савдо сиёсатлари билан чамбар-час боғлиқ эмас.
10. Барқарор пул-кредит сиёсати ҳукумат томонидан олиб бориладиган фискал сиёсатга ҳамма вақт ҳам мос келавермайди.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

☞ **Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар ғаройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.**

1. Агар (нақд пул / депозит) коэффиценти пасайса, бошқа шароитлар ўзгармаган ҳолда:

- а) пул мултипликатори камаяди;
- б) пул таклифи камаяди;
- в) пул таклифи кўпаяди камаяди;
- г) банк мултипликатори.

2. Агар пул базаси (МВ) 300 млрд сўмга, депозитларни мажбурий захиралаш нормаси 0,1 га, депонентлаш коэффиценти эса 0,2 га тенг бўлса, пул таклифи миқдорини аниқланг.

- а) 3000 млрд сўм;
- б) 1200 млрд сўм;
- в) 650 млрд сўм;
- г) 900 млрд сўм.

3. Пулга тансакцион талаб ўсади, агар:

- а) номинал ЯИМ камайса
- б) баҳолар даражаси пасайганда;
- в) фоиз ставкаси кўтарилса;
- г) номинал ЯИМ кўпайса.

4. Айталик, нақд пулга талаб депозитларнинг 10%ига тенг бўлсин. Депозитларни мажбурий захиралаш нормаси 0,15 га тенг. Агар Марказий Банк пул таклифини 880 млрд. сўмга оширмоқчи бўлса, пул базасини.

- а) 200 млрд. сўмга кўпайтириши керак
- б) 133 млрд сўмга кўпайтириши керак;
- в) 88 млрд.сўмга кўпайтириши керак;
- г) 250 млрд. сўмга кўпайтириши керак.

5.100 фоизли захираш банк тизимида пул мултипликатори.

- а) 0га тенг;
- б) 1га тенг;
- в) 100га тенг;
- г) 10га тенг.



**МАВЗУГА ДОИР НАЗОРAT VA MYXOKAMA
УЧУН САВОЛЛАР**

1. Марказий банк ва тижорат банклари функцияларини тушунтириб беринг.
2. Пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. Очiq бозордаги операцияларнинг пул таклифига таъсири механизмини тушунтириб беринг.
4. Қайта молиялаш ставкасининг ўзгартирилиши пул таклифига қандай таъсир этади?
5. Мажбурий захираш нормаси қайси мақсадларда қўлланилади ва унинг пасайтирилиши оқибатлари қандай?
6. Пул-кредит сиёсатининг етказиш механизмини тушунтириб беринг.
7. Эластик ва қаттиқ пул кредит тсиёсати тушунчаларига изох беринг.
8. Фискал ва пул-кредит сиёсатини мувофиклаштиришнинг муҳимлиги нималар билан изоҳланади?

20-МАВЗУ: IS-LM МОДЕЛИ АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Хикс-Хансен моделининг моҳияти.
2. Моделнинг тенгламалари ва асосий ўзгарувчилари.
3. Экзоген ва эндоген ўзгарувчилар.
4. IS эгри чизиғи.
5. Пул бозоридаги мувозанат. LM эгри чизиғи.
6. LM эгри чизиғининг алгебрик натижаси.
7. LM эгри чизиғи силжишлари.
8. IS-LM моделида бюджет солиқ сиёсати.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов, 3-е изд., дополненное. – СПб.: Питер, 2009. – 350 с.
2. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./ Пер.с англ. – СПб.: Питер, 2009. – 544 с.
3. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009. – 592 с.
4. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд. – СПб.: Питер, 2008. – 768 с.
5. N.Gregory Mankiw Macroeconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
6. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной. -5-е изд., перераб. И доп. – М.: КНОРУС, 2008. – 688 с.
7. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 8-е изд. , испр. и доп. – М.: Высшее образование», 2014. – 634 с.
8. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. 9-е изд. – М.: «Дело и Сервис», 2013. – 460 с.
9. Ахмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт. – Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004. – 240 б.

МАНЗУГА ДООР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар манзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

IS-LM модели товар ва пул бозорларининг ўзаро алоқаларини ва ҳар икки бозорда биргаликда мувозанат ўрнатилиши механизмини изоҳловчи моделдир.

Моделнинг асосий тенгламалари қуйидагилар:

1. $Y = C + I + G + X_n$ – асосий макроиқтисодий айният.
2. $C = a + b(Y - T)$ – истеъмол функцияси, бу ерда $T = T_a + tY$.
3. $I = e - dR$ – инвестиция функцияси
4. $X_n = d - m'Y - nR$ – соф инвестиция функцияси.
5. $M/P = kY - hR$ – пулга талаб функцияси.

IS эгри чизиғи товар ва хизматлар бозорида пайдо бўладиган даромадлар даражаси ва фоиз ставкасининг комбинацияларини кўрсатади. IS эгри чизиғининг ҳар бир нуктасида товар пул бозорида мувозанат таркиб топади.

S тенгламасини истеъмол, инвестиция ва соф экспорт функциялари тенгламаларини асосий макроиқтисодий айниятга қўйиб, уни R ва Y га нисбатан ечиб топилади.

R га нисбатан топилган IS тенгламаси:

$$R = \frac{a + e + g}{d + n} - \frac{1 - b(1 - t) + m'}{d + n} * Y + \frac{1}{d + n} * G - \frac{b}{d + n} * T_a,$$

бу ерда $T = T_a + tY$.

Y га нисбатан топилган IS тенгламаси:

$$Y = \frac{a + e + g}{1 - b(1 - t) + m'} - \frac{1}{1 - b(1 - t) + m'} * G + \frac{b}{1 - b(1 - t) + m'} * T_a - \frac{d + n}{1 - b(1 - t) + m'} * R,$$


бу ерда $T = T_a + tY$.

$(1 - b(1 - t) + m') / (d + n)$ IS эгри чизиғининг Y ўқиға нисбатан оғиш бурчагини кўрсатади ва фискал ҳамда пул кредит сиёсати самарадорлигининг нисбий параметрларидан бири ҳисобланади.


LM эгри чизиғи ўзгармас нархлар шароитида пул воситалари бозорида вужудга келадиган фоиз ставкаси ва даромадлар даражасининг комбинацияларини кўрсатади. LM эгри чизиғининг ҳар бир нуктасида пул бозорида талаб ва таклиф ўзаро тенг бўлади.

IS ва LM эгри чизиқларининг кесишув нуктаси ҳар икки бозор учун мувозанат нуктадир. Бу нуктада асосий макроиқтисодий

айният истъёмол, инвестиция, соф экспорт ва пулга талаб функциялари тенглигини тўлиқ каноатлантиради.



20.1- расм. Пулбозоридаги мувозанат графиги




20.2 – расм. LM эгри чизиғи графиги

Модел унда IS ва LM эгри ичизикларининг ҳолати акс эттирадиган макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб макроиқтисодий сиёсат усулларнинг қай бирини қўллаш, ёки уларни мувофиқлаштириш масалаларини ҳал этиш имконини беради.

IS – LM моделидаги иқтисодий мувозанат

Бу ерда : R^* – мувозанатли фоиз ставкаси; Y^* – мувозанатли даромад ҳажми.

IS ва LM эгри чизикларининг ўзаро кесишиши пул таклифи инвестициялар ва жамғармаларни ўзаро тенглаштирувчи фоиз ставкаси шаклланиши учун етарли эканлигини англатади.



21.3- расм. IS – LM моделидаги иқтисодий мувозанат

Бу ерда: R^* – мувозанатли фоиз ставкаси; Y^* – мувозанатли даромад ҳажми.

IS ва LM эгри чизикларининг ўзаро кесишиши пул таклифи инвестициялар ва жамғармаларни ўзаро тенглаштирувчи фоиз ставкаси шаклланиши учун етарли эканлигини



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Очиқ иқтисодиётда истеъмол функцияси қуйидаги кўринишга эга: $C=300+0,65Y_d$, инвестиция функцияси $I=200-1500r$, солиқлар $T=200$, давлат харажатлари $G=200$, пулга талаб функцияси $M=(0,5Y-2000r)P$, пул таклифи $M=550$, нархлар даражаси $P=1$, соф экспорт функцияси $X_n=100-0,05Y-500r$. IS ва LM эгрилар тенгламаси, шунингдек, Y даромад ва r фоиз ставкасининг мувозанат қийматини аниқланг.

Ечиш:

IS эгри чизиғи тенгламасини топамиз

$$Y=S+I+G+X_n.$$

$$Y=300+0,65(Y-200)+200-1500r+200+100-0,05Y-500r.$$

$$0,4Y=670-2000r.$$

$$Y=1675-5000r$$

LM эгри чизиғи тенгламасини топамиз

$$M/P=kY-hr.$$

$$550/1=0,5Y-2000R.$$

$$0,5Y=550+2000P$$

$$Y=1100+4000P \text{ – LM тенгламаси}$$

Y даромад ва P фоиз ставкасининг мувозанат қийматини аниқлаш учун IS ва LM эгри чизикларининг кесишиш нуқтасини топиш керак.

$$1675-5000r=1100+4000r.$$

$$575=9000r \implies r=0,064 \text{ ёки } 6,4\%.$$

Тенглама моделларидан бирига фоиз ставкасининг мувозанат қийматини қўйган ҳолда, даромаднинг мувозанат қийматини топиш мумкин:

$$Y=1100+4000 \times 0,064=1356.$$

2-машк. Очик иқтисодиётда истеъмол функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$C = 100 + 0,8Y_d;$$

– инвестицилар функцияси $I = 200 - 400r$;

– солиқ ставкаси $t = 0,2$;

– давлат харажатлари $G = 200$;

– пулга талаб функцияси $M = (0,8Y - 1600r)P$;

– пул таклифи $M = 800$;

– нарх даражаси $P = 1$;

– соф экспорт функцияси $X_n = 100 - 0,04Y - 400r$;

IS ва LM эгри чизиклари тенгламалари, шунингдек, Y даромад ва r фоиз ставкасининг мувозанат қийматини аниқланг. Агар давлат харажатлари 100 га кўтарилса, IS эгри чизиги ва даромад ҳамда фоиз ставкасининг мувозанат қиймати қандай ўзгаради?

Ечиш:

IS эгриси тенгласини топамиз:

$$Y = C + I + G + X_n.$$

$$Y = 100 + 0,8(Y - 0,2Y) + 200 - 400r + 200 + 100 - 0,04Y - 400r.$$

$$0,4Y = 600 - 800r$$

$$Y = 1500 - 2000r \text{ – IS тенгласи.}$$

LM эгриси тенгласини топиш:

$$M/P = kY - hr.$$

$$800/1 = 0,8Y - 1600r.$$

$$0,8Y = 800 + 1600r.$$

$$Y = 1000 + 2000r \text{ – LM тенгласи.}$$

Y даромад ва r фоиз ставкасининг мувозанат қийматини аниқлаш учун IS ва LM эгриларининг кесишув нуқтасини топиш керак.

$$1500 - 2000r = 1000 + 2000r.$$

$$500 = 4000r \implies r = 0,125 \text{ ёки } 12,5\%.$$

Тенглама моделларидан бирига фоиз ставкасининг мувозанат қийматини қўйган ҳолда, даромаднинг мувозанатли ҳажмини топиш мумкин:

$$Y = 1000 + 2000 \times 0,125 = 1250.$$

Давлат харажатлари ўсиши IS эгри чизиги ўннга силжитади ва даромад ҳамда фоиз ставкасининг мувозанат қийматини ортишига олиб келади. Даромаднинг янги қийматини мультипликатор ёрдамида аниқлаш мумкин:

$Y = \Delta G \times \Delta m$, бу ерда, m – давлат харажатлари мультипликатори.

$$m = 1 / (1 - MPC)$$

$$m = 1 / 0,2 = 5.$$

$\Delta Y = 100 \times 5 = 500$, яъни даромаднинг янги мувозанат қиймати $Y = 1750$.

Ушбу қийматни LM тенгламага қўйган ҳолда, мувозанатли фоиз ставкасини аниқлаш мумкин:

$$Y = 1000 + 2000r$$

$$1750 = 1000 + 2000r \implies r = 0,375 \text{ ёки } 37,5\%.$$

3-машқ. Очiq иқтисодиётда истеъмол функцияси куйидаги кўринишга эга:

$$C = 80 + 0,8Yd;$$

– инвестициялар функцияси $I = 100 - 800r$;

– солиқ ставкаси $t = 0,25$;

– давлат харажатлари $G = 60$;

– пулга талаб вазифаси $M = (0,5Y - 1000r)P$;

– пуллик таклиф $M = 200$;

– нархлар даражаси $P = 2$;

IS ва LM эгри чизиклар тенгламаси, шунингдек, Y даромад ва r фоиз ставкасининг мувозанат қийматини аниқланг. Агар давлат харажатлари 100 га кўтарилса, LM эгри чизиги ва даромад ҳамда фоиз ставкасининг мувозанатли даражалари қандай ўзгаради.

Ечиш:

IS эгри чизиги тенгламасини топамиз

$$Y = C + I + G + X_n.$$

$$Y = 80 + 0,8(Y - 0,25Y) + 100 - 800r + 60.$$

$$0,4Y = 240 - 800r.$$

$$Y = 600 - 2000R \quad \text{– IS тенгламаси.}$$

LM эгри чизиги тенгламасини топамиз

$$M: P = kY - hr.$$

$$200: 2 = 0,5Y - 1000r.$$

$$0,5Y = 100 + 1000r.$$

$$Y = 200 + 2000R \quad \text{– LM тенгламаси.}$$

Y даромад ва r фоиз ставкасининг мувозанатли даражасини аниқлаш учун IS ва LM эгри чизикларининг кесишув нуктасини топиш керак.

$$600 - 2000R = 200 + 2000r.$$

$$400 = 4000r \Rightarrow r = 0,1 \text{ ёки } 10\%.$$

Тенглама моделларидан бирига фоиз ставкасининг мувозанатли даражасини қўйган ҳолда, даромаднинг мувозанатли даражасини топиш мумкин:

$$Y = 200 + 2000 \times 0,1 = 400.$$

Пул таклифининг ўсиши LM эгри чизигини ўннга силжитади ва даромад ҳамда фоиз ставкасининг мувозанатли даражаларини камайишига олиб келади. Уларни аниқлаш учун LM эгри чизигининг тенгласига янги M қийматни қўйиш зарур:

$$300 / 2 = 0,5Y - 1000r.$$

$$0,5Y = 150 + 1000r..$$

$$Y = 300 + 2000r. \quad - \text{ LM эгри чизигининг янги тенгласи.}$$

$$600 - 2000r = 300 + 2000r.$$

$$r = 0,075 \text{ ёки } 7,5\%.$$

$$Y = 300 + 2000 * 0,075 = 450.$$

4-машқ. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

$$C = 400 + 0,9Y_d \text{ (истеъмол);}$$

$$I = 300 - 2000R \text{ (инвестициялар);}$$

$$X_n = 100 - 0,05Y - 1000R \text{ (соф экспорт);}$$

$$M = (0,4Y - 100R)P \text{ (номинал пул таклифи);}$$

$$G = 100 \text{ (давлат харажатлари);}$$

$$t = 0,5 \text{ (солиқ ставкаси);}$$

$$M_s = 180 \text{ (баҳоларнинг белгиланган даражаси).}$$

Бу ҳолатда даромадларнинг ва фоиз ставкасининг мувозанатли даражаларини топинг.

5-машқ. Иқтисодиёт қуйидаги кўрсаткичлар воситасида берилган:

$$Y = C + I + G + X_n; \quad C = 100 + 0,9Y_d; \quad I = 200 - 500R;$$

$$X_n = 100 - 0,12Y - 500R; \quad M = (0,8Y - 2000R)P;$$

$$G = 200; \quad t = 0,2; \quad M_s = 800; \quad P = 1.$$

Бундай вазиятда LM эгри чизиги тенгласи қандай кўринишда бўлади.

6-машқ. Очик иқтисодиётда истеъмол функцияси:

$$C = 300 + 0,8Y_d;$$

– инвестициялар функцияси $I = 200 - 1500r$;

– солиқ ставкаси $t = 0,2$;

- давлат харажатлари $G = 200$;
- пулга талаб функцияси $M = (0,5Y - 200r)P$;
- пул таклифи $M = 550$;
- нархлар даражаси $P = 1$;
- соф экспорт функцияси $X_n = 100 - 0,04Y - 500r$.

IS ва LM эгри чизиқлари тенгламаси, шунингдек, Y даромад ва r фоиз ставкасининг мувозанат қийматини аниқланг. Агар нархлар даражаси икки баробар ошса, LM эгри чизиғи ва даромад ҳамда фоиз ставкасининг мувозанат қиймати қандай ўзгаради?

7-машқ. Иқтисодий тизим куйидаги маълумотлар билан ифодаланган: мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми $Y = 5000$; истеъмол функцияси – $C = 500 + 0,6(Y - T)$; Солиқлар $T = 600$; давлат харажатлари – 1000 ; инвестиция функцияси: $I = 2160 - 10000R$. Бу ҳолатда мувозанатнинг реал фоиз ставкаси нечага тенг бўлади.

8-машқ. Иқтисодий тизим куйидаги кўрсаткичлар билан характерланади: Истеъмол функцияси $C = 60 + 0,8Y_d$. Режалаштирилган инвестициялар даромадга боғлиқ эмас ва $I = 40$ бирлик. Давлат харажатлари $G = 20$ бирлик. Топилсин:

- А) Иқтисодий тизимдаги мувозанатли даромад даражасини;
- Б) харажатлар мультипликатори миқдорини;
- В) давлат харажатлари 10 бирликка кўпайганда мувозанатли даромад даражасини.

9-машқ. Иқтисодий тизим куйидаги кўрсаткичлар билан характерланади:

- Истеъмол функцияси $C = 38 + 0,5(Y - T)$;
- Инвестиция функцияси $I = 50 - 100R$;
- Давлат харажатлари ва солиқлар $G = T = 20$;
- Пулга талаб функцияси: $L = 0,5 - 80R$;
- Пул таклифи $M = 160$; баҳолар даражаси $P = 2$.

- А) IS эгри чизиғи тенгламасини тузинг.
- Б) LM эгри чизиғи тенгламасини тузинг.
- В) Фоиз ставкаси ва даромаднинг мувозанатли даражасини топинг.

Г) Давлат харажатлари 20 дан 30 га қадар кўпайса фоиз ставкаси ва даромаднинг мувозанатли даражаси қандай ўзгаради.

Д) пул таклифи 160 дан 180 га қадар кўпайса фоиз ставкаси ва даромаднинг мувозанатли даражаси қандай ўзгаради.

10-машк. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан тасвирланган:

$$Y = C + I + G + X_n$$

$$C = 400 + 0,9Y_d$$

$$X_n = 200 - 0,1Y$$

$$I = 200 + 0,25Y$$

$$G = 200$$

$$\epsilon = 0,333$$

Даромаднинг мувозанатли даражаси ва автоном харажатлар мультипликаторини топинг.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ

1. IS - LM модели қисқа муддатли даврга ҳам товарлар ҳам пул бозорида биргаликда мувозанат ўрнатилиши механизмини характерлайди.
2. LM эгри чизиғи ўзгармас нархлар шароитида пул воситалари бозорида вужудга келадиган фоиз ставкаси ва даромадлар даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни акс эттиради.
3. Пулга талаб миқдорига фоиз ставкасидан ташқари даромадлар даражаси ҳам таъсир кўрсатади.
4. Даромадлар юқори бўлса, харажатлар кам бўлади.
5. IS-LM эгри чизиқлари кесишадиган нуқта IS-LM моделидаги иқтисодий мувозанат ҳолатини кўрсатади.
6. IS ва LM эгри чизиқларининг ўзаро кесишиши пул таклифи инвестициялар ва жамғармаларни ўзаро тенглаштирувчи фоиз ставкаси шаклланиши учун етарли эмас эканлигини англатади.
7. IS эгри чизиғи режалаштирилган харажатларга боғлиқ бўлганлиги учун унинг ўзгариши фискал сиёсатидаги ўзгаришларни характерлайди.
8. IS-LM модели фискал ва монетар сиёсатнинг иқтисодиётга биргаликда кўрсатадиган таъсирини баҳолаш имконини беради.
9. Фискал сиёсати фоиз ставкалари юқори бўлганда самарали бўлади.
10. Пул-кредит фоиз ставкаси минимал, яъни LM эгри чизиғи горизонтал, IS эгри чизиғи эса вертикал бўлганда самаралироқ бўлади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.

1. IS-LM моделида давлат харажатлари (G) ва пул таклифи (M) шундай ҳолатда ўзгардики, бунда даромад миқдори (Y) сақланиб қолди, (R) фоиз ставкаси эса кўпайди. Бу ҳолатда шунини қайд этиш мумкинки:

- а) G кўпаяди, M камаяди;
- б) G ва M кўпаяди;
- в) G камаяди, M кўпаяди;
- г) G ва M камаяди.

2. Товарлар ва хизматлар сотиб олишга давлат харажатларининг 10 бирликка ўсиши IS эгри чизигининг қуйидагича силжишини келтириб чиқаради:

- а) ўнгга 10 бирликка;
- б) чапга 10 бирликка;
- в) ўнгга $10 * \frac{1}{1-b}$ бирликка, бу ерда b – истеъмолга чегараланган мойиллик;
- г) чапга $10 * \frac{1}{1-b}$ бирликка.

3. Агар истеъмолга чегаравий мойиллик 0,75 га тенг бўлса, солиқларнинг 100 бирликка камайиши натижасида:

- а) IS эгри чизиги ўнгга 300 бирликка силжийди;
- б) LM эгри чизиги ўнгга 100 бирликка силжийди;
- в) IS эгри чизиги ўнгга 300 бирликка силжийди;
- г) IS ва LM эгри чизиклари бир вақтда ўнгга 300 бирликка силжийди.

4. Иқтисодиёт қуйидаги кўрсаткичлар воситасида бирланган:

$$Y = C + I + G + X_n; C = 100 + 0,9Y_d; I = 200 - 500R; X_n = 100 - 0,12Y - 500R;$$

$$M = (0,8Y - 2000R)P; G = 200; t = 0,2; M_s = 800; P = 1.$$

Бундай вазиятда LM эгри чизиги тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

- а) $Y = 1000 + 2500R$;
- б) $Y = 900 + 2600R$;
- в) $Y = 900 + 600R$;
- г) $Y = 1000 + 2700R$.

5.Иқтисодиёт қуйидаги кўрсаткичлар воситасида берилган:

$$Y = C + I + G + X_n; \quad C = 100 + 0,9Y_d; \quad I = 200 - 500R; \quad X_n = 100 - 0,12Y - 500R; ;$$

$$M = (0,8Y - 2000R)P; \quad G = 200; \quad t = 0,2; \quad M_s = 800; \quad P = 1.$$

Бундай вазиятда IS эгри чизиғи тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

а) $Y = 1600 - 2700R;$

б) $Y = 1500 - 2500R;$

в) $Y = 1500 - 2600R;$

г) $Y = 1600 - 2600R.$



**МАВЗУГА ДОИР НАЗОРAT ВА МУҲОКАМА
УЧУН САВОЛЛАР**

1. IS-LM модели қандай мақсадга хизмат қилади ва унга эҳтиёжни қандай асослаб бериш мумкин?
2. IS-LM моделининг асоси бўлган тенгламаларни санаб беринг ва уларга тавсиф беринг.
3. IS эгри чизиғининг моҳияти нимада ва қандай келтириб чиқарилади?
4. LM эгри чизиғининг асосий ўзгарувчилари нималардан иборат ва у қандай келтириб чиқарилади?
5. IS эгри чизиғи тенгламасидаги қайси параметр фискал ва пул кредит сиёсатининг нисбий самарадорлигини белгилайди ва нима сабабли?
6. Моделда макроиқтисодий сиёсат юзага келишининг шартлари қандай?
7. Ликвидлик тузоғи қайси вазиятда юзага келади ва макроиқтисодий сиёсатга қандай таъсир кўрсатади?
8. “Инвестицион тузоқ” атамаси қўлланиладиган макроиқтисодий вазиятни тавсифлаб беринг.

21-МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА НЕОКЕЙНСЧА МОДЕЛЛАРИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси.
2. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги.
3. Экстенсив ва интенсив иқтисодий ўсиш.
4. Меҳнат унумдорлигинини оширувчи омиллар.
5. Е. Домар модели.
6. Акселератор принципи.
7. Р. Харрод модели.
8. Ишлаб чиқариш ва инвестиция ҳажмлари ўртасидаги боғлиқлик модели.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.– М.: КНОРУС, 2008. – 688 с.
2. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 8-е изд. , испр. и доп. – М.: Высшее образование», 2014. – 634 с.
3. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. 9-е изд. – М.: «Дело и Сервис», 2013. – 460 с.
4. Ахмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиқтисодиёт. – Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004. – 240 б.
5. Ивашковский С.Н. Макроэкономика: Учебник. - 2-е издание. – М.: Дело, 2002. – 472 с.
6. N.Gregory Mankiw Makroeconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
7. Dornbush R. “Macroeconomics” - Boston. Mcgraw-Hill, 2001. – 574 p.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

❖ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

❖ *Эсда тутинг!*

Иқтисодий ўсиш тўлиқ бандлилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш даражасини узоқ муддатли кўпайиши тенденциясини англатади.

Экстенсив иқтисодий ўсиш янги корхоналар, йўллар, электростанциялар қуриш, янги ерларни ўзлаштириш, меҳнат ва табиий ресурсларни кўшимча жалб этиш кабилар ҳисобига таъминланади.

Иқтисодий ўсишнинг **интенсив тип**и ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига боғлиқ.

Иқтисодий ўсиш моделлари деганда иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда фойдаланиладиган, уларнинг манбаларини аниқлаш ва қонуниятларини очиқ беришга хизмат қилувчи моделлар тушунилади.

Неоокейнсча моделлар (Е.Домар ваР Харрод моделлари):

-иқтисодий ўсиш фақат инвестициялар динамикасига боғлиқ деб қаралади (яъни бир омилли моделлар);

-ишлаб чиқариш омиллари субститут эмас, яъни бир-бирини ўзаро алмаштира олмайди деб қаралади;

-Леонтьевнинг ишлаб чиқариш функциясига асосланади.

Классик моделларда иқтисодий ўсиш ишлаб чиқаришнинг барча омилларига боғлиқ, меҳнат ва капитал ўзаро алмашиналиди деб қаралади. Шунга кўра капиталнинг маълум даражасида меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси, ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажми ҳам турлича бўлади.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Уч йил давомида меҳнат сарфи миқдори ва унинг унумдорлиги тўғрисидаги маълумотлар жадвалда келтирилган:

Йил	Меҳнат сарфи миқдори, (соат)	Меҳнат унумдорлиги (бир соатда яратилган ЯИМ ҳажми (пул бирлигида))	Реал ЯИМ ҳажми, (пул бирлигида)
1	1000	100	
2	1000	105	
3	1100	105	

Аниқланг:

а) Барча йиллар учун ЯИМ реал ҳажмини;

б) биринчи йилга нисбатан иккинчи йили меҳнат унумдорлиги неча фоизга ўсди; бунинг натижасида (меҳнат сарфи ўзгармаган ҳолда) ЯИМнинг реал ҳажми қанча фоизга ортди.

в) иккинчи йил билан қиёслаганда учинчи йилда меҳнат ҳажми қанча фоизга ўсди; бунинг натижасида (меҳнат унумдорлиги ўзгармаган ҳолда) ЯИМ неча фоизга ортди.

Меҳнат сарфи миқдорининг ортиши ва унинг унумдорлиги ўсиши қандай иқтисодий ўсиш омилига қиради.

Ечиш:

а) Реал ЯИМ ҳажми:

$$1 \text{ йил} = 1000 \cdot 100 = 100000$$

$$2 \text{ йил} = 1000 \cdot 105 = 105000$$

$$3 \text{ йил} = 1100 \cdot 105 = 115000$$

б) иккинчи йилда биринчи йилга нисбатан меҳнат унумдорлиги ўсиши қуйидагини ташкил этади:

$$[(105 - 100) \div 100] \times 100\% = 5\%.$$

Биринчи йилга нисбатан иккинчи йили реал ЯИМнинг ўсиши тўлиқ меҳнат унумдорлиги ўсиши оқибатида юзага келган, чунки меҳнат сарфи ўзгармаган.

$$[(105000 - 100000) : 100] \times 100\% = 5\%.$$

Бу иқтисодий ўсишнинг интенсив омилидир.

в) учинчи йилда иккинчи йилга нисбатан меҳнат сарфи миқдорининг ўсиши:

$$[(1100 - 1000) : 1000] \times 100\% = 10\% \text{ ташкил этади.}$$

Иккинчи йилга нисбатан учинчи йилда реал ЯИМнинг кўшимча ўсиши

$$[(115500 - 105000) : 105000] \times 100\% = 9.52\% \text{ ни ташкил этади.}$$

Меҳнат унумдорлиги ўсмаганлиги сабабли бу ўсиш тўлиқ меҳнат сарфи миқдорининг кўпайиши ҳисобига рўй берди. Демак учинчи йилги иқтисодий ўсишни экстенсив деб баҳолаш мумкин.

2-машқ. Агар ялпи ички маҳсулотдаги капиталнинг улуши 25%, меҳнатнинг улуши 75% бўлса, у ҳолда капитал заҳираси йилига 2%га, ишчи кучи сони 3%га ҳамда ЯМД эса 2%га кўпайса, омилларнинг жами унумдорлигини топинг.

3-машқ. Мамлакатда жамғариш нормаси 28%ни, аҳолининг йиллик ўсиш суръати 1% ни, меҳнат тежовчи технологик тараққиёти суръати 2%ни, асосий капиталнинг ишлаб чиқариш нормаси; %ни ташкил этади. Битта ходимга тўғри келадиган даромаднинг (ишлаб чиқариш ҳажмининг) барқарор даражасини топинг.

4-машқ. Солоунинг иқтисодий ўсиш моделида ишлаб чиқариш функцияси куйидаги кўринишга эга: $y = 0.64 \sqrt{k}$ Капиталнинг чиқиб кетиш нормаси 5%, аҳоли сони йилига 1%га кўпаяди. Технологик тараққиёт суръати 2%. У ҳолда “олтин коида”га мос келувчи жамғариш нормаси миқдорини топинг.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Иқтисодий ўсиш муаммосини ўрганиш натижасида реал ишлаб чиқариш тизими дуч келувчи – чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш муаммосига ечим топилади.
2. Иқтисодий ўсиш фақат мамлакат реал даромадларининг ўсишини англатади.
3. Иқтисодий ўсиш назарияси ва моделларида ЯИМ ўрнига СИМ, ЯМД, СМД кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилиши мумкин.
4. Иқтисодий ўсиш реал катталикларда, қиёсий баҳоларда ўлчанади.
5. Агар иқтисодиётнинг қисқа муддатли ҳолати кўпроқ ялпи талаб билан белгиланса, узоқ даврга иқтисодиётнинг ривожланиши кўпроқ ишлаб чиқариш имкониятлари билан белгиланади.
6. Агар ўсиш кўшимча ресурсларни жалб этиш ҳисобига таъминланса ва жамиятдаги ресурслардан фойдаланишнинг шаклланган ўртача самарадорлиги даражасини оширмаса интенсив иқтисодий деб аталади.
7. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив тип ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига боғлиқ.
8. Иқтисодий ўсиш моделлари ялпи ишлаб чиқаришнинг узоқ муддатли кўпайиши таклиф омилларига таянган ҳолда таҳлил этиш имконини беради.
9. Иқтисодий ўсишнинг кейнсча ва неокласик моделлари мавжуд.

10. Иқтисодиётнинг барқарор динамик мувозанати тўлиқ бандлилик шароитида кафолатланган ва табиий ўсиш суръатлари ўзаро тенг бўлганда таъминланади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

❖ *Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Интенсив иқтисодий ўсишнинг манбаи бўлиб ҳисобланади:

- а) табиий газнинг янги манбалари очилиши;
- б) янги авлод станогидан фойдаланиш натижасида меҳнат унумдорлигининг ошиши;
- в) ҳафталик иш соатининг узайтирилиши;
- г) қишлоқ хўжалигида янги экин майдонларининг ўзлаштирилиши.

2. Иқтисодий ўсишнинг Домар ва Харрод моделларида инвестициялар:

- а) ишчи кучи ва табиий ресурслар билан бирга иқтисодий ўсиш омили ҳисобланади;
- б) фақат ялпи талаб компоненти деб қаралади;
- в) ҳам ялпи талаб, ҳам ялпи таклиф компоненти ҳисобланади;
- г) жамғариш меъёри пасайгандагина кўпайиши мумкин.

3. Домар моделига кўра иқтисодий ўсиш:

- а) жамғариш меъёри ва капитал унумдорлигини ўстириш ҳисобига таъминланади;
- б) фақат капиталнинг унумдорлиги ортишига боғлиқ;
- в) ишчи кучи сони ва сифатининг ўсишига боғлиқ;
- г) жамғариш меъёри пасайтирилиши билан таъминланади.

4. Қуйидаги таъкидларнинг қайси бири нотўғри.

- а) иқтисодий ўсиш потенциал ЯИМ ҳажмининг ошганлигини англатади;
- б) иқтисодий ўсишни классик кесмадаги ялпи таклиф эгри чизиғининг ҳамда ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғининг чапга силжиши кўринишида тасвирлаш мумкин;
- в) иқтисодий ўсиш аҳоли жон бошига ёки иқтисодиётда банд бўлган битта ходимга тўғри келувчи ЯИМ ҳажмининг кўпайиши кўринишида ҳам аниқланади;

г) иқтисодий ўсиш кўрсаткичи реал ЯИМ ҳажмининг базис даврига нисбатан ўсиш суръати кўринишида аниқланади.

5.Тўлиқ бандликка эришган иқтисодиётда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланиши учун:

- а) жамғариш ва инвестиция меъёрлари кичик бўлиши лозим;
- б) жамғариш меъёри катта ва инвестиция меъёри кичик бўлиши лозим;
- в) жамғариш ва инвестиция меъёрлари катта бўлиши лозим;
- г) жамғариш меъёри кичик, инвестиция меъёри эса катта бўлиши лозим.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси ва уни ўлчаш усуллари изохлаб беринг.
2. Иқтисодий ўсиш омилларини ишлаб чиқариш, талаб ва таклиф омилларига қайси тамойилларга асосланиб бўлинади?
3. Экстенсив ва интенсив иқтисодий ўсишнинг фарқлари нимада, соф интенсив ўсишга эришиш мумкинми?
4. Домар моделида инвестициялар таҳлили Кейнс таҳлилига нисбатан қандай фарқ қилади?
5. Домар моделининг асосий ўзгарувчиларига тавсиф беринг ва унинг моҳиятини тушунтиринг.
6. Иқтисодий ўсишнинг Харрод модели Домар моделидан қайси жиҳатларига кўра фарқ қилади?
7. Домар моделида иқтисодий ўсиш шартлари қандай изохланган?

22-МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ НЕОКЛАССИК МОДЕЛЛАРИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Неклассиклар томонидан иқтисодий ўсишнинг кейнсча назарияси танқиди.
2. Роберт Солоу модели.
3. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси.
4. Капитал жамғариш.
5. Жамғариш нормаси ва Э. Фелпснинг “олтин қоида” си.
6. А.Льюиснинг иқтисодий ўсиш модели.
7. Аграр ва саноат сектори.
8. Моделнинг қўлланиши имкониятлари.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБЁТЛАР

1. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное. – СПб.: Питер, 2009. – 350 с.
2. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./ Пер.с англ. – СПб.: Питер, 2009. – 544 с.
3. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009. – 592 с.
4. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд. – СПб.: Питер, 2008. – 768 с.
5. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.- М.: КНОРУС, 2008. – 688 с.
6. N.Gregory Mankiw Макроеconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
7. Dornbush R. “Macroeconomics” – Boston. Mcgraw-Hill, 2001. – 574 p.
8. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 8-е изд. , испр. и доп. – М.: Высшее образование», 2014. – 634 с.
9. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. 9-е изд. – М.: «Дело и Сервис», 2013. – 460 с.
10. Ахмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиқтисодиёт. – Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004. – 240 б.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

☞ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

☞ *Эсда тутинг!*

Неоклассик моделлар (Р. Солоу модели):

-иқтисодий ўсиш барча омилларга боғлиқ деб қаралади, яъни кўп омилли моделлар;

-ишлаб чиқариш омиллари субстиутлардир, яъни, капитал ва меҳнат бир-бирини ўзаро алмаштира олади деб ҳисобланади;

- Кобба-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясига асосланади;

Р.Солоу модели мутаносиб иқтисодий ўсишнинг зарур шарт ияли талаб ва ялли таклифнинг тенглиги ҳисобланади. Моделда ялли таклиф Кобба-Дугласнинг ишлаб чиқариш функция билан ифодаланган, яъни

$$Y = f(L, K, N),$$

Моделда юкори техник ривожланиш босқичида ернинг кичик аҳамиятга эгалиги туфайли ишлаб чиқариш фақат меҳнат ресурслари ва капиталга боғлиқ деб олинган, яъни $Y = f(L, K)$.

Функциянинг кенгайтирилган кўриниши қуйидагича:

$$Y = (\Delta Y/\Delta L)L + (\Delta Y/\Delta K)K$$


Бунда $\Delta Y/\Delta L$ – меҳнатнинг чегаравий маҳсулоти (MPL)

$\Delta Y/\Delta K$ – капиталнинг чегаравий маҳсулоти. (MPK)


Моделда ялли талаб инвестицион ва истеъмол харажатлари билан белгиланади деб олинади.

$$Y = C + I$$


Давлат харажатлари ва соф экспорт кўрсаткичлари ҳам истеъмол ва инвестициялар таркибига киритиб юборилади.




22.1-рasm Меҳнат унумдорлиги ва фонд билан қуролланганлик даражалари ўртасидаги боғлиқлик.




22.2-расм. Инвестициялар ва капиталнинг чиқиб кетишининг иқтисодий мувозанатга таъсири



22.3-расм. Жамғариш нормасининг иқтисодий мувозанатга таъсири.



22.4-расм. Аҳоли сони ўсишининг иқтисодий мувозанатга таъсири



22.5-расм. Технологик таракқиётнинг барқарор мувозанатга таъсири

МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Агар ялпи ички маҳсулотдаги капиталнинг улуши 25%, меҳнатнинг улуши 75% бўлса, у ҳолда капитал заҳираси йилига 2%га, ишчи кучи сони 3%га ҳамда ЯИМ эса 2%га кўпайса, омилларнинг жами унумдорлигини топинг.

2-машқ. Айтайлик, иқтисодиёт дастлаб $AD_0 = AS_0 = 100$ бирл. Даражада мувозанат ҳолатида бўлсин. Жамғариш нормаси 50%, акселератор 2 га тенг.

Кўшимча ўсишнинг мувозанатли даражасини, ялпи талаб ва ялпи таклифнинг мувозанатли даражаларини аниқланг.

Агар тадбиркорлар ялпи таклиф ҳажмини 150 бирликкача кўпайтирса иқтисодиётда қандай ўзгаришлар рўй беради?

3-машқ. Мамлакат иқтисодиёти $Y = A * K^{0.4} * L^{0.6}$. Маълумки, капиталнинг ўсиш суръати йилига 3%, аҳолининг ўсиш суръати-2%. Омилларнинг умумий унумдорлиги йилига 1,5% суръат билан ўсади. Ишлаб чиқариш ҳажми қандай ўзгаради?

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



♣ **Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Неокейнсчилардан фарқли равишда, неоклассиклар фақатгина рақобатга асосланган бозор тизимигина иқтисодий ўсишнинг баланслашганлигини таъминлаши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

2. Неоклассик моделлар барча иқтисодий жараёнларнинг аниқ ҳолатини қамраш хусусиятига эгадир.
3. Капитал (фонд) билан қуролланганлик даражасининг ўсиши эса инвестиция нормасига боғлиқ.
4. Инвестициялар капитал захирасини орттиради, чиқиб кетиш (амортизация) эса уни камайтиради.
5. Инвестициялар фонд билан қуролланганлик ва жамғариш нормасига боғлиқ эмас.
6. Жамғариш нормасининг ўсиши инвестициялар ҳажмининг пасайишини келтириб чиқаради.
7. Жамғариш нормасининг ошиши барқарор мувозанат шароитида юқориқроқ ишлаб чиқариш ва капитал захираси даражасига эришиш имконини беради.
8. Жамғариш жараёни ҳам, жамғариш нормасининг ошиши ҳам барқарор мувозанат ҳолатида аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ҳажмининг узлуксиз ўсиши механизмини тушунтириш учун етарли.
9. Меҳнатнинг капитал билан қуролланганлиги пасайиши туфайли уни олдинги даражада сақлаб туриш учун инвестицияларнинг капитал чиқиб кетишини қоплайдиган ҳажми зарур.
10. Барқарор ҳолатдаги иқтисодий ўсишнинг ягона шарти техник тараққиётнинг ўсиш суръати ҳисобланади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

☞ *Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Солоу моделига кўра аҳоли сонининг ўсиш суръати n га, технологик тараққиёт даражаси эса g га тенг бўлса барқарор ҳолатдаги ялпи ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати тенг бўлади:

- а) n га;
- б) 0 га;
- в) g га;
- г) $n + g$ Га .

2. Солоу моделида бир иш билан банд ходимга тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиши изоҳланади:

- а) аҳоли сонининг ўсиши билан;
- б) жамғариш меъёрининг ўсиши билан;
- в) технологик тараққиёт билан;
- г) капитал билан қуролланганлик даражасининг ортиши билан.

3. Ишлаб чиқариш функцияси ва жамғариш меъёри ўзгармас, аҳоли сонининг ўсиши ҳамда технологик тараққиёт суръатлари доимий бўлган шароритда иқтисодиётда капиталнинг чиқиб кетиш (амортизация) меъёри оширилса:

- а) битта ходимга тўғри келувчи капитал захирасининг барқарор даражаси пасаяди;
- б) битта ходимга тўғри келувчи капитал захирасининг барқарор даражаси ўсади;
- в) фонд билан қуролланганликнинг барқарор даражаси ўзгармайди;
- г) аниқ бир фикр билдириш мумкин эмас.

4.Тарихан ишчи кучининг қишлоқ хўжалигидан саноатга кўчиб ўтиши:

- а) инфляция ҳолатларини юзага келтиради;
- б) ўртача меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади;
- в) аҳоли жон бошига тўғрикеладиган ЯИМ ҳажмининг пасайишига олиб келади;
- г) ўртача меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келади.

5. Қуйида санаб ўтилганларнинг қайси бири потециал ЯИМ ўсишининг омили ҳисобланади?

- а) ишчи кучи сонининг ўсиши;
- б) иқтисодиётда капитал захираларининг кўпайиши;
- в) иқтисодиётда меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- г) келтирилган барча жавоблар тўғри.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Иқтисодий ўсишнинг неоклассик моделлари некейсча моделлардан қайси жиҳатларига кўра фарқ қилади?
2. Р. Солоунинг иқтисодий ўсиш модели қандай назарий асосларга эга?
3. Барқарор динамик мувозанат деганда иқтисодиётнинг қандай ҳолати тушунилади.?
4. Солунинг иқтисодий ўсиш моделида жамғариш нормасининг иқтисодий ўсишга таъсири қандай изоҳланган?
5. Капиталнинг чиқиб кетишини иқтисодий ўсишга таъсирини тушунтириб беринг.
6. Аҳоли сонининг ўсиши капитал билан курулланганлик даражасига ва ишлаб чиқариш ҳажмига қай йўсинда таъсир кўрсатади?
7. Солоу моделида ифодаланган техник тараққиётнинг моҳиятини изоҳлаб беринг.
8. Фелпснинг “олтин қоидаси” моҳиятининг тушунтириб беринг.
9. Ж.Мид ўз моделида меҳнат унумдорлиги ва капитал жамғаришининг ўсиши суръатлари ўртасидаги боғлиқлик қандай ифодаланган?
10. А.Льюис моделига кўра иқтисодий ўсишни таъминлаш шартлари нималардан иборат?

23-МАВЗУ: ХАЛҚАРО САВДО НАЗАРИЯСИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Халқаро савдонинг зарурлиги ва кўринишлари.
2. А. Смитнинг мутлақ устунлик назарияси.
3. Д.Рикардонинг нисбий устунлик назарияси.
4. Ишлаб чиқариш харажатлари ва ўрин алмаштириш харажатлари доимийлиги шартлари.
5. Тўлиқ ихтисослашиш.
6. Хекшер-Олин назарияси.
7. “Леонтьев парадокси (таажжуби)”.
8. Жаҳон бозорида талаб ва таклиф.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное. – СПб.: Питер, 2009. – 350 с.
2. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./ Пер.с англ. – СПб.: Питер, 2009. – 544 с.
3. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009. – 592 с.
4. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд. – СПб.: Питер, 2008. – 768 с.
5. N.Gregory Mankiw Macroeconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4. – 682 p.
6. Dornbush R. “Macroeconomics” - Boston. McGraw-Hill, 2001.,- 574 p.
7. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 8-е изд. , испр. и доп. – М.: Высшее образование», 2014. – 634 с.
8. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. 9-е изд. – М.: «Дело и Сервис», 2013. – 460 с.
9. Ахмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт. – Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004. – 240 б.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Халқаро савдо икки муҳим объектив сабаб – табиий ва хом ашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида бир текис тақсимланмаганлиги ҳамда мамлакатларда ишлаб чиқариш қучларининг бир хил ривожланмаганлигига кўра пайдо бўлган.

Халқаро савдога маҳсулотларни айирбошлаш, хизматларни айирбошлаш ва янги илмий-техник маълумотларни айирбошлаш киритилади. Бу айирбошлашларнинг барча кўриниши ташқи савдо операциялари – экспорт ва импорт операциялари ёрдамида амалга оширилади.

Халқаро савдо назариясининг классик кўринишлари А. Смитнинг «**Мутлоқ устунлик**» ва Д. Рикардонинг «**Нисбий устунлик**» назарияларидир.

Д.Рикардонинг нисбий устунлик назарияси мутлақ устунликка эга бўлмаган мамлакатлар ҳам ташқи савдодан фойда кўриши мумкинлигини асослаб беради.

Хекшер-Олиннинг неоклассик концепцияси «Нисбий устунлик» назариясини омиллар билан таъминланганлик нуқтаи назаридан изохлаб берди.

Хекшер – Олиннинг неоклассик концепциясида келтирилган уч вазият

Мамлакатлар ўзларида ортиқча бўлган ишлаб чиқариш омилини кўп талаб қиладиган маҳсулотларни экспорт қилишади ва аксинча, ўзларида тақчил бўлган ишлаб чиқариш омилларини кўп талаб қиладиган маҳсулотларни импорт қиладилар.

Халқаро савдо йўлидаги чеклашлар бекор қилинса товарларнинг турли мамлакатлардаги «омил нархи» (таннархи) нинг тенглашиши каби ўзгаришлар кўзатилади.

Маҳсулотлар экспорти ўрнини аста секин ишлаб чиқариш омиллари экспорти эгаллайди.

Э. Хекшер ва Б. Олинлар «Ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ ҳолда нархларни тенглашиши» қондасини олдинга сурган. Бунинг маъноси шундан иборатки, миллий ишлаб чиқаришдаги фарқлар ишлаб чиқаришнинг меҳнат, ер, капитал ва шунингдек, у

ёки бу маҳсулотга ички истеъмолдаги ўзгаришлар каби омилларга боғлиқ.

1948 йил америкалик иқтисодчилар П. Самуэльсон ва В. Столперлар **Хекшер-Олин концепциясини** такомиллаштиришди. Уларнинг назарияси бўйича халқаро савдо – ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик даражасидан нотекислик, технологияларининг бир-бирига мослиги, рақобатнинг ривожланиши ва маҳсулотларнинг ҳаракатчанлиги каби шароитларда мамлакатлар ўртасидаги ишлаб чиқариш омиллари нархлари тенглашади.

Эркин савдо йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш ресурсларни самарали тақсимланишга йўл очиб, провардида барча мамлакатлар учун иқтисодий ютуқ олиб келиши савдо назарияларида исботлаб берилган.

Ташқи савдо халқаро айирбошлашнинг анъанавий шакли сифатида куйидаги кўринишларни ўз ичига олади:

- маҳсулотларни айирбошлаш: ёқилғи-хом ашё маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари;

- хизматларни айирбошлаш: муҳандислик-маслаҳат хизматлари;

- транспорт хизматлари, сайёҳлик ва бошқа хизматлар. Ҳозирги вақтда хизматларнинг жаҳон экспортидаги ҳиссаси 30 фоиздан ошиб кетди;

- янги илмий-техник маълумотларни айирбошлаш: лицензиялар ва «ноу-хоу»лар. Улар ҳиссасига халқаро савдо айланмасининг 10 фоизига яқини тўғри келади.

Экспорт операцияси – маҳсулотларни чет мамлакатларга чиқариш.

Импорт операцияси – маҳсулотни хорижий шерикдан сотиб олиш ва уни мамлакатга олиб келиш.

Резекспорт операцияси – аввал импорт қилинган ва қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элга олиб чиқиб сотиш.

Реимпорт операцияси – аввал экспорт қилинган ва у ерда қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элда сотиб олиш ва мамлакатга олиб келиш.

$$\text{Савдо шароити индекси} = \frac{\text{Экспорт нархлар индекси}}{\text{Импорт нархлар индекси}} * 100 = \frac{Эи}{Ии} * 100$$



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

¶ Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!

1-машқ. А давлат бир йилда 70 та енгил спорт самолётини ишлаб чиқаради. Улардан 20 таси ички истеъмолга, 50 таси эса экспортга чиқарилади. Эркин савдо шароитларида 1 та самолётнинг баҳоси – 6000 долл. Ҳукумат тармокни рағбатлантириш мақсадида ҳар бир самолётнинг қийматидан 15% миқдорида субсидия ажратади. Натижада самолётнинг ички нархи 6450 долл.гача ошди, экспорт нархи эса 5550 долл.га камаяди. Экспорт ҳажми 70 та самолётгача ўсди.

Субсидиялар жорий қилишнинг оқибатларини аниқланг.

Ечиш:

Субсидиялар жорий қилинишини график кўринишида қуйидагича акс эттириш мумкин:

Графикда C_w эгри чизиғи А давлат самолётлари экспортини, D_d – эгри чизиғи эса ички талабни кўрсатади. Бозор мувозанатига е нуктада эришилади, яъни А давлат 6000 долл.лик нарх бўйича 80 та самолёт чиқаради. Экспортдан олинган даромад: $6000 \times 50 = 300000$ долл. тенг. Субсидия жорий қилингандан сўнг А давлат экспорти пасаяди, ишлаб чиқариш ҳажми 70 та самолётгача ортади, C_w эгри чизиғи C_c даражагача силжийди ва j нуктада бозор мувозанати ўрнатилади.

Субсидия жорий қилингандан сўнг экспорт баҳоси 450 доллар (6000-5550) га пасаяди, яъни А давлат учун учун савдо шароитлари ёмонлашади, бироқ экспорт ҳажми 70 та самолётгача ўсади.

Экспортнинг ўсиши ички бозорда самолётлар сони 10 тагача қисқаришига олиб келади: $20 - 10 = 10$, чунки ички нарх ўсади. Субсидия ажратишга давлат бюджети харажатлари 70×900 (15% от 6000 долл.) = 63000 долл.ни ташкил этади.

Шундай қилиб, экспорт субсидияси мамлакат учун савдо шароитларини ёмонлаштиради, лекин бунда ташки дунё даромадларини оширади.

2-машқ. Жадвал маълумотлари асосида фирмаларнинг қайси бирини демпингни татбиқ этишда айблаш мумкин:

	Маҳсулот бирлиги таннархи, долл.	Ички нарх, долл.	Экспорт нарх, долл.
А фирма	100	100	110
Б фирма	100	120	110
С фирма	100	90	105

Ечиш:

Жавоб топиш учун демпингнинг моҳиятини эсга оламиз. Демпинг – бу товарларни уларнинг таннархидан пастроқ нархда ёки ички бозордагига нисбатан янада пастроқ нархда экспорт қилиш. Жадвалдан кўриниб турганидек, С фирмаси маҳсулотларининг ички нархи унинг таннархидан паст, яъни бу фирма демпингни қўллайди.

3-машқ. Айтайлик ϕ мамлакатда бир дона Z товарни ишлаб чиқаришга 10 соат, бир дона w товарни ишлаб чиқаришга эса 15 соат сарфланади. Ушбу товарларни ишлаб чиқариш бўйича v мамлакат нисбатан пастроқ унумдорликка эга, яъни бир она маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми Z товар учун 19 соат, w товар учун 45 соатни ташкил қилади. Ушбу мамлакатлар ўртасида икки томон учун ҳам манфаатли бўлган савдони йўлга қўйиб бўладими. Агар мумкин бўлса ҳар бир мамлакат қайси товарни экспорт қилишини изохлаб беринг.

4-машқ. А мамлакатда X товарга талаб функцияси $D=100-10P$, таклиф функцияси эса

$S=-50+20P$ кўринишга эга. Б мамлакатда эса X товарга талаб функцияси $D=50-5P$, таклиф функцияси эса $S=20+10P$ кўринишга эга. Агар товар экспорти ва импорти фақат шу икки давлат ўртасида рўй беради деб ҳисобласак, савдо алоқалари ўрнатилганидан сўнг X товарнинг жаҳон бозоридagi нархи ва сотилиш ҳажми қанча бўлади.

5-машқ. А мамлакат X товарни 60 АҚШ долларга, яъни жаҳон бозори баҳоларида экспорт қилади. Бу мамлакатда X товарга талаб ва унинг таклифи эгри чизиқлари функцияси қуйидагича:

$$Q_d = 400 - 5P; \quad Q_s = -50 + 5P$$

Битта товарга 10 долларлик экспорт божи киритилишидан олдин ва сўнгги экспорт ҳажмини аниқланг. Экспорт божи киритилишидан давлат оладиган даромад ва истеъмолчилар кўрадиган манфаатни аниқланг.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



❖ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Ташқи савдонинг вужудга келиши уч муҳим объектив сабаб билан изоҳланади.
2. Экспорт операцияси маҳсулотни хорижий шерикдан сотиб олиш ва уни мамлакатга олиб келиш.
3. Реимпорт операцияси – аввал импорт қилинган ва қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элга олиб чиқиб сотиш.
4. Реэкспорт операцияси – аввал экспорт қилинган ва у ерда қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элда сотиб олиш ва мамлакатга олиб келиш.
5. Мамлакат мутлақ устунликка эга бўлган товар ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва ушбу товарнинг ўз истеъмолидан ортиқча қисмини сотади ҳамда бошқа товарларни сотиб олади.
6. Мамлакатлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда ёки кўпроқ устунликка эга бўлган ёхуд камроқ заифликка эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашсалар мақсадга мувофиқ бўлади.
7. Ҳар бир мамлакат бирор турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашишгунча ўтган давргига нисбатан камроқ моддий ва меҳнат харажатлари сарфлайдиган бўлади.
8. Мамлакатлар ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун валюталарини алмаштиришади.
9. Савдо шароити индекси мамлакатнинг халқаро савдодаги ҳолати тўғрисида маълумотлар беради.
10. Савдо шароити яхшиланиши экспорт ҳажми ошишига ва импорт ҳажми қисқариши олиб келади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

❖ *Танқид этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Агарда экспорт ҳажми 80, импорт ҳажми 60га тенг бўлса, ташқи савдо айланмаси қйси миқдорга тенг бўлади?

- а) 20
- б) 70

в) 4800

г) 140

2. Импорт квоталари тўғрисидаги қайси таъкид нотўғри.

а) квота, тарифдан фарқли ўларок, давлатга ҳеч қачон фойда келтирмайди;

б) импорт квоталарини жорий қилишдан давлат оладиган даромад импорт лицензияларини жойлаштириш усулига боғлиқ ;

в) квота мамлакатга товарлар импорти миқдорини чеклаш учун қўлланилади;

г) импорт квоталарининг жорий этилиши мамлакат ичидаги бу товарни ишлаб чиқарувчининг монопол ҳукмронлигини кучайтиради.

3. Импорт тарифларининг киритилиши олиб келиши мумкин:

а) давлат бюджетига тушумларнинг ва истеъмол ҳажмининг ортишига;

б) ички ресурслардан оқилона (рационал) фойдаланишга;

в) импортига тариф киритилган товарни мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига, бу товар импортининг ва ички истеъмолининг қисқаришига;

г) мамлакатда импортига тариф киритилган товарни ишлаб чиқариш қисқаришига ва унинг импорт билан алиштирилишига.

4. Экспортга субсидиялар:

а) мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг ташқи бозорлардаги позициясини заифлаштиради;

б) Бутунжаҳон савдо ташкилоти томонидан қўллаб қувватланади;

в) ишлаб чиқариш омилларидан оқилона (рационал) фойдаланишга таъсир этмайди;

г) бюджетдан молиялаштириш имкониятларига боғлиқ равишда чекланган.

5. Экспорт божларининг киритилиши қуйидагиларнинг қайси бирига олиб келмайди.

а) ишлаб чиқарувчилар даромадларининг камайишига;

б) мамлакат истеъмолчиларининг баҳоларнинг пасайиши ҳамда ушбу товарни истеъмол қилиш қисқариши натижасида йўқотишларига;

в) ушбу товарнинг ички баҳоларини пасайишига;

г) бошқа шарт-шароитлар ўзгармаган ҳолатда давлат даромадларининг ўсишига.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Халқаро савдони ривожлантиришнинг объектив ва субъектив сабаблари нималардан иборат?
2. Халқаро савдонинг шакллари ва улар ҳажмини белгиловчи омилларни тушунтириб беринг.
3. А. Смитнинг «Мутлоқ устунлик» назарияси камчилиги нимада кўринади?
4. «Нисбий устунлик» назариясининг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Савдо шароитлари тушунчанчасини изоҳлаб беринг. Савдо шароитининг яхшиланиши қандай оқибатларга олиб келади?
6. Хекшер-Олиннинг неоклассик концепсиясини изоҳлаб беринг.
7. “Леонтьев таажуби” қайси сабабли юзага келди ва қандай ечим топди?

24-МАВЗУ: ТАШҚИ САВДО СИЁСАТИ АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Тариф ва нотариф усуллари.
2. Давлат кўрган ютук.
3. Миллий фаровонликнинг соф йўқотилиши.
4. Демпингдан ҳимоя.
5. “Оптимал тариф”.
6. Экспортга божхона божлари.
7. Экспортни «ихтиёрий» чеклаш.
8. Импорт квоталари.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР


1. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное. – СПб.: Питер, 2009.- 350 с.
2. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./ Пер.с англ. – СПб.: Питер, 2009. – 544 с.
3. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика,18-е изд.: пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009. – 592 с.
4. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд. – СПб.: Питер, 2008. – 768 с.
5. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп. – М.: КНОРУС, 2008. – 688 с.
6. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 8-е изд. , испр. и доп. – М.: Высшее образование», 2014. – 634 с.
7. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. 9-е изд. – М.: «Дело и Сервис», 2013. – 460 с.
8. Ахмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт. – Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004. – 240 б.
9. Ивашковский С.Н. Макроэкономика: Учебник. – 2-е издание. М.: Дело, 2002. – 472 с.
10. Dornbush R. “Macroeconomics” - Boston. Mcgraw-Hill, 2001.,- 574 p.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

☞ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

☞ *Эсда тутинг!*

Савдо сиёсати – бюджет-солиқ сиёсатининг ташқи савдо ҳажмларини солиқлар, субсидиялар, валюта назорати ва импорт ёки экспортни тўғридан-тўғри чеклашлар орқали тартибга солишни ўз ичига олган нисбатан мустақил йўналишидир.



Бож олинмайдиган маҳсулотлар, бож олинмайдиган маҳсулотлар, олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган маҳсулотлар, шунингдек, божхона божлари ставкаси, яъни, уларнинг тартибга солинган рўйхати божхона тарифлари деб аталади.

Лицензиялаш – бу, ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат ташкилотларидан рухсат олишнинг маълум тартибидир.

Маҳсулотлар экспорти ва импортини лицензиялаш давлатга улар оқимини қаттиқ тартибга солиш, баъзи ҳолларда уларни вақтинча чегаралаш ва шу асосда ташқи иқтисодий тақчиллик ўсишининг тўхташ ҳамда савдо балансининг тенглаштириш имконини беради.

Импорт маҳсулотларга берилмайдиган лицензиялар қуйидаги усуллар ёрдамида жойлаштирилади.

1. **Очик аукцион** – давлат лицензияларни юқори баҳоларни таклиф қилган ишлаб чиқарувчиларга бериши.

2. **Афзал кўриш тизими** – давлат биринчи навбатда лицензияларни ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатдан йирик бўлган фирма ва компанияларга ҳеч қандай шарт ва талабларсиз беради.

3. **Харажат усули** – давлат лицензияларни йирик ишлаб чиқариш қувватларига ва ресурсларга эга бўлган фирма ва компанияларга беради.

Демпингга қарши қаратилган божлар жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб, ўзида қўшимча импорт божларини акс эттиради.

Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш экспорт квоталарининг бир тури бўлиб, хориж мамлакатларининг айрим мамлакатларга “ихтиёрий” экспорт миқдорларини чеклашдан иборат.



МАНЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАСЪЛАЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-масъала. Мамлакат ҳукумати шакар импортига 1 кг. шакар учун 0,02 долларлик тариф киритишга қарор қилди. Жаҳон бозорида 1 кг. Шакар нархи 0,1 доллар. Шакар ишлаб чиқаришнинг ички ҳажми эркин савдо шароитида йилига 6 млн. кг.ни, тариф киритилганидан сўнг эса 8 млн. кг.ни ташкил этади. Шакар истеъмол қилишнинг ички ҳажми эркин савдо шароитида йилига 22 млн. кг.ни, тариф киритилганидан сўнг эса 20 млн. кг.ни ташкил этади. Мамлакатга шакар импорти тариф киритилгунга қадар 16 млн. кг.ни, тариф киритилганидан сўнг эса 12 млн. кг.ни ташкил этади.

Ҳисобланг:

а) шакар импортига тариф киритилиши натижасида мазкур мамлакат аҳолиси кўрадиган йўқотишларни;

б) мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг бу тадбирдан кўрадиган ютуқларини;

в) шакар импортига тариф киритилиши натижасида давлат бюджети даромадларининг қанчага кўпайишини;

г) импортни чеклаш натижасида мамлакатда турмуш даражасидаги соф йўқотишлар миқдорини.

2-машқ. Ҳукумат автомобиль импортига бир йилда 600 бирлик миқдориди квота белгилади. Автомобилларга жаҳон баҳоси 6000 долл. Квота жорий этилгандан сўнг мамлакатдаги ички нарх 7000 долл. Эркин савдо шароитларида автомобиллар ишлаб чиқаришнинг ички ҳажми бир йилда 1200 бирликни, квота жорий қилингандан сўнг эса бир йилда 1400 бирликни ташкил этди. Эркин савдо шароитларида ички истеъмол бир йилда 2200 бирликни, квота жорий қилингандан сўнг эса бир йилда 2000 бирликни ташкил этди. Қуйидагиларни аниқланг:

а) квота жорий қилинишидан ишлаб чиқарувчиларнинг ютуғи;

б) ушбу чора қўлланганда истеъмолчилар йўқотишлари;

в) давлат бюджети даромадлари;

г) миллий фаровонликдаги соф йўқотишни.

3-машқ. Мамлакат болалар трикотажини экспорт қилади. Унинг жаҳон бозоридаги биттасининг баҳоси 3 долл. Мамлакатда ушбу маҳсулотнинг таклиф эгриси қуйидаги тенгламада келтирилган $C = 800 + 200P$, талаб эгриси эса: $D = 700 - 200P$. Мамлакатда экспорт тарифи жорий қилингандан сўнг 1 маҳсулотга ички нарх 2 долл. бўлди. Экспорт тарифининг қуйидаги таъсирини аниқланг:

а) истеъмолчиларнинг фаровонлигини;

б) ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари (йўқотиш), экспорт ҳажми;

в) давлат бюджети даромадлари;

г) миллий фаровонликдаги соф йўқотишни.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Ташқи савдони чеклаш борасида олиб борилаётган ҳар қандай чора-тадбирлар қисқа муддатли самара беради.
2. Ташқи савдони чеклаш усулларининг 100 дан ошиқроқ тури мавжуд.
3. Амалиётда ташқи савдони тартибга солишнинг таъриф ва нотаъриф усулларидан фойдаланилади.
4. Божхона божлари аввало импорт божлари ва экспорт божларига ажралади.

5. Баҳоларнинг кўтарилиши илгари рақобатбардош бўлмаган айрим ички ишлаб чиқарувчилар учун ҳам фойда кўриб ишлашга имкон беради.
6. Тариф киритилиши оқибатида истеъмолчилар талаби арзон импорт товаридан қиммат ички товарга йўналтирилади.
7. Экспорт тарифлари мамлакат муҳофаа саноатини ҳимоя қилиш имконини беради.
8. Импорт тарифлари миллий ишлаб чиқарувчиларни демпинг кўринишидаги чет эл рақобатидан ҳимоя қилади.
9. Протекционизм сиёсатининг муҳим тамойили ҳам шундаки, давлат тайёр маҳсулотларга божни кўтариш ва ярим тайёр маҳсулотларга эса унинг миқдорини пасайтириш орқали тармоқнинг ҳақиқий ҳимояланганлигини янада оширади.
10. Маҳсулотлар экспорти ва импортини лицензиялаш давлатга улар оқимини қаттиқ тартибга солиш, баъзи ҳолларда уларни вақтинча чегаралаш ва шу асосда ташқи иқтисодий тақчиллик ўсишининг тўхташ ҳамда савдо балансининг тенглаштириш имконини беради.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

♣ *Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. А мамлакат барча ресурслардан фойдаланган ҳолда 200 бирликдаги Х товарини ёки 350 бирликдаги У товарни ишлаб чиқара олади. В мамлакат эса 450 бирликдаги Х товарини ёки 600 бирликдаги У товарини ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бу ҳолда:

а) мамлакатлар орасида ўзаро манфаатли савдони йўлга қўйиб бўлмайди;

б) А мамлакат савдо муносабатларини ўрнатганидан сўнг Х товарни импорт қилади;

в) В мамлакат савдо муносабатларини ўрнатганидан сўнг У товарни экспорт қилади;

г) А мамлакат савдо муносабатларини ўрнатганидан сўнг Х товарни экспорт қилади.

2. А мамлакат бир бирлик ресурслардан фойдаланган ҳолда 2 т. пахта ёки 8 тонна бугдой ишлаб чиқара олади. В мамлакат эса

бир бирлик ресурсдан фойдаланиб 4 т. пахта ёки 10 т. буғдой ишлаб чиқариши мумкин. Бундай ҳолатда:

- а) А мамлакат бу икки махсулотни экспорт қилмайди ва пахта импорт қилади;
- б) А мамлакат пахта экспорт қилади ва буғдой импорт қилади;
- в) Б мамлакат пахта экспорт қилади ва буғдой импорт қилади;
- г) Б мамлакат экспорт қилмайди ва буғдой импорт қилади.

3. Қуйидаги жадвалда икки мамлакатда Х ва У товарларни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфи (соатларда) тўғрисида маълумотлар келтирилган:

	Мамлакатлар	
	А	Б
Бир дона Х товар	4	8
Бир дона У товар	10	16

Маълумотлардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки:

- а) А мамлакат Х ва У товарларни ишлаб чиқаришда нисбий устунликка эга;
- б) Б мамлакат Х ва У товарларни ишлаб чиқаришда нисбий устунликка эга;
- в) савдо муносабатлари ўрнатилгандан сўнг А мамлакат учун Х товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашиш мақбул бўлади;
- г) савдо муносабатлари ўрнатилгандан сўнг Б мамлакат учун Х товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашиш мақбул бўлади.

4. Импорт тарифларини киритишни ёқловчи аргумент бўлиб ҳисобланмайди:

- а) импорт товарларини ички бозорда сотиш ҳажмини кўпайтириш зарурати;
- б) мамлакат ишлаб чиқарувчиларини демпингдан ҳимоя қилиш;
- в) тўлов баланси ҳолатини яхшилаш зарурияти;
- г) мамлакатнинг янги -“ёш” тармоқларини ҳимоя қилиш зарурияти.

5. Агар мамлакатга импортга тўлов учун хорижий валюта зарур бўлса-ю, активларни сотиш ёки хориждан қарз олиш имконияти бўлмаса муаммони ечишнинг мақбулроқ йўли:

- а) Марказий банкдан валютани қарзга олиш;
- б) кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш ва хорижга сотиш;

в) солиқларни кўпайтириш ва валюта бозорида хорижий валютани сотиб олиш;

г) ҳукумат томонидан мамлакат ишлаб чиқарувчиларидан товарлар сотиб олишни камайитириш ва тежалган маблағлардан импортга тўловлар учун фойдаланиш;



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Савдо сиёсатининг моҳияти ва мақсадларини тушунтириб беринг.
2. Импортга тарифларнинг киритилишидан иқтисодий натижаларига изоҳ беринг.
3. Импортни ёқловчи ва унга қарши бўлган фикрларни таққослаб беринг. фикрларга изоҳ беринг.
4. Ишлаб чиқарувчиларга субсидияларнинг импортга тарифлардан афзаллиги ва камчиликлари нимада .
5. Импорт квоталарини киритилишининг иқтисодий оқибатлари нималарда кўринади.
6. Лицензияларни тақсимллаш усулларига қиёсий тавсиф беринг.
7. Экспортни субсидиялаш усуллари моҳиятини тушунтириб беринг.
8. Экспортни ихтиёрий чеклаш қачон қўлланилади, ва унинг оқибатлари қандай.
9. Савдони чеклаш тадбирларининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирига изоҳ беринг.

25-МАВЗУ: ТЎЛОВ БАЛАНСИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Иқтисодий ҳудуд.
2. Икки бор ёзув.
3. Ташқи савдо баланси.
4. Товарлар экспорти ва импорти.
5. Соф жорий трансфертлар.
6. Соф хорижий инвестициялар ва кредитлар.
7. Ички ва ташқи баланс.
8. Тўлов баланси тақчиллиги.
9. Марказий Банкнинг расмий валюта заҳиралари билан операциялари.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.- М.: КНОРУС, 2008.- 688 с.
2. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 8-е изд., испр. и доп. – М.: Высшее образование», 2014 – 634 с.
3. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. 9-е изд. – М.: «Дело и Сервис», 2013. – 460 с.
4. Ахмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт. – Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004. – 240 б.
5. Джумаев З.А. “Макроиктисодиёт” фанидан Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010.-598 б.
6. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие – М.: КНОРУС, 2010. – 302 с.
7. Киселёва Е.А. Макроэкономика. /Экспресс курс:учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2008. – 384 с.
8. Кушлин В.И., Ивлева Г.Ю., Клюкин П.И. Макроэкономика: Государственное регулирование в условиях глобализации; УМК дляподготовки магистров. – М. :Изд-во РАГС, 2007. – 320 с.
9. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Тесты: Учебное пособие.-2-е изд. – М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005. – 96 с.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Тўлов баланси – маълум давр мобайнида мамлакат резидентлари ва ташқи дунё ўртасида бўладиган битимлар статистик қайд қилинган ҳужжатдир. У мамлакатнинг иқтисодий алоқаларини аниқ-лўнда ифодалаб пул-кредит, валюта, бюджет-солиқ, халқаро савдо сиёсатининг ҳамда давлат қарзини бошқариш йўналишларини танлаш учун индикатор вазифасини бажаради.

Савдо баланси мамлакатнинг жорий ташқи савдо операциялари бўйича тушумлар ва харажатларни акс эттиради. Мамлакат экспорти унинг импортидан кўп бўлса жорий операциялар баланси мусбат қолдиқли бўлади.

Тўлов баланси структураси икки қисмдан иборат:

1. Жорий операциялар ҳисоби;
2. Капитал ҳаракати ҳисоби.

Жорий операциялар балансидаги ўзгаришлар ички ишлаб чиқариш ва ўз навбатида ички бандлилик билан боғлиқ.

Макроиқтисодий моделларда жорий операциялар баланси қолдиғи қуйидагича берилади:

$$X - M = X_n = Y - (C + I + G);$$

бу ерда: X – экспорт; M – импорт; X_n – соф экспорт;

$C + I + G$ - яим нинг бир қисми (абсорбция)

Капитал ҳаракати баланси активларни сотиш ва сотиб олиш бўйича барча халқаро битимларни характерлайди. Активларни сотиб олиш хорижий валютанинг чиқиб кетишини, сотиш эса кириб келишини англатади.

Капитал ҳаракати баланси = Активларни сотишдан тушадиган барча тушумлар – Хорижий активларни сотиб олишга қилинган харажатлар.

Тўлов баланси қолдиғи = Жорий операциялар + Капитал ҳаракати баланси

Тўлов балансининг таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқликлар

$$Y = C + I + G + X_n$$

$$Y - C - G = C + I + G + X_n - (C + G)$$

$$S_n = I + X_n$$

$$(I-S) + X_n = 0$$

(эгиловчан валюта курси режимида марказий банк аралашмаган шароитда), бу ерда: S_n – миллий жамғариш

$(I-S)$ – миқдори ички инвестицияларнинг ички жамғармалардан ортикчалигини кўрсатади ва капитал ҳаракати ҳисоби қолдиғини билдиради.

Асосий макроиктисодий айниятга кўра жорий операциялар ва капитал ҳаракати ҳисоблари бир-бирига тенглашади:

$$X - M = X_n = -(I-S) = S - I \text{ ички баланс.}$$

Бу шуни билдирадики, тўлов баланснинг жорий операциялар бўйича камомади капиталнинг соф оқиб келиши ҳисобига молиялаштирилади.

$$X_n < 0 \quad [\quad X - M < 0 \quad [\quad X < M;$$

$$I - S > 0 \rightarrow I > S \rightarrow \text{хориждан капитал киритилиши.}$$

Агарда инвестициялар (I) миллий жамғармалардан кўп бўлса ($I > S$), ортикча инвестициялар хориждан олинган қарз ҳисобига молиялаштирилиши лозим. Бу қарзлар мамлакатга товар ва хизматларни экспорт қилишга нисбатан кўпроқ импорт қилинишини тامينлайди ($M > X$). Яъни, соф экспорт манфий қолдиққа ($X_n < 0$) эга бўлади. Мамлакат халқаро жараёнга қарздор бўлиб қатнашади.

Жорий операциялар мусбат қолдиққа эга бўлганда, ортикча маблағлардан хорижга инвестиция қилишда ёки хориждан кўчмас мулк сотиб олишда фойдаланилади.

$$X_n > 0 \rightarrow X - M > 0 \rightarrow X > M;$$

$$I - S < 0 \rightarrow I < S \rightarrow \text{хорижга капитал чиқарилиши}$$



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Мамлакат иқтисодиёти қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

Товарлар экспорти	29700 млн. сўм.
Товарлар импорти	31700 млн. сўм.
Хориждаги қўйилмалардан фоиз кўринишида олинган даромадлар	4600 млн. сўм.
Хорижий инвесторларга фоиз тўловлари	2400 млн. сўм.
Мамлакатнинг туризмдан даромадлари	2700 млн. сўм.
Мамлакатнинг бир томонлама трансфертлари	3500 млн. сўм.
Мамлакатдан капитал чиқиб кетиши	5200 млн. сўм.
Мамлакат резидентларининг хорижий туризмга харажатлари	2800 млн. сўм.
Мамлакатга капитал оқими	8600 млн. сўм.

Мазкур маълумотлар асосида тўлов балансининг жорий операциялар счёти қолдиғини аниқланг.

Ечиш:

Тўлов балансининг жорий операциялар счёти қолдиғи қуйидагича аниқланади:

Жорий операциялар счётининг қолдиғи = (товарлар экспорти + хизматлар экспорти + туризмдан даромадлар + хориждан омилли даромад) – (товарлар импорти + хизматлар импорти + хорижий инвесторларга фоиз тўловлари + бир томонли трансфертлар).

Жорий операциялар счётининг қолдиғи:

$$(29700 + 4600 + 2700) - (31700 + 2400 + 2800 + 3500) = 37000 - 40400 = - 3400.$$

2-машқ. Мамлакат иқтисодиёти қуйидаги маълумотлар ёрдамида берилган:

Товарлар экспорти	29700 млн. сўм.
Товарлар импорти	31700 млн. сўм.
Хориждаги қўйилмалардан фоиз кўринишида олинган даромадлар	4600 млн. сўм.
Хорижий инвесторларга фоиз тўловлари	2400 млн. сўм.
Мамлакатнинг туризмдан даромадлари	2700 млн. сўм.
Мамлакатнинг бир томонлама трансфертлари	3500 млн. сўм.
Мамлакатдан капитал чиқиши	5200 млн. сўм.
Мамлакат резидентларининг хорижий туризмга харажатлари	2800 млн. сўм.
Мамлакатга капитал оқими	8600 млн. сўм.

Мазкур маълумотлар асосида капитал ҳаракати счётининг қолдиғини аниқланг.

Ечиш:

Капитал ҳаракати счётининг қолдиғи қуйидагича аниқланади:

Капитал ҳаракати счётининг қолдиғи = капитал кириши - капитал чиқиб кетиши.

Капитал ҳаракати ҳисобининг қолдиғи = $8600 - 5200 = +3400$.

3-машқ. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар истеъмоли 800 га, импорт товарлари ва хизматлари истеъмоли эса 200 га, мамлакат товарлари ва хизматларига инвестиция харажатлари 150 га, импортга инвестиция харажатлари 504 га, товарлар ва хизматлар хариди учун давлат харажатлари 250 га, умумий экспорт суммаси 500 га, бюджетга солиқ тушумлари 500 га тенг. Бу мамлакат тўлов баланси жорий операциялар счёти қолдиғини ҳисоблаб топинг.

4-машқ. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

- капитал ҳаракати ва молиявий инструментлар счёти қолдиғи 30 га тенг;

- давлат бюджети қолдиғи 20 га тенг;

- бюджетга солиқ тушумлари 40 га тенг;

- истеъмол харажатлари 250 га тенг;

- ЯИМ 250 га тенг.

Ташқи дунё, давлат ва хусусий жамғармалар йиғиндиси кўринишидаги миллий жамғармалар ҳажмини аниқланг.

5-машқ. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

Расмий захираларнинг ўзгариши	+10
Товар экспорти	+40
Товар импорти	-30
Инвестициялардан соф даромад	-30
Соф жорий трансфертлар	+10
Хизматлар экспорти	+15
Хизматлар импорти	-10
Капитал кириши	+10
Капитални чиқиб кетиши	-40

а) савдо баланси қолдиғи миқдорини аниқланг;

б) жорий операциялар баланси қолдиғини аниқланг;

в) капитал ҳаракати ва молиявий инструментлар счёти қолдиғини аниқланг;

г) тўлов баланснинг умумий қолдиғи миқдорини аниқланг.

6-машқ. Иқтисодиёт қуйидаги кўрсаткичлар воситасида тасвирланган:

$$C = 40 + 0,7(Y - T).$$

$$I = 150 - 800R$$

Истеъмол харажатлари 350, реал фоиз ставкаси R 8% га , Давлат сектори жамғармалари 10 га тенг.

Ушбу мамлакат тўлов баланснинг жорий операциялар счёти қолдиғини ҳисоблаб топинг.

7-машқ. Очиқ иқтисодиётда соф инвестициялар ҳажми – 1750 млн. сўм, уй хўжаликлари жамғармалари – 1625 млн. сўм, давлат бюджети қолдиғи – 425 млн. сўм. Ушбу маълумотлар асосида товар ва хизматларнинг соф экспортини аниқланг.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Мамлакатнинг маълум вақтдаги барча халқаро иқтисодий фаолияти, шу жумладан, ташқи савдо, капитал ва ишчи кучи миграцияси ҳам тўлов балансида ўз аксини топади.

2. Тушум фақат импорт ёрдамида таъминланиши мумкин.
3. Жорий операциялар ҳисобида маҳсулотлар ва хизматлар экспорти «плюс», импорт эса «минус» ишоралари билан белгиланади.
4. Инвестициялардан даромадлар, фоизлар ва дивидендлар бўйича тўловларни ўз ичига олади.
5. Трансферт кўринишида пул ўтказишлар шу мамлакатларнинг хорижда яшаётган фуқароларига тўланидаган нафақаларни, муҳожирларнинг хориждаги ўз қариндошларига пул ўтказмалари, турли кўринишдаги ҳукумат ёрдамларини ўз ичига олади.
6. Жорий ҳисоблар бўйича барча операциялар йиғиндиси жорий операциялар балансини ташкил этади.
7. Хорижга активларни сотиш валюта захирасини камайтирса, сотиб олиш эса уни кўпайтиради.
8. Тўлов балансини тузиш тамойилларига кўра у доимо баланслашган бўлмайди.
9. Жорий операциялар ҳисоби баланси, одатда, тўлов балансининг маълумот берувчи қолдиғи деб қаралади.
10. Капитал ҳаракати ва молия баланси қолдиғи жорий операциялар баланси ҳолатининг ойнадаги акси ҳисобланади, чунки реал ресурслар оқимини кўрсатади.



МАНЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

☞ *Тақлиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Агарда жорий операциялар бўйича баланс қолдиғи минус 60 ни, капитал ҳаракати счёти қолдиғи плюс 50ни ташкил этса, умумий балансни нолга келтириш учун расмий резервлардан жалб қилинадиган тушумлар қанчани ташкил этиши лозим.

- а) 110
- б) 60
- в) 10
- г) 50.

2. Мамлакат тўлов балансининг жорий операциялар счёти таркибига қирмайди:

- а) инвестициялардан соф даромад;
- б) чет мамлакат юридик ва жисмоний шахсларига кўрсатилган транспорт хизматлари;
- в) товар экспорти;
- г) мамлакатнинг чет элдаги активларидаги ўзгаришлар.

3. Агар А мамлакат фуқароси В мамлакат давлат хазина облигациясини 100 минг долларга сотиб олса, бу операция тўлов балансида қуйидагича акс эттирилади:

- а) молиявий счёти бўйича актив камайтирилади;
- б) молиявий счёти бўйича актив кўпайтирилади;
- в) жорий операциялар счёти бўйича активлар камайтирилади;
- г) жорий операциялар счёти бўйича активлар кўпайтирилади.

4. Агар А мамлакат В мамлакатга янги бурғулаш ускунасини сотса, бу операция А мамлакатнинг тўлов балансида қуйидагича акс эттирилади:

- а) жорий операциялар счёти активи кўпайтирилади;
- б) жорий операциялар счёти активи камайтирилади;
- в) капитал ҳаракати счёти активи камайтирилади;
- г) молия счёти бўйича актив кўпайтирилади.



**МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА
УЧУН САВОЛЛАР**

1. Мамлакат тўлов баланси неча қисмдан иборат ва уларда нималар қайд этилади?
2. Тўлов балансини тузишда икки бор ёзув принципи нимани англатади?
3. Жорий операциялар балансида акс эттириладиган операцияларни санаб беринг.
4. Капитал ҳаракати балансининг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Тўлов баланси таркибий қислари ўртасидаги боғлиқликни тушунтириб беринг.
6. Тўлов баланси тақчиллиги ва инқирози бир хил тушунчаларми?
7. Эркин тебранувчи валюта курси тизимида тўлов баланси қай йўсинда барқарорлашади?

8. Тўлов балансини макроиктисодий тартибга солиш деганда нимани тушунасиз? Бунда қандай воситалардан фойдаланилади?
9. Тўлов баланси таҳлили макроиктисодий жараёнлар тўғрисида қандай маълумотлар олиш имконини беради?

26-МАВЗУ: ВАЛЮТА КУРСИ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Валюта бозори.
2. Чет эл валютасини таклиф этиш.
3. Валюта курси.
4. Девальвация ва ревальвация.
5. Харид қобилияти поритети.
6. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар.
7. Мувозанатли валюта курси.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.– М.: КНОРУС, 2008.- 688 с.
2. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 8-е изд. , испр. и доп. – М.: Высшее образование», 2014. – 634 с.
3. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. 9-е изд. – М.: «Дело и Сервис», 2013. – 460 с.
4. Ахмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт. – Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004. – 240 б.
5. Джумаев З.А. “Макроиктисодиёт” фанидан Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт.-2010. – 598 б.
6. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010.-302 с.
7. Киселёва Е.А. Макроэкономика. /Экспресс курс:учебное пособие. – М.:КНОРУС, 2008. – 384 с.
8. Кушлин В.И., Ивлева Г.Ю., Клюкин П.И. Макроэкономика: Государственное регулирование в условиях глобализации; УМК для подготовки магистров. – М.:Изд-во РАГС, 2007. – 320 с.
9. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Тесты: Учебное пособие.-2-е изд. – М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005. – 96 с.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Валюта – кенг маънода мамлакат пул бирлигини (масалан, сўм, доллар, марка, фунт-стерлинг ва ҳоказо) англатади. Қисқа маънода валюта атамаси чет давлатларнинг пул белгиси маъносида қўлланилади. Ҳар бир миллий бозор хусусий миллий валюта тизимига эга.

Жаҳон валюта тизими – бу, халқаро айирбошлашнинг барча шакллариغا хизмат қилишга ва уларнинг самарали ривожланишини таъминлашга қаратилган мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатларининг йиғиндисидир.

Валюта конвертирлашуви деганда уни бошқа хорижий валюталарга алмашиш қобилияти тушунилади. Ҳозирги пайтда улар эркин конвертирланадиган, қисман конвертирланадиган ва конвертирланмайдиган валюталарга ажратилади.

Эркин конвертирланадиган валюта – бу, амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валюта эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валютадир. Бунга мисол қилиб АҚШ, Европа ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар, Япониялар валюталарини киритиш мумкин.


Қисман конвертирланадиган валюта – бу, фақат баъзи хорижий валюталарга алмаштириладиган ва халқаро тўлов оборотини қисман қамраб оладиган миллий валютадир.

Конвертирланмайдиган валюта – бу, фақатгина ички тўловларга хизмат қиладиган ва хорижий валютага айирбошланмайдиган миллий валютадир.

Конвертирлашни **ички ва ташқи** конвертирлашга ҳам ажратиш мумкин.

Валюта курси – бу, бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирлигида ифодаланган баҳосидир.

Давлат валюта курсларини барқарорлаштириш учун валюта бозорига таъсир қилишнинг расмий заҳираларни тартибга солиш, савдо сиёсати, валюта назорати ва ички макроиктисодий тартибга солиш каби усулларидан фойдаланади.



Номинал ва реал валюта курслари ўртасидаги нисбат қуйидаги кўринишга эга.

$$Er = En \cdot \frac{Pd}{Pt}$$

бу ерда : Er – реал валюта курси; En - номинал валюта курси ;
 Pd – миллий валютада кўрсатилган ички баҳолар даражаси (индекси);

Pt – хорижий валютада кўрсатилган чет элдаги баҳолар даражаси (индекси).

Валюта курсини ўрнатиш **котировкалаш** деб аталади. Эркин тебранувчи валюта курси талаб ва таклиф асосида аниқланади.

Қайд этилган валюта курси – хорижий валютада ифодаланган, давлат томонидан расмий ўрнатилган миллий пул бирлигининг баҳоси бўлиб, унга валюта бозорида талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсир қилмайди.

Харид қобилияти паритети концепциясига кўра валюта курси доимо турли мамлакатларда баҳолар даражасининг ўзгариши натижасида келиб чиқадиган фарқни коплаш учун зарур бўлган даражада ўзгаради

Валюта таклифининг қисқариши унинг реал алмаштириш курсини оширади.

Импортга тариф ёки квоталар жорий қилиш сиёсати соф экспортнинг ошишига олиб келади . Натижада мувозанатли реал валюта курси ошади, миллий маҳсулотлар қимматлашади ва соф экспорт камаяди.

Мамлакат ички бозорини чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қилиш мақсадида олиб бориладиган протекционистик у мувозанатли реал валюта курсини оширади ва ташқи савдо миқдорини камайтиради. Валюта курсларининг ўзгаришига, шунингдек бир қатор ташқи ва ички омиллар ва улар ўртасидаги нисбат таъсир кўрсатади.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

1-машқ. Немис маркасига нисбатан доллар курси 3:1 ни ташкил этади. Бир хил товар АҚШда 400 долл., Германияда эса 1200 марка туради деб тасаввур қиламиз. Агар доллар курси сунъий тарзда 1:2 гача пасайса, қайси экспортчи кўшимча даромад олади (АҚШми, ёки Германиями).

Кўшимча даромад қийматини аниқланг.

Ечиш:

Германияда товар ишлаб чиқарувчилар мазкур товарни АҚШга 400 долларга сотади ва доллар курси 3:1 бўлганда, у ўзига Германияда товар савдосида олган тушуми миқдоридан 1200 марка қайтариб олади; курс 2:1 бўлганда 800 марка даромад олади, яъни экспорт фойда келтирмайди.

АҚШ экспортчиси Германияда товарини 1200 маркада сотади, бунда у товарни Германияда 1:3 алмашинув курсибўйича 400 АҚШ доллариغا эквивалент суммага сотган ҳисобланади. АҚШ экспортчиси товарни Германияда 1200 маркага 2:1 курсида сотган ҳолда, ундан банкдан 600 доллар олади. Бу АҚШдаги товарнинг ўхшаш товарга нисбатан 200 долларга арзонлигини билдиради. Бинобарин АҚШ 2:1 алмашинув курсида Германияда сотганидан ҳар бирлик товар учун 200 доллардан кўшимча даромад олади.

2-машқ Б мамлакат ҳукумати А мамлакатнинг валютасига нисбатан миллий валюта курсини барқарорлаштиришни мақсад қилди деб фараз қилайлик. А мамлакатда инфляция суръати бир йилда 5%ни ташкил этади.

а) Б мамлакатда бундай мақсадга эришиш учун инфляция қандай бўлиши керак?

б) Узоқ муддатда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 3% ва пулнинг айланиш тезлиги ўзгармас бўлганда валюта курсини барқарорлаштириш учун пул массасининг ўсиш суръати қандай бўлиши керак.

Ечиш:

а) Б мамлакатда валюта курсини барқарорлаштириш учун инфляция суръати А мамлакатдаги инфляция суръатига яқин ёки тенг бўлиши керак, яъни йилига тахминан 5%ни ташкил этади.

б) Б мамлакатда пул массаси ўсиш суръатини аниқлаш учун пул миқдори тенгламасидан фойдаланамиз:

$$M = k \times P \times Y$$

ҳамда уни ўсиш суръати кўринишида ёзамиз (ҳосиласини топамиз):

$$M / M = P / P + Y / Y,$$

бу ерда, M / M – Б мамлакатда пул массасининг ўсиш суръати; P / P – Б мамлакатдаги инфляция суръати; $\Delta Y / Y$ – ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, масала шартига кўра, коэффициент k доимий. Бунда,

$$M / M = 5\% + 3\% = 8\%, \text{ яъни Б мамлакатда пул массасининг ўсиш суръати } 8\% \text{ни ташкил этиши керак.}$$

3-машқ. Иқтисодиётда Швейцария франкига талаб ва унинг таклифи қуйидагича ифодаланган:

Франк баҳоси (АҚШ долларида)	Франкка талаб ҳажми (млн. франк)	Франк таклифи ҳажми (млн. франк)
0,8	300	400
0.7	320	370
0.6	340	340
0.5	360	310
0.4	380	280

а) долларнинг мувозанатли валюта курсини ҳисоблаб топинг;

б) швейцария франкининг мувозанатли алмашинув курсини ҳисоблаб топинг;

в) мувозанат шароитида валюта бозорларида қандай миқдордаги АҚШ доллари ва швейцария франки сотиб олинади.

4-машқ. АҚШда шахсий компьютерлар нархи 1000 доллар, Германияда эса 4000 марка, деб фараз қилайлик. Агар номинал айирбошлаш курси 2 марка = 1 доллар бўлса, у ҳолда, долларнинг реал айирбошлаш курси нимага тенг бўлади.

5-машқ. Айтайлик, Япония АҚШдан X товарни импорт қилади.

Қуйидаги жадвални тўлдилинг:

Валюта курси	X товарнинг АҚШдаги баҳоси (доллар)	X товарнинг Япониядаги баҳоси (иена)	Японияда X товарга бўлган талаб ҳажми (дона)	Япония аҳолисининг X товарни сотиб олишга ялпи харажатлари (доллар)
40 иена=1долл.	5		500	
30 иена=1долл.	5		1000	
20 иена – 1долл.	5		1200	

6-машқ. Айтайлик АҚШда ишлаб чиқарилаётган компьютерлар мамлакатнинг ўзида 500 долларга, Японияда ишлаб чиқарилаётган компьютерлар эса Япониянинг ўзида 20000 иенага тенг бўлсин. Валюта айирбошлашнинг номинал курси 1 АҚШ доллари учун 20 япон. иенаси бўлсин. Долларнинг реал курсини (яъни халқаро савдода бир дона АҚШ компютериға неча дона япон компютери эквивалент бўлишини) ҳисобланг.

7-машқ. Айтайлик, номинал валюта курси харид қобилияти паритиети билан белгилансин. Бунда бир хил телевизор АҚШда 500 долларга, Хитойда эса 2000 юанга сотилади. Юаннинг долларга номинал айирбошлаш курсини аниқланг.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Ҳозирги замонда халқаро ҳисоб-китобларда ва кредитлашда асосан уч хил кўринишдаги пул воситалари ишлатилади.
2. Халқаро валюта ёки халқаро тўлов-ҳисоб ва кредитлаш воситаларига жавоб бериши керак бўлган талаб уларнинг конвертирлашуви ҳисобланади.

3. Эркин конвертирланадиган валюта – бу, фақат баъзи хорижий валюталарга алмаштириладиган ва халқаро тўлов оборотини қисман қамраб оладиган миллий валютадир.
4. Қисман конвертирланадиган валюта – бу, амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валюта эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валютадир.
5. Конвертирланмайдиган валюта – бу, фақатгина ички тўловларга хизмат қиладиган ва хорижий валютага айирбошланмайдиган миллий валютадир.
6. Давлат валюта курсларини барқорорлаштириш учун валюта бозорининг амал қилишига бевосита ёки билвосита аралашishi зарур.
7. Валюта бозорига таъсир кўрсатишнинг бошқа тадбирларига савдо ва молиявий оқимлар устидан тўғридан-тўғри назорат қилишни киритиш мумкин.
8. Котировкалаш учга бўлинади.
9. Турли пул бирликлари учун валюта курсларини ўрнатиш жараёнида бозор кучларининг таъсир этиш даражаси бир хил.
10. Эркин сузиб юрувчи валюта курслари талаб ва таклиф асосида аниқланади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

✦ *Таклиф этилаётган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Бошқа шароитлар ўзгармаган вазиятда миллий валютага бўлган талаб кўпаяди, қачонки:

а) бу мамлакатда бошқа мамлакатларга қараганда реал фоиз ставкаси нисбатан юқори, инфляция даражаси эса нисбатан паст бўлса;

б) бу мамлакатда бошқа мамлакатларга қараганда реал фоиз ставкаси нисбатан паст, инфляция даражаси эса нисбатан юқори бўлса;

в) бу мамлакатда бошқа мамлакатларга қараганда реал фоиз ставкаси ҳамда инфляция даражаси нисбатан юқори бўлса;

г) барча жавобларда келтирилган ҳолатларда миллий валютага бўлган талаб камаяди.

2. Агар мамлакатда миллий валютанинг реал алмашинув курси кўтарилса, бошқа шароитлар ўзгармаган ҳолда:

а) бу мамлакат фуқаролари учун импорт товарлари нисбатан арзонлашади;

б) мамлакат соф экспорти қисқаради;

в) тўлов баласининг жорий счёти тақчиллиги кўпаяди;

г) барча жавобларда келтирилган ҳолатлар рўй беради.

3. Агар Марказий Банк миллий валютани ревалвация қилса:

а) мамлакатдаги импорт қилинадиган хомашёдан фойдаланадиган тармоқлар зарар кўради;

б) экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар зарар кўради;

в) бу мамлакатнинг савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларда ишсизлик даражаси ўсиши мумкин;

г) мамлакатнинг соф экспорти кўпаяди.

4. Сўмнинг арзонлашуви натижасида:

а) Ўзбекистондан маҳсулот импорт қилиш чет элликлар учун қимматлашади;

б) Ўзбекистонликлар учун чет-элдан импорт қилинадиган маҳсулотлар арзонлашади;

в) Ўзбекистондан маҳсулот импорт қилиш чет элликлар учун арзонлашади;

г) соф экспорт ҳажми қисқаради.

5. Валюта тушумини ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўрнатилган меъёрлар бўйича тақсимлашдан иборат бўлган валюта назорати чораси олиб келиши мумкин:

а) импортнинг кўпайиши ва тўлов баланси ҳолатини вақтинча ёмонлашувига;

б) импортнинг қисқариши ва тўлов баланси ҳолатини вақтинча яхшиланишига;

в) миллий валютанинг алмашинув курсини барқарор ўсишига;

г) иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарор кўтарилишига.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Валюта тизимининг моҳиятини ва унинг таркибий қисмларини айтиб беринг.
2. Валюта бозори давлат томонидан қайси усуллар билан тартибга солиб турилади?
3. Ички ва ташқи конвертирлаш тушунчаларига изоҳ беринг.
4. Валюта курси нима ва уни қандай омиллар белгилайди?
5. Фоиз ставкаси ва валюта курси ўртасида қандай боғлиқлик бор?
6. Номинал ва реал валюта курсларига изоҳ беринг.
7. Харид қобилияти паритети атамасининг моҳияти нимадан иборат?
8. Реал валюта курси макроиқтисодий сиёсат таъсирида қай тарзда ўзгартирилади ва унинг миллий иқтисодиётга таъсири қандай?
9. Протекционизм сиёсатининг валюта курсига таъсири қандай баҳолайсиз?
10. Валюта курси ўзгаришининг ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳажмига таъсири механизмини тушунтириб беринг.

27-МАВЗУ: ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТДА МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Очиқ иқтисодиётда мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми.
2. Ички харажатлар ва савдо баланси.
3. Соф экспорт.
4. Экспорт ва импорт ўртасидаги боғлиқлик.
5. Очиқ иқтисодиёт учун Кейнс хохи.
6. Фискал сиёсатнинг самаралилиги.
7. Девальвациянинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири.
8. Эркин сузиб юривчи валюта курси шароитида иқтисодий сиёсат.

МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп. – М.: КНОРУС, 2008.- 688 с.
2. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 8-е изд. , испр. и доп. – М.: Высшее образование», 2014, 634 с.
3. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. 9-е изд. – М.: «Дело и Сервис», 2013. - 460 с.
4. Ахмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиқтисодиёт. – Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004 - 240 б.
5. Джумаев З.А. “Макроиқтисодиёт” фанидан Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт.-2010 й.-598 б.
6. Марьганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010.-302 с.
7. Киселёва Е.А. Макроэкономика. /Экспресс курс:учебное пособие. – М.:КНОРУС, 2008- 384 с.
8. N.Gregory Mankiw Macroeconomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4, 682 p.
9. Dornbush R. “Macroeconomics” - Boston. Mcgraw-Hill, 2001.,- 574 p.
10. Кушлин В.И., Ивлева Г.Ю., Клюкин П.И. Макроэкономика: Государственное регулирование в условиях

глобализации; УМК для подготовки магистров. – М.: Изд-во РАГС, 2007.-320 с.

11. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Тесты: Учебное пособие.-2-е изд. – М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005., 96 с.

МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

Тўлиқ макроиқтисодий модель – **очик иқтисодиёт** моделидир.

Очик иқтисодиёт- шундай иқтисодиётки, у:

- а) мамлакат ишлаб чиқараётган товарлари ва хизматларининг маълум бир қисмини экспорт ва импорт қилишини;
- б) мамлакат жаҳон молия бозорларида кредит олиши ва кредит беришини англатади.

Кичик очик иқтисодиёт - катта бўлмаган мамлакат иқтисодиётидир. Кичик очик иқтисодиёт модели капитал ҳаракати счёти ва жорий операциялар счётини ўз ичига олади.

Катта очик иқтисодиёт - кўлами йириклиги сабабли фойз ставкаси мамлакатнинг ичида рўй бераётган жараёнларнинг жиддий таъсирида шаклланадиган иқтисодиётдир.


Очик иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичлари куйидагилардир:

- а) ЯИМдаги ташқи савдо квотаси;
- б) ишлаб чиқариш ҳажмидаги экспорт улуши;
- г) истеъмол таркибидаги импортнинг улуши;
- д) инвестициялар ҳажмидани хорижий инвестицияларнинг улуши.

Манделл-Флеминг модели кичик очик иқтисодиёт модели бўлиб қайд қилинган ва сузиб юрувчи валюта курслари шароитида иқтисодий сиёсатнинг турлди кўринишларини амалга ошириш натижаларини баҳолаш мақсадида қўлланилади.

Манделл-Флеминг модели учта тенгламани ўз ичига олади:

- 1) $Y + C(Y - T) + I(r) + G + X_n(e)$, IS;
- 2) $M/P = L(r, Y)$, LM;
- 3) $r = r^*$



27.1.-расм. Манделл-Флемингнинг $Y-r$ модели

Пул ва бюджет – солиқ сиёсатининг, ташқи балансни сақлаб турган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан, нисбий самарадорлигини баҳолашимиз мумкин.

Ички мувозанат – инфляция жараёнлари мавжуд бўлмаган (ёки унинг барқарор паст даражасидаги) тўлиқ бандлик шароитида талаб ва таклифнинг баланслашганлигидир.

Ташқи мувозанат қайд қилинган, ёки сузиб юрувчи валюта курси шароитида тўлов балансининг нолга тенг қолдиғини таъминлаб турилишни англатади.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

☞ **Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!**

1-машқ. Кичик очиқ иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

- Миллий даромад-1000 ш.б.; -истеъмол харажатлари- 700 ш.б.;
- давлат харажатлари-150 ш.б.; -инвестиция функцияси $I = 250 - 10r$;
- жаҳон фоиз ставкаси-5%;

Мамлакатнинг соф экспортини аниқланг

Ечиш:

Кичик очиқ иқтисодиётда номинал фоиз ставкаси жаҳон фоиз ставкасига тенг. Шунинг учун берилган жаҳон фоиз ставкасини инвестиция функциясига қўйиб инвестициялар ҳажмини аниқлаймиз.

$$I = 250 - 10 \cdot 5 = 200 \text{ ш.б.}$$

Соф экспортни асосий макроиктисодий айният ёрдамида топамиз.

$$Y = C + I + G + X_n, \text{ бундан } X_n = Y - C + I + G = 50 \text{ ш.б.}$$

2-машқ. Кичик очик иқтисодиёт куйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

- истеъмол харажатлари- 500 ш.б.; -давлат харажатлари- 75 ш.б.;
- инвестиция функцияси $I = 200 - 8r$; -жаҳон фоиз ставкаси- 5%;
- соф экспорт- 25 ш.б.

Мамлакатнинг миллий даромадини аниқланг.

3-машқ. Сузувчи валюта курси шароитларида кичик очик иқтисодиётда LM эгри чизиғи куйидаги тенглама билан ифодаланган:

$$Y = 200r - 200 + 2(M/P)$$

IS эгри чизиғининг тенграмаси куйидаги кўринишга эга:

$$Y = 400 + 3G - 2T + 3X_n - 200r.$$

Соф экспорт функцияси: $X_n = 200 - 100e$, бу ерда

e – реал валюта курси. Нархлар даражаси $p=1$ белгилаб олинган, жаҳон реал фоиз ставкаси $r=2,5\%$. Пул таклифи $M=100$ млн.долл.

Давлат бюджети балансланган: $G=T=100$.

Товар ва пул бозорларида мувозанатга эришиш учун реал валюта курси қандай бўлиши лозим.

4-машқ. Кичик очик иқтисодиёт U товарни жаҳон баҳоларида, яъни донасини 30 доллардан импорт қилади. Ушбу мамлакатда U товарнинг талаб ва таклифи эгри чизиклари куйидаги кўринишга эга: $D=500-5P$; $S=100+2P$. Ҳар бир товар учун 10 долларлик импорт тарифи киритилиши натижасида иқтисодиётдаги умумий йўқотиш миқдорини аниқланг.

5-машқ. Иқтисодий вазият юқори инфляция ва тўлов балансининг мусбат қолдиғи билан характерлансин. Қайд этилган валюта курси шароитида, ички ва ташқи мувозанатга эришиш учун иқтисодий сиёсат тадбирларининг кетма-кетлигини тасвирлаб беринг.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ



Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!

1. Катта очик иқтисодиёт – жаҳон жамғармалари ва инвестицияларининг катта қисмига эгалик қилаётан йирик мамлакат (АҚШ, ХХР, Германия, Япония, Россия ва бошқ.) иқтисодиётидир.
2. Очик иқтисодиёт халқаро ҳисоб-китобларда миллий валютадан фойдаланишни кўзда тутди.
3. **Ички мувозанат** – қайд ан, ёки сузиб юривчи валюта курси шароитида тўлов балансининг нолга тенг қолдиғини таъминлаб турилишни англатади.
4. Очик иқтисодиётда иқтисодий сиёсат таҳлили Манделл-Флеминг моделига асосланган ҳолда амалга оширилади.
5. Тўлов балансининг тақчиллигини бартараф этиш учун давлат чекловчи пул-кредит сиёсати воситасида капитал ҳаракати балансининг ижобий қолдиғини таъминлаш чораларини кўради.
6. **Манделл-Флеминг модели** кичик очик иқтисодиёт модели бўлиб қайд қилинган ва сузиб юривчи валюта курслари шароитида иқтисодий сиёсатнинг турли кўринишларини амалга ошириш натижаларини баҳолаш мақсадида қўлланилади.
7. Алмашинув курси жуда паст бўлганлиги сабабли IS ва LM эгри чизиқлари жаҳон фоиз ставкасидан пастда кесишади.
8. Қайд қилинган валюта курси шароитида даромадга фақат таъсир пул-кредит сиёсати кўрсатади.
9. Соф хорижий активлар тўлов балансини тузиш прогнозларидан келиб чиқиб аниқланади.
10. Пул таклифини кенгайтириш фоиз ставкаларини пасайтиради ва харажатларнинг ошишига олиб келади.



МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

¶ *Таклиф этилайтган фикрларни нархлашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. Кичик даражали очик иқтисодиётда капитал ҳаракати ҳисобининг ижобий қолдиғи ҳамда жорий операциялар ҳисобининг тақчиллиги қандай сабаблар туфайли пайдо бўлиши мумкин?

- а) давлат харидлари кўпайиши билан;
- б) инвесторлар учун солиқ имтиёзлари яратилиши билан;
- в) жаҳон фоиз ставкаси пасайиши билан;
- г) барча жавоблар тўғри.

2. Агар кичик даражали очик иқтисодиётда қайд этилган валюта курси ва барқарор нархлар даражаси мавжуд бўлса, ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг реал ҳажмини қандай ошириш мумкин?

- а) тижорат банклар учун мажбурий заҳира меъёрини пасайтириш орқали;
- б) давлат бюджетининг тақчиллигини пасайтириш орқали;
- в) давлат харажатларини ошириш орқали;
- г) аҳолидан чет эл валютасини сотиб олиш орқали.

3. Агар кичик даражали очик иқтисодиётда сузиб юривчи валюта курси ва барқарор нархлар даражаси мавжуд бўлса, бандлик даражасини қандай ошириш мумкин?

- а) муомаладаги пул миқдорини ошириш орқали;
- б) муомаладаги пул миқдорини камайтириш орқали;
- в) соф солиқларни қисқартириш орқали;
- г) давлат харажатларини ошириш орқали.

4. Сузиб юривчи валюта курси шароитида рестрикцион пул-кредит сиёсати нимага олиб келади?

- а) миллий валютанинг номинал курси чет эл валютага нисбатан пасаяди;
- б) миллий валютанинг номинал курси чет эл валютага нисбатан ошади;
- в) мавжуд бўлган номинал валюта курси сақланиб туради;
- г) тўғри жавоб йўқ.

5. Сузиб юривчи валюта курси шароитида экспансионист фискал сиёсати қуйидагиларга олиб келади:

- а) миллий валютанинг номинал курси чет эл валютага нисбатан пасаяди;
- б) миллий валютанинг номинал курси чет эл валютага нисбатан ошади;
- в) мавжуд бўлган номинал валюта курси сақланиб туради;
- г) тўғри маъноли жавоб йўқ.



МАВЗУГА ДОИР НАЗОРAT VA МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Очик иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?
2. Кичик ва катта очик иқтисодиётнинг моҳияти ва фарқларини тушунтириб беринг.
3. Ташқи мувозанат атамасини изоҳлаб беринг.
4. Манделл-Флемингнинг очик иқтисодиёт моделини тавсифлаб беринг.
5. Ялпи даромад, алмашинув курси ва жорий операциялар баланси салoқлар ошганда қандай ўзгаришини Манделл-Флемингнинг очик иқтисодиёт моделидан фойдаланган ҳолда тушунтириб беринг.
6. Нима сабабдан қайд қилинган валюта курси шароитида пул-кредит сиёсати ички балансни таъминлашда самара бермайди?
7. Қайд қилинган валюта курси шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг ички мувозанатни таъминлашдаги самарадорлигини изоҳлаб беринг.
8. Сузиб юрувчи валюта курси шароитида пул-кредит сиёсати қандай мақсадлар учун қўлланилганда юқори самара беради ва нима сабабдан?
9. Сузиб юрувчи валюта курси шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг ташқи мувозанатни таъминлашга таъсири механизмини тушунтириб беринг.
10. Капитал мобиллигининг қайд қилинган валюта курси шароитида иқтисодий сиёсат самарадорлигига таъсирини изоҳлаб беринг.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Адолат, – 2015 й.
2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. - 36 б.
3. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
4. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 4-е изд. – СПб.: Питер, 2008. – 768 с.
5. Абель Э., Бернаке Б. Макроэкономика. 5-е изд. – СПб.: Питер, 2009-544 с.
6. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. – М.: «Дело и Сервис», 2005. - 464 стр.
7. Ахмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиқтисодиёт. – Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», – 2004 - 240 б.
8. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. 9-е изд. – М.: «Дело и Сервис», – 2013. - 460 с.
9. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2010, 78-92, 125-137 с.с.
10. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009.- 350 с.
11. Gregory N. Mankiw Mikroekonomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4292-4002-4, 682 p.
12. Gregory N. Mankiw Makroekonomics, Eighth Edition, Harvard University, 2013. ISBN-13: 978-1-4134-4003-5, 682 p.
13. Гальперин В.М. и другие. Микроэкономика. В 2-х-т. – СПб.: Экономическая школа, 2013, – 395 с.
14. Фуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т. Микроиқтисодиёт. Олий ўқув юртлари учун дарслик . – Т.: Шарқ, 2001, – 320 б.
15. Dornbush R. “Macroeconomics” – Boston. Mcgraw-Hill, 2001.,- 574 p.
16. Джумаев З.А. “Макроиқтисодиёт” фанидан Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2010 й.-598 б.
17. Ивашковский С.Н. Макроэкономика: Учебник. – 2-е издание. М.: Дело, 2002.,- 472 с.

18. Ишмухаммедов А.Е, Джумаев З.А, Жумаев Қ.Х. Макроиктисодиёт ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. -192 бет.
19. Киселёва Е.А. Макроэкономика. / Экспресс курс: учебное пособие - М.: КНОРУС, 2008 - 384 с.
20. Кушлин В.И., Ивлева Г.Ю., Клюкин П.И. Макроэкономика: Государственное регулирование в условиях глобализации; УМК для подготовки магистров. – М.: Изд-во РАГС, 2007.-320 с.
21. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.- М.: КНОРУС, 2008.- 688 с.
22. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие - М.: КНОРУС, 2010.-302 с.
23. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./ Пер.с англ. – СПб.: Питер, 2009. - 544 с.
24. Мэнкью Н.Г. Принципы микроэкономики: Учебник для вузов. 4-е изд. / Пер. с англ. – СПб.: Питер. 2007. – 592 с.
25. Н.И.Базылев, С.П.Гурко, М.Н.Базылева, А.К.Корольчук, М.Г.Муталимов, Л.Н.Новикова. Микроэкономика. – Издательство: БГЭУ 2000 ISBN: 985-426-183-2.
26. Нуреев Р.М. Курс Микроэкономики: Учебник. – 3-е изд. изм. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2014. – 624 с.
27. Роберт Пиндайк, Даниель Рубинфельд. Микроиктисод. Инглизчадан таржима. –Т.: Шарк, 2002. 345 б.
28. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009. -592 стр.
29. Славин М.Б. Системный подход в микроэкономике. – М.: ТЕ-ИС, 2001.
30. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 8-е изд. , испр. и доп. – М.: Высшее образование», – 2014, 634 с.
31. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник. - 6-е изд. , испр. и доп. – М.: Высшее образование», 2006, 193-215, 293-340 с.с.
32. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазиғамиз – Ватанимиз тараққийети ва халқимиз фаровонлиғини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини

- ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2010, 68-69, 93, 125, 133- б.б.
33. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Гофуров У.В., Тухлиев Б.К.. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номи асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 26-66, 83-95 б.б.
 34. Хожиев Б. ва бошқалар. Ислом Каримовнинг “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. – 2013. –86 б.
 35. Чеканский А.Н., Флорова Н.Л. Микроэкономика. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 745 с.
 36. Шодмонов Ш.Ш., Набиев Э.Ф., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси / Ўқув қўлланма –Т., 2007 йил, -122 б.
 37. Шодмонов Ш.Ш., Набиев Э.Ф., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси / Ўқув қўлланма –Т., 2007 йил, -122 б.
 38. Эгамбердиев Э. Микроиқтисодиёт. Дарслик. – Т.: ТМИ, 2004, - 226 б.
 39. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2015 год. – Ташкент, 2016, - С. 60.
 40. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2015: статистик тўплам / Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2016.

Ш.Ш.ТЎРАЕВ, И.Ю.УМАРОВ, Г.А.АЛИМОВА

МИКРО-МАКРОИҚТИСОДИЁТ

(Ўқув кўлланма)

Тошкент – «Aloqachi» – 2017

Мухаррир: М. Миркомиллов
Тех. муҳаррир: А. Тоғаев
Мусаввир: Б. Эсанов
Мусахҳиҳа: Ф. Тагаева
Компьютерда
саҳифаловчи: Н. Ҳасанова

Нашр.лиц.ii № 176, 11.06. 2010.

Босишга рухсат этилди 29.12.2017 йил.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида
босилди. Шартли босма табоғи 16,0. Нашр босма табоғи 15,75.

Тиражи 50. Буюртма № 67.

«Nihol print» ОК да чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 99./101.

